

МИРЗА МУҲАММАД ҲАЙДАР  
ТАРИХИ РАШИДИЙ

by Jasurkhan

# МИРЗА МУҲАММАД ҲАЙДАР ТАРИХИ РАШИДИЙ



## БИРИНЧИ КИТОБ МУҚАДДИМА

### Бисмиллоҳир Роҳманир Роҳийм

У подшоҳ (Худо)га ҳадду ҳисобсиз мадҳия ва қиёссиз миннатдорчиликлар бўлсинки, У зот шак-шубҳасиз энг қадимийдур, мангудир ва айбу нуқсонсиздир. У якка-ягонадир, «У зотнинг биронта шериги йўқдир» (6.163) деган оятлар бунга далилдир. У ҳоким олимга узлуксиз мақтов ва ташаккурлар бўлсинки, унинг ҳикмати умидсизлик водийсида сарсон бўлганларнинг юзига раҳмат эшигини очгандир. Ғам-қайғу кўчаларида саргардон бўлганларнинг кўлига умид гулларини тутқазгандир.

«Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз» (39.53) деган улуғ сўзи бунинг далилидир. Унинг улуғ даргоҳида ер юзининг такаббурлари хору зор ва эътиборсиздир. Фақирлик ва ожизликка мубталолар – чақасиз ва сармоясиз бечоралар унинг саховат дастурхонидан насибалик ва баҳраманддир.

Шу қадар хайр-эҳсон эгасидирки, унинг қабул қилишининг баракотидан қабул қилингувчиларнинг кўнглига иқбол қуёши нур сочгандир. Айбларни ёпувчидирки, фалақдек қудратли подшоҳлар унинг олий даргоҳида илтижо ва талаб қўлларини тавозеъ ва ёлвориш билан узатгандир.

Қудрат эгасидирки, турк жанговари деб аталган Баҳром (Миррих, Марс сайёраси) унинг улуғ даргоҳида хизмат камарини белига боғлаган бешинчи осмон посбонидур.

Ҳинд ботири деб аталган Кайвон (Зухал, Сатурн) юлдузи унинг салтанат пардаси олдида туришга белгиланган еттинчи осмон соқчисидир. Бош котиб Аторуд сайёраси бўлса, абадийлик девонида ўз амри билан яратган «Қалам ва у билан битиладиган битиклар билан» (68.1) машғул бўлишга белгиланган назоратчидир.

Назм:

Боши кўкка етган улуғ шоҳлар ҳам  
Унинг даргоҳида бошин қилур ҳам.  
Қайсарга у дарҳол қаҳр этмагай,  
Узр сўраганга жабри етмагай.

Улуғлик, мартаба фақат унга хос,  
Мулки қадимийдир, зоти хосулхос.

У зотнинг жамоли даргоҳи шу қадар юксақдирки, ўй-фикр даракчиси унинг атрофидаги улуғ соясига етишга ожиз, улуғлик даргоҳининг саҳналари шу қадар кенгдирки, хаёл жодуси унинг атрофларига яқинлашиш имкониятидан маҳрумдир.

Назм:

Унинг таъзимига тизилиб шоҳлар

Қўл чўзиб туришар тиланчи мисол.

Чунки у энг азиз, якка-ягона,

Энг улуғ, абадий, бемислу тимсол.

Пайғамбар алайҳиссаломга пок саломлар ва барча улуғ мадҳиялар бўлсинки, унинг лавҳларининг саҳифаси «Албатта Аллоҳ ҳам, Унинг фаришталари ҳам пайғамбарга дуою саловат айтурлар» деган марҳамат ёрлиғи билан зийнатланган.

Назм:

Унинг нури малаклар машъалининг ёлқинидандир,

Унинг файзи фазолар тоқи Аршнинг манзилидандир.

Унинг даргоҳига тортиқ бутун шоҳлар ва тожу тахт,

Унинг маҳрамларининг манзили қудсий макон ҳар вақт.

У шу қадар илм ва давлат эгасидирки, Исои Рухуллоҳ: «Албатта, мен Аллоҳнинг сизларга юборган пайғамбаридирман. Мен ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқлагувчи ва ўзимдан кейин келадиган Аҳмад исми бир пайғамбар ҳақида хушхабар бергувчи зот сифатида юборилдим» деган башоратни оламнинг ҳамма тарафларига етказган ва бу башоратнинг шарофати билан «Аллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтираман», деган шарафли манзилга етишди.

Назм:

Масиҳо ташрифидан берди мужда,

Шу мужда туфайли тиргузди мурда.

Мусо алайҳиссалом ҳам: «Аллоҳ Аҳмад (Муҳаммад)нинг умматларини яратади» деган орзуси унинг абадийликка туташган давлати далилидир. Ана шу орзунинг шарофатидан у оппоқ хосиятлик қўл (Яди Байзо)га эришиб бахт-саодат топди.

Назм:

Муҳаммад олам аҳлин кўз нуридир,

Ёруғ жаҳон бўстонининг гулидир.

Бори шоҳлар узра у келди сардор,

Икки оламдаги шаҳаншоҳ – тождор.

Унга, унинг оиласи аҳлига, саҳоба ва авлодларига дуо ва саломлар бўлсинки, улар сараланганлар тахтгоҳининг юсак мартабасида ўрин олган ва «Мен сизлардан бу даъватим учун ажр-мукофот сўрамайман, фақат қариндошчиликдаги дўстлик-яқинликнигина, яъни «Мен сизлар билан насл-насаб жиҳатидан қариндош бўлганим ҳаққи-ҳурмати бу даъватимга тўсқинлик қилмасликларингизнигина сўрайман» (42.23) деган хитоб майдонининг кўзга кўринган зотларидир. Унинг барча издош, дўст ва ёрдамчиларига дуо ва саломлар бўлсинки, улар ҳақиқат майдонининг жасур жангчилари, тариқат даргоҳининг садоқатманд ошиқларидир.

Хусусан, қариндошларнинг улуғи, яхшиларнинг яхшиси «Унга фақат бир киши (Яъни Абобакри Сиддиқ) йўлдош эди. Айни замонда у иккиси ёрда эди» (9.40) деган оятда зикр қилинган зот, мўминларнинг амири, ростгўй – садоқатли дўст Абобакри Сиддиққа (Тангри ундан рози бўлгай ва салом юборгай).

Назм:

Қай маъракада вафо, сахо сўзи қизиқдир

У ким дея сўрама: Абобакри Сиддиқдир.

Аҳду вафода устувор, халифалик мартабасининг соҳиби, савоб ва хато (ҳақ ва ноҳақ)ни аниқ фарқ этувчи, мўминларнинг амири Умар ибни Хаттобга (Тангри таоло ундан рози бўлгай).

Назм:

Дин қуёши камол кўкига етди,

Мусулмонларга соя солди Умар.

«Қуръон»ни жамлаб чиққан, ҳар ишда мулойимлик ва шарм-ҳаёнинг кони бўлган, мўминларнинг амири ҳазрати Усмон ибни Аффонга (Тангри уни раҳмат қилгай, ундан рози ва мамнун бўлгай).

Назм:

Аторуд, Ою Зуҳра – кўкни нақши,

Вале мен қуёшни васф этсам яхши.

Ҳашаматлик, тамкинли ва улуғвор имом, Дулдул ва Зулфиқор эгаси, «ло фато» (ёшларнинг улуғи) исми билан танилувчи, пайғамбаримизнинг ички ва ташқи сир-асрорларининг маҳрами – сирдоши, пайғамбарнинг ғолиб қариндоши, мўминларнинг амири Али ибни Абу Толибга (Аллоҳ унга яхшиликлар ато қилгай).

Назм:

Аллоҳга валию набийга ворис

Али валий эди тенгсиз фаворис.

Шу важдан қуёшдек эди равиши,

Тўртинчи осмондан юз кўрсатиши.

Назм:

Илму ҳалимлигу ҳаё шиори,  
Муҳаммад жияни, Аллоҳнинг шери.

Яна икки шаҳзода – Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнға ҳисобсиз салому мадҳиялар бўлсинки, улар пайғамбар алайҳиссаломнинг кўз қорачиқлари, жигарпоралари, Аршга етган улуғ зотнинг азиз неваралари, бутун оламни ёритувчи ва парвариш қилувчи Аллоҳнинг дўсти (Муҳаммад с.а.в)нинг кўз нурларидир.

Назм:

Ундан ҳам, бундан ҳам дин топди камол,  
Ҳар икки имомга дуою салом.

Яхшиларнинг хўжаси, хушxabарларнинг манбаи пайғамбар алайҳиссаломнинг шарафли тоғалари бўлган ҳазрати Умар Ҳамза ва ҳазрати Аббос – улар шариат чодирига ёпқич, дин уйига асос эди – қаторларида ва покликда номи камол топган ўнта улуғ саҳобага ва уларнинг пок руҳларига кўпдан-кўп дуою саломлар бўлгайки, ҳаловат тахти улар вужуди билан зийнат топгандир. Улар ҳокимият ишларининг моҳир саркардалари, шариат дунёсининг қобил ҳокимлари эди (Тангри таоло уларнинг ҳаммаларидан рози бўлгай).

Булардан кейин ўткир кўзликлар назарига ва донишмандлар кўнглига махфий қолмагайки, Тангрининг муқаддас самовий сўзларидан иборат бўлган, эъзозга сазовор улуғ китоб – «Қуръони Карим» Муҳаммад Мустафо (с.а.в)га тушган буюк ва очиқ-ошқора ҳужжатлардан бўлиб, «Аллоҳ сўзларининг тўплами» бўлганлиги билан азиздир ва у уч қисмга бўлинади: биринчиси, буюк ва муқаддас Тангрининг яқка-ягоналиги; иккинчиси, Муҳаммад (с.а.в) шариатининг ҳукмлари; учинчиси, тарихлардан таркиб топгандир. Бинобарин, «Уни фақат таҳоратли – пок кишиларгина ушларлар» (56.79) деган оят мақсадларининг учдан бир қисми қадимда ўтганларнинг аҳволларини билишдан иборатдир. Бу ҳам бўлса, тарих илмининг фазилатларини исботлайдиган равшан далилдир. Яхши маълумки, бу илмининг фойда-манфаатларини ҳар соҳа, ҳар қавм кишилари бирдек эътироф қилишади. Гап шундаки, халқ, балки олам аҳлининг ҳаммаси бу илмга амал қилади ва аввал ўтганларнинг ривоят ва ҳикоятларини келтиришади. Уни ўзларига далил – ҳужжат қилишади. Унга қатъий риоя қилишади.

Туркий қавмларда ҳамма воқеа-ҳодисаларда, ҳар қандай муҳим ишларнинг ҳаммасида, балки барча муомала-муносабатларда уларнинг сўзлари биносининг асоси илгари ўтганлар қолдирган ривоятлар ва ҳикоялар устига қурилган бўлади. Шу боис, мен – Аллоҳнинг энг фақир бандаси, Аллоҳ марҳаматидан ўзга бирон нарсага муҳтож бўлмаган Муҳаммад Ҳайдар ибн Муҳаммад Ҳусайн кўрагон, дўстлари орасида Мирзо Ҳайдар номи билан танилган кимса, имкониятим йўклиги ва билимим етарли эмаслигига қарамай, бу залворли ишга киришмоқдаман, чунки мўғул хонлари, мана неча замонларки, дунёни фатҳ этиш ишларидан четлашиб, дунёнинг обод манзилларидан кўра саҳрони афзал билишди ва шу боисдан улардан ҳеч ким тарихни ёзмади, улар ўз аждодларини оғзаки ҳикояларда эслашади, холос. Мана ҳозир, 951 (1544-1545) йилда ўша ҳикояларни эслайдиган одамлардан ҳеч ким қолмаган. Бу муҳим ишни қилишга мен чоғланишимнинг сабаби шундаки, агар шунга мен киришмасам, унда мўғул хонлари тарихи замон саҳифасидан тамоман ўчиб кетади.

Мен қанчалик мулоҳаза қилган ва ақл кўзи билан кузатган бўлмайин, китобнинг муқаддимасида буюк Тангрига ҳамду сано айтиш, карамлик пайғамбаримизга саловату дуолар йўллаш учун ўзимда бу ишга ярайман, деган ишончни тополмадим..

Назм:

Мен шўрлик саргардон бир бечораҳол,  
Кимманки Аллоҳни мадҳ этсам? Ҳайҳот!

Юрагим титрайди сўз очай десам,  
Зикр этай Аллоҳнинг сўзини бот-бот.

Китобнинг бошида табаррук қилиб, яхши ният билан уламолар етакчиси, тариқат аҳлининг йўлбошчиси, шариат қонунларининг билимдони, ўзидан олдин ўтганлар қолдирган илмларни ва ўзи етишган илмларни пухта ўзлаштирган олим Мавлоно Шарафиддин Али Яздий (Аллоҳ уни раҳмат ва мағфират қилгай)нинг «Зафарнома» асарининг муқаддимаси ва бошланиш қисмини тўлиқ келтирдим.

Чингизхондан то Туғлуқ Темурхонгача бўлган мўғул хонларининг ва мўғул қавмининг тарихи тарихий китобларда сақланган бўлса-да, бироқ Туғлуқ Темурхондан кейин ҳукмронлик қилган хонлар ҳақида у китобларда ҳеч нарса йўқ. Тўғрироғи, гап ўша хонларга етганда, тарихчилар уларнинг ҳаётларини юзакигина ёритиб кетишган, холос.

Хуллас, фақир ушбу тарихни Туғлуқ Темурхондан бошладим. Бунинг учта сабаби бор: Биринчиси шуки, Туғлуқ Темурхонгача бўлган хонлар ҳақида ёзишган, ундан кейинчилари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Мен тарихий китобларда келтирилмаган маълумотларни ёритишни лозим топдим. Туғлуқ Темурхон давригача етарли тарих бўлатуриб, яна уни такрорлаш Фурот дарёси ёқасида қудуқ қазишдек иш бўлади. Иккинчи сабаб: Туғлуқ Темурхондан кейин ҳеч бир хонга у даражада улуғ мартаба, у қадар кўп фатҳ-

зафар, у қадар улуғлик ва салтанат муяссар бўлмаган. Учинчи сабаб: мўғул хонларидан ана шу Туғлуқ Темурхон биринчи бўлиб ислом йўлига мушарраф бўлгандан кейин бутун мўғул халқи кофирлик асоратидан халос бўлди. Бошқа халқларга ўхшаб мусулмон бўлишди. Зотан, мана шу сабабларга кўра бу «Тарих» Туғлуқ Темурхоннинг номи ва унинг муборак зикри билан бошланди. Яна учта сабаб туфайли бу китоб «Тарихи Рашидий» деб аталди. Биринчиси: Туғлуқ Темурхон ҳазрати Мавлоно Аршадидин қўлларидан мусулмон бўлган эди. Бунинг боиси тез орада зикр қилинади. Иккинчи сабаб, Туғлуқ Темурхондан илгари Бароқхон ва Бароқхондан кейин Кебекхон мусулмон бўлишди. Аммо, мўғул хонлари ва мўғул улуси исломда тўғри йўлни тополмай, ундан чекиниб, ўз ғаддор табиатлари чангалидан чиқолмай, дўзахга кирувчилар қаторида қолишди. Лекин бу саодатманд Туғлуқ Темурхон мусулмон бўлгандан кейин мўғул улусига исломда тўғри йўл топиш бахти муяссар бўлди. Бу китобнинг ибтидоси Туғлуқ Темурхоннинг зикрлари билан бошлангач, ушбу китобни «Тарихи Рашидий» деб атамоқ муносиб кўринди. Учинчи сабаб: Мўғул хонларининг бу кунлардаги вакили Абдурашидхондир. Бу «Тарих» унинг исмига ва унинг қилган ишларига бағишлаб битилди. Шунинг учун, ана шу учта сабаб билан бу китобга «Тарихи Рашидий» деб ном берилди. Бу тарих икки китобга бўлинади. Биринчи китобда Туғлуқ Темурхон ҳаётининг дастлабки даври баёнидан тортиб то Абдурашидхоннинг зикригача ҳикоя қилинади. Иккинчи китобда фақирнинг аҳволларим ва ўзбек, чиғатой хонлари ҳамда бошқаларнинг ҳаётларидан мен ҳақир кўрган, эшитганларим – чунки мен уларга замондош эдим – ўша вақтларда бўлиб ўтган воқеалар баён қилинади. Бу фақир бандасини Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ўз пок инояти билан мўғул халқлари доирасидан чиқариб, ўзгалардан мумтоз ва бадавлат мустақил арбоб қилди, яқинларимга зору муҳтож қилмади. Мен билан бир қавмдан бўлган амаким, тоға, аммаю холаларимнинг фарзандлари бўлган мўғул хон ва хоқонлари томонидан менга нисбатан ёмонлик, муҳолифат ва келишмовчиликлар содир этилди. Шулар хусусида ҳам иккинчи китобда бирозгина сўз юритилади. Уларнинг кўнгиллари шунчалик қаттиқки, менинг исмим «Ҳайдар» эканлиги, маъноси ҳаёт, тириклик эканлигини билатуриб менга ўлим тилайдилар.

Фард:

Хоҳласанг сен биҳиштга бормоқ,  
Ўзгалар хоҳиши сақарга юрмоқ,  
Ушбу жиҳатдандирки.

Рубоий:

Сенинги дарду ғаминг ёри азизимдир,  
Жафою жавр етар барча дилпазиримдир.  
Ушбу саодат етар, бас мани агар кўрсанг  
Ки хотирингга кечар: «Бу гадо асиримдир».

Бу фақирнинг онаси ва онамининг онаси шундай бир неча аждодгача ҳаммаларининг онаси хоқонларнинг аммаларидир ва ота тарафдан ҳам ушбу нисбат бордур. Шунчалик бўлишига қарамай мен фақир ўн уч ёшда аянчли етимликда Султон Саидхоннинг хизматларига етдим. У хон оталик шафқати билан мени ризқ топиш машаққатидан улуғлик мансабига етказди. Дўстлик йўсини ва қадрдонлик ришталарини шундай маҳкам ва мустаҳкам қилдики, ҳатто у хоннинг болалари ва биродарлари бунга ҳасад этдилар. Йигирма тўрт йил Султон Саидхоннинг хизматларида фазилатларини ўзлаштириб, уларнинг тарғиб ва таълимлари билан улуғлик ва ҳашамат чашмасига чўмдим. Хат-савод чиқармоқ, шеър айтмоқ ва шеършунослик фанида ва баён услубини яхшиламоқ ва зийнат бермоқликда, мусаввирлик, хаттотликда ўзим ҳам замондошларим орасида мумтоз ва моҳир бўлдим. Ва бошқа ҳунарларни: муҳр ўймоқ, тош кесмоқ, заргарлик ва зарҳаллаш, совут ва ўку ёй яшаш, меъморлик ва дурадгорлик ҳамда бошқа хилма-хил касбларни эгалладим. Ушбу ҳунарларни шу даражада ўзлаштирдимки, ушбу касбдаги моҳир устозларнинг кўплари менга шогирд даражасида қолдилар. Бунчалик фазилат ва ҳунарларни эгаллашимга хон саъй-ҳаракатлари ва рағбатлантиришлари сабаб бўлди. Бунинг устига салтанат ишлари, кенгаш-машварат усуллари, жанг қоидалари, тунги босқинлар, ўқ-ёй отиш, ов қилиш, овга етакчилик қилиш сингари давлат ишларида зарур бўлган барча ҳунарларни эгаллашимда устозим ва тарбиячим Султон Саидхон ҳазратлари бўлди. Юқорида зикр қилинган касб-ҳунар, санъатларнинг кўпчилигида хонга шогирд эдим. Гарчи хоннинг ўғилларидан менга ва туғишганларимга нисбатан энг даҳшатли ёмонликлар содир этилган бўлса-да, буларни менга хон томонидан кўрсатилган марҳаматлар билан қиёслаб ўша ёмонликлардан кўз юмиб, бу «Тарих»ни унинг ўғли шарафига битдим. У буни қабул қиладимми-йўқми, барибир, бу мендан унга, ундан эса халққа ёдгор бўлиб қолади. Китобнинг номи ҳам унинг муборак номи билан боғлиқ, унинг шарафли унвонлари ҳам қуйидагилар: Хоқон ибн Хоқон, Султон ибн Султон, Аллоҳга така қилувчи шафқатли ҳукмдор Абулмузаффар Абдурашидхон бахтиёр ҳаёт кечириб, шахидлик мартабасини топган Абулфатҳ Султон Саидхоннинг ўғли.

Қитъа:

Тилим йўқ ҳеч, Илоҳо, сўзламакка,  
Ки Ҳайдарга не сўзларга ҳад бўлгай.

Ки шоҳ Абдурашид аъзам Уммону  
Улуғлик тоғига у сармад бўлгай.  
Бу шоҳ васфию жоҳу жалолин  
Демак, бундан зиёда ибрат бўлгай.

---

### Биринчи фасл. «Тарихи рашидий»нинг ибтидоси

Яратувчи Тангри таоло олам ва одамни яратаётган пайтда уларга: «Мен сизларнинг Парвардигорингиз эмасманми?» дея мурожаат қилди. У бахт-саодатга мушарраф қилган баъзи бандаларини (Аллоҳ хоҳлаган бандасига иноят кўргизади) «ҳа» жавобини бериш шарафига муяссар қилди. Айрим бандаларини эса бахтсизликка мубтало этди. Зеро, «Аллоҳ уларнинг диллари ва кулоқларини муҳрлаб қўйган. Кўзларини эса парда қоплаб олган» (2,7) деган оятга кўра, Аллоҳ уларнинг пешоналарига инкор муҳрини босиб: «Улар қар ва соқовдирлар» (6.39) деди. Биринчи гуруҳдаги одамларга қилинган иноятдаги ва иккинчи гуруҳга берилган жазодаги донолик шундаки, ҳеч бир сабаби йўқлигига қарамасдан, улар ақлга сизмайди ва уларни мулоҳаза қилиш ман этилган, камина – фақир қул буни баён қилмоғим керак. Гарчи иймон дил билан тасдиқ қилмоқ ва тил билан иқрор қилмоқ бўлса-да, иймоннинг моҳияти – ғайбга ишониш демак ва бу бахт-саодатни ақл билан англаб бўлмас.

Фард:

Ақл йўли ҳам гоҳ айлагай хароб,  
Яратгандан ўзга барчаси сароб.

Азалий ҳидоят – бу Аллоҳнинг иноятидир, бундай иноятга ноил бўлмоқ – демак, ғайбга иймон келтирмоқдир, бу нарса инсонга юқоридан берилади, уни одам ўзи яратмайди.

«Кашф ал-махжуб» («Ғойибни кашф этиш») асари муаллифи ҳикоя қилади: Одамлар мусулмонларнинг амиралмўминини Али (Аллоҳ уни раҳматига олган бўлсин)дан «Маърифат (танимоқ) нима дегани» деб сўрадилар. У дедик: «Мен Аллоҳни Аллоҳ кўмагида танидим, Аллоҳнинг ғайрини Аллоҳ нури билан танидим».

Шундай қилиб, қудратли Аллоҳ танани яратиб руҳга, танага ҳаёт бер, деб буюрди, дилни яратиб, унга жон ато қилишни ўз бўйнига олди. Зеро, ақлда танага жон ато қилиш қудрати йўқдир, унда тирилтириш қудрати ҳам йўқ, Аллоҳ айтган: «Улар аввал ўлик бўлган, биз уларни тирилтирдик» (6.122) ва шу тариқа дилни тирилтиришни ўз зиммасига олди. Шунда у: «Биз унга одамлар орасида ўзи билан олиб юрадиган нур (иймон)ни ато этдик» (6.122) деди. Яратувчи айтди: «Мўмин бандаларимга таралиб турган нур мендирман». Шунингдек, у яна айтди: «Ва қалбини бизни зикр этишдан ғофил қилиб қўйган, ҳавойи нарсага қул бўлган, қилар иши исрофгарчилик бўлган кишиларга эргашган ҳамда (ўзларининг ҳам) қилган ишлари исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг!» (18.28). Модомики дилга Аллоҳ жон ато этган экан, унда ғайри илоҳий бўлган ҳамма нарса – баҳона ва сабаб эканлигини билган кишига ана шу баҳона ва сабабни Яратгanning иноятсиз тушунтириб бериш мушкулдир. Шу пайтгача биз «Кашф ал-махжуб» асаридаги изоҳларни келтирдик, зеро бунга банди оғизнинг билимлари камлик қилади.

Барҳаёт ҳидоятнинг насими эсан чоғ дил гулшанида иймоннинг ғунчаси очилур. Агар Аллоҳ бандаларини ҳидоят сари бошламай қўйса, унда Од қавмининг тўзонлари кўтарилиб, дил гулшанидаги гулларни томири билан қўпориб ташлайди ва гуллар очилмасдан нобуд бўлади.

Фард:

Болта ўтин ёрган каби бегумон,  
Тонг ели учирар гул баргин ҳар ён.

Чунончи, Пири Ҳирот Хожа Абдуллоҳ Ансорий (Аллоҳ уни раҳмат қилсин) айтди:

«Абу Жаҳл Каъбадан чиқди, Иброҳим Халил бутхонадан чиқди. Ҳар икковиям Аллоҳ иноятига сазовор бўлиш умидида чиқишди, қолган барчаси мақсадга эришиш йўлидаги баҳонадир».

Бу муқаддимадан мақсад Туғлуқ Темурхоннинг исломга кириш сабабини кўрсатишдир. Унинг олдига Шайх Жамолиддинни келтирдилар, қарашса, хон итларни тўнғиз гўшти билан боқиб ўтирарди.

Хон сўради: «Эй тожик, сен яхшироқми ёки бу итми?» Шайх (Аллоҳ уни раҳмат қилсин) жавоб берди: «Агар иймон мен билан бўлса, мен яхшироқман, иймон мен билан бўлмаса, ит мендан яхшироқдир». Бу сўзлар хонга қаттиқ таъсир қилди ва унинг дилида исломга муҳаббат қарор топди ва қодир Аллоҳ бунга изн берса, биз ҳам бунинг шарҳини битурмиз.

Туғлуқ Темурхон Эсан Буғохоннинг ўғлидир. Мана, Эсан Буғохоннинг шажараси: Эсан Буғохон ибн Дувожихон ибн Бароқхон ибн Қаро Ису ибн Мотукан ибн Чигатой ибн Чингизхон ибн Йасукой ибн Биртон ибн Кобил ибн Тумана ибн Бойсунғар ибн Қайду ибн Думанин ибн Буқо ибн Бузанжирхон, у Аланкува Кўрклукхоннинг ўғли эди. Аланкува жуда пок аёл бўлган. У ҳақда «Зафарнома»да шундай ҳикоя қилинади: «Туйнуқдан унинг уйига бир ёруғлик нури тушди ва у нур Аланкуванинг оғзига кирди, шундан сўнг у ўзининг ҳомиладор эканлигини сизди, бу худди Жаброил алайҳиссаломнинг нафасидан Имроннинг қизи Марямда эркак дахлисиз ҳомила пайдо бўлганига ўхшайди» .

Фард:

Марям қиссасини эшитсанг тилдан,

Аланкува ҳолин англайсан дилдан.

Ушбу китобнинг – бу ҳикоялардан мақсади шуки, Бузанжирхон онадан отасиз туғилди. Онаси Аланкува Кўрклукка келсак, унинг номи барча тарихий битикларда қайд этилган ва у Нуҳ алайҳиссаломнинг ўғли Ёфас (уларнинг руҳлари шод бўлсин) га бориб тақалади. Аланкува Кўрклукнинг боболарининг ҳар бири тарихларда зикр этилган, улар ҳақида ҳикоямиз чўзилиб кетмаслиги учун бу ерда тўхтаб ўтирмаймиз. Бу китобда, илгари айтилганидек, мўғулларнинг исломни қабул қилганларидан кейинги ҳолати зикр этилади, ундан олдингиси тилга олинмайди. Китобнинг бошида бу ҳақда тўхталган эдик.

---

### **Иккинчи фасл. Туғлуқ Темурхон ҳаётининг дастлабки даврлари.**

Мўғулларнинг ишончли кишилари оғзидан эшитганим ва отам ҳамда амаким (Аллоҳ таоло уларга беҳишт боғларидан жой ато қилсин)нинг ҳикоя қилишларича, Туғлуқнинг отаси Эсан Буғахоннинг катта хотинининг оти Сотилмиш Хотун, иккинчисининг оти Менглихон эди. Сотилмиш Хотун туғмас эди. Хон лашкарлари билан урушга кетади. Мўғулларнинг қадимий удумига кўра энг катта хотин ҳарамдаги аёллар устидан ҳукм юргизиш ҳуқуқига эга бўлади. У кимни хоҳласа ҳарамда қолдирар, хоҳламаганини истаган кишига тортиқ қилиб юборар эди. Сотилмиш Хотун Менглик Хотуннинг хондан ҳомиладор эканлигини билиб қолиб, ҳасади келиб, уни Шировул дўхтуйга бериб юборади. Шировул дўхтуй улуғ амирлардан эди. Хон юришдан қайтиб келиб Менгликни сўраганида Сотилмиш Хотун: «Мен уни бир кишига бериб юбордим» деди. Хон: «У мендан ҳомиладор эди» деди. Хон хафа бўлди, мўғулларда одат шундай бўлганлиги боис у ҳеч нарса демади.

Кўп ўтмай Эсан Буғахон оламдан ўтди. Мўғуллар улусида хон қолмади; мўғуллар ҳар бири ўз хоҳишича яшай бошлади ва улус харобликка юз тутди. Шунда менинг бобокалоним, Эсан Буғахон даврида Кошғар ҳукмдори бўлган амир Буложи дўғлат, давлатда интизом ўрнатиш учун бирорта хон топишга киришди. У – Тоштемур исми кишини Шировул дўхтуй ёнига юборди ва Менглик ҳолидан, унинг боласидан хабар топишни, агар ўғил туғилган бўлса, уни ўғирлаб олиб келишни унга топширди. Тоштемур айтдики: «Бу ишни бажаришга катта муддат керак, йўл озуқаси ва ажратилган отлар камлик қилади. Марҳаматингиз билан менга уч юз туёқ эчки ажратингиз, биз мақсадга эришмоқ учун элатма-элат юрганимизда уларнинг сутидан ичайлик». Амир Буложи у сўраган ҳамма нарсани бериб, уни жўнатди.

Тоштемур бутун Мўғулистон бўйлаб узоқ кезди. Шировул дўхтий юртига етиб борди. У ерда Менглик ва унинг боласини суриштирди. Айтдиларки, Менглик бир ўғил туққан, дўхтуйдан ҳам бир ўғил кўрган, улар бирга туришади. Хоннинг ўғлига Туғлуқ Темур деб, Шировулнинг ўғлига Инжу Малик деб от қўйишди.

Хуллас, у бир йўлини қилиб Туғлуқ Темурни олиб қочди ва амир Буложи ҳузурига йўл олди. Амир Буложи Оқсувда эди. Чиғатойхон ўз мулкани тақсимлаган пайтда Манглай Субени («Қунгай тараф» дегани) амир Буложининг бобоси Уртубуга берган эди. Манглай Субенинг шарқида Қусан ва Торбугур, унинг ғарбий чегарасида эса Сомғар билан Фарғона вилоятининг чеккаси ҳисобланмиш Жоқисман жойлашган эди. Унинг шимолида Иссиқкўл, жанубида Чарчон ва Сарик Уйғур жойлашган эди. Ушбу ҳудудни Манглай Субе деб аташар ва у амир Буложи тасарруфида эди. Ўша пайтда бу ўлкаларда кўплаб шаҳарлар бор эди. Улардан энг йириклари Кошғар, Хўтан, Ёрканд, Ўзганд, Косон, Ахсикат, Андижон, Оқсув, Отбоши, Қусан шаҳарлари эди. Амир Буложи булар ичидан ўз қароргоҳи қилиб Оқсувни танлади. Тоштемур хонни олиб қайтиб келганида унда бор-йўғи битта кўк эчки қолган эди, шу боисдан унга «Кўк эчку» деган лақаб беришди. Ҳозиргача авлодларида шу лақаб сақланиб қолган.

Улар Оқсувга яқин қолишганда бир карвонга ҳамроҳ бўлишди. Муз билан қопланган Музот довонидан ўтишаётганда хон музли дарага тушиб кетди. Тоштемур дод-вой қилди, аммо ҳеч ким унга эътибор қилмади. Довондан ўтаётганда карвон тўхтади. Тоштемур савдогарлардан бирининг ёнига борди, унинг исми Бекжак эди, унга хон воқеасини айтиб берди, у воқеани ўз ҳамроҳларига билдирди. Улар Тоштемур билан биргалашиб музли дара олдига боришди. Бекжак пастга тушиб, хонни соғ-саломат топди. Шу ернинг ўзида хоннинг ваъдаларини олиб, эҳтиёт юзасидан, хондан узр сўраб деди: «Агар биринчи бўлиб сиз юқорига чиқсангиз, эҳтимол мени тортиб олишмас. Аввал, мен чиқаман, сизни бўлса сўзсиз тортиб олишади». Астойдил узр сўраб бўлгач, арқон ташланглар, деб қичқирди. Арқон ташлашгач, аввал у чиқди, сўнгра хонни чиқариб олишди. Биргалиқда уни Оқсувга, амир Буложи ҳузурига олиб боришди. Амир Буложи уни хон кўтарди. Туғлуқ Темурхон ўз ҳукмронлиги даврида нафақат бутун Мўғулистонни, балки Чиғатой тасарруфидаги ерларнинг катта қисмини эгаллаб олди, бу ҳақда ҳали сўз юритамиз.

---

### **Учинчи фасл. Туғлуқ Темурхоннинг исломни қабул қилгани баёни.**

Ожиз банда Мавлоно Хожа Аҳмад (Аллоҳ унинг сирларини муқаддас қилсин) Мавлоно Аршадиддин авлодларидан бўлиб, бағоят ҳурматли, ҳудожўй, авлиё киши эди ва Хожагон силсиласига мансуб эди (Аллоҳ уларнинг дилларини равшан қилсин). Камина йигирма марта унга таъзимга келдим. Унга таъзим

қилмоқ учун иккита жомеъ масжидидан ўзга жой топа олмадим. У ҳамиша узлатда, ўз ибодатхонаси бурчагида юзини қиблага бурганча, Аллоҳга маҳлиё бўлган ҳолатда ўтирарди. У ўзи мансуб бўлган мазҳабдаги авлиёларнинг сўзларини жуда яхши ифода этганидан ҳатто ҳеч бир алоқаси бўлмаган одам ҳам шубҳасиз уларнинг таъсирига тушиб қоларди. Мен унинг шундай ҳикоя қилганини эшитганман: «Менинг аждодларим ҳақида тарихий битикларда мана бундай деб ёзилган: «Мавлоно Шужоиддин Маҳмуд (Ҳафизиддин Кабир Бухорийнинг иниси) сўнгги мужоҳидлардан бири эди, ундан сўнг бошқа мужоҳид дунёга келмади. Чингизхон даврида Бухоронинг барча имомларини тўплаб, Чингизхон ўрнатган тартибга мувофиқ Хожа Ҳафизиддинни шаҳид қилишди. Мавлоно Шужоиддин Маҳмудни эса сургун қилиш одатига кўра бутун оиласи билан Қорақурумга жўнатишди. Мавлоно ўша ерда вафот этди. Қорақурумдаги тартибсизликлар пайтида унинг ўғли Турфон ва Хўтан оралиғидаги кўзга кўринган шаҳарлардан бўлган Луб ва Катакка кетди. У ерда уни иззат-ҳурмат қилишар, бир қанча издошларни тарбиялаган эди. Мавлоно Хожа Аҳмад уларни тўлиқ келтирган эди ва ҳар бирининг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилар, аммо ҳикоянинг тўлиқ тафсилоти хотирамда аниқ қолмаган. Сўнгисининг исми Шайх Жамолиддин эди. У юксак билим эгаси эди ва Катакда яшарди. Бир куни жума намозидан сўнг у амри маъруф ўқида ва одамларга қарата деди: «Шу пайтгача биз сизларга кўп бора амри маъруф ўқидик, бироқ ҳеч ким бунга қулоқ солмади. Мана энди маълум бўлдики, қудратли ва қодир Аллоҳ бу шаҳар бошига катта балою офат юборипти. Мен бу шаҳардан қочиб, балодан қутулмоқ учун ўзидан имдод олдим. Бу менинг сўнгги амри маъруфим, менга изн беришларингни сўрайман ва сизлар билан хайр-маъзур қиламан, негаки биз энди қиёмат куни учрашамиз».

Шайх минбардан тушди. Масжид муаззини унинг ортидан борди ва йўлга отланаётганини кўрди. У Шайхнинг сўзларига тўлиқ ишонди ва унга ҳамроҳлик қилишга рухсат сўради. Шайх: «Яхши бўлади» деб марҳамат қилди ва муаззин унга ҳамроҳ бўлди. Улар шаҳардан уч фарсах нарида тўхташди. Кейин муаззин Шайхнинг рухсати билан шаҳарга қайтиб, қандайдир муҳим бир ишни бажарди ва тагин Шайх ҳузурига жўнади. У жомеъ масжиди ёнига етаёзганда йўлакай ўйлади: «Кел, хуфтон намозига азон айтай». У минора тепасига чиқиб, азон айтди. Азон айтаркан, осмондан қуп-қуруқ қор мисол бир нарса тўкилаётганини пайқайди. Азон айтиб бўлиб, бироз турди, Аллоҳга сиғинди ва пастга тушди. Кўрдик, минора эшиги очилмаяпти. Чиқишга йўл топмасдан, яна минора тепасига қайтиб чиқди-да, атрофига назар ташлади. Шунда у осмондан қум ёғилиб, бутун шаҳарни қоплаётганини кўрди. Бироздан сўнг у замин яқинлигини пайқайди. Диққат билан тикилиб, ергача бир-икки қадам қолганини кўрди, пастга сакраб тушиб, кўрқувдан титраб-қақшаганча, жадал йўлга тушди. Ярим кечаси у Шайх ёнига етиб борди ва бўлган воқеани унга айтиб берди. Шу заҳоти Шайх йўлга тушди ва: «Яхшиси Аллоҳнинг ғазабидан узоқроққа қочайлик» деди, улар қочишди.

Ўша шаҳар ҳозир ҳам қум остида ётипти. Аҳён-аҳёнда шамол қумларни учирганда миноранинг тепаси ёки гумбазнинг юқори қисми кўзга ташланади. Баъзан шундай бўладики, шамол уйни тамоман очиб ташлайди ва уй ичига кириш мумкин бўлиб қолади. Барча уй-рўзғор буюмлари жой-жойида, ҳеч бир шикаст етмасдан турибди, уй эгаларининг суяклари бўлса оқариб кетган. Бунақасини кўп марталаб кўришган.

Шундай қилиб, қум остида қолган Катак шаҳри катта шаҳар бўлган.

Қисқаси, Шайх у ердан Оқсувга ёндош бўлган Ойкўлга келди. Бу пайтда Туғлуқ Темурхон Оқсувда эди. Уни Оқсувга келтиришганда ўн олти ёшда, Шайх билан учрашганда эса ўн саккиз ёшда эди. Учрашув шундай юз берди: хон ов қиларди, ҳеч ким овдан бўйин товламасин, деб буйруқ берди. Ов пайтида улар кўришдики, бир жойда бир нечта одамлар лаш-лушлари билан ўтиришибди. Хизматкорлар бориб, уларни тутиб, қўлларини боғлаб, хон ҳузурига келтиришди, сабаби улар буйруқни бажаришмаган ва овда иштирок этишмаган. Хизматкорлар хондан, буларни нима қилайлик, деб сўрашди. Хон: «Нега буйруғимни бажармадинглар?» деб сўради. Шайх тушунтирди:

«Биз ғариб кишилармиз, вайрон бўлган Катакдан келяпмиз, овдан, сизнинг буйруғингиздан хабаримиз йўқ эди, акс ҳолда буйруғингизга хилоф иш қилмаган бўлардик». Хон ўша аснода бир нечта итга тўнғиз гўштини едириб ўтирарди ва ғазаб ичида сўради: «Сен яхшироқми ёки мана бу итми?» Шайх жавоб берди: «Агар иймонли бўлсам, мен яхшироқман, бордию иймонсиз бўлсам, унда ит мендан яхшироқ». Хон шу заҳоти туриб кетди, бир одамни юборди ва ўз отига ўша тожикни ўтқазиб, иззат-ҳурматини жойига қўйиб, қароргоҳга олиб келишини буюрди.

Ўша мўғул ўз отини Шайх олдига қўндаланг қилди. Шайх қараса, бутун эгар тўнғиз қони ила булганган, шунда: «Мен яёв бораман» деди. Мўғул, буйруқ шунақа, отга мининг, деб туриб олди. Мавлоно таҳорат сочиғини эгарга ёпиб, отга минди. Келиб кўрдик, ёлғиз ўтирган хон устида ҳам қон излари бор эди. Шайх келгач, хон ундан сўради: «У нима эканки, ўшанга эга бўлган одам итдан яхшироқ бўлади?». «Бу иймон» деди Шайх ва мусулмон дини ҳамда мусулмончиликни аниқ изоҳлаб берди. Хон йиғлаб юборди ва агар мен хон бўлиб, мустақилликка эга бўлсам, ўшанда сиз, албатта, менинг ёнимга келасиз ва мен сўзсиз мусулмон бўламан, деди-да, Шайхни ҳурмат-эътибор билан кузатиб қўйди.

Бу воқеадан кейин Шайх оламдан ўтди. Унинг Мавлоно Аршадиддин исмли ўғли бор эди, у ҳам ҳаққа етган инсонлардан эди. Шайх ўғлига васият қилди: «Бир туш кўрдим, гўё чироқни баланд бир жойга



қўйибману бутун машриқ томон ёришган эмиш. Шундан кейин мен Оқсувда Туғлуқ Темурхон билан учрашдим». Сўнгра, ҳозиргача зикр этилган воқеаларни унга гапириб берди ва сўзида давом этди: «Менинг умрим етмади, энди сен йигитнинг хон тахтига ўтиришини кут, ўшанда унинг ёнига бор; эҳтимол у ўз ваъдасини бажариб, исломни қабул қилар. Бу саодатмандликка йўл кўрсатувчи сен бўлгил, токи бутун дунё сен туфайли мунаввар бўлсин». Шуларни васият қилди-да, Шайх дунёдан кўз юмди.

Кўп ўтмай Туғлуқ Темурхон хон бўлди. Бу хабар Мавлоно Аршадиiddingа етган заҳоти у Оқсувдан Мўғулистонга жўнади. Хон улуғвор ҳукмдор эди, Мавлоно у билан учрашишга ва мулоқот қилишга қанча уринмасин, бунга муяссар бўлолмади. Шунда у хон қароргоҳига яқин жойда ҳар тонгда азон айта бошлади. Бир куни тонгда хон ўз мулозимларидан бирини чақириб: «Мана бу товушни эшитяпсанми? Анча кундан бери тонг маҳали кимдир мана шундай қичқиради. Бориб уни келтир», – деди. Мавлоно жаноблари ҳали азонни тўхтатмай ўша мўғул пайдо бўлди-да, Мавлонони гирибонидан тутиб, хон қошига судраб келди. Хон уни ёнига чорлаб: «Сен қандай одамсанки, ҳар куни тонгда, уйқунинг энг ширин пайтида дод соласан?» деб сўради. «Мен бир вақтлар сен мусулмон бўламан, деб ваъда берган одамнинг ўғли бўламан» деди у ва юқорида зикр этилган ҳикояни айтиб берди. Хон эса: «Яхши, нега сен келдинг, отанг қаерда?» деб сўради. Мавлоно: «Отам вафот этди ва бу ишни менга васият қилди» деди. Хон айтдики: «Хон кўтарилганимдан буён шундай сўз берганимни доимо ёдга оламан, ўша одам эса келмасди, сен энди хуш келибсан. Нима қилиш керак?».

Ўша тонг ҳидоят офтоби иноят машриғидан чиқиб, кофирнинг қоронғу кечасини ёритди. Мавлоно жаноблари хонни ғул қилдириб, иймон моҳиятини тушунтирди. Хон мусулмон бўлди. Бундан ташқари, улар исломни ошқора тарғиб қилиш ва ёйиш режасини туздилар ва келишдиларки, амирларнинг ҳар бирини якка-якка чақириб, исломни қабул қилишга буюришади, мабодо қабул қилишмаса, муқаддас Қуръоннинг «Кофирларни қиринглар!» деган ояти ишга солинади.

Белгиланган куни биринчи бўлиб амир Тўлакни чорладилар, у ожиз бандага она томондан аждод ҳисобланади, ўша пайтда дўғлат унвонига эга эди. Хон ҳузурига киргач, қараса, хон аллақандай тожик билан ўтирипти. Амир Тўлак ҳам кириб ўтирди. Хон сўз бошлади ва уни исломга даъват қилди. Амир Тўлак йиғлаб юборди-да деди: «Мен уч йил бурун Кошғар мўминлари ҳузурида ислом динини қабул қилиб, иймон келтирган эдим. Сиздан кўрқиб, буни ошкор қилмагандим. Иймон келтирмоқдан-да ортиқ саодатмандлик борми?». Хон ўрнидан туриб уни кучоқлади. Мусулмонлар учта бўлди. Кейин худди шу тахлит амирларни бирма-бир чақириб, исломга даъват қилишди, навбат амир Жўрасга етди. У рад қилди ва: «Менинг Санғуй Буға исмли бир одамин бор. Агар манави тожик ўшани йиқитса, мен исломга кираман», деган шартни қўйди». Бу қанақа бемаъни шарт? – дейишди хон ва бошқа амирлар. Мавлоно: «Майли, шундай бўла қолсин, агар мен уни йиқитолмасам, унда сени мусулмонликка даъват қилмайман», деди. Хон Мавлонога қараб деди: «Мен ўша одамни биламан. У икки ёшли туяни кўтара олади. У – кофир, у бани Одам тоифасига кирмайди». «Ҳамма нарсага қодир Аллоҳ агар истаса, менга, албатта, куч-қувват беради», деди Мавлоно. Хон ва исломни қабул қилган кишилар бунга рози бўлишмади. Нима бўлганда ҳам, улуғ одамлар жам бўлишди, ўша кофирни олиб келишди, у олдинга чиқди. Мавлоно ҳам ўрнидан туриб, олдинга чиқди. Ул кофир, ўз кучига мағрур бўлиб, гердайиб, такаббурларча яқинлашди; Мавлоно унга беҳад арзимас бўлиб кўринди. Улар бир-бирларига қўл узатишганда, Мавлоно унинг ёқасидан олди ва кофир ерга беҳуш қулади. Бир қанча фурсат ўтгач, у ўзига келиб ўрнидан турди, калимаи шаҳодатни тилига жо қилиб, йиғлаганча ҳазрати Мавлононинг оёқларига ўзини ташлади.

Халойиқ шовқин-сурон кўтариб, бақириб юборди. Ўша куни дарҳол сочларни қириб ташлашди ва бир юз олтмиш минг киши мусулмон бўлди. Хон ўзини-ўзи хатна қилди. Ислом нурлари жаҳолат қоронғулигини йўқ қилди ва ислом Чиғатойхон юртида ошқора бўлди. Алҳамдулиллоҳ, бу кунларгача ушбу хонадони олий мақомида ислом нури барқарордир. Шундан сўнг бахтиёр хон ўз аждодларидан фарқли ўлароқ диннинг барқарорлиги учун ҳаракат қилди, бу ҳақда ҳали сўз юритилади. Фақир бу тафсилотларни Мавлоно Хожа Аҳмаддан (Аллоҳ жамолини кўриш унга насиб этсин), ёқимли инсондан эшитганман. Туғлуқ Темурхоннинг Мавлоно Аршадиidding туфайли мусулмон бўлгани ҳақида мўғулларда бундан бошқа маълумот йўқ. Бу ҳақдаги муфассал маълумотни ҳеч ким билмайди. Туғлуқ Темурхоннинг бутун ҳаётига келсак, бу ҳақда мўғуллар тилида биронта гап йўқ, бироқ унинг ҳаёти ҳақида «Зафарнома»да маълумотлар бор, биз уларни ўша китобдан олаемиз.

---

### **Тўртинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Туғлуқ Темурхоннинг Мовароуннаҳрга лашкар тортгани баёни.**

Мовароуннаҳр вилояти зикр этилган воқеалар туфайли тарқалиб кетган эди. Туғлуқ Темурхон Эсан Буғохоннинг ўғли, Эсан Буғохон Дувохоннинг ўғли эди, Чиғатой наслидан бўлган Дувохон мўғул вилоятида подшоҳ эди. Ўзига қарашли одамларини йиғиштириб, етти юз олтмиш биринчи йилнинг рабиъ-ас-соний ойида (январ 1360), сичқон йилида лашкар тортди, Мовароуннаҳр томон умид кўзини тикди. Тармаширин хондан бери ўттиз уч йил ўтган, бу муддат ичида саккиз хон Чиғатой улусида подшоҳлик қилдилар. Туғлуқ Темурхон Тошқанд атрофидаги Хўжанд дарёси яқинида жойлашган Чаноқ Булоққа етганда

амирлари ва беклари билан кенгаш уюштирди. Шунга келишилдики, аймағи қарайт бўлган Туқ Темур, аймағи арканут бўлган Ҳожибек, аймағи қангли бўлган Бекжак қўшиннинг олдида боришади. Бу уч бек хон амрига бўйсундилар. Ҳўжанд дарёсини кечиб ўтишгач, амир Боязид жалоийр бутун қўл остидагилар билан бирга буларга қўшилди ва ҳаммалари иттифоқ бўлиб, Шаҳрисабз сари юрдилар. Амир Ҳожи барлос Шаҳрисабз ва Қарши лашкарини тўплаб, мудофаа ва уруш қилиш мақсадини кўзлади. Аммо ўз-ўзи билан фикрлашиб, қарор қилдики, бу келган лашкарга кучи етмайди. Ниҳоят улар етиб келмасларидан бурун бутун эл-улуси, киши-қаросини йиғиб, Хуросон сари жўнаб кетди.

Фард:

Тадбир билан ҳар мушкул битсин,  
Соғлик керак, жанг-жадал – йитсин.

---

**Бешинчи фасл. “Зафарнома”дан кўчирма. Ҳазрат Соҳибқироннинг Амир Ҳожи барлос билан кенгашиб, Аму дарёсидан кечиб ўтиб Шаҳрисабз вилояти сари бориб, Туғлуқ Темурхоннинг беклари билан мулоқот қилгани баёни.**

Ақл жасоратдан олдин юради,

Аввал идрок, кейин журъат туради.

Иккиси бирлашса борми, оламда:

Энг юксак чўққилар забт этилади.

Ҳар нарсани билгувчи қудратли Аллоҳ ўз қудрати билан бирор ишни амр қилса, бунга албатта бирорта сабабни ҳам кўрсатади. Бирор мақсадга эришмоқ керак бўлса, бу ҳам бирорта воқеа воситасида юзага чиқади. Барча ишлардан улуғ бўлган подшоҳлик эса, инсонга иккита ноёб хислат туфайли иноят қилинади.

Биринчиси – ўткир ақл-фаросат бўлиб, унинг нури бирла қоронғу кечада ҳам нажот йўли топилади.

Фард:

Ўткир қилич чопар юзта аскарни,

Ақлинг енга олур бутун лашкарни.

Иккинчиси – шижоат ва баҳодирлик бўлиб, бундай одам қизғин жанг олатасири пайтида ҳам душмандан тап тортмай, урушади ва ғалабага эришади.

Ҳолингни танг қилиб келса фалокат,

Даф қилар ботирлик ҳамда шижоат.

Ақл-фаросат шижоатдан устунроқдир. Қилич ва камонга нисбатан тадбирдан фойда кўпроқдир. Қилич ҳар қанча ўткир бўлса ҳам ғалаба оятини (оятти фатҳ) тадбирдан ўрганади ва найза майдон ичида шамдай ёруғ кўринса-да, зафар шамъи тадбир нуридан ёришади. Агар қилич ҳаракати тадбир билан уйғунлашса, душмanning бўйнига аниқ тушади. Агар камон тадбир билан тортилса, ўқ душман юрагига аниқ санчилади.

Байт:

Оқилона тадбир, дадил ҳаракат

Юзта лашкардан ҳам афзалдир албат.

Бу сўздан мақсад булким, Амир Ҳожи барлос мўғул лашкаридан кўрқиб, ўз қадимги юртини ташлаб,

Хуросон сари юриш қилиб, Жайхун соҳилига етган пайтда Ҳазрат Соҳибқирон, яъни Амир Темур Кўрагон

Байт:

Осмондек бағри кенг, Уммондек сахий

Аллоҳ инояти мудом унга ёр –

аниқ билдики, агар у Ҳожи барлос билан борса, Шаҳрисабзда қолган уруғ-аймоғи эл-улуси батамом хонавайрон бўлади. Сабаби отаси Амир Тарағай ўша йили Тангри раҳматига борган эди.

Назм:

Отаси ўлдию ғам босди тамом,

Ғанимдан вилоят кўп бесаранжом.

Муҳолиф иш узра, эл-юртда хатар,

Бало бургутлари ёзган қанот, пар.

Бу маҳалда унинг муборак ёши ҳали йигирма бешдан ошмаган, унинг қалби кўзгусида ҳали замон синоатлари ўз занглари қолдирмаганига қарамасдан, Аллоҳнинг чексиз инояти ва мадад нурлари акс этиб турган ақл-фаросатини мана шу хавфли ҳолатни оқилона бартараф қилишга йўналтирди. У Қуръони каримдаги «...ишларингизда уларга маслаҳат солинг!» (3.159) деган ояти каримага риоя қилиб, Амир Ҳожи барлоснинг қалб китобига маслаҳат сифатида қуйидаги сўзларни зикр этди: «Агар мамлакат ҳукмдорсиз қолса, у парокандаликка юз тутаяди ва бутун эл-улус душман зулмидан азият чекади.

Ҳокимсиз юрт жонсиз тана мисоли,

Маълумдир бошсиз тан не кечар ҳоли...

Маслаҳат шуки, сиз Хуросон томонга юриш қилсангиз, мен эса Шаҳрисабзга қайтсам, халқни

тинчлантириб, у ердан кейин хон хузурига бораман. Мамлакат хароб бўлмаслиги, Парвардигорнинг бандалари заҳмат ва ташвиш чекмасликлари учун беклар ва давлат аъёнлари билан учрашаман». Амир Ҳожи барлос, Аллоҳдан келган илҳомнинг меваси бўлган бу сўзлардан саодат ва иқбол исини туйиб, фикрини маъқуллади. Ҳазрат Соҳибқирон ундан айрилиб, Шаҳрисабз вилоятига жўнади, Хузорга етганда, мўғул лашкарини бошлаб келиб, ўша вилоятни талон-тарож қилмоқчи бўлган Ҳожи Маҳмудшоҳ Ясурийга дуч келди. Ҳазрат Соҳибқирон уни кўриб: «Сиз шу ерда бироз кутинг. Мен бориб беклар билан учрашай, улар нима маслаҳат беришса, шуни қиласиз», деди. Ҳазратнинг бу сўзларини у Аллоҳнинг амри деб қабул қилди ва олдинга юришга иштиёқлари жуда баланд бўлса-да, шу ерда тўхтади. Ва Ҳазрат Соҳибқирон Шаҳрисабзга эсон-омон етиб келганда, мўғул беклари ҳам ўша ерга етиб борган эдилар. Ҳазрат ўша учта бек билан учрашди. Улар унинг юзида илоҳий нур аксини кўрганлари боис, унинг «Хонга (Туғлуқ Темурхон) итоат этмоқ керак», деган сўзларини бажонидил қабул қилишди. Беклар Шаҳрисабз вилояти доруғалигини ҳамда Қарочорбек вилоятини бутун атроф туманлари билан унга бердилар ва унинг ақл билан иш юритиши туфайли ўша вилоятлар бошига ёғилган бало-қазолар дафъ бўлиб, эл-улус умидини ҳам узиб қўйган марҳамат ёмғири ёға бошлади.

Рубоий:

Ғам сенинг туфайли шодмонлик бўлсин,

Умр назарингдан мангулик бўлсин.

Даргоҳинг хокин ел элтса дўзахга

Оловлари оби ҳаёт – ичимлик бўлсин.

Узоқни кўролмайдиган кишилар Соҳибқироннинг елкасига бахт қуши кўнди, деб ҳисобласалар ҳам, аммо тақдир қуйидаги байт маъносини минг хил йўсинда кўрсатиб туради:

Исингни сабо таратмади элга ҳали,

Сен бўл жаҳонда сабо сенга эсгали.

Ҳазрат Соҳибқирон мўғул беклари билан мулоқот қилгандан сўнг, вилоятлари сари қайтди ва бутун диққат-эътиборини давлатни бошқариш ва ҳимоя қилишга қаратди. Шаҳрисабздан то Жайхун дарёсигача бўлган ерлардан барча сипоҳийларни йиғишга буйруқ берди, тез орада катта кўшин тўпланди. У ердан отланиб Амир Хизр Ясурий билан бирлашди. Бу маҳалда Мўғулистон беклари орасида келишмовчилик пайдо бўлиб, у ердан кўчиб, Туғлуқ Темурхоннинг ўрдасига боришди. Боязид жалоийр эса ўз одамлари билан Ҳазрат Соҳибқирон ва Хизр Ясурий қошига келдилар.

---

#### **Олтинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Туғлуқ Темурхоннинг Мовароуннаҳр вилоятига иккинчи маротаба лашкар тортмоғининг баёни.**

Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳрни ўз тасарруфига олиш иштиёқи билан иккинчи навбат у ёққа юриш қилишни ихтиёр қилиб, сон-саноксиз кўшин тўплади ва етти юз олтимиш иккинчи йил жумодил аввал ойи (март 1361), сигир йилида ўша ўлкага лашкар тортди. Хўжандга етганида Амир Боязид жалоийр итоат камарини белга боғлаб, хонни кутиб олишга чиқди ва Амир Баён сулдуз ҳам итоат йўлига кирди, унинг истиқболига чиқиб Самарқандгача борди. Амир Ҳожи барлос биринчи гал унга итоат этмаганига қарамай, таваккалига – Аллоҳ карамидан умид қилиб, хонга пешвоз чиқди.

Шунда хон, Амир Боязидни тутиб ўлдиринглар, деб буюрди. Бундан қўрқиб кетган Ҳожи барлос қочмоқликни ихтиёр қилди ва Шаҳрисабз вилояти сари жўнади. Ўзига тобе одамларнинг бир қисмини Жайхун дарёсидан ўтказди. Мўғул лашкаридан кўпчилиги унинг изидан қувди, етиб олгач, жанг бўлди. Жуғом барлос бу урушда шаҳид бўлди. Амир Ҳожи эса Хуросонга кетди. У Сабзавор вилояти кентларидан бири Хорошага етиб келганида, Жувайн шаҳридаги бир гуруҳ безорилар уни укаси Идигу барлос билан қўққисдан тутиб олиб, икковини ҳам ўлдирдилар.

Ҳазрат Соҳибқирон Хуросонни олгандан кейин ўша кентдаги кўплаб ёмон одамларни ўлдириб ўч олди ва Хороша кентини Амир Ҳожи ворисларидан бирига суюрғол қилиб берди. Ҳозиргача ўша кент Амир Ҳожи авлодларига тегишлидир.

Мўғул бекларидан аймоғи кирликут бўлган Ҳамидбек оқил ва доно киши бўлиб, Туғлуқ Темурхон қошида обрў-эътибори баланд эди ва у маслаҳат ёки истак тарзида хонга нима деса, сўзи ўтар эди. Бир куни у хонга Ҳазрат Соҳибқироннинг мислсиз матонати ҳақида сўзлаб, оталаридан қонуний мерос бўлиб қолган вилоятни Ҳазрат Соҳибқиронга беришини сўради. Хон бунга рози бўлди ва унга чопар юбориб, Ҳазрат Соҳибқиронни ўз хузурига чорлади. Ҳамидбек ҳам мактублар битиб, хоннинг шафқатини хабар қилди. Ул Ҳазрат хон хизматига келиб, ундан катта иззат-эътибор топди. Хон Ҳазратга ворисий Кеш вилояти ва унга тобеъ туманларни тортиқ қилди.

Ўша киш хон Амир Ҳусайнга қарши уруш бошлашга жазм қилди. Амир Ҳусайн ҳам лашкар тўплаб, Вахш дарёси соҳилига келиб тўхтади. Хон Дарбанди Оҳаниндан ўтиб, ўша ерга етганида ва иккала тарафнинг аскарлари бир-бирларини кўриб сафга тизилганларида Кайхисрав Хатлоний ўз кўли остидагилар билан бирга Амир Ҳусайнни тарк этди, сафни бузиб, хон лашкарига бориб қўшилди. Амир Ҳусайн буни кўриб қочиб тушди, ғолиб хон лашкарлари унинг ортидан қувиб, Жайхун дарёсидан ўтиб, Қундузгача боришди.

Унинг аскарлари ўша кент ва туманлардаги эл-улусни Ҳиндукуш довонигача талон-тарож қилдилар. Ўша йилнинг баҳор ва ёзини шу томонларда ўтказдилар.

---

**Еттинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Туғлуқ Темурхоннинг ўз пойтахтига қайтиб боргани баёни.**

Кузда хон Самарқандга йўл олди ва йўлда Баён сулдузни осишга буйруқ берди. Самарқандга етганда бутун Мовароуннаҳр мамлакати унинг тасарруфига кирган эди. Барча амирлару нўёнлар истаса-истамаса унга бўйсунди. Кўнглида шубҳаланган ҳар бир кишини жазога тортиди, ўзига итоатда бўлганларга лутфу иноятлар кўрсатиб, ўғли Илёс Хожа Ўғлонни Мовароуннаҳрга подшоҳ қилиб, Бекжак бошчилигидаги мўғул амирларидан ва лашкарларидан энг сараларини унинг ихтиёрига берди, Бекжак мўғул амирлари ва лашкарларининг энг улуғи ва муносиби эди. Ҳазрат Соҳибқиронга алоҳида ҳурмат-иззат кўрсатиб, ўғли ёнида қолдирди. Хон Ҳазрат Соҳибқиронда қатъият ва шон-шавкат белгиларини кўра билгани боис унга ўша мамлакат ишларини бошқаришни топширди-да, ўзи шон-шухрат ва ғалаба билан ўз салтанати тахтига қайтди.

Зафар мулозиму Аллоҳ мадақдор,  
Толени баланду бахти унга ёр.

Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳрдан қайтаётди, мўғул амирлари устидан ҳукмронликни Бекжакка, ўша мамлакат ишлари билан шуғулланишни Ҳазрат Соҳибқиронга юклади. Амир Бекжак хон кўрсатган йўлдан юрмай зулм ишларини авжига чиқариб, адоват ва туғёнга йўл қўйди. Ҳазрат Соҳибқирон, хоннинг амри бажарилмаётганини ва давлат ишлари таназзулга юз тутаётганини кўргач, бу мамлакатдан кетишга ва Амир Ҳусайнни излаб топишга қарор қилди ва шу мақсад билан йўлга тушди. Амир Ҳусайннинг қаердалигини билмасди, шу сабабли уни излаб чўлу биёбонларни кезди.

Қисқаси, мўғулларнинг оғиздан-оғизга ўтиб келган маълумотларида Туғлуқ Темурхон тасарруфида фақатгина Самарқандгача бўлган ҳудуд эди, холос, дейилади. Бундан ортиқ ҳеч нарса маълум эмас. Бундан олдин эслатиб ўтганимиздек, Амир Буложи Туғлуқ Темурхон хонлигига асос солган ва Туғлуқ Темурхон унинг учун тўққизта имтиёзли фармон чиқарган. Бу имтиёзларни Чингизхон Амир Буложи аждодларига берган эди. Фармон бизнинг оиламиз кўлида сақланган, мен уни кўрганман. Унда мўғул тилида «Қундузда битилган» деб ёзилган эди. Гап шундаки, мўғуллар шу фармон туфайли Қундузгача бўлган ҳудуд Туғлуқ Темурхон тасарруфида бўлганлигини англайдилар. «Зафарнома»дан маълумки, хон 764 (1362-1363) йилда вафот этган. Мўғулларнинг оғзаки маълумотларига кўра Амир Буложи хонни қалмоқлардан олиб келганида у ўн олти ёшда бўлган, ўн саккиз ёшида хон бўлган. Йигирма тўрт ёшида исломни қабул қилган ва ўттиз тўрт ёшида вафот этган. У 730 (1329-1330) йилда таваллуд топган.

---

**Саккизинчи фасл. Илёс Хожaxon ҳақида эслатма.**

Илёс Хожaxon ҳақида мўғуллар орасида ҳеч нарса маълум эмас. Фақир банда Илёс Хожaxon ҳақида отам (Аллоҳ гўрини нурга тўлдирсин)дан эшитган гапларни эсламан, холос. «Зафарнома»да у ҳақда гап орасида зикр этилади. Қуйида ўша эслатмалар келтирилади.

---

**Тўққизинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Амир Ҳусайн ва Ҳазрат Соҳибқироннинг Тойхон ва Бадахшонга ташрифлари ҳамда подшоҳлар билан сулҳ тузганлари баёни.**

Амир Ҳусайн ва Ҳазрат Соҳибқирон биргаликда Қундуз тарафга азм этишди ва у ерда буролдай уруғидан одамларни тўплаб, мақсад жиловини Бадахшон сари бурдилар. Улар Тойхонга етишганда, Обишўр (Шўрсув) дарёси бўйида муроса таъмини «Муроса қилмоқ – яхши иш» деган зиравор билан мазали қилдилар: Бадахшон подшоҳлари маслаҳат эшигини очиб, уларнинг истиқболига очиқ юз билан чиқишди ва душманлик ҳамда келишмовчилик пардалари орадан кўтарилди. У ердан Арҳанг тарафга юзландилар. Дарёдан Солисарой томонга ўтиб, Хатлон томонга йўл олишди ва чўлга чиқишди. Чўлдан ўтиб, Дашти Кўлак деган жойда чодир тикишди ва ҳар бир киши роҳатланиб ором олмоқни майл этди. Ҳазрат Соҳибқирон ҳам тўн ва этикларини ечиб, истироҳат қилмоқни жазм этганлари замон Амир Ҳусайн Соҳибқиронни чорлаб келгани киши юборди. Соҳибқирон келиб мажлисга кирганда у ерда Пўлод Буға билан Шер Баҳромни кўрди. Амир Ҳусайн Соҳибқиронга Шер Баҳром устидан шикоят қилиб: «Биз айни душманга дуч келган маҳалимизда у биздан айрилиб, уйига кетишни ихтиёр қияпти. У мурувват ва вафо йўлидан юришни истамаяпти» деди. Соҳибқирон унга кўп насиҳатлар қилди, у бўлса ўз сўзида туриб олди, бу қуйидаги мисрада яққол ифода этилган:

Насиҳат сўзинг эшитгувчи қулоғим йўқ.

Амир Ҳусайн ҳам унинг ўжарлиги ва қайсарлигидан аччиқланди, аммо шароит тақозоси билан сабр қилмоқни афзал кўрди.

Назм:

Эр кишида бўлсин куч-қудрат,

Эш бўлса соз тамкину тоқат.

Ниҳоят Шер Баҳром Балжувон тарафга жўнаб кетди. Шу пайтда, Туғлуқ сулдуз ва Кайхусрав мўғул лашкарига бош бўлиб, кўплаб амирлар билан илгари келиб туришгани ҳақида хабар келди. Тумаканнинг ўғли Темур, Сарик, Шингум, Ҳожибекнинг иниси Туғлуқ Хожа, Бекжак ўғли Куч Темур ва бошқа ҳазора ҳамда кўшин беклари йигирма минг киши билан Жаладан то Пули Сангингача эгаллаб туришган эди. Ҳазрат Соҳибқирон ва Ҳусайнбек кишилари олти минг кишидан ошмас эди. Соҳибқирон «Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган» – (2,249) деган ояти каримадаги илоҳий мададга суяниб иш кўрди ва бахт-иқбол кўзгусида Аллоҳ инояти билан юборилган зафар нурини кўриб, билар эдиким.

Назм:

Агар наҳанг билан тўлса ҳам уммон,  
Дашту тоғлар шеру қашқирга макон  
Кишига ёр бўлса илоҳий иқбол,  
Унинг бир тукига етмайди зиён.

Соҳибқирон икки минг кишилик ботир лашкар билан жангари шерлардай ва оламни бузадиган селдай тоғдан қуйига отилиб олдинга чиқди ва Аллоҳ мададига суяниб, душман сари юрди. Иккала тараф аскарлари Пули Сангин ёнида юзма-юз келишди, тонгдан, яъни, «Тонг вақтига қасам» деган шохлик байроғини тикишган пайтдан бошлаб то ўз байроғини ёғочга ўрнатгунча «Зулмат билан чор атрофни қоплаб олган кечага қадар қасам» (93.2) жанг олови «Аланга ичида ёнмоқда» (88.4) оятини эслатса, пиёда ва отлик аскарларнинг ҳужуми ва чекинишларидан ларзага келган замин «Қачон ер зилзила билан ларзага тушганида» (99.1) оятини эслатарди. Ўқларнинг учиши ерга тушаётган думли юлдуз нуридек қулоқларга етиб келарди; найзаларнинг ялтираши одамлар кўзи олдида гўё «Яшин уларнинг кўзларини кўр қилгудек бўлади» (2.19) оятига мос эди; Қиличнинг тиғи «у отларнинг бўйни ва бошини «силай» бошлади» (38.33) оятининг моҳиятини очиқ-равшан кўрсатиб турарди ва чўқморнинг халокатли зарбаси «Қалбларни қаттиқ қоқувчи» (101.1) оятининг аниқ ифодаси эди. Ўша кун то тунгача ҳар иккала тараф лашкарлари Пули Сангин ёнида шундай шиддат билан жанг қилдиларки, охир-оқибат бирорта ҳам баҳодир жангчида бир томчи сабр-тоқат қолмади. Кечаси иккала тараф ҳам от бошини жанг майдонидан четга бурдилар. Рақиб лашкари сон жиҳатдан кўп бўлгани боис Ҳазрат Соҳибқирон вазиятни қалб кўзи билан чамалаб кўриб, шундай тўхтамга келди, бу ишда ақл ва тадбирни ишга солмоқ керак. Агар шижоат ўқи яхши ўйламасдан чиқиб кетса, унинг чийиллашидан ғалаба хабарини эшитиб бўлмас. Илоҳий мадад қалами унинг ёрқин ақли лавҳига зафар манзарасини чизгунича у қилинажак ишларини обдон ақл-фаросат элагидан ўтказди.

---

#### **Ўнинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма.**

Ҳазрат Соҳибқироннинг Пули Сангин (Тошкўприк)дан ўтганлари ва (жета) мўғул лашкарининг қочгани баёни

Ҳазрат Соҳибқирон ўзининг ҳар бири мингта аскарга арзийдиган бир ярим минг отлик лашкари билан амир Мусо, амир Муаййад арлот ва Учқора баҳодирни Пули Сангин ёнида тўхтатиб турди. Ўзи эса жанг майдонининг гардини орзу-ният сурмаси деб билган бир ярим минг отлик лашкари билан дарёнинг юқори қисми бўйлаб Эсан Майдон томон жўнашди ва Эсан Майдон ўртасида дарё устидан арқон тортиб, ярим кечаси сувдан кечиб ўтишди ва тоғ тарафга юришди.

Эртаси кун душман соқчилари от туёқларининг изидан лашкар дарёдан ўтганини билиб қолишди ва талвасага тушишди. Тун бўлгани сабабли.

Назм:

Қоп-қора тўнини кийдию осмон,  
Ойни фалак ичра айлади пинҳон.

Мамлакатларни эгалловчи, душманларга қирон келтирувчи Ҳазрат Соҳибқирон, тоғ тепасида гулханлар ёқинлар, деб буйруқ берди. Буни кўрган душман лашкарлари ваҳимага тушиб, заминда мустаҳкам турган оёқлари бўшашиб, қўрқув исканжасида ҳар тарафга қоча бошладилар. Шу билан ўшандай бир отликқа қарши ўнта аскар билан, қилич чопишга ва найза санчишга уста кўп сонли лашкар Парвардигори оламнинг инояти билан жанг-жадалсиз тарқалди-кетди: «Аллоҳ Ўзи истаган кишиларни ғолиб қилиш билан қўллаб-қувватлайди» (3.13). Қандай оқилона тадбир бўлдики, йироқда ёқилган гулханлар ёлқинидан қанчадан-қанча Амир ва лашкарбошилар бошқараётган сон-саноксиз душманнинг ғурур ва такаббур хирмонига ўт кетди.

Назм:

Қатъиятли бўлса, бир яёв навкар,  
Бир отлик кучи-ла шохлик олинар.

Ҳақ таборак ва таолонинг лутфи мадад қилган жойда душманнинг хору зор бўлиши муқаррардир. Душманлар талвасага тушиб, қочишга юз тутгач, Ҳазрат Соҳибқирон шердек ва шиддатли селдек,

хайқириб, қичқириб ғолиб лашкарлари билан тоғдан пастга томон югуриб, уларни Гужарот майдонигача қувлаб бориб, ўткир қилич билан чопиб, найзаларни юракларига санчиб ўлдирдилар.

Назм:

У ерда қанчалаб душманлар ўлди,  
Далаю майдонлар ўликка тўлди.

Аллоҳ мадад берган шонли лашкар юз шодмонлик оғушида ўша жойда тўхтади, Амир Хусайн ҳам қолган лашкарлар билан етиб келди. Бу ғалабанинг насимидан иқбол шохи ўсиб, давлат ва саодатлари қувват олди, орзу-умид боғида қайтадан чексиз гўзаллик ва тароват юз очди. Шоҳу лашкарнинг шон-шавкати ва журъатининг бири минг бўлди.

Ҳазрат Соҳибқирон туфайли бўлди,  
Лашкарнинг қалб, кўли қувватга тўлди.

Ҳазрат Соҳибқиронга ҳокимият саҳнасида улуғлик азалдан ато этилгани боис у тағин икки минг кишилик лашкар билан илгари юрди. У Қаҳлағага етганида Шаҳрисабз ва унинг атроф туманларидаги халқ тўда-тўда бўлиб унинг шавкатли мулозимларига кўшила бошлашди. Ҳазрат Соҳибқирон аввал икки минг киши ичидан уч юзтасини ажратиб олиб, уларни мулозим қилди-да, йўлида давом этди. Қолганларга ўша ерда қолишни буюрди. Уч юзта отлиқдан икки юзтасини амир Сулаймон барлос, амир Жоку барлос, Баҳром жалойир, амир Жалолиддин барлос, амир Сайфиддин ва Йўлтемур билан биргаликда Шаҳрисабз томон жўнатди. Уларга: «Тўрт кўшинга бўлининглар, ҳар бир отлиқ отнинг икки ёнига катта бир боғдан узун шох-шаббани боғлаб олсин, ул шохлар ерга судралиб, чанг-тўзон кўтарсинки, буни кўрган доруғалар кўркүвдан қочишга тушсинлар», деб буюрди.

Улар буйруққа амал қилишди, бу ўйланган тадбир тақдирга мувофиқ келди. Улар Шаҳрисабз водийсида пайдо бўлганлари ҳамано кўтарилган чанг-тўзонни кўрган мўғул доруғаси қочиб кетди. Улар Шаҳрисабзга кириб бориб, шаҳарни эгаллашга киришдилар. Аллоҳнинг мислсиз инояти билан гоҳида ҳокимият устунлари лашкар ёққан оловдан кулаб тушса, гоҳида эса тадбиркорлик билан кўтарилган чанг-тўзондан мамлакат қўлга олинади. Мисра:

Бандага Ҳазрат Ҳақдан бу эрур лутфу карам.

Ўша маҳалда Илёс Хожохон Шаҳрисабздан тўрт йиғоч наридаги Тош ариғида эди. Қўл остида улуғ амирлар ва сон-саноксиз лашкар бор эди. Ўша пайтда Туғлуқ Темурхон вафот этган бўлиб, Улуғ Туқ Темур билан амир Ҳамидбек ўз отасининг ўрнини эгаллаши учун Илёс Хожохонни олиб кетиш мақсадида келишган эди. Ҳазрат Соҳибқирон унинг мулозимлари бўлиш бахтига эришган юзлаб отлиқ аскарлар билан тонгда йўлга чиқиб, Хузорга етиб келишди. Эл-улус ҳазратнинг келганидан хабар топиб, унга таъзим қилиб, ер ўпиш бахтидан баҳраманд бўлишга шошилди. «Хузор ва Кеш лашкарини тўпланг!» деб буйруқ берди ва Хожа Салимборини олдинги сафга қўйди. У шавкатли лашкар билан бирга Жигдаликка қайтиб кетди, у ёққа эсон-омон етиб бориб, жойлашган пайтида Баён сулдузнинг ўғли Шайх Муҳаммад етти кўшин лашкар билан келиб унга кўшилди. У ерда улар етти кун тўхташди. Шунингдек, у ерга амир Хусайн ўз лашкари билан ҳамда Ҳазрат Соҳибқирон Қаҳлағада қолдирган лашкар ҳам келди. Дашти Кўлакда улардан айрилиб, ўз элига кетган Шер Баҳром ҳам қирқ уч кундан сўнг Хатлон лашкари билан келиб буларга кўшилди. Амир Хусайн ва Ҳазрат Соҳибқирон бутун лашкарлари билан у ердан кўчиб, Хузорга томон юз бурдилар. У ерда улар Хожа Шамсиддиннинг муқаддас қабрини зиёрат қилиб, унинг пок руҳидан ҳиммат ва мадад сўрашди, бир-бирларига ваъдалар бериб, қасамёдлар қилиб, дўстлик ва иттифоқлик ришталарини маҳкамроқ боғлаб, барча иш ва ҳаракатларда яқдил бўлишга аҳд қилдилар.

Мисра:

Жаҳонни олса бўлгай иттифоқлик бирла ҳар они.

(Ҳофиз Шерозий)

---

### **Ўн биринчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Ҳазрат Соҳибқироннинг туш кўргани ва уни яхшиликка йўйиб, Илёс Хожохон сари лашкар тортгани баёни.**

Пайғамбар (с.а.в) айтибдурларки: «Солиҳ мўминнинг кўрган туши пайғамбарликнинг қирқ олти жузвининг бир жузвидур» (Ҳадис).

Карами кенг Парвардигор ўз азалий иродаси билан бирорта соҳибдавлат бандасининг манглайига бахт-иқбол муҳрини босиб: «Дарҳақиқат, биз сени ерда халифа қилдик» (38.26) дея уни лутфу карам либоси билан ораста қилади, унинг тиниқ қалби ойинасини ўз инояти билан равшан қиладики, токи унда ғойибдан келган ҳамма нарса юз кўрсатсин, токи юз беражак ҳамма нарса юз бермасдан бурун унда маълум бўлсин, токи инсон руҳи нариги дунё дарчаси орқали келгусидаги ишлар ҳолатини кўра олсин.

Назм:

Қандай ажойибки, хаёл – мусаввир,  
Жононим тимсолин айлади тасвир.

Юсуфи Сиддиқ алайҳиссалом (унга Аллоҳнинг марҳамати ёғилсин)нинг ота-оналари, ака-укалари ҳақида «У ота-онасини ўзининг тахтига чиқарди ва улар (Юсуфга) сажда қилган ҳолларида йиғилдилар» (12.100)

оятида айтилган ҳолат анча йиллар олдин унинг тушида аён бўлган эди. Макка қўлга киритилгани хабарини (Аллоҳ унинг шон-шухратини янада оширсин) «Қасамки, Аллоҳ ўз пайғамбарига (у киши кўрган) тушни ҳаққи-рост қилди» (48.27) оятида айтилганидек, Ҳақ таоло олдиндан пайғамбарлар султони кўнглига солган эди. Бундай хислат давлатнинг муҳим ишлари ва манфаатлари билан боғлиқ ҳолда улуғ султонлар ва хоқонларга ато этиладики, зеро улар Аллоҳнинг бу ёруғ оламдаги ноибларидир. Ҳазрат Соҳибқиронда худди шундай бўлди. Сон жиҳатдан жуда кўп душман лашкарига бас келиш мушкул бўлиб қолган бир маҳалда Соҳибқирон бир куни чошгоҳда шуни мушоҳада қилиб ўтириб кўзи уйқуга кетади. Уйқусида кимнингдир аниқ-равшан қилиб: «Ғам ема, кўнглингни хуш тутгин, қудратли Тангри сени қўллаб, зафар ато қилди» деган овозини эшитди. Уйқудан кўзини очгани заҳоти, гумонга ўрин қолдирмаслик учун атрофидаги кишилардан: «Ҳозир бирорталаринг бирон нима дедингларми?» деб сўради. Улар «йўқ» деб жавоб беришди. Унинг қўлоғига кирган сўзлар кўқдан етганига ва хушxabарнинг ёқимли насими лутфи илоҳий гулшанидан эсганига амин бўлди. Аллоҳ мадади туфайли унинг ишончи яна ҳам мустаҳкам бўлди. Ҳақ марҳаматидан руҳланган ҳолда у амир Ҳусайн ҳузурига келди ва бўлган воқеани унга айтиб берди. Бу хабардан ҳаммининг қалби қувончга тўлди. Ҳазратнинг ва унга тобе кишиларнинг қалби очилмаган гунчадек тугун эди, бу хабардан ҳаммаси баайни тонг шабадасидан очилган атиргуллардек яшнаб кетди. Лашкару шоҳ жанг фикрида чекди ғам,  
Бу башорат элни қилди шод-хуррам.

---

### **Ўн иккинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Амир Ҳусайн ва Соҳибқироннинг мўғул лашкари билан жанг қилмоқлари ва ғалаба қозонмоқлари баёни.**

Амир Ҳусайн ва Ҳазрат Соҳибқирон Яратганининг лутфу карамига шукрлар қилиб, кўтаринки руҳ билан отланиб, эҳтиёткорликни эсдан чиқармасдан, лашкарни икки қанотга тиздилар. Ўнг қанотни амир Ҳусайн бошқарди, Ҳазрат Соҳибқирон эса чап қанотга ўз ғолибона байроғини тикди. Сафларни шу тахлит жойлаштириб, ишга киришдилар. Тошариқда рақиб лашкари ҳам икки қанотга бўлинди: ўнг қанотни Илёс Хожaxon ва амир Ҳамиднинг ёғдуси, чап қанотни амир Туқ Темур ва амир Бекжакнинг улуғворлиги безаб турарди.

Ҳар иккала тарафнинг лашкарлари саф тортиб, бир-бирлари томон юрдилар.

Назм:

Жунбушга келдию замини замон

Гўё парчаланди бу ёруғ жаҳон.

Туёқлардан гардлар учди кўк томон

Тўзондан кўёшу ой бўлди пинҳон.

Иккала лашкардан чиққан дод-фиғон

Қиёмат қойимдан берарди нишон.

Икки тарафнинг лашкарлари Қуббаи Метин мавзеида учрашишди. Ноғоралар гумбур-гумбури ва баҳодирлар қичқирғидан осмон ларзага келди. Дастлаб душман лашкарининг илғор қисми кўпсон ва гўё энгилмасликларидан мағрур бўлиб, Ҳазрат Соҳибқиронга қарши беллашмоқ учун отларини жанг майдони томон суришди. Ҳазрат Соҳибқирон эса жойидан кўзгалмай, ўз давлатининг таянчи мисол устувор тураверди ва музаффар узангига оёқларини тираб, қўлларига ўқ-ёйни олди-да, чап қўлини алифдек, ўнг қўлини долдек қилиб абжирлик билан ўқ ота бошлади.

Назм:

Ўқи алиф каби, ёйи долу нун,

Унга нишонадир ёв кўкси бугун.

Жангчилар ҳам ўз ҳукмдорларига ўхшаб, баайни ой теварагидаги юлдузлардек душман тарафга ёйлардан ёмғирдек ўқ ёғдиришди. Ўқнинг ўткир учи баҳодирлар қони билан: «Уларни (жаннат йўлига) ҳидоят қилур ва ишларини ўнглар» (47.5) оятининг мазмунини битар эди ва уларнинг ҳолати: «Улар сажда қилган ҳолларида йиқилдилар» (12.100) ояти мазмунини эслатарди. Душман лашкарининг жангчилари, ғазабдан бўғилиб, ўзларини шамолдек у ёқдан-бу ёққа отишаркан, ерга тутдек тўкилишарди. Учқур ўқлардан ҳосил бўлган яралар азобига дош беролмай йиқилганча қолишарди. Назм:

Лашкар ғурур елида ёқса уруш оловин,

Ярадан оққан қондек қўлдан берар яловин.

Бу урушда шаҳид бўлган таниқли кишилар орасида икки баҳодир бор эдиким, бири денгиздаги жангда одамларни ютиб юборувчи наҳангдек, ўрмондаги жангда филга ҳужум қиладиган шердек Думаса, иккинчиси – хоннинг яқинларидан, ҳукмдор қошида хурмат-эътиборга эга Чанпу бўлиб, икковлари ҳам баҳрин қавмидан эдилар. Бундан ташқари, шаҳид кетганлар ичида Туқ Темур баҳодир, Бекжакнинг иниси Давлатшоҳ, тагин лашкарнинг ишонган таянчлари иккита шаҳзода ҳам бор эди.

Назм:

Лашкар ҳолдан тойди, кўп чекди озор,

Ўлган ўлиб, қолган бўлди ярадор.

Иккала тараф лашкарлари аралаш-қуралаш бўлиб, шу даражада урушиб-чопишдиларки, жанг майдони устидаги осмон жанг қилаётган ғанимлар аҳволига минглаб кўзлардан қонли ёш оқизди. Назм:

Тоғдай кўзғалишди иккита лашкар,

Ўнга-ўн бўлишиб тўқнашди улар.

Биёбонда дарё-дарё оқди қон,

Жанггоҳ лолазорга айланди алвон.

Жангчиларнинг ҳужумлари ниҳоя билмай, бало-офат денгизи мавж ураётган бир пайтда Ҳазрат Соҳибқиронга ғойибдан келган қутлуғ хабар ва авлиёларнинг руҳи мадад, яъни: «Бизларга ваъдасини рост қилган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин» (39.74) ояти аркони давлатнинг йўлчи юлдузи бўлди. Беҳад қудратли ғаним лашкари учун: «Сўнг юз ўгирган ҳолингизда чекиндигиз» (9.25) оятининг мазмуни мос келди. Беҳисоблиги билан ёмғир томчилари-ю, дарахт япроқларини эслатувчи шундай улкан лашкарни кам сонли лашкар баайни кузги хазонлардек тўзғитиб, пароканда қилиб ташлади; оят: «Бу (мададни) Аллоҳ фақат сизлар учун қилди» (3.126). Илёс Хожа, амир Бекжак, Искандар Ўғлон, амир Ҳамид ва амир Юсуф Хожа асирга тушдилар. Бироқ туркий қавмлардаги хоннинг қадр-қимматини эъзозлаш одатига мувофиқ хонни қўлга олган бир неча жангчилар бу ҳақда ўз лашкарбошиларига билдирмасдан хонни ва амир Бекчакни отга миндириб қўйиб юборишди. Бошқа асирлар маҳбуслик кишанида қолаверишди. Шу кеча Ҳазрат Соҳибқирон, тунлаб йўл босиб Ём дарёси бўйига келди ва у ерда душманларнинг йўлини тўсиб, кўпларини ўлдирди.

Назм:

Ариқ суви алвон майга айланди,

Тошу қаҳраболар лаълга айланди.

Амир Чоку билан амир Сайфиддин буйруққа биноан Самарқандга жўнашди. Ушбу шавкатли зафар 765 (1364) балиқ йилида қозонилди. Ҳазрат Соҳибқироннинг буюк хислатларидан бири шу эдики, у бирор ишни бошласа охирига етказмасдан қўймасди. У амир Ҳусайн ҳамда Шер Баҳром билан маслаҳатни бир жойга қўйиб, тағин душман изидан йўлга тушдилар. Хўжанд дарёсидан ўтиб, ёмон кўзлардан сақланиш мақсадида Тошкандда тўхтади, бу ерда Соҳибқироннинг бироз тоби бўлмади.

Байт:

Кўзларга яқинроқ ҳар нарсаки бор,

Фалак кўз тегизар аёвсиз ғаддор.

Ҳазрат Соҳибқирон ҳам, амир Ҳусайн ҳам худди ўша жойда касал бўлишди. Ва кўп ўтмай: «Биз мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган Қуръон оятларини нозил қилурмиз» (17.82) оятидан шифо топдилар. Маҳди улё Ўлжой Туркон оғо Гармсердан эсон-омон бу ерга етиб келди.

Мисра:

Келди Сулаймон ёнига Билқиси замон.

Ҳазрат Соҳибқирон орқага қайтишга қарор қилди ва Хўжанд дарёсидан ўтгач, ҳалқа усулида ов қилиш билан машғул бўлдилар. Амир Ҳусайн ҳам Дизак деган жойда чарга овига киришди. Улар овни Оқарда ниҳоясига етказдилар ва бир неча кун айш-ишрат билан машғул бўлдилар, қуйидаги мисрада айтилганидек:

Қўлингдан келганча хурсандчилик қил.

У ердан отланиб, эсон-омон, хушнудлик билан Самарқандга қайтдилар. Ва у жаннатмисол ўлкага Соҳибқирон қадами билан шодлик ва омонлик кириб келди. Мамлакат аҳолисининг умид кўзлари ғуборлардан халос бўлди. Кейинги уруш-таллош даври заҳматини чеккан ёшу қарининг кўнгли Соҳибқироннинг лутфу эҳсонидан таскин топди. Ҳақиқатни ўз жойида қарор топтирган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

---

### **Ўн учинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма.**

Ҳазрат Соҳибқирон ва Амир Ҳусайннинг қурултой қилганлари ва Кобилшоҳ Ўғлонни хон кўтарганлари баёни.

Мовароуннаҳр ва Туркистон ўзларига тобе барча вилояту кентлари билан мўғул лашкари хавфидан халос бўлгач, йирик амирлар ва аслзода нўёнлар ҳоқимиятга, бир-бирларининг буйруқларига бўйсунганини истамай қолишди. Мамлакатда бошбошдоқлик ҳукм сура бошлади. Шуни ҳисобга олиб Ҳазрат Соҳибқирон амир Ҳусайн билан кенгашиб, айтдики: «Ҳақ субҳонаҳу ва таоло бизга омад ва зафар каромат қилди ва вилоят бизнинг қўлимизга ўтди. Аммо бизга бир бош керақдир, орамизда бош бўлмаса, ишимизда саранжом-саришталик бўлмайди».

Байт:

Жаҳон жаҳондорсиз гўё бошсиз тан,

Бошсиз тана қора тупроқдан тубан.

Шу боис Ҳазрат Соҳибқирон амир Ҳусайн билан маслаҳатлашиб, Чиғатойхон авлодларидан бирини хон қилиб кўтаришни маъқул кўришди. Ушбу келишувни имзолаш учун улар ўша 765 (1364) йилда барча



амирлар ҳамда нўёнларни тўплаб қурултой ўтказишди ва давлатнинг муҳим ишлари ва манфаатларини муҳокама қилишди. Улар замона зайли билан фақирлик ва дарвешлик хирқасида юрган Кобилшоҳ Ўғлон ибн Дуржи ибн Элчигдой ибн Дувохоннинг келишган қадди-қоматини улуғ хонлик либоси билан безантиришга қарор қилишди. Бахт-иқбол қуши бошига қўнган Кобилшоҳ Ўғлонни хонлик тахтига ўтказишди ва турк султонларининг одатига кўра унга қадаҳ тутишди.

Назм:

Бир базм туздилар жуда ҳашамлик  
Унинг васфин айтсам сўз қилар камлик.  
Анвойи неъматлар, кумуш ва зардан  
Олам юзи зебу зийнатга тўлган.  
Гарчи улуғлару сипоҳлар бирдам  
Тўққиз бор юкуниб тиз чўқди бардам.

Бандилиқда ётган амир Ҳайдар Андхудийни Зинда Чашмга топширдилар, у шу кечасиёқ унинг ишини битирди ва унинг тириклик тахти ўз ҳукмдоридан айрилди. Назм:

Киши ўз ҳаддидан ошиб кетганда,  
Билинги, у ўз бошига етган-да!

Бу вилоят қадимдан бери Ҳазрат Соҳибқироннинг ота-боболарига тегишли бўлганлигидан унинг меросхўри Ҳазрат бўлиши керак эди. Шу боис у амир Ҳусайн шарафига дабдабали зиёфат уюштириб, вилоятни ўз ихтиёрига олди. Ҳазратнинг ишонган кишилари Соҳибқиронга иззат ва ҳурматлар кўрсатиб, базмда хушнудлик ва масрурлик навосини тараннум этдилар.

Назм:

Бу базммас шунчаки, бу ажиб гулшан,  
Шунчаки гулшанмас, яшнаган чаман.  
Тўқисдир ҳадяю, тортиқ, ҳаловат,  
Йиғилган эл, сипоҳ, кибор, бадавлат.  
Созлар кеча-кундуз чалар бахт қуйин  
Даврада айланар жомлар тинмайин.

Ҳазрат Соҳибқирон ҳар кимнинг мавқеига қараб илтифотлар кўрсатди, амир Ҳусайнга эса ўзига муносиб ҳадялар қилди.

Назм:

Хоназот отлару қиличу камар,  
Ва унга муносиб ҳашам нарсалар.

Амир Ҳамид ва Соҳибқироннинг оталари илгари яқин дўст бўлганлари боис, «Оталарнинг дўстлиги пайғамбарлар қариндошлиги билан баробар» деган ҳикматга амал қилиб, ўша тўйда Ҳазрат ва амир Улжайту Абардий биргалиқда амир Ҳамид билан Искандар Ўғлонни озод қилиш ҳақида маслаҳатлашди. Амир Улжайту Абардийнинг ақл-заковати кўзгуси турли синовлар натижасида йиллар давомида сайқаллашган эдики, ҳамма ҳар хил ҳолатларда унинг қийинчиликларни енгиш қудратига суянар эди. Унинг маслаҳати билан Соҳибқирон амир Ҳусайндан уларнинг ҳаётини сақлаб қолишни илтимос қилди. Гарчи амир Ҳусайннинг ўз фикри қуйидаги шеър мазмунига мос келса-да:

Қўлга тушган ёвни оёғидан тут,  
Йўқса, бармоқ тишлаб, қиларсан сукут.

Ҳазратнинг илтимосига кўнди ва уларни озод қилиш ҳақида буйруқ берди. Шунга қарамасдан оятда «Ҳар бир вақт учун муносиб китоб – ҳукм бордир» (13.38) дейилган бўлса-да, ҳеч нарса ёрдам бермади. Амир Ҳусайн Солисарой деб номланган ўз юртига кетмоқчи бўлиб турганида Ҳазрат Соҳибқирон амир Довуд билан амир Сайфиддинни жўнатиб, амир Ҳамидни қамоқдан бўшатиб, иззат-ҳурматини жойига қўйиб олиб келишни буюрди.

Амир Ҳамидни олиб келаётган Боязид билан Эмин узоқдан келаётган икки амирни кўриб, улар – Ҳамидни ўлдириш учун келишяпти, деб ўйлаб, ўзлари шоша-пиша, бири гурзи билан уриб, иккинчиси шамшир солиб амир Ҳамидни ўлдириб қўя қолишди. Шўрлик амир Ҳамид озодлик боли ўрнига ажал захрини ютди. Зеро: «Аллоҳ ҳукм қилур, унинг ҳукмини текширувчи бўлмас» (13.41)

Ҳаёт ариғидан сув боғланса гар,  
Хизр жомида ҳам ажал кўринар.

Бу ишдан воқиф бўлган амир Ҳусайн «Навкарнинг иши бекникидан яхшироқ воқеъ бўлди» деди ва киши юбориб, Искандар Ўғлонни олиб келтирди ва ўлдирди.

Ўша киш амир Ҳусайн билан Ҳазрат Соҳибқирон ҳар бири ўз юрти ва вилоятида дам олиб, айшу ишрат сурдилар, тинчлик ва омонлиқда иқболу давлатлари янада зиёда бўлди.

Раҳмдил ва меҳрибон Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

Аллоҳ таоло бандасига давлат бермоқчи бўлса, аввал уни азоб-уқубатга гирифтор қилади, агар унга бойлик ва ҳузур-ҳаловат берса, паришонлик ва бахтсизликни ҳам кўшиб беради. Зотан давлат бор жойда машаққат бор, хорлик бор жойда иззат бор. Буларнинг бари илоҳий заковат қудратидир.

Ошиқ ёр қалбида меҳр сезса гар,  
Йўлдаги тикону гулни бахт билар.

Кўпинча бахтсизлик бахт сабабчиси бўлади, гоҳида эса омадсизлик ва жанжал хотиржамлик ва тинчлик олиб келади.

Назм:

Мустаҳкамлик асосидир кўплаб телик-тешиklar,  
Ғам-кулфатлар зиндонида қувонч номли эшиklar.  
Кўп кулфларнинг занжирига ҳадиксиз боқ, синчиклаб  
Кўрсанг агар улар кулфмас, балки калит – очқичлар.

Бундай қиёслашлар Соҳибқирон ҳазратларининг ҳаёт кечинмаларига мос келади. Ҳазрат ўз вилоятида ҳузур-ҳаловатда ўтказган қиш охирлаб, баҳор оламга ўз сепини ёйганда, мўғул лашкари йўлга чиқиб, шу томонга қараб йўл олди, деган хабар келди.

Ҳазрат Соҳибқирон амир Ҳусайнга бу ҳақда хабар бериш учун киши юборди ва ўзи лашкар тўплашга киришди. Амир Ҳусайн Пўлод Буға, Муҳаммадхожа Абардийнинг ўғли Зинда Чашм ҳамда Малик баҳодирга тезда лашкарни йиғиб, зудлик билан Ҳазрат Соҳибқиронга қўшилишни буюрди. Улар Ҳазрат Соҳибқиронга келиб қўшилгач, бутун лашкар бир бўлиб душман сари силжишди. Ақар мавзеига етиб келгач, от-улов, мол-ҳол бироз куч йиғсин, деб ўша ердаги ўтлоқда бир неча кун қолишди. Кейин яна йўлга тушишди, Хўжанд дарёсидан кечиб ўтиб, тўхташди. Амир Ҳусайн ҳам катта лашкар йиғиб, уларнинг ортидан жўнади. У дарё соҳилига етганда, нариги томондан душман лашкарининг олдинги қисми яқинлашиб қолди. Ҳазрат Соҳибқирон Чиноз ва Тошканд оралиғидаги дарё бўйида тўхтади ва одамларига ғофил қолмасликка, эҳтиёт бўлиб туришга буйруқ берди. Амир Ҳусайн бутун лашкари билан Сайхун дарёсидан ўтиб, мўлжалланган жойда тўхтади. Кандибодом дарёси бўйига етиб келган душман лашкари ҳам тўхтади.

Амир Ҳусайн билан Ҳазрат Соҳибқирон қўнган жойларидан кўчиб, йўлга тушдилар.

Иккала тарафнинг соқчилари бир-бирларини кўриб, лашкарни тартибга келтириш ва сафлантиришга киришдилар. Ўнг қўлда амир Ҳусайн улуғлик байроғини осмон қадар юқори кўтарди. Унинг ортида қанбул да Тиланжи арлот турарди. Унинг ҳужумчи қисми Улжайту Абардий, Шер Баҳром, Пўлод Буға, Фарҳод Апарди, Малик баҳодир ва бошқа машҳур баҳодирлардан иборат эди. Дунёнинг жони ҳамда жанг майдонининг зийнати Ҳазрат Соҳибқирон ғолиблик нишони бўлган байроғини ярим ой шаклида учинчи фалакка кўтарган ҳолда чап қанотни эгаллаган эди. У олдинги қаторга қипчоқ уруғи билан амир Сори Буғани, ҳужумчи қисмга Темур Хожа Ўғлонни тайинлади. Амир Жоқубек, амир Сайфиддин, амир Мурод барлос ва Аббос баҳодирни бошқа жасур жангчилар билан бирга марказда ушлаб турди. Мана шу тартибда душман лашкаридан сон жиҳатидан анча ортиқ бўлган лашкар олдинга ташланди.

«Ҳунайна кунини эсланглар! Ўшанда Сизларни кўп эканлигингиз мағрур қилиб қўйган эди» (9.25) оятида айтилганидек, улар қутилмаган зарбадан ўзларини эҳтиёт қилолмадилар. Худди шунингдек, мўғул лашкари ҳам Қуббаи Метиндаги жангга сон жиҳатдан кўп бўлишига қарамай шу лашкардан мағлубиятга учраган эди, бу сафар бу томон лашкари кўп сонли бўлгани учун улар ҳийла йўлига ўтишди ва Яратганнинг қудратини ўзида жамлаган жада тошини ишга солишди.

Ҳолдан тойди мўғул-жета лашкари

Ҳийлаю макрга қолди кунлари.

Жада тоши билан ёғдирди жала,

Жаҳон бу ёғиндан бўлди дабдала.

Гулдирак, чақмоқлар самони тутди,

Булутлар тутуни дунёни ютди.

Осмонни қора булут қоплаб, ноғора товушларига момақалдироқ овози қўшилиб, еру кўкни чақмоқ найзалари тутиб, челақлаб қуйгандек ёмғир қуйди, булутларнинг кўзларидан шу қадар ёш қуйилдики, оламни гўё сел босди.

Назм:

Нуҳ зорин булутлар эшитдими ё?

Буткул сел остида қолди бу дунё.

Ер суву намликдан шу даражада тўйдики, ерни ўз шохиди тутиб турган ҳўкиз гўё сувда сузарди. Жанговар отларнинг оёқлари шу қадар лойга ботдики, қоринлари ерга тегиб турарди. Намликнинг зўридан ёй чўплари ивиб, ўқ отишга ҳам ярамай қолди. Ёй ўқларининг патлари тўкилиб, пайкони узилиб тушди. Кийимлар ҳўл бўлиб, оғирлашиб кетганидан на отликлар, на пиёдалар жойларидан силжиёлмай қолишди. Шунга қарамасдан, беҳад куч-ғайрат ва матонат кўрсатиб, нариги тараф лашкарлари олдинга интилдилар. Душман лашкари эса бошларига наमत ёпиб, ўзлари, отлари ва қуролларини ёмғирдан асраб турдилар.

Лашкар уларга яқинлашганда, бошларидаги наMATларини ирғитиб ташлаб, ёмғирдан ҳимоя қилинган отлари ва қуроллари билан жангга кирдилар.

Назм:

Икки лашкар наъралари кўкка ўрлаб,

Ўнгу сўлга суриларди «урҳо-ур»лаб.

Жангу карнай суронлари шунга етди:

Гўё жаҳон осмон билан силжиб кетди.

Бундай алғов-далғовда жангчилар бақир-чақир, ёмғир ва ўқлар визиллаши елкаларни «силаб», манглайдан «ўпар», юракларни тешиб, нафасни бўғарди. Ҳазрат Соҳибқирон Аллоҳнинг инояти билан чап қанотидан ҳужумга ўтиб, душманнинг ўнг қанотини синдирди, у ерни Шангум Нўён, яъни амир Ҳамиднинг укаси эгаллаб турган эди. Буни кўрган Илёс Хожaxon қочишга тушди. Бироқ қисмат юзини тескари буриб, душман лашкарининг чап қанотини эгаллаб турган Шировул ва Ҳожибек ўнг қанотга ҳужум қилиб, Тиланжи ва Зинда Чашми ўнг қанотни бошқараётган амир Ҳусайн ёнигача қувиб боришди ва бу қанот тарқалиб, қочишга тушишди. Шер Баҳром билан Ҳожибек бу тарафнинг ўнг қанотини қувиб юборганини кўрган Фарҳод ва Бек Темур саросимада тўхтаб қолишди. У тарафдан амир Шамсиддин ҳам кўп сонли лашкари билан шижоат енгини шимариб, жасоратларини намойиш қилдилар.

Ҳазрат Соҳибқироннинг қалбида ғайрат ёлқини аланга олиб, Аллоҳ мадад бериб турган бақувват қўллари билан.

Назм:

Пўлат қиличини сермади дадил

Гўё олов кесиб, тўсди қуёшни.

Бўкирик шер каби отилди шахдам,

Оти аждар каби силтарди бошни.

Ўн еттита қўшини билан душман устига ташланди ва ҳужум ёлқинини уларнинг матонат хирмонлари устига йўллади.

Бундан даҳшатга тушган амир Шамсиддин отининг бошини жанг майдонидан четга буриб, қочишга тушди.

Назм:

Соҳибқирон ҳужумин кўргани сайин,

Ҳар банданинг мадори кетиши тайин.

Соҳибқирон ғалабасидан амир Ҳусайннинг умиди куч олиб, чекинган лашкарини йиғиштириб, бир жойда турди. Назм:

Ғанимни қақшатиб қилди тантана,

Сипоҳ томирида қон жўшди яна.

Ҳазрат Соҳибқирон навқари Табан баҳодирни амир Ҳусайн ёнига қуйидаги сўзларни тайинлаб юборди:

«Ҳозирги пайт учун энг тўғри йўл амирнинг бизга яқинлашидир, агар бирлашсак, душманга ғавво солган бўлардик, негаки уларда на биз билан юзма-юз бўлишга, на қаршилиқ кўрсатишга куч йўқ».

Амир Ҳусайннинг бахт юлдузи Соҳибқирон юлдузининг чарақлаши олдида хиралаша бошлагани боис унинг ҳокимияти куни ҳам омадсизлик шоми томон яқинлашар ва Қуръон оятида: «Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас» (13.11) дейилганидек, унинг руҳияти ўша кунлари ўзгариб қолди. У ножоиз хатти-ҳаракатлар содир қилди. Табан баҳодир унга яқин келганида, у сўкиниб, уни шундай урдик, йиқилиб тушди. Ҳазрат Соҳибқирон тагин унинг ёнига амир Ҳусайн баҳодирларидан бўлган Малик ва Ҳамидларни юборди ва бу сўзларни тайинлади: «Қулай пайтни қўлдан чиқармаслик учун у албатта келиши керак». Бу сўзларни эшитган заҳоти амир Ҳусайн ғазаб отига миниб уларни урди ва «Мен қочиб кетдиммики, у мени чақирсин? Агар сизлар ғалаба қилсангиз яхши, агар ғалаба душманга насиб этса, улар менинг қасосимдан омонлик топишмайди», дея уларга дўқ-пўписалар қилди.

Кўнгиллари лат еган Малик билан Ҳамид Ҳазрат Соҳибқирон қошига келиб, унинг жиловига ёпишиб: «У ярамасдан ортиқ мадад кутманг, бунга энди ортиқ уринманг» дейишди. Ҳазрат уларнинг фикрини рад этмади ва мақсад қўлини ундан тортди. Ҳар икки тарафнинг чап қанотларини душманнинг қарама-қарши қанотлари тарқатиб юборгани оқибатида ҳар иккала лашкар ҳам бошлари қовушмай, душман манзилига етган жойда тўхтади.

Назм:

Қуёш чавандози тушганда отдан,

Лашкар ҳам тўхтади қирғин-баротдан.

Неча минглаб лашкар тун бўйи ётиб,

Токи тонг отгунча ухлади қотиб.

Ўша кечаси амир Ҳусайн бир неча бор Ҳазрат Соҳибқирон қошига одам юбориб, уни ўз ёнига чорлади.

Унинг нолайиқ қилиқларидан дили оғриган Ҳазрат бу таклифни жавобсиз қолдирди ва илтимосини бажармади.

Назм:

Фалак узра чиқди хуршиди анвар,  
У борлиқ оламини қилди мунаввар.  
Иккала лашкар ҳам тушди жунбушга,  
Қонсираб байроқлар чорлар урушга.  
Ерни тутиб кетди фарёду фиғон,  
Эс-хуш дегандан ҳеч қолмади нишон.

Иккала тарафнинг жангларида чиниққан аскарлари аралаш-қуралаш бўлиб, урушиб кетишгач, мўғул лашкари мағлуб бўлиб қочишга тутинди. Ҳазрат Соҳибқироннинг лашкари душман изидан қолмай баайни қасос олувчи қисматдек қувиб борди. Шу маҳал ўз лашкаридан айрилиб қолган амир Шамсиддин байроғи билан бориб, бир чеккада турди. Қочоқларни қуваётган лашкар жиловни тортиб, ўша байроқ томон бурилди. Қочаётган лашкар эса қайтадан тўпланиб, еру кўкни ларзага келтириб уларнинг устига ташланди.

Назм:

Ёвуз ғаним қайта ҳужумга ўтди  
Қиличу ўқ теккан инсон қон ютди.  
Ўқлар ёмғиридан қалқонлар – ғалвир,  
Найза кўз, юракка санчилаётир.

Замонанинг бевафолигидан аввал ғалаба келтирган байроқ энди бахтсизлик чангалига гирифтор бўлди ва олдин ғолиб бўлган лашкар энди мағлуб бўлиб, қочмоққа тутинди.

Назм:

Ўзгарувчан фалак ишига бир боқ:  
Аввал роҳат берар, сўнг келар – қийноқ.

Тўс-тўполонда кўплаб одамлар балчиққа ботиб қолди. Аввал енгилган душманлар яна қад ростлаб, ўз истакларини қондириш учун қасос қиличини ишга солдилар ва ўн мингга яқин киши ҳалок бўлди. Оятда айтилганидек: «Аллоҳнинг амри иродаси тақдири азалий бўлди» (33.38). Бу воқеа илон йилида, 766 (22 май 1365) рамазон ойининг бошларида содир бўлди. Буржлар силсиласидаги саккизинчи бўғин ақраб буржида содир бўлдики, мунажжимлар буни мустақил бўғин деб аташади. Сўзимиз охирида бу фикрни ерда содир бўлаётган ишлар осмон жисмлари таъсирида бўлишини тасдиқлаш учун келтирмадик. Зеро, оламга Аллоҳдан ўзга таъсир ўтказувчи куч йўқдир.

Амирлар бу ердан кетиб, Шахрисабзга етганларида ҳар бири ўз эл-улусини Жайхун дарёсидан ўтказишга қарор қилишди. Амир Ҳусайн ҳазрат Соҳибқиронга: «Ҳозир оиламиз ва одамларимизни дарёдан ўтказмоғимиз мақсадга мувофиқдир», – деди. Соҳибқирон эса: «Улар дарёдан ўтиш учун кетишди. Менинг эса бу вилоятни ташлаб кетишга ҳимматим йўл бермаяпти, негаки у сотқинлик ва адолатсизлик қурбони бўлади. Мен яна лашкар тўплайман-да, душман билан олишаман», деди.

Амир Ҳусайн Солисарой томон йўлга тушди. У ерга етиб келгач, ўз эл-улуси ва қўл остидагиларни тўплаб дарёдан ўтказди, тепалик ва довлонлардан ўтиб, Шибарту деган манзилда тўхтади. Мўғул лашкаридан огоҳ бўлиб туриш учун кишилар қўйди, мўғул лашкари қўзғолса Ҳиндистон сари жўнамоқчи эди.

Амир Ҳусайн Шахрисабздан жўнаб кетгани заҳоти қудратли Соҳибқирон лашкар тўплашга тушди ва тадбиркорлиги орқасида ўн иккита қўшин тузди. Темур Хўжа Ўғлонни, Жоварчи ва Аббос баҳодирни етти қўшин билан ҳужумчилар сифатида Самарқандга жўнатди. Жоварчи у ерда шароб ичишга берилиб кетиб, шароб унга қуйидаги мисрада айтилганидек таъсир этди:

Майнинг хушбўй сарин елдек ёқимлиси хуш,  
Гар нажасга яқин турса, анқийди нохуш.

Ва ичида пайдо бўлган ғайирлик алангаси тилига чиқди. У Довудхўжа ва Ҳиндушоҳга: «Ҳазрат Соҳибқирон сизларни тутиб олиб, амир Ҳусайн қўлига топширади, у сизларни тирик қўймайди» деб уларни қўрқитди. Улар бу гапдан даҳшатга тушиб, қочишни афзал кўришди ва душман томонга ўтиб кетишди. Куланг деган манзилга етишганда мўғул лашкаридан ҳужумчи қисм сифатида Улуғ Туғ Темурнинг ўғли Кебек Темур, Шировул, Анғирчоқ, Ҳожибеклар у ерга келишди. Довудхўжа билан Ҳиндушоҳ буларга йўлбошловчи бўлиб, уларни Темурхўжа Ўғлон, Жоварчи ва Аббосга қарши бошлаб келишди ва уларга шикаст етказишди, бу билан лашкарлар ўртасидаги бирлик риштаси узилди.

Буни эшитган Ҳазрат Соҳибқирон англадики, давлат ишларида ҳали нуқсонлар ва тўсқинликлар мавжуд, ортиқча жаҳду жадаллик фойда бермайди.

Назм:

Аҳволин ўнглашга уринар, аммо –  
Ушбу вазиятда бу бир муаммо.

У мудом ўз аҳволини яхшилашга уринар, аммо айни вазият бунга йўл бермасди. Шундай қилиб, у Аму дарёсидан ўтиб, Балхда манзил тутди, ўзининг тарқалиб кетган эл-улуси ва туманини тўплади. Шунингдек, у Кебекхоннинг туманини ҳамда Элчи Буға Сулдуз туманини ҳам тўплашни буюрди ва бир тўда кишиларни

дарё соҳилини кўриқлаб, у ерларда бўлаётган ишлардан, ҳатто энг майда ишлардан ҳам хабардор бўлиб туриши учун тайинлади. Темурхўжа Ўғлонни урушда йўл қўйган хатоси учун жазолади.

Бахт кўешининг бош кўтариб, оламга эгалик қилишини кутаркан, у тонгги маишатга берилди.

Назм:

Хуш кечир умрнинг ҳар лаҳзасини  
Мудом ёринг бўлсин ҳузур-ҳаловат.  
Ўткинчи дунёда ғам-алам мўл-кўл,  
Шодлик дамларини билгин ғанимат.

---

#### **Ўн бешинчи фасл. Мўғул лашкари томонидан Самарқанднинг қамал қилиниши баёни.**

Мўғул лашкари Самарқандга етиб келган пайтда Самарқанднинг қалъаси йўқ эди. Шу сабабли Мавлонозода Самарқандий, Мавлоно Хурдак Бухорий ва Абобакр Калавий Наддоф шаҳар халқини кўчаларни тўсиқлар билан мустаҳкамлаб, шаҳарни муҳофаза қилишга чақирдилар. Ўша жасур кишилар маълум муддат шаҳарда ҳоким бўлмаган пайтда кўп сонли ва маккор душман билан мардонавор урушдилар. Улар душманлар ҳужумини шу қадар қаттиқ туриб қайтардиларки, зўравонлик қўли шаҳар халқининг мол-мулки ва ор-номусига етолмади. Шаҳар аҳли узоқ давом этган қамалдан беҳад мушкул аҳволда қолган пайтда Яратганга илтижо қилди, дуолари мустажоб бўлиб, роҳатбахш насим раҳмати илоҳийдан келди. Қуръони Каримда: «Албатта ҳар бир оғирлик билан бирга бир енгиллик ҳам бордир» (94.6) дейилган-ку. Мўғул лашкарининг отларига ўлат тегиб, отлар шунчалик қирилдики, тўртта отликдан фақат биттасида от қолди, холос. Шу сабаб улар саросимада қолиб ортга чекинишга мажбур бўлишди. Уларнинг кўпчилиги эгарни елкаларига боғлаб чекинишди. Бундай катта лашкарга бас келиш ҳақиқатан ҳам улуғ подшоҳлар ва уларнинг ноибларининг иши эди, бироқ бу ишни оддий фуқаро уддалагани боис айримлари бундан беҳад ғурурланиб кетишди ва халқни қийнашга, зўравонлик қилиб, ҳатто қон тўкишгача боришди.

Назм:

Ё Раббим, гадойга амал бермагил!

Мўғул лашкари орқага қайтмоқчи бўлган пайтда Ҳазрат Соҳибқирон Аббос баҳодирни Қаҳлағага юбориб, мўғул аҳволини билиб келишни тайинлади. У Қаҳлағага бориб воқеаларни билгач, келиб ҳаммасини юқорида баён этилгани сингари Ҳазратга етказди. Соҳибқирон мўғул лашкарининг қайтгани ҳақида хабарни эшитгач, амир Ҳусайнга бу ҳақда билдиришни, у ҳам шу тарафга томон ҳаракат қилиши лозимлигини тайинлади. Чопардан бу хабарни эшитган амир Ҳусайн беҳад шод бўлди. Дарҳол, у Шибартудан жўнаб, Солисарой томон йўл олди. Ҳазрат Соҳибқирон оиласи ва элини дарёдан ўтказиб, қадимги юртига жўнатди. Ўзи эса отга миниб, амир Ҳусайн истиқболига йўл олди. Улар Боғлон сайхонлигида учрашишди. Бир-бирлари билан қучоқлашиб кўришиб, иззат-ҳурматларини жойига қўйиб, ўтган воқеалар, келажақдаги ишлар ҳақида сўзлашишди. Улар шу тариқа мулоқот қилиб, эрта баҳордаёқ биргаликда Самарқандга жўнашга қарор қилишди. Ҳазрат Соҳибқирон эсон-омон Жайхундан ўтиб, катта йўл босиб Қаршига келиб тўхтади. Бу шаҳарнинг Қарши номини олишига сабаб шуки, Кебекхон Нахшаб ва Насафдан икки фарсах нарида қаср қурдирган эди. «Қаср» сўзи мўғул тилида «Қарши» деган маънони англатади. Соҳибқирон қишни ўша ерда ўтказди ва Қаршини кўрғон билан ўрашни буюрди. Соҳибқироннинг улкан тадбиркорлик қудрати билан қишдаёқ кўрғонни қуриб бўлишди.

Назм:

Иқбол тилагига айлади восил,  
Эккан уруғлари берди мўл ҳосил.

---

#### **Ўн олтинчи фасл. Илёс Хожохон ишининг ниҳоясига етгани, унинг вафотидан кейинги воқеалар: Амир Қамариддиннинг ҳокимият учун кураши ва уни тиклашининг баёни.**

Мўғулларнинг оғзаки маълумотларида Илёс Хожохон ҳақида биронта ҳикоят ҳам, ривоят ҳам йўқ. У ҳақда «Зафарнома»да қуйидагилар битилган: Туғлуқ Темурхоннинг вафотидан сўнг у тахтни эгаллади.

Отасининг ўлимидан, «Лой жанги»дан ҳамда ундаги ғалабадан сўнг, Самарқанд қамали ва отларга ўлат келгани боис, у ердан қайтгандан сўнг унинг ҳукмронлиги узоққа чўзилмади. Туғлуқ Темурхон вафотидан кейин мўғуллар оғзида айтилиб келинган воқеаларнинг кўпи Илёс Хожохон ўлгандан сўнг содир бўлган, қолаверса, буёғи кўпроқ Аллоҳга аёндыр.

Туғлуқ Темурхон вафотидан кейинги воқеаларга келсак, мўғуллар тилида мана бундай ҳикоя қилинади: Туғлуқ Темурхон ҳаёти ҳақидаги тасвирларимизда эслатиб ўтилган амир Буложи бешта ака-укалардан бири эди. Улардан биринчиси – амир Тўлак, у ҳақда хоннинг исломни қабул қилиш зикрида ёзган эдик. Иккинчиси – ўша Буложи. Учунчиси, «Зафарнома»да «Лой жанги» баёнида айтилган амир Шамсиддин. Тўртинчиси – амир Қамариддин, у ҳақда энди тўхталамиз ва бешинчиси – амир Шайх Давлат, у ҳақда ҳеч нарса маълум эмас.

Амир Тўлақдан сўнг улусбегилик мансаби амир Буложига теги. Амир Буложи акасининг ортидан абадиятга равона бўлгач, улусбегилик унинг ўғли Амир Худойдодга насиб этди. Амир Қамариддин хонга таъзим бажо келтириб айтдики: «Акамнинг ўрнига мен лойиқман. Унинг ўғли етти ёшда, бу мансаб унга тўғри келмайди. Туғлуқ Темурхон, албатта, қароридан қайтмади ва бу мансабни етти ёшли Худойдодга берди».

Амир Қамариддин тап тортмас киши бўлиб, этиги ичига етти яшар боланинг жой бўлиши билан машхур эди. Хуллас, у қаттиқ ранжиди, аммо қўлидан ҳеч нарса келмади. Хон вафот этгач, у тагин кўзғалди. Бироқ, «Зафарнома»да ёзилишича, у Илёс Хожaxon вафотидан сўнг кўзғолган, бу фикр мўғулларнинг ривоятларига тўғри келмайди. Ўша пайтда кучли, мустақил хон бўлмагани учун амир Қамариддин юрагида йиғилиб ётган бор аламларини юзага чиқарди, кунлардан бир куни у ўн саккизта хонзодани ўлдириб, ўзига «Хон» ёрлиғини ёпиштирди ва шу билан Мўғулистонда ишлар издан чиқди.

Туғлуқ Темурхондан битта эмизикли ўғил қолган эди. Амир Худойдод уни онаси билан бирга яширганди, онасининг исми Амир Оғо эди. Амир Қамариддин уларни қидириб топиш учун кишилар жўнатди, ҳар гал уларни шундай бекитишар эдики, амир Қамариддиннинг одамлари топишолмасди.

Амир Қамариддин Мўғулистонда ҳокимиятни тиклаш ва изга туширишга киришди, аммо амирлар ўртасидаги низолар туфайли унинг иши юришмади. Амир Темур ва унинг қўшинларининг Мўғулистонга келиши Амир Қамариддин ишларининг олдинга силжишига таъсир кўрсатмади. Амир Худойдодга келсак, у Хизр Хожaxonни амир Қамариддин тазйиқидан халос бўлсин деб Кошғардан Бадахшон ва Кошғар оралиғида жойлашган тоғларга жўнатди. Бу ҳақда ҳали ёзилади. Воқеаларга аниқлик киритиш учун аввал амир Қамариддин ҳақида тўхталамиз.

---

#### **Ўн еттинчи фасл. Амир Қамариддин ҳаётининг баёни.**

Айтиб ўтилганидек, амир Қамариддин ҳокимиятга интиларди. Ҳар бир амир иложи борича, унга қаршилиқ кўрсатишга ҳаракат қиларди. Шундай қилиб, қараит уруғидан Кучра ва Ўзбак Темур Амир Темурга яқинлашиш йўлини қидирдилар, кейин тагин душманлик кўзи билан қарадилар. Амир Темур уларга қарши лашкар тортди, ўзи эса вилояти ҳудудида қолди, лашкар билан амир Баҳром жалойирни, Хитой баҳодирни ва Шайх Али баҳодирни жўнатди. Алматы чегарасига етишганда, Ойша Хотун дарёси бўйида қараит уруғи одамлари билан жанг бўлди. Жангдан сўнг улар сулҳ тузишиб, Амир Темур қошига қайтишди; у бу сулҳни маъқулламади ва ўзи ўша тарафга жўнади. Бу воқеалар «Зафарнома»да шундай келтирилади: «Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло ҳимматларнинг баландроғини маъқул кўради, пастроғини ёмон кўради, деган ҳикматга биноан Ҳазрат Соҳибқироннинг ҳимматлари шу қадар улуғ эдики, бирор ишни бошласа, охирига етказмагунча қўймас эдилар, бинобарин, жанг майдонини сулҳга алмаштириб, душманга нисбатан муросасозлик қилган амирлар хатти-ҳаракатини рад этди».

Назм:

Айёр тулки – ит агар жангдан товласа бўйин,

Шер билан сулҳ йўлини изласа: аниқ ўйин.

Шу боисдан Ҳазрат олийлари ўша ёққа жўнашга қатъий қарор қилди. Ҳамма ёққа лашкар тўплаш ҳақида фармонлар жўнатилди, ҳамма ёқда ғолиб аскарлар ҳаракатга келишди.

Назм:

Шоҳ қошида бўлди жам катта лашкар,  
Ҳар бириси майдон кўрган, ҳам музаффар.

Сон-санокда чўл қумидан улар кўпроқ,  
Жангда улар душманқирар арслонсиёқ  
Бир лашкарки, гулдуракли булутлардек,  
Жанг пайтида ҳужумқордир бургутлардек.

Шу лашкарни бахтиёр шоҳ этди равон,  
Саноғи: чўл қуми, дарахт баргисимон.  
Лашкар тоғи жунбуш қилиб борар йўлда,  
Қизғинлиги тоғни ўртар ўнгу сўлда.

Соҳибқироннинг ғолибона байроғи Сайрам ва Ёнги орқали эсон-омон ўтиб, Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в) табаррук оила ва авлодларига муҳаббати ҳамда эътиқодининг хосияти ва баракотидан каромат топиб шаҳарга кирди.

Душманлар Ҳазрат Соҳибқироннинг келганларидан хабар топган замон пароканда бўлиб қочишди. Ҳазрат олийлари кўп сонли лашкари билан душман ортидан Секиз Ёғочгача борди. Музаффар лашкар кўплаб асир ва сон-саноксиз ўлжани қўлга киритди; Соҳибқирон лашкари ҳадсиз-ҳисобсиз ўлжаларни олиб Яратганнинг паноҳида қайтиб келди. Адун Кузи деган манзилда Ҳазрат Соҳибқироннинг неча марталаб лутфу эҳсонларидан баҳраманд бўлган амир Мусо ва Зинда Чашм яна қинғир ишларини бошладилар. Хизр Ясурийнинг ўғли Абу Исҳоқ билан аҳдлашиб, Ҳазрат Соҳибқирон Қаросмон деган манзилга етиб

келган заҳоти уни ов маҳали ҳийла билан тутишга онт ичдилар – аммо ақл улар устидан кулди.

Назм:

Ёмонлик соғинма, забардаст арслон

Тулкига алданиб қолмас ҳеч қачон.

Хонзода Абулмаоли Термизий билан Шайх Абу Лайс Самарқандий Соҳибқиронга қаршилик қилиш учун аввалдан келишиб олишган бўлиб, улар билан иттифоқ тузишди. Кимдир буни билиб қолиб, Ҳазратга дарҳол етказди. Уларни тутиб келтирмоқлик буюрилди. Ҳаммасини тиз чўктириб, сўроқ қилинди ва уларнинг сотқинликлари фош бўлди.

Маҳди Олия Сароймулкхоним амир Мусонинг жияни бўлгани ҳамда поклик ва улуғлик пардасининг мастураси Акабеги унинг ўғлига унаштирилгани боис Ҳазрат Соҳибқирон унга: «Сен жиноят қилган бўлсанг-да, иккимизнинг орамизда қариндошлик риштаси бор, шунинг учун мен сени афв этаман» деди.

Назм:

Соқолинг оқию қондошлик ҳақи

Сенга тирикликка берилди ҳуқуқ.

Йўқса ушбу разил қилмишинг учун

Бошингни кесишга берардим буйруқ.

Хонзодага айтдики: «Сенинг насл-насабинг ҳазрати пайғамбаримиз (Аллоҳ уни ва бутун авлод-аждодини ўз раҳматиға олсин)га бориб тақалгани туфайли зинҳор-базинҳор ҳаётинга ёмонликнинг гарди тушишига йўл қўймайман. Агар ўзбошимчалигингни ташламайдиган бўлсанг, яхшиси бу вилоятдан чиқиб кетганинг маъқул». Шайх Абу Лайсга эса ҳажга кетишни буюрди. Хизр Ясурийнинг ўғли Абу Исҳоқ амир Сайфиддиннинг қайноғаси бўлганлигидан унинг илтимоси ва ён босиши туфайли у хавф-хатардан қутулиб қолди ҳамда у қилган жиноят излари хоннинг марҳамати билан ювиб юборилди.

Зинда Чашмни боғлаб, Самарқандга олиб бориш ва зиндонда сақлаш ҳақида қатъий буйруқ берилди.

Назм:

Ёв ўлик ё маҳбус бўлгани яхши,

Ва ёхуд бутунлай ўлгани яхши.

Зотан мустаҳкам тугунларни ечадиган ва тўғри йўлни кўрсатадиган зийрак ақл эгаларига аёнки, илонни қўйинда асрамоқ ва душманни дўст деб ҳисобламоқ ақлга тўғри келмайдиган ишдир.

Назм:

То тишлари синдирилмаса,

Тавба қилмас бўри ҳеч қачон.

Токи боши янчилмагунча

Заҳар солар албатта илон.

Ҳазрат Соҳибқирон ўз юрти Самарқандга қайтиб келгач, Шибурғон ҳокимлигини – Зинда Чашмнинг ўрнини Оқ Буғанинг ўғли Баён Темурга берди.

Назм:

Шоҳнинг саодатин боқ, неларни ёрлик этар:

Подшоҳдан тортиб олиб, бандага тортиқ этар.

---

### **Ўн саккизинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Ҳазрат Соҳибқироннинг учинчи марта Мўғулистонга юришининг баёни.**

Ҳижрий 776 йил шаъбон ойининг бошида пайшанба куни (5 январь 1375 йил) Ҳазрат Соҳибқирон қўшин жамлаб, икки олам сарварининг мададига суяниб, Мўғулистон сари юриш бошлади. Улар Работи Қатағонга келиб тушишганда тўсатдан қуёш қора булутлар ортига яширинди, ҳаво совуб кетди. Шоҳнинг олтин-қумушларни сочувчи қўлидан сабоқ олган булут ерга бетўхтов ёмғиру қорни тўка бошлади.

Назм:

Катта тушган бундаин қорни

Кўрмагандир инсон ҳеч қачон.

Қорни улкан бир одам десак,

Олам – унинг оғзидаги нон.

Улкан тоғлар қорлар олдида

Пахтадаги бир чигитсимон.

Аёз шу қадар қаҳрига олдики, ҳар қандай баҳодир ҳам кучсиз бўлиб қолди, на олиш-беришга қўл қимирлайди, на борди-келдига оёқ жойидан жилади. Одамларнинг ҳатто отларга қарашга ҳам кучлари етмай қолди. Шу тахлит кўплаб одамлар ва отлар нобуд бўлди. Ҳазрат Соҳибқироннинг уларга раҳми келиб, у жойдан кетди.

У совуқ чекингунга қадар икки ой Самарқандда бўлди. Сичқон йилининг бошига тўғри келадиган шаввол ойининг биринчи куни, душанбада (20 март 1375 йил) қайтадан Мўғулистонга томон жўнади. Шаҳзода Жаҳонгирни ҳужумчи қисм сифатида олдинда жўнатди, Шайх Муҳаммад Баён сулдузни ва Баҳром

жалойирнинг ўғли Одилшоҳни шаҳзода мулозимлари сафига қўшди. Ҳазрат Одилшоҳга отасининг ўлимидан кейин жалойир уруғини бошқариш вазифасини юклаган эди. Шаҳзода гуруҳи Сайрамдан ўтиб, Жорун манзилига етишганда, улар мўғулга мансуб битта одамни тутиб, Соҳибқирон қошига жўнатишди. Ўша одамдан дўғлат қавмидан Қамариддиннинг аҳволини суриштиришганда у: «Қамариддин ўз лашкарини йиғиб Кўктепа деган жойда Ҳожибекни кутиб турипти. Сизнинг лашкар тортиб келаётганингиздан хабари йўқ», деди.

Соҳибқирон ҳужумчи қисмнинг тўхтовсиз олдинга силжишини буюрди ва ўзи ҳам шошилиш учун уларнинг ортидан йўлга тушди. Қамариддин даҳшатли лашкарнинг хабарини эшитгач, у ерда ортиқ қололмади. Чиқиш қийин Аргашлар деган жойга яширинди. У ернинг учта чуқур унгури бўлиб, у ердан учта катта дарё оқиб ўтарди. Қамариддин лашкари билан икки унгурдан ўтиб, учинчисида тўхтади, кириш йўллари бекитди ва соқчилар қўйди. Шаҳзода Жаҳонгир душманни асир олишга, мамлакатни забт этишга қодир лашкарини йиғиб, ноғораю карнай садоларини осмонга ўрлатиб, унинг устига ташланди. Баҳодирлар жунбўшга келишди, ёйлардан ўқлар визиллаб учди. Шу тахлит улар ўз қудратларини намойиш қилгач, душман рўпарасида тўхташди. Ўқлар билан етиб келган хабар Қамариддин лашкарининг миясига ўрнашгач, лашкар кеча қоронғусида қочишга тушди, хуллас, эртасига у ерда мўғул лашкардан бирон зот қолмади. Довжорак баҳодирлар уларнинг кетидан қувиб бориб кўпларини ер тишлатишди.

Тонг отганда Ҳазрат Соҳибқирон қолган лашкари билан етиб келди. У душман ортидан амир Саид Довуд, Ҳусайн ва Учқора баҳодирни жўнатди. Фармонга биноан, улар Ила дарёси оқими бўйлаб кетишди. Ҳусайн дарёга чўкиб, ҳаёт шами сўнди. Қолган беклар душман лашкарига етиб олиб, уларни тор-мор келтиришди, талашди, кўпгина ўлжалар, моллар тушди. Уларга эл бўлган ҳазораларни кўчириб, Самарқандга жўнатишди.

Ҳазрат Соҳибқирон душманга юзма-юз келиш мақсадида Пайтақ деган жойгача борди ва шаҳзода Жаҳонгирни бир гуруҳ ғолиб жангчилар билан амир Қамариддинни излаб топиб, қўлга олиш учун жўнатди. Фармонга биноан, шаҳзода лашкар билан бориб, Учфармон мавзеида ўрнашиб олган мўғул ҳазораларини яқсон қилди. Қамариддиннинг тоғларда эканлигини билиб, унинг изига тушишди. Уни ўз қавмидан ажратиб ташлаб, барча манзил ва мавзеларни тор-мор қилишди ва амир Шамсиддиннинг хотини Туман Оғони ва уларнинг қизи Дилшод Оғони қўлга туширишди. Шаҳзода чопар орқали буларни Ҳазрат Соҳибқиронга хабар қилди. Ҳазрат Соҳибқирон эллик уч кун ўша жойда, яъни Пайтақда тўхтаб қолган эди. Бу қувончли хабар унинг муборак қулоғига етгач, у ердан жўнаб, Қорақасмоққа келди. Шаҳзода Жаҳонгир эсон-омон ўша жойга қайтиб келиб, ҳазрати олийларининг оёқларини ўпишга мушарраф бўлди. У шоҳга асирларни, ўлжа олинган от ва қўйларни тортиқ қилди. Дилшод Оғо Соҳибқирон гиламини ўпиш бахтига муяссар бўлди.

Назм:

Мудом дилшод бўлсин ул Соҳибқирон,

Унга каниз бўлсин Дилшоди замон.

Шаҳзода Жаҳонгир ёш бўлишига қарамай Ҳазрат Соҳибқирон қудратининг нури орқасида шундай катта ишларни қилишга эришди.

Назм:

Буюк Соҳибқирон шаъну шавкати:

Улуғвор ишларга унинг даъвати.

Ҳазрат Соҳибқирон у ердан жўнаб, Отбошига келиб тушди, кейин Арпаёзи чўлига йўл олди. У ерда бир неча кунни айш-ишрат билан ўтказди. Ҳазора амирларидан Ҳазратни беҳад қадрлайдиган Муборакшоҳ макрит Соҳибқирон шарафига катта тўю тантана уюштириб, ҳар йўл билан унинг кўнглини топишга уринди. Назм:

Ҳиммат камарини белга боғлади,

Улуғ ҳукмдорнинг кўнглини чоғлади.

Соҳибқирон ҳам унинг бу хизматига тарбият ва иноят кўзи билан боқиб, ушбу юришда ҳалок бўлган Ҳусайннинг мансаби ва мулкини унинг ўғли Худойдодга берди.

---

### **Ўн тўққизинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Соҳибқироннинг Дилшод Оғо билан бўлган дабдабали тўйи баёни.**

Аллоҳ таоло демишди: «Сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга, иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар» (4.3). Бинобарин, қодир Аллоҳнинг марҳамати билан кўп хотинлик раво бўлган экан, «Уйланинглари ва кўпайинглари» деган рағбатга амал қилиб, Яратганнинг фармони билан шу муборак манзилда Соҳибқиронга Дилшод Оғони никоҳлаб беришга жазм қилишди ва бу даргоҳ хизматкорлари тўй тадоригига киришдилар.

Назм:

Тузалди тўй базми ўта ҳашамдор,

Бу базмни буюрган ўзи ҳукмдор.



Ажойиб базмда кўриб бу чирой,  
Сукланиб боқарди қуёш билан ой.  
Бу кун унга бахту давлат эди ёр  
Тамошо қилишга жуда сазовор.  
Жаҳонгирга тўйнинг бу базми билан  
Никоҳ қилдилар шоҳлар расми билан.

Назм:

Бу саодат базмида бўлмоқ учун инжусочар,  
Гўё осмоннинг улкан жомига тўлмишди зар.  
Барча шод-хуррамлик билан Ҳазратни муборакбод этдилар. Шодиёна давра ҳаммани, аслзодаю оддий  
фуқарони ҳам ўз бағрига чорларди. Айш-ишрат учун нима керак бўлса, ҳаммаси бисёр эди, кўнгил нимани  
тиласа, орзу нигоҳи қаёққа тушса, ҳаммаси муҳайё эди.

Назм:

Ёшлик булоғида баҳор жилваси  
Кузнинг захасини кўрмаган гуллар.  
Ширин сўз соқийлар лутфан узатган  
Заррин қадаҳларга узалар қўллар.  
Бир ёнда май тўла қадаҳ жаранги,  
Бир ёнда шеър, қўшиқ, наво оҳанги.

Назм:

Юсуфчирой соқий чоҳга тушмайин,  
Зухраю ой каби балқирди майин.  
Чолғучилар қонун созини роҳат оҳангига созлаб, фароғат қўшиғини базмда ой салтанатидан Зухра  
қасрига етказишди:

Доимо бўлгай ул Соҳибқирон шод,  
Кўнгли хуррам, ўзи – хуш, юрти – обод.

Тўй ўтгандан сўнг у ердан кўчиб Ясси довонидан ошиб, Ўзгандда тўхташди. Улуғ малика Қутлуғ Туркон  
Оғо ўз тобелари, нўёну амирлари билан Самарқанддан келиб, Соҳибқиронни кутиб олиб, ҳурмату эҳтиром  
бажо келтирдилар. Табрик ва тухфалар расмини адо этиб, базмлар уюштиришди.

Улар Ўзганддан чиқиб, Хўжандга етишганда, Баҳром жалойирнинг ўғли Одилшоҳ хизмат камарини белига  
боглаб, Соҳибқирон шарафига зиёфат берди, учқур отлар тортиқ қилди, кўринишдан унга астойдил  
ҳурмат кўрсатди, лекин дилида бошқа нарса эди. Зиёфат чоғида у хоинликни кўнглига туккан эди. Аммо  
Соҳибқиронни мудом Ҳақ таоло ўз инояти билан қўллагани боис у бу маккорликни ҳис этди, йиғиндаги  
вазиятни кузатиб, буларнинг тили бошқа, дили бошқа эканлигини сезгач, зиёфатдан чиқди-да, отига  
миниб, ўз қароргоҳига қайтди.

Ҳазрат олийлари Қамариддин сари йўл олган пайтда Шайх Муҳаммад сулдуз, Одилшоҳ жалойир ва  
Туркан арлотлар тил бириктириб, иложи бўлса Соҳибқиронни қўлга олишга келишиб қўйишган эди.

Назм:

Кимни паноҳида сақласа Худо,  
Зарар етмас унга кимсадан асло.  
Унга йўлбошчидир доим саодат,  
Кимлар ҳасад қилса, ўртанар фақат.

Шу боисдан Ҳазрат Аллоҳнинг паноҳида эсон-омон қайтиб келди. Жангчиларни тарқатиб юборди, ўзи эса  
Қаршидан ғарбга томон икки манзил нарида жойлашган Занжирсаройга бориб, ўша ерда қишлашга қарор  
қилди. Шу қиш ичида Одилшоҳ Ҳазратнинг остонасини ўпишга келди. «Мана улар ўз гуноҳларини эътироф  
этдилар» (67.11) оятига мувофиқ тинчлик саройига келиб, ўз оғзи билан Соҳибқиронга ўша пайтдаги  
қинғир хаёлларига иқроор бўлди. Ҳазрат Соҳибқирон бу сўзларни эшитгач, ўз зукко ақлу тафаккури бирла  
бунни таҳлил қилиб, ўзини ҳеч нарса эшитмаганга солди ва Одилшоҳга подшоҳона илтифотлар кўрсатди.  
Қиш охирлаб баҳор ўз жамолини кўз-кўз қилганда, Хоразмга юриш қилиш учун сон-саноксиз баҳодир  
лашкарлар Соҳибқирон қароргоҳига тўплансин, деган фармони олий бўлди. Барча нўён ва амирлар ўз  
лашкарлари билан теварак-атрофдан йиғилиб келишди.

Назм:

Шоҳона саройга йиғилди лашкар,  
Лашкарки жанг кўрган баҳодир аксар.

Ҳазрат Соҳибқирон Шайх Муҳаммад сулдузни тутиб, унинг хоинлиги учун жазолашни буюрди. Сўроқдан  
сўнг унинг айби ошкор бўлди ва бахт қуёши сўниб, ҳаёт риштаси узилди. Уни Ҳармалик сулдузнинг  
акасига топширишди, у Шайх Муҳаммад сулдузнинг қариндоши бўлиб, унинг қиличидан ажал топган эди. У  
Шайх Муҳаммад сулдузга айни ўша ажал шарбатини ичириб, инисининг қасосини олди ва мана бу ҳикмат  
мағзини чақишга мажбур қилди: «Йил давомида нимани сотган бўлсанг, бир кун келиб ўзинг шуни сотиб

оласан». Шунингдек, Соҳибқирон Боязид жалойирнинг икки ўгли – Али Дарвиш билан Муҳаммад Дарвишларни ҳам жазога тортди. Оят: «Биз фақат кофир бўлган кимсагагина мана шундай жазо берурмиз» (33.17). Баён сулдузнинг туманбегилик мансабини Оқтемур баҳодирга топширди.

---

**Йигирманчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Ҳазрат Соҳибқироннинг Хоразмга учинчи бор юриши. Сор Буға, Одилшоҳ ва Баҳром жалойирлар исёни туфайли унинг йўлдан қайтиши баёни.**

777 йил баҳор ойининг бошларида, яъни балиқ йилида (март 1376 йил), гуллар- чечаклар барқ уриб, бутун борлиқ уйғонган пайтда яшариш сардори, шаҳар, қалъа, боғу роғларни ҳимоя қилмоқ учун сабза лашкарини сахро сари бурди.

Назм:

Баҳор султонининг сабза лашкари  
Ҳукм ила ташланди дала-дашт сари.  
Зардўз сабо сувни ғарқ этди зарга,  
Гул-қалқону тикан – найза назарга.  
Зафар нияти-ла азм этиб Хоразм,  
Кўриб жанг майдонин тантана базм.

Ҳазрат Соҳибқирон ўз омадига ишонгани ва келажакни олдиндан кўра билгани учун Хоразм сари юрмоққа жазм этди. Жанг қилмоқлик мақсадини кўзлади. Самарқандни бошқармоқ учун у амир Оқ Буғани қолдирди, Сор Буға, Одилшоҳ жалойир, Хитой баҳодир, Элчи Буға ва бошқа ҳазора амирларини ўттиз минг отлик билан Мўғулистонга жўнатди ва уларга, нима қилиб бўлса ҳам Қамариддинни тутиб, топилган жойида ўлдиришни буюрди.

Назм:

Сувори лашкардан ўттиз минг номдор,  
Жўнатди мўғулга қарши шаҳриёр.  
Ўзи эса Яратганнинг паноҳи остида Хоразмга дабдаба билан кириб келди.

Назм:

Санокда ҳисобсиз бир фотиҳ лашкар,  
Ботирлик бобида бори музаффар.  
Жанг-жадал ўрмонин йиртқич шерлари,  
Жасур, жанг устаси, қиличвот бари.

Жайхун дарёси соҳилида Сепоя мавзеида ярим ой тамғаси босилган байроқ ҳилпираб тўртинчи осмоннинг бу мавзегга ҳаваси келганда, дарёнинг нариги соҳилидан Туркон арлот ўз лашкари билан дабдабали қароргоҳга яқинлашди. Унинг умр манзили поёнига етгани боис қинғир ўй-фикрлар гирдобиди тагин ўз юртига, Гурзавон тарафга қараб қочди. Ҳазрат Соҳибқирон унинг изидан бир гуруҳ одамларни қўшиб Пўлод баҳодирни жўнатди. Булар кечаю-кундуз уни кувиб, Андхунддан ўтиб, Форёб дарёси бўйига етиб олишди. Туркон ва унинг иниси Турмиш арлот ўз одамлари билан дарё соҳилида жанг қилдилар. Назм:

Ўта безбетлигин кўрсатди ғаним,  
Шағоллар шерларга ташланган каби.  
Йўлбарс кезар экан жанг майдонида,  
Тулки тисарилар гезариб лаби.

Душман мағлубу пароканда бўлиб қочиб тушди. Ғолиб лашкар уларнинг ортидан кувиб кетди. Пўлод баҳодир бир ўзи Туркон арлотга етиб олди. Турконнинг оти чарчади; отдан тушиб, ўқ отиб Пўлоднинг отини кулатди. Пўлод ўрнидан туришга улгурмай Туркон унга қараб яна ўқ отди, аммо ўқи бошига зиён еткизмай телпагига тегиб ўтиб кетди. Пўлод жунбушга келиб, унга ташланди ва икковлари олиша кетишди. Ҳазрат Соҳибқирон иқболнинг нурида Пўлод Турконни ерга босди. Назм:

Ғанимлик истаган бошни шу пайти,  
Тиғ билан шарт кесиб, изига қайтди.

Омон Сарбадал унинг иниси изидан бориб, уни ҳам тутиб, ўлдирди. Назм:

Дарҳол бошин узиб инисин,  
Икки бўлди унинг танасин.

Иккаласининг бошларини келтириб улуғ тахт пойига ташлашди. Дарҳақиқат, Ҳазрат Соҳибқироннинг шоҳлик остонаси давр мансабдорлари бошларининг сўнги манзилгоҳи эди. Ўз оёғи билан келмаган ҳар қандай бош бошқанинг қўли билан келтириларди.

Ҳазрат Соҳибқирон Мўғулистонга юборган амирлар гуруҳи ичидан Сор Буға ва Одилшоҳлар Самарқанднинг холи эканлигини билиб, қинғир ишни кўнгилга тугишди ва Хитой баҳодир билан Элчи Буғани ушлашди. Ҳазрат Соҳибқирон Андихонда доруға мансабида қолдирган Ҳамид улар билан иттифоқ бўлди. Ўз уруғлари – жалойир ҳамда қипчоқларни тўплаб, Самарқандга жўнашди ҳамда шаҳар қалъасини эгаллашга киришишди. Шаҳар халқи тинимсиз ўқ отиб, буларни шаҳарга киришга қўймади.

Шаҳар ҳокими амир Оқ Буға бўлган воқеаларни дарҳол чопарлар орқали Ҳазратга етказди. Дабдабали

лашкар Қиётдан ўтиб, Хосга етиб келганда бу хабар шоҳнинг муборак қулоқларига етди ва у орқасига қайтди. Шаҳзода Жаҳонгирни у ҳужумчи қисм билан олдин жўнатиб, ўзи марказда уларнинг ортидан борди. Соҳибқирон Бухорога етиб келгач, лашкарини тартибга келтириб, Работи Маликда тўхтади. Шаҳзода душманга Карманада етиб олди. Иккала тараф ҳам саф тортиб, жангга киришдилар.

Назм:

Ноғоралар гумбурлаб замон қулоғи битар,  
Кек-нафрат аждарҳоси сочарди ўтли заҳар.  
Қиличларнинг дамидан лаълу инжу тўкилар,  
Лаълу инжу нимаси?! Ҳаёт чоки сўкилар.

Шаҳзода Жаҳонгир «У зот нақадар яхши хожа ва нақадар яхши мададкордир» (22.78) оятида айтилганидек, мудом ўз лутфу иноятини ёғдириб турган Ҳақ таоло мадади остида – Илоҳо, ҳамиша шундай бўлсин – душманни енгди, душман қочиб, Дашти Қипчоқ сари йўл олди. Ўрусхон даргоҳидан паноҳ топиб, унга мулозим бўлишди. Улкан қудрат соҳиби Соҳибқирон эсон-омон салтанатига қайтиб келди ва жалойир улусини тарқатиб, амирлар ўртасида тақсимлаб юборди. Шаҳзода Умаршайхни Андижон ҳокими қилиб жўнатди.

Одилшоҳ билан Сор Буға Ўрусхонга хизмат қила бошлашди. Охири уларнинг табиатидаги бузуқлик қайтадан ҳаракатга келиб, Ўрусхон яйловга кетганида қочилган кўзлаб, хоннинг гумаштаси Учибий билан жанг қилишди, уни ўлдириб, у ердан қочиб, мўғул тарафига, Қамариддин ҳузурига боришди ва уни фитна-фасодга рағбатлантиришга киришишди.

Назм:

Ёмон нијатдандир манфур қилмишлар,  
Кеку адовату исён қилишлар.

---

#### **Йигирма биринчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Ҳазрат Соҳибқироннинг Мўғулистонга тўртинчи бор юриш қилиши баёни.**

Сор Буға билан Одилшоҳ Қамариддинга қўшилгач, унинг табиатига хос эски душманлик оловига ўт қалаш пайида бўлишди. Қамариддин лашкар тортиб, ўшалар билан бирга Андижонга келди. Ҳазора қозоқлари шаҳзода Умаршайхдан юз ўгириб Қамариддинга қўшилишди. Тоғларга ўрнашиб олгач, шаҳзода Ҳазрат Соҳибқиронга Саман исмли бир кишини юбориб, душман катта лашкар билан келиб, Андижонни вайрон қилганини хабар қилди. Бу хабардан Ҳазратнинг ғазаб ўти аланга олиб, шошилишга йўлга тушди. Қамариддин Ҳазратнинг келаётганини эшитиб, оёғи остидаги замин бўшашиб, тўхтовсиз ортага қайтди. Отбоши мавзеида аҳли аёли ва одамларини жўнатиб, ўзи тўрт мингта қуролланган отлик билан пистирмада турди. Ҳазрат Соҳибқирон ўша жойга етганда, Қамариддиннинг пистирмасидан беҳабар душман изидан бутун лашкари билан амирларни жўнатди. Ўзи билан бир гуруҳ лашкарбошилар ҳамда беш мингта сара отликларни олиб қолди. Улар орасида амир Муаййад, Хитой баҳодир, Шайх Али баҳодир ва Оқ Темурлар бор эди. Хитой баҳодир, Шайх Али баҳодирлар жасурлик ва қаҳрамонлик кўрсатиб душманни тор-мор қилмоқ керак, дея куйиб-ёниб гапиришди. Улар ҳам душман изидан жўнашди, қолганлар ҳам уларга қўшилишди. Шу билан Ҳазрат Соҳибқирон ёнида икки юзга яқин аскар қолди, холос. Қўлай фурсатни ғанимат билган Қамариддин тўрт мингта қилич яланғочлаган отликлар билан пистирмадан чиқиб, нафрат қиличини аёвсиз сермаб, Ҳазрат Соҳибқирон устига ташланди. Ҳазрат ҳеч бир ваҳимаю саросимага тушмай, одамларига далда берди ва қулоқлари остида: «Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган» (2.249) деган оят жаранглади ва юрагига ҳеч қандай қўрқув ва ҳаяжон йўламади. У муборак нафаси билан аскарларни шундай кўтаринкиликка чорладики, бундан ақлу фаҳм лол эди. Ғалаба ва омад лашкар сонига қараб қўлга киритилмайди, бу Маликул Ваҳҳобнинг иноятдан келади. Ҳеч иккиланмай жасурлик отига минмоқ керак», дея уларни руҳлантирди.

Назм:

Шундай дея у отига қамчи урди,  
Бирубордан мадад тилаб жангга сурди.  
Ишга солди гоҳ қиличу гурзи бот-бот,  
Чавандоз-ла ташланарди тўрт томон от.  
Ҳар ҳамлада бир гуруҳни қирар эди,  
Нақ қонариқ кечиб жангда юрар эди.  
Суворининг дуч келганин ағдарарди.  
Ёв маркази томон дадил от сурарди.  
Шундай қилиб назаркарда бу ҳукмрон  
Қўлда гурзи, қилич, найза, сиртмоқ – арқон.  
Янчиб, чопиб, санчиб ғаним сардорларин  
Бошларию бўйин, қўлу оёқларин.

Ҳазрат Соҳибқирон ўзи довураклик кўрсатиб, жангда бевосита иштирок этганлари ва шунчалик шижоат кўрсатганлари боис, бундай иш шубҳасиз Парвардигори оламнинг тарбияти билан бўлди, унинг жасур жангчилари ҳам сабот ва матонат кўрсатишди, натижада шу қадар кам сонли лашкар душманнинг тўрт минг номдор отлиқларини тор-мор келтириб, қочишга мажбур қилди.

Назм:

Бундай ишлар ўз-ўзидан бўлмас зинҳор,  
Доим Аллоҳ мададидан келур зафар.

Ҳазрат олийларининг аҳвол-руҳияти, у амалга оширган ҳайратомуз ишлар ҳақида чуқур тафаккур қилиб кўрсак, шунда у бузруквор эга ички ва ташқи куч-қудратнинг сабаби Ҳақ субҳаноҳу ва таоло берган қувват ҳосиласи эканлиги маълум бўлади. Чунончи, ўша куни Ҳазрат қўли билан қилинган ишлар ташқи мададнинг кўриниши бўлса, ички мададнинг кўринишларидан бири шу эдики; «Уйқуларингизни (баданларингиз ва асабларингиз учун) ором қилдик» (78.9) оятида айтилганидек туйғуларнинг дарчалари Аллоҳ амри билан ёпилиб, қаттиқ уйқуга кетганда пайғамбарликнинг қирқ жузвидан бири бўлган тушида Шайх Бурҳониддин Қилич (Аллоҳ уни раҳмат қилсин ва ундан рози бўлсин)нинг муборак жамолини кўрди. Соҳибқирон эҳтиром билан унга яқинлашиб, Самарқандда хаста ҳолида қолдирган шаҳзода Жаҳонгирни Аллоҳдан тилаб беришини сўради. Шайх: «Аллоҳ билан бўл» деди-ю, аммо ўғли ҳақида ҳеч нима демади. Соҳибқирон уйқудан уйғонганида билдики, иш у кутганидек яқун топмайди. Кўнгли паришон бўлиб, ўзининг хос кишиси Йўл Қутлуғни хат билан Шангқўл деган жойдан шаҳзоданинг аҳволини билиб келишга юборди. У одам жўнаб кетгач, ўғли ҳақида тағин туш кўрди. Кўнглидаги бесаранжомлик кучайди. Амир ва мулозимларидан: «Мендан яширманглар, ўғлимга нима бўлган?» деб сўради. Улар тиз чўкиб, онт ичиб, биз Аллоҳнинг фақир бандалари шаҳзодага нима бўлганини билмаймиз, дейишди.

У дарҳол йўлга тушди. Секиз Ёғочда тағин Қамариддинга йўлиқишди, ўртада жанг бўлди. Қамариддин яна енгилиб, қочди. Амир Учқора уни изма-из қувиб кетди. Бир мунча йўл босишгач, Қамариддин саккизта навқари билан ортга бурилди. Уни ўраб олишиб отини ўқ билан йиқитишди, ўзини ҳам ярадор қилишди. Ва ниҳоят, у кўп азоб чекиб, пиёда қочди.

Пўлод баҳодир ўша жангда қўлидан яраланган эди. Аллоҳ иродаси билан ёнғин чиқиб, Пўлод баҳодир ёнғинни ўчирмоқчи бўлди ва кескин ҳаракатлар қилгани оқибатида яраси очилиб кетиб, ўша жойда ўлди.

---

#### **Йигирма иккинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Шаҳзода Жаҳонгирнинг ўлими баёни.**

Ҳазрат Соҳибқирон Отақумдан қайтиб, Сайхун дарёсидан ўтиб, пойтахти Самарқандга келганида барча давлат аъёнлари, улуғлару донишманд кишилар унга пешвоз чиқдилар.

Назм:

Барчанинг кийими кўк ҳамда қаро,  
Кўзларда қонли ёш ва мотамсаро.  
Ҳамма тупроқ сочган бошига ўксиб,  
Ёқа йиртган каби тирналган кўкси.

Барча тўпланган одамлар қора кийиб, сочларини юлиб, оҳу фиғон чекиб Ҳазратни кутиб олишди.

Назм:

Жаҳонгир мирзодан айрилдик, дариғ,  
Йигит жони гулдек сўлди, во дариғ!

Ёки:

Навқирон гуллаган ёшида кетган  
Улуғ шаҳзодани топамиз қайдан?...

деб фиғону нолаларини фалакка етказдилар. Буни кўрган Ҳазрат Соҳибқирон туши ўнгидан келганини тушунди.

Назм:

Фарзанд ўтганидан воқиф бўлди шоҳ,  
Кўз олди зулматга чулғонди, эвоҳ.  
Ювди кўз ёш юзин. Ўғилнинг ғами  
Туфайли зимистон бўлди олами.

Ҳазрат Соҳибқироннинг қутлуғ қадами етганидан қувончу шодлик гулзорига айланиши керак бўлган бутун мамлакат энди қалбларни куйдирувчи, кўнгилларни ларзага солувчи воқеа даҳшатидан қайғу ва мотам пардасига чулғонган эди.

Назм:

Мотам тутди лашкар, амиру хослар,  
Эгинларда қора ва кўк либослар.  
Барча эл қақшади ушбу мотамда,  
Юраклар қоврилди, куйди аламда.

Бу воқеадан Ҳазрат Соҳибқирон ғоятда ғамга ботди, тушкунликка тушди, негаки «Бизнинг зурриёдларимиз

– бизнинг қалбларимиздир» деган нақл бор. Бироқ у зукко ақли билан фаҳмлар эдики, ҳар бир инсон дунёга келибдими, ортидан унинг фано офати ҳам бор, ҳеч бир махлуқот абадий яшамайди. Шу сабабли Соҳибқирон «Собирларга хушхабар беринг» (2.155) оятидаги кўрсатмани ўз қалб ярасига малҳам деб билди, зотан бошига ҳам тушган бандаларга қарата Қуръони Каримда: «Албатта биз Аллоҳнинг бандаларимиз ва албатта биз у зотга қайтгувчилармиз» дейилган (2.156).

Раҳматли шаҳзоданинг руҳи покига атаб Ҳазрат хайру эҳсонлар қилди, бева бечораларга садақалар берди, обу ош тортди. Жасадини Шаҳрисабзга дафн этишди ва устига улкан мақбара қуришди.

Назм:

Қурдилар мақбара – улкан сағана

Уни безадилар ғоят шоҳона.

У бор-йўғи йигирма йил яшади, ундан икки ўғил қолди: Хонзодадан шаҳзода Муҳаммад Султон, Жаҳонгир мирзо вафотидан қирқ кун ўтгач, Илёс Ясурийнинг қизи Бахт Малик оғодан шаҳзода Пирмуҳаммад туғилган эди.

Шаҳзода 777, яъни балиқ йилида (1375-76) вафот этди. Бу бахтсиз ҳодиса туфайли амир Сайфиддин бу бебақо дунёдан кўнгли совуб, Соҳибқирондан ижозат ҳам олмасдан ҳаж сафарига кетди.

---

### **Йигирма учинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Соҳибқирон томонидан Қамариддинга қарши лашкар жўнатилишининг баёни.**

Ўғлининг ўлими туфайли қайғуга ботган Ҳазрат Соҳибқирон подшолик ишлари ва ҳарбий юришлардан қўлини тортди.

Назм:

Вафо қилмагай ҳеч бебақо дунё,

Ҳайфдир унинг учун чекмоқлик жафо.

Биздан қолар токи бир ҳовуч тупроқ,

Не керак меҳр кўйиб, ўлиб-тирилмоқ.

Обрўли амирлар ва нўёнлар салтанат тахтининг пойида ҳозир бўлиб, Соҳибқиронга эъзоз-икромлар билан таъзим бажо келтириб, юкиниб, дуо билан тилларини сўзга очдиларки, Ҳақ субҳаноҳу ва таоло ёруф оламнинг ишларини подшоларнинг вужудига жамламиш, оламини яратишдан мақсад инсонлар тинчлиги ва хотиржамлиги экан, Аллоҳ буни ҳам подшоларнинг адолат ва сиёсатига дахлдор қилгандир.

Назм:

Қинида турса гар подшоҳ ханжари

Изидан чиқади олам ишлари.

Султоннинг қиличин босса агар чанг,

Дин кўзгусин юзин қоплар аксар занг.

Шоҳ Аллоҳ таоло сояси мисол,

Жаҳон топгай ундан жамолу камол.

Дунёни ёритар шоҳ адолати,

Қуёш, ойдан юксак адл қиммати.

То малак фалақда қилар ибодат,

Яхшию ёмонлик фалакка одат.

Жаҳон хазинаси сенгадир сочқи,

Дунёнинг қаллиғи сенга юз очсин.

Ҳазратнинг мақсади Парвардигорнинг ризолиги ва хушнудлигига ноил бўлиш экан, бунга эришмоқликнинг энг тўғри йўли ўз қўли остидагиларга адолат қилиш, раият ва фақир мискинлар ҳолидан воқиф бўлиш деб тушунарди. Зеро ҳазрати Муҳаммад Мустафо (с.а.в) бир соат адолат билан сиёсат юргизмоқни олтмиш ё етмиш йиллик ибодатдан афзал деб билганлар.

Назм:

Адолат қил элингга, эй шаҳаншоҳ,

Расуллик эшигин қоқар одил шоҳ.

Ҳазрат Соҳибқирон бекларининг самимий насиҳатларини маъқул топиб, яна ҳиммат юзини мамлакат

ишлари ва лашкар йиғишга бурди. Шу вақтда Одилшоҳ жалойир бир қанча одамлари билан Қорачуқ

тоғида тентираб юрибди, деган хабар келди. Ҳазрат Соҳибқирон уни излаб топишга Баротхожа

кўкалдошни ва Элчи Буғани ўн бешта отлиқ билан жўнатди. Улар Самарқанддан чиқиб, Ўтторга етганда у

ердан яна одамлар олиб, тоғлардан Одилшоҳни излашга тушишди. Уни Оқсумо деган жойда тутиб қатл

этишди. Оқсумо соқчилар минораси сифатида Қорачуқ тоғида тикланган устунсимон қурилма бўлиб, ўша

ердан Дашти Қилчоқ йўлини кузатишади.

Сор Буға тўғри йўлдан озиб, душман бўлиб қочиб юрган эди. Икки йилдан кейин ақлнинг ҳидояти билан

тағин Соҳибқирон қароргоҳи остонасига бош уриб келди. Ҳазрат подшоҳона марҳаматлар кўрсатиб, унинг

гуноҳидан ўтди ва ўз улусининг беклигини берди. Шундан сўнг шаҳзода Умаршайхга Оқ Буға, Хитой

баходир ва бошқа амирлар билан бирга Қамариддин изига тушиб, уни йўқ қилиш учун қатъий ҳаракат қилишни буюрди.

Фармонга биноан улар йўлга чиқиб, иложи борича тезроқ юриб, Қоратоғ этагида Қамариддинга етишди. Соҳибқирон давлатининг иқболи туфайли жангда биллурий ранг қиличлар тиғи алвон рангга бўялди, душманнинг юзи бўронда чирпирак бўлган сомон парчасидек сарғайиб кетди. Қамариддин қочгач, булар унинг улусини талаб, катта ўлжа ва асирлар билан қайтишди.

Назм:

Ғанимга шафқатсиз халқпарвар лашкар

Қайга юриш қилса, қайтар музаффар.

---

### **Йигирма тўртинчи фасл. «Зафарнома»дан кўчирма. Ҳазрат Соҳибқироннинг енгилмас ва беҳисоб лашкари билан Мўғулистонга бешинчи марта қилган буюк юриши баёни.**

Енгилмас лашкар жетага, яъни Мўғулистонга қилган юришидан мўл-қўл ўлжа билан қайтгач, ҳазрат Соҳибқирон ўша йилиёқ у ёққа тағин юриш қилишга қарор қилди. Амир Мусонинг ўғли, Ҳазратга божа бўлиш мартабасига сазовор бўлган Муҳаммад бекни, амир Аббосни ва Оқ Темур баходирни ҳужумчи қисм сифатида олдин жўнатди. Фармонга мувофиқ кечаю кундуз ҳаракат қилиб, Иссиққўлдаги Бўғомда Қамариддинга етиб олишди. Қаттиқ жанг қилишди, Қамариддин қочди, булар унинг элини талон-тарож қилиб, асир олиб кетишди. Ҳазрат Соҳибқирон зоти олийлари уларни Қўчқор мавзеигача қувиб борди. Ўша жойда Ҳазратга хабар етдики, Тўхтамиш Ўғлон Ўрусхон ўзбекдан кўрқиб, оламpanох даргоҳларига бош уриб келмоқчи эмиш. Ҳазрат Соҳибқирон амир Туманга уни иззат-икромлар кўрсатиб кутиб олишни буюрди. Ўзи Юмғол йўли орқали эсон-омон ортга қайтиб, Ўзгандга келиб тушди. У ердан жўнаб, бахт-иқбол билан Самарқандга келди.

Амир Туман Тўхтамиш Ўғлонни келтирди, барча аркони давлатлари уни Соҳибқирон қошига бошлаб келишди. Ҳазрат олийлари унинг ташрифига катта ҳурмат-эҳтиром билан ёндошди ва ҳар дақиқада уни эъзозлаб, шоҳона илтифотлар кўрсатди. Тантанали қабул маросими ниҳоясига етгач, унга ва унинг тобеларига шунчалик кўп инъому тортиқлар қилдики, таърифига сўз ожиз: олтин-кумуш, марварид, чопон, камар, қурол, матолар; от, қалқон, чодир, ноғора, байроқ, лашкар, мулозимлар ва бошқа шоҳона нарсалар тухфа қилинди ва чуқур ҳурмат юзасидан уни ўзига ўғил атади.

---

### **Йигирма бешинчи фасл. Амир Қамариддин ишининг якун топгани баёни.**

Мўғулистондаги ишончли одамлардан эшитишимча, Куйла Қожуроода амир Қамариддин сувчечак билан оғриб, шу даражага етганки, терисидаги шишлар ёрилиб, коса-коса йиринг оқиб ётган. Шу орада Амир Темур лашкар тортиб келаётгани ҳақида хабар келади. Қамариддиннинг на отда ўтиришга, на жиловни тутишга мадори бўлмади. Одамлари уни тўқайга элиб, иккита чўри ва бир неча кунга етадиган озиқ-овқат билан қолдиришади. Қолган одамлар қочиб кетишади. Кейинчалик уни тўқайдан қанча қидиришмасин, унинг ҳам, чўриларининг ҳам на ўлигини, на тиригини топишолмайди. Одамлар унинг ёмонликларини аста-секин унута бошлашади. Шундан сўнг Амир Темур хотиржам бўлиб, Мўғулистонга олтинчи марта юриш қилмади. Хулласи калом, мўғуллар тинчлик-осойишталикни қўлга киритдилар.

---

### **Йигирма олтинчи фасл. Хизр Хожaxon ибн Туғлуқ Темурхон ҳаётининг дастлабки даври баёни.**

Илгари зикр этилганидек, Туғлуқ Темурхон фарзандларининг сўнггиси Хизр Хожaxon бўлиб, уни ҳали эмизикли пайтида Худойдоднинг онаси Мир Оғо Қамариддин тазйиқидан қутқарган эди. Хизр Хожaxon ўн икки ёшга етганда Қамариддиндан хавфсираб уни Кошғарга олиб кетишади. Амир Худойдод унга ишончли одамлар ҳамроҳ бўлиб боришларини хоҳлайди. Мир Оғо бунга қаршилик қилиб дейди: «Ўз мулозимларингдан ҳеч кимни унга ҳамроҳ қилма, негаки Хизр бир кун келиб, хонлик тахтига ўтирса, бу одамлар истасанг-истамасанг эъзозда бўлишади. Улар хон ёнида бўлишса, сенинг ўғилларинг уларга душман бўлишади, чунки улар, одамлар бизни ҳурмат қилишмайди, хоннинг ҳақиқий мулозимлари булар, деган фикрга боришади-да, натижада душманлик бошланади. Шу боис унга ўз мулозимларингни эмас, бегона одамларни кўшиб жўнат». Шундай қилиб, Хизрга ўн иккита бегона одамни ҳамроҳ қилиб жўнатишади. Уларнинг бари амир бўлишди, уларнинг авлодлари ҳозир ҳам бор. Улардан бири чакрак уруғидан эди, ҳозирги иторчи амирлари ўшанинг наслидан. Иккинчиси – хоразмлик баққол эди, кунжи амирлари ўшанинг наслидан, яна бири – чалишлик овчи. Унинг ўғиллари ҳам амир бўлишди, уларни «Қушчи», яъни, «амири шикор – қуш овчиси» ва яна «Кўкалдош» деб ҳам аташади. Булар амирлик даражасига етганлари. Ўн икки кишидан қолганлари ҳам юқори мансабларга эришдилар. Хуллас, Хизр Хожaxonни Бадахшон ва Кошғар ораллигидаги тоғларга олиб кетишди. Қамариддиннинг айғоқчилари буни билиб қолишгач, улар у тоғлардан Хўтан тоғларига йўл олишди. У ерда ҳам қолишдан хавфсираб, Сариқ Уйғур, Хабр, Хон, Луб, Катак тарафга кетишди.

Ўша ўлкаларда ўн икки йил яшашди. Қамариддиннинг давлати завол топиб, у золим қонхўрни Ҳақ

субхонаху ва таоло салтанат тахтидан ҳалокат чоҳига ташлагач, халқ хон талаб қила бошлади. Амир Худойдод ўша ўлкаларга одам юбориб, Хизр Хожохонни олиб келтирди. Халойиқ жамъ бўлиб, уни хонлик тахтига ўтказди, шу билан мўғуллар давлати ва хонлиги чеҳрасига қизил югурди. Мўғулистон гуллаб-яшнади. Амир Темур билан сулҳ тузишиб, хонликдаги ифбатли, мастура қизлардан бири Туқал хонимни унга никоҳлаб беришди. «Зафарнома»да шундай битилган. Бунинг таърифи узун, мана ўша воқеаларнинг қисқача баёни.

Ўз ҳукмронлиги даврида Хизр Хожохон Хитойга ғазот қилди. Турфон ва Қорахожа Хитой таркибидаги йирик шаҳарлардан эди. Хон шахсан ўзи ўша ёққа юриш қилиб, ғалаба қозонди, у ерлардаги халқни исломга киргизди, мана ҳозир ҳам ўша ерларда исломга эътиқод қилишади ва мўғул хонлари тахти Кошғардан кейин ўша ердадир.

Нақл қилишларича, ўша адолатли уруш пайтида Хизр Хожохон мулкларни муқаддас шариат қонунлари бўйича тақсимлаган. Унинг чекига бир кийимлик атлас билан битта қорамол тушган. У қачонлардир Туғлуқ Темурхон томонидан қабул қилинган ислом ақидаларига итоат этувчи хон бўлганлигидан шунга рози бўлган.

Унинг замонида Амир Темур абадиятга риҳлат қилган эди. «Зафарнома»да зикр этилишича, Амир Темур ғарбий ва шимолий вилоятлардан кўнгли хотиржам бўлгач, Шарқ мамлакатларига йўл олдики, улардан энг йириги Хитой эди. У лашкарини тартибга келтирди; бунинг барчасини баён қилсак, сўз узоққа чўзилади. Бунинг қисқача таърифи бундай: у саккиз юз минг аскардан иборат лашкар тузди, уни етти йилга етгулик қилиб таъминлади, Ироқ ва Рум юришида ҳам худди шундай таъминланган эди. Хитой ва Мовароуннаҳр орасидаги вилоятлар унчалик обод эмаслиги сабабли озиқ-овқат захирасини мўл-кўл қилиб олишга ҳаракат қилишди, ҳукмдор киши бошига иккитадан сигир, ўнтадан соғиладиган эчки олишни буюрдики, борди-ю йўлда ғамланган егуликлар тугаб қолса, уларнинг сути овқат бўлади, агар бу ҳам тугаса, гўшти истеъмол қилинади, дейишади.

Ишларни шу тахлит режалаштириб, Самарқанддан жўнашди. Ўша қишни Туркистонда ўтказишди. У Хизр Хожохонга киши юбориб, лашкарга озиқ-овқат мўл бўлсин деб, бу йил деҳқончиликка катта аҳамият беришни тайинлади..

Отам (Илоҳо, ғури нурга тўлсин)дан кўп бора эшитганим борки, Мўғулистоннинг машҳур Кўктуба мавзеида эрта баҳорда қимиз пайдо бўлган, мўғулларнинг одатига кўра, ўша куни зиёфат уюштирилган. Амир Худойдод хонга бир коса қимиз тутиб турган пайтда давлат одамларидан биттаси келиб, Амир Темурдан элчи келганини ва у келтирган нома мазмунини баён қилди. Шунда хон, қаршилиқ кўрсатишга кучинг етмаса қийин, уларга ўлпон тўлаб қутулиб қўя қолиш керак, деди. Қимиз тўла косани тутганча хон ўйга толди. Амир Худойдод ҳозир ҳузур косасини симирмоқ керак, дея қуйидаги байтни келтирди:

Ғам келмасдан бурун чекма ташвишин,

Эртага қўяйлик эртанинг ишин.

Тағин қўшиб қўйди: «Айтишадику, агар бирорта олмани осмонга отиб юборилса, ўша олма ерга қайтиб тушгунига қадар Парвардигор юзлаб яхши ишларни амалга оширар экан, худди шунингдек, эртагача Аллоҳ неча минглаб хайрли ишларни амалга оширса ажаб эмас. Сиз ҳозирги лаҳзаларни ғанимат билиб, шод кечиришга интилинг».

Амир Худойдод хануз шу гапларни тугатиб ҳам улгурмаган эдики, лашкар сафи тарафдан оқ кийимда қора отга минган бир одамнинг елиб келаётганини кўришди. У одамлар отдан тушадиган жиловхонада отдан тушмай, белгиланган жойдан ўтиб, мулозимлар тўпланган жойгача отда келди. Ҳар тарафдан ясовуллар кўзғолиб, уни тўхтатишга уринишди, у хоннинг қошига етмагунча тўхтамади ва «Ўтрорда Амир Темур ўлди», деди-ю, орқасига бурилиб, шу кетганча тўхтамай от чоптириб кетди. Орқасидан югуришиб, «Тўхта, тузукроқ тушунтир» дея ҳарчанд қичқиришмасин, у ортиқ бир оғиз сўз демай кетди. Изидан бир қанча кишиларни жўнатишди, аммо ҳеч ким унга етолмади. Ўша бир оғиз сўздан бошқа ҳеч нима маълум эмасди. Қирқ беш кундан сўнг хабар келдики, Амир Темур ҳақиқатан ҳам Ўтрорда вафот этган экан. Шу гап рост экан, Хизр Хожохон шу билан ташвишдан халос бўлди.

Хизр Хожохон 770 (1368) йилда туғилган, Амир Темур эса 807 (1405) йилда вафот этган. Ҳазрат Амир Темур вафотидан сўнг Хизр Хожохоннинг неча йилдан кейин ўлгани маълум эмас (Аллоҳ билгувчидир).

Хизр Хожохон хонлик тахтига чиқиб, подшоҳлик тожини кийгач, амир Қамариддин туфайли зил кетган хонлик тағзамини Амир Темур ҳукмронлиги пайтида яна мустаҳкамланди. Хонликнинг йўқ бўлиб кета бошлаган қадимги тартиб-қоидалари янгидан жило топди. У мамлакат ишлари ва давлат аъёнларининг ҳақ-хуқуқларини қайта тиклади. Амир Худойдоднинг Чингизхон замонида яшаган бобокалони Уртубуга Чингизхон етти имтиёзни берган эди. Мана улар: биринчиси – ноғорачи, иккинчиси байроқ, буни туркийда «Туман Туғ» дейишади; учинчиси – иккита мулозимини қўшин байроғини тутмоққа қўйди; тўртинчиси – қуролдорлик, яъни хон йиғинида қурол осиб олиш ҳуқуқи; мўғуллар одатига кўра хон йиғинида хондан ўзга ҳеч кимнинг ёнида қурол осиб олишга ҳаққи йўқ эди; бешинчиси – унинг овида, қуш овими ёки қуён овими, барибир, қатнашган ҳар бир киши унинг навқари ҳисобланган; Буни туркий ифодада шундай келтиришган: «Бурна кўзлаган ва тувушқон жаркалаган онинг жаркасидин чиқмасун»; олтинчиси – у бутун

мўғул улусининг амири ҳисобланган, фармонларда уни «Мўғул улусининг сардори» деб ёзишган; еттинчиси – девонхонада тўрда ўтирган, қолган беклар нарида, ундан бир ёй ўлчами узоқроқда икки тарафда ўтиришган. Чингизхон томонидан Уртубуга берилган еттита имтиёз мана шулар. Амир Буложи Туғлуқ Темурхонни қалмоқлар юртидан олиб келиб, айтиб ўтганимиздек, хонлик тахтига чиқарган пайтда, Туғлуқ Темурхон буларга яна иккита имтиёз кўшган эди, шу билан улар тўққизта бўлди; Биринчиси – у хоннинг рухсатисиз, мустақил кўшин амирини мансабидан тушириш ёки шу мансабга тайинлаш ҳуқуқига эга эди; иккинчиси – амир Буложи авлодлари тўққизта гуноҳ қилмагунларича ҳеч қандай жазога тортилмасди. Улардан бирортаси тўққизта гуноҳ иш қилса, уни сўроқ қилинадиган жойга икки яшар отга миндириб олиб боришади. Ҳурмат юзасидан от оёғи остига тўққизта оқ наMAT тўшади, унинг сўзларини хонга барлос уруғидан бўлган амир, хоннинг сўзларини эса унга арканут уруғидан бўлган амир етказишади. Мана шундай сўроқдан кейин борди-ю унинг тўққизта гуноҳи исбот топса, у ўлим жазосига лойиқ деб ҳисобланади – унинг бўйин томирини кесишади, ҳалиги иккита амир уни икки тарафдан тутиб туришади. Унинг баданидаги бутун қони оқиб чиқиб, ҳалок бўлгач, икки амир дод солиб, уни олиб кетишади.

Туғлуқ Темурхон тўққиз имтиёзни тасдиқлайдиган фармонга имзо чеқди. Мен Туғлуқ Темурхоннинг ўша фармонини кўрганман, у отамга боболаридан мерос қолган. Фармон Шоҳибекхоннинг ғалаёнли даврида йўқолди. У мўғул тилида, мўғул ёзувида, тўнғиз йилининг баҳорида, Қундузда битилган эди. Шунга асосланиб, Туғлуқ Темурхоннинг ҳокимияти Қундузгача чўзилган деб ҳисоблашарди. Хоннинг ҳаёти ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмайди, бироқ мен ушбу «Тарих»да у ҳақда «Зафарнома»да нима битилган бўлса, ҳаммасини келтирдим.

Амир Буложининг ўғли амир Худойдоднинг уринишлари орқасида Хизр Хожохон амир Қамариддиннинг даҳшатли тазйиқларидан омон қолиб, хонлик тахтига ўтиргач, ўз падари бузруквори кўллаган удумларни тиклади, амир Худойдод ишларини изга туширишда жонбозлик кўрсатиб, айтиб ўтилган тўққизта имтиёзга яна учтани кўшди. Шу билан имтиёзлар сони ўн иккитага етди. Биринчиси шуки, тўю-зиёфат кунлари хоннинг ясовули билан амир Худойдоднинг ясовули от устида ўнг тарафда май солинган катта идиш ва хоннинг қадаҳини тутиб туришлари керак. Иккинчиси – фармонга муҳр босиш ҳуқуқи: фармон тугаган жойга амир Худойдод, ўша сатрнинг бошига хон муҳр босишади. Мана шу ўн иккита имтиёзлар ҳақидаги фармон остига Хизр Хожохон ва Амир Худойдод номига имзо чеқди.

Амир Худойдод вафотидан кейин ўн иккита имтиёз унинг ўғли амир Муҳаммадшоҳ кўрагонга ўтди. Амир Муҳаммадшоҳ оламдан ўтгач, унинг ака томондан жияни амир Саид Али кўрагонга ўтди. Ундан Ҳайдар мирзо кўрагонга, Муҳаммад Ҳайдар мирзодан эса унинг ўғли Муҳаммад Ҳусайн мирзо кўрагонга ўтди, у Муҳаммад Ҳайдарнинг, яъни, фақирнинг отаси бўлади. Одамлар мени кўпроқ Мирзо Ҳайдар сифатида танишади.

Отам шаҳид бўлгандан сўнг (Илоҳо гўрига нур ёғилсин) амаким Саид Муҳаммад мирзо шаҳид Султон Саидхонга уланди. Шаҳид Саидхон (Аллоҳ унга жаннатдан жой ато қилсин) амакимга ўша имтиёзларни берди. Бу ҳақда «Тарихи Рашидий»нинг иккинчи китобида ёзилган.

Чингизхон даврида, 625 (1227-1228) йилда асос солинган мана шу имтиёзлар Султон Саидхоннинг вафоти ва амакимнинг ўлдирилишигача, яъни 940 (июл-август 1533) йил муҳаррам ойигача амал қилиб келди. Султон Саидхон оламдан ўтгач, хонлик тахтига Султон Рашид ўтирди. У ота-боболари ўрнатган тартибга барҳам бериб, уларни тескариси билан алмаштирди.

Ул Худойи вожибул вужудга чексиз ҳамду санолар бўлсинки, менга навбат келганда, мени бировларга бўйин эгишдан, хонларга муҳтож бўлишдан асради. Ҳеч бир имтиёзларга ҳам куним қолмади! Ё қодир Худо, иноят ва раҳматининг чек-чегараси йўқ. Агар бирор бандага тавфиқ ато қилсанг, у бу дунёнинг меҳнатидан, охиратнинг азоб-уқубатидан халос бўлғусидур! Бу фақир бандангни зоҳиран караминг бирла бировга муҳтож қилмадинг, ботинан ҳам ўз муҳаббатингга гирифтор қилгайсан.

Назм:

Илоҳо, барчани мандан совутгил,  
Жумла жаҳон аҳлин йироқроқ тутгил.  
Дунё ишвасига маҳлиё этма,  
Кўнглум ҳарамидан ҳеч нари кетма.

---

#### **Йигирма еттинчи фасл. Муҳаммадхон баёни.**

Муҳаммадхон Хизр Хожохоннинг ўғли бўлади. Хизр Хожохоннинг бундан бошқа ҳам ўғиллари бўлган. Улардан – Шамъи Жаҳонхон, Нақши Жаҳонхон ва бошқалар. Эсан Буғахондан сўнг, Туғлуқ Темурхондан ташқари мўғуллар юртида Чиғатой хонларидан ҳеч ким қолмади. Бу ҳақда айтиб ўтилди. Туғлуқ Темурхондан кейин амир Қамариддин Хизр Хожохондан бошқа барча авлодларни йўқ қилди. Бу ҳақда ҳам айтилди. Хизр Хожохондан кўп ўғил ва набиралар қолди. Улар ҳақидаги муфассал маълумотлар мўғулларнинг ишончли манбаларида сақланиб қолмаган. Умуман менга хоннинг бевосита ота-боболари ҳақидаги маълумотларгина маълум, уларнинг аммавачча, холаваччалари ҳақида ҳеч бир



маълумот йўқ. Хизр Хожaxonнинг фарзандларидан фақат Муҳаммадхон ҳақидагина эслатилади, холос, мўғул хонлари авлоди у билан барҳам топган.

Муҳаммадхон яхши, мусулмон, адолатли улуғ хон бўлди. Унинг Худо ярлақаган замонида мўғул улусининг катта қисми мусулмон бўлди. У мўғуллар орасида ислом динини тарқатишга қаттиқ саъй-ҳаракатлар қилди. Масалан, бирорта мўғул салла ўрамаган бўлса, унинг бошига тақа михини қоқишганлари ҳақида маълумотлар бор. У мана шундай ишларнинг кўпини қилган (Аллоҳ уни раҳматига олсин).

Мўғулларнинг нақл қилишларича, Амир Худойдод ўз қўли билан олтита хонни тахтга ўтқазган. Шулардан бири мана шу Муҳаммадхондир.

Муҳаммадхон Чодиркўл довонининг шимол тарафида бир работ қурдирган, унда шунақа катта тошларни ишлатганки, бундай тошлар Кашмир иморатларидан ўзга ерда ишлатилмаган экан. Работнинг баландлиги йигирма газ арки бор. Унинг дарвозасидан кириб, олдинга қараб ўттиз газ юрсангиз, баландлиги тахминан йигирма газ келадиган гумбаз чиқади. Гумбаз олдида ўтиш йўлаги бор, гумбаз атрофида ўртача катталикдаги қулай ҳужралар қурилган. Работнинг ғарбий тарафида баландлиги ўн беш газ келадиган масжид қад кўтарган. Бинода ўттизга яқин уланиш чоклари бўлиб, булар бари тошдан қилинган. Барча эшикларининг устига яхлит харсанг тош қўйилган, Кашмир иморатларини кўрмагунимча бу қурилма менга ғоятда ҳайратли бўлиб кўринган эди. Чодиркўл довонини ўша работ номи билан Тошработ довони ҳам дейишади.

Муҳаммадхон даврида Мовароуннаҳрда Шоҳрух мирзонинг ўғли олим Мирзо Улуғбек ҳукмронлик қилган, у «Зижи Кўрагоний» жадвали ва расадхонаси билан машҳур. Шоҳрух мирзо Хуросон ва Ироқ ҳукмдори бўлган. Улуғбекнинг туғилган ва ўлган санаси маълум эмас. Агар ўша даврдаги саналарни бир-бирига қиёсласак, унинг тахминан 860 (1455-1456) йилда вафот этгани маълум бўлади (Аллоҳ яхшироқ билгувчидир).

---

#### **Йигирма саккизинчи фасл. Шермуҳаммадхон ибн Муҳаммадхоннинг баёни.**

Муҳаммадхоннинг авлодлари ичида Шермуҳаммадхон ва Шерали Ўғлонлар ҳам бор эди. Отаси Муҳаммадхон вафот этгач, Шермуҳаммадхон салтанат тахтига ўтириб, мустақил хон бўлди. Унинг замонида мамлакатда осойишталик бўлди, халқ фаровон яшади. Укаси Шерали Ўғлон унинг ҳукмронлик даврида ўн саккиз ёшида вафот этди, хонлик даражасига етмади. Ундан Увайсхон исмили ўғил қолди. Увайсхон билан Шермуҳаммадхон ўртасида келишмовчилик пайдо бўлди, бу ҳақда қуйида зикр қилинади. У Муҳаммадхондан кўра кўпроқ подшоҳлик қилди, у ҳам Шоҳрух мирзонинг замондоши эди.

---

#### **Йигирма тўққизинчи фасл. Увайсхоннинг ёшлик даври баёни.**

Султон Увайсхон – Шерали Ўғлоннинг ўғли. Отасининг вафотидан сўнг у амакиси Шермуҳаммадхон ёнида бўлди, балоғат ёшига етгач, амакиси ёнида хизмат қилиш унга оғир туюлди, у ердан кетиб, ҳар қаерларда макон тутиб юрди. Мўғуллар улусида ўзини баҳодир ҳисоблаган ва шунга талабгор ҳар қандай йигит унинг ҳузурига борарди. Амир Саид Али, каминанинг мартабали бобокалони ҳам шулар жумласидан бўлган. Мен она томондан Увайсхоннинг чевараси бўламан, амир Саид Али эса ота томондан бобокалоним ҳисобланади. Мана шу амир Саид Али Саид Аҳмад мирзонинг ўғли, Саид Аҳмад мирзо эса Амир Худойдоднинг ўғли бўлган. Шу ерга муносиб келгани учун икки оғиз амир Саид Али ҳақида тўхталмоқ жоиздир.

---

#### **Ўттизинчи фасл. Амир Саид Али ва унга тегишли воқеалар баёни.**

Зикр этиб ўтилганидек, Амир Худойдод Мўғулистонда хонлар хизматида бўлди. Амир Худойдоднинг ватани Кошғар Чингизхон томонидан унинг боболарига тортиқ қилинган эди. Бу ҳақда Кошғар юрти ҳақида сўз борганда иккинчи китобда гапирилади. Амир Саид Аҳмад дудуқланиб гапирарди. Сўзларини у билан суҳбатлашиб ўрганиб қолган кишигина тушунарди. Қулоғи ҳам оғирроқ эдики, у билан баландроқ овозда сўзлашиш лозим эди. Падари бузруквори Худойдод уни Кошғарга ҳоким қилиб юборди. Анча муддат Кошғарда ҳукмронлик қилди. Кошғарнинг таниқли кишиларидан Хожа Шариф катта обрўга эга эди. Ҳамма одамлар унга ёрдам ва маслаҳат сўраб мурожаат қилишар эди. Хожа Шариф хуштабиат ва зийрак киши эди. У Саид Аҳмад мирзодан норози бўлиб, мирзо Улуғбекка илтижо қилиб келди, Улуғбек Кошғарни Хожа Шарифга берди. Саид Аҳмад мирзо Кошғардан қочиб, отасининг ёнига келди ва кўп фурсат ўтмай вафот этди.

Саид Аҳмад мирзонинг ўғли амир Саид Али бобосининг ёнида эди. Амир Худойдод амир Саид Алини бошқа фарзандларидан зиёд кўрар эди, негаки на бўйи-басти, на куч-қудрати ва жасурлиги, на ақлу фаросати бўйича унга тенг келадигани йўқ эди. Уни «алиф» ҳарфига қиёслаб «Саид Али алиф» (Саид Али узун) дейишар эди.

Амир Саид Али Эсан Буғахоннинг қизини ўғли Муҳаммад Ҳайдарга келин қилиб олганида, ҳали бу ҳақда гап бўлади, гўшанга учун михни у қоққан эди, буни ўзим кўрганман. Агар бир одам тик туриб, иккинчи одам

унинг кифтига чиқиб қўлини узатса, қўли ўша михга бир газ чамасида етмай қоларди. Мана шунинг учун ҳам амир Худойдод амир Саид Алини бошқа ўғилларидан кўра кўпроқ яхши кўрарди. Ўша кунлари теурийлар юртидан Аҳмад мирзо деган одам Шохрух мирзо уйдан қочиб келган эди. Унинг ёнида бир синглиси ҳам бўлиб, амир Саид Али унга ошиқу шайдо бўлиб қолди. Амир Худойдод ва бошқа кишилар орага тушиб, совчилик қилишди. «Мен Мўғулистонда қолишни истамайман, агар у менинг юртимга бирга кетса, унда бу иш мумкин бўлар» деди. Кўп ўтмай улар Мовароуннаҳрга, ўз вилоятларига кетишди. Амир Саид Али улар билан бирга ўша ёққа кетди. Улар Андижонга келишгач, Мирзо Улуғбек одам юбориб, Аҳмад мирзони ўлдиради ва синглисига ўзи уйланади, амир Саид Алини Самарқандда қамоққа олади. Бир йил қамоқда ётиб, қорин оғриғига йўлиқади, ўлар ҳолатга етганида, Мирзо Улуғбек табибларни жўнатади. Табиблар уни қанча даволашмасин, фойдаси бўлмайди. Шу орада бир киши қимиз олиб келади. Амир Саид Али табиблардан илтимос қилади, «Ҳеч нарса менга фойда бермади, ҳеч бўлмаса қимиз ичишга рухсат беринглар», дейди. Табиблар шояд табиати қимиздан ором олса, деб қимиздан қанча хоҳласа, шунча беришди. Қимизни ичганиданоқ соғайиш аломатлари кўринди. Эртасига яна беришди, у дарддан фориғ бўлди.

Ўша кунлари Мирзо Улуғбек падари бузруквори Шохрух мирзони зиёрат қилишга борди. Амир Саид Алининг тузалганини билиб, унга от ва қурол беришни буюрди, уни ўзи билан Хуросонга олиб кетди, мақсади Хуросон халқига амир Саид Алини кўрсатиш ва «Мана, кўриб қўйинглар, Мўғулистонда бизнинг қандай ғанимларимиз бор» дейиш эди. Бир куни кечаси Қаршида Мирзо Улуғбек чодирда эди, чироғбонлар ўша ердан ўтиб боришарди. Чодирдан у қўққисдан амир Саид Алининг ўн тўрт қарич келадиган камон ўқини кўриб қолади. Мирзо: «У мени отиб ташласа-ю жўнаб кетса, ким унга халақит беради?» деб ўйлади. Қўрқиб кетган Мирзо дарҳол амир Саид Алини чақириб унга: «Хуросон сафари сизга оғирлик қилади. Самарқандга қайтиб бориб, обдон ўзингизга келиб олинг. Мен Хуросондан қайтиб келиб, сизни Мўғулистонга жўнатиб юбораман. Сиз Шермухаммадхон билан орамизда то яраш бўлгунигача воситачи бўласиз», деди. Тағин шунга ўхшаш сабабларни айтди-да, уни Қаршидан ортга қайтиб кетишига рухсат берди. «Самарқанд ҳокими мен қайтиб келгунимгача амир Саид Алини иззат-обрў билан кутсин» деб тайинлаб, унга бир кишини қўшиб юборди. Бироқ «Ҳокимга айтгинки, амир Саид Алини қамоқда ушласин» деб пинҳона буюрди.

Амир Саид Али ўша одам билан Самарқандга келишаётганда унинг авзойидан уни бу ерга иззат-ҳурмат учун келтиришмаётганини сизди. Самарқандга етиб келгач, ҳамроҳ қилинган одам уни бировнинг уйида қолдириб, ўзи ҳоким ҳузурига кетди. Шу заҳотиёқ амир Саид Али уйдан чиқиб, яёв Тошкандга равона бўлди. Ўша одам ҳоким билан бирга келиб қараса, у ерда амирнинг оти, қурол-аслаҳаси, мулозимлари бору, амирнинг ўзи ғойиб бўлган эди. Амирнинг мулозимларидан сўрашганда, улар: «Ҳозиргина яёв чиқиб кетди», дейишди. Қанча қидиришмасин, уни топишолмади.

Амир Саид Али, йўлда қаландарларга қўшилиб, қаландарлар кийимида Тошкандга келди. Қаландарлар уни «Уштур абдол» (Дарвеш туя) деб аташади. Шунинг учун қаландарлар барча озиқ-овқату буюмларини унинг елкасига юклашарди. Шу тахлит қаландар қиёфасида у Торозга етиб келди, у ерни Ёнги ҳам дейишарди. У ерда «Асҳоби қаҳф» («Гордош дўстлар») сағанасининг шайхи қошига келди У шайхни мўғул тилида «Малик ото» дейишарди, шайх амирни таниди. У Шодика Шайх исмли ўғлига амирга ҳамроҳлик қилишни топширди ва Шодика уни Мўғулистонга, амир Худойдод ҳузурига олиб борди. Шодика амир Саид Алининг энг ишончли мулозимларидан бири бўлди ва «Шодика-вафодор» лақабини олади. Унинг авлодлари ҳозир ҳам бор, бироқ булар у қадар ҳурматга сазовор эмас.

Қисқаси, Амир Саид Али ўз мўътабар бобоси хизматига мушарраф бўлган пайтда, Султон Увайсхон амакиси Шермухаммадхон хизматидан бош тортиб, у ердан қозоқлик ка кетди. Амир Худойдод ўғли амир Саид Алига: «Менимча, сенинг бу ердан Увайсхон ҳузурига кетганинг маъқул, бу ерда ёруғлик кўрмайсан» деди. Амир Худойдод амир Саид Алига ўзи тенги олтмиш йигитни ҳамроҳ қилиб берди-да, Увайсхон қошига жўнатди.

Амир Саид Али Увайсхонга астойдил хизмат қилди. Хон уни ўз синглиси Ўрун Султон хонимга уйлантирди. Амир Саид Алининг Увайсхон олдидаги хизматлари буюқдир. Унинг таърифи узун, айримлари ҳақида Увайсхон зикрида сўз борганда тўхталамиз.

---

### **Ўттиз биринчи фасл. Шермухаммадхон билан Увайсхон орасида ўтган воқеалар баёни.**

Айтиб ўтганимиздек, Султон Увайсхон амакиси Шермухаммадхон қошидан қочиб кетгач, кўплаб одамлар унга келиб қўшилишди. У Шермухаммадхондан узоқ бўлмаган жойларда қазоқликка машғул бўлди. Бирмунча муддат у Луб, Катак ва Сариқ Уйғурга яқин жойда яшади.

Ўша кунларда у синглиси Ўрун Султон хонимни Амир Саид Алига берди. Нақл қилишларича, у синглисини эрга берган вақтда тўй зиёфатлари учун овга бориб иккита буғуни отиб келган ва ўшаларнинг гўштидан тўйга таомлар пиширишган. Тўйнинг бошқа жиҳатлари ҳақида шунга қараб ҳукм чиқарса бўлади.

У ерларда Увайсхоннинг ишлари юришмади. Кейин у Туркистонга кетди. Ўша пайтларда Туркистон ҳукмдори Амир Шайх Нуриддин ибн амир Сор Буға бўлиб, у Амир Темурнинг машхур саркардаларидан

бири эди, Увайсхон ўшанинг қошига борди. Шайх Нуриддин билан Шермухаммадхон ўрталарида ихтилофлар бўлганлиги боис у Увайсхонга қизи Давлат Султон Саганжни берди ва у Шермухаммадхонга қарши ҳаракатлар қилиши шарти билан Увайсхонга мадад кўрсатди.

Увайсхон билан амакиси Шермухаммадхон ўртасида кўпдан бери низолар ҳукм сурадию, кўпинча Шермухаммадхоннинг қўли баланд келарди. Тўқнашувлардан бири мана бундай бўлган эди: Шермухаммадхон Мўғулистоннинг Қизил Қайнағ деган жойида бўлган пайтида, бир куни кечаси, узоқдан келиб Увайсхон Шермухаммадхон қароргоҳига ҳужум қилган. Улар тўрт юз киши бўлишган. Шовқин-сурон кўтарилгач, Шермухаммад ўзини зов ичига отган. Увайсхон, Шермухаммадхон қароргоҳини ўраб олиб, йўлида учраган ҳаммани ўлдириб, уни тонг отгунча излаган. Бироқ ҳарчанд изламасин, у ердаги одамлардан сўраб-суриштиришмасин, Шермухаммадхоннинг изини топишолмаган. Тонг отгач, отларга миниб жўнаб кетишган. Шермухаммадхон зовдан чиққан, одамлари уни ўраб олишиб, кейин Увайсхонни қувиб кетишган, у зўрга қутулиб кетган. Хулласи калом, Шермухаммад ўз ажали билан вафот этгунига қадар мана шундай таҳликалар барҳам топмади. Шундан кейингина хонлик тахти Увайсхон ибн Шералига насиб этди.

---

### **Ўттиз иккинчи фасл. Увайсхон ҳукмронлигининг баёни.**

Хонлик навбати Увайсхонга етди. У беҳад тақводор мусулмон, олийҳиммат, ўз уруғида баҳодирликда беназир эди. Мўғулнинг мусулмонларга ҳужум қилишларига хон йўл қўймас эди. Қалмоқ кофирлари яқин жойда эди, хон уларга қарши мудом уруш олиб борарди. Тез-тез улардан енгилиб турса-да, у адолатли урушни тўхтатолмас, икки марта ўша кофирларга асир ҳам тушган эди. Дастлаб уни Минглоқ деган жойдаги жангда асирга олишди. Уни тутиб, саркардалари Эсан Тойшининг олдига олиб боришди. Эсан Тойши ўйлади: «Агар у ростдан ҳам Чингизхон наслидан бўлса, менга бўйин эгмайди, менга навкардек қарайди». Хонни олиб келишганда, Эсан Тойши от устида эди. Отдан тушиб, унинг олдига келди-да, эгилиб таъзим қилди, унга қўл узатмади. Эсан Тойши чуқур эътиқод билан эҳтиром кўрсатиб, қўйиб юборди. Хондан, нега Эсан Тойшига қўпол муомала қилдингиз, деб сўраганларида, у шундай жавоб берди: «Агар у ёнимга таъзимсиз келса эди, унда мен жонимдан қўрқиб, албатта унга бўйин эгган бўлардим, лекин у кофирларнинг қадимги одати бўйича менга бош уриб келди. Шунда ўйладимки, кофирга илтифот қилиш ва эгилиш мусулмончиликка тўғри келмайди, шу сабабли унга таъзим бажо келтирмадим». Ўз эътиқодига содиқлиги боис хон фалокатдан омон қолди.

Иккинчи марта хон тагин ўша Эсан Тойши билан Мўғулистон чегарасида жойлашган Пешқиё деган ерда урушди. У ерда ҳам мағлуб бўлди. Хоннинг отини ўқ отиб йиқитишди, ўзини тутиб олишларига оз қолди. Шунда амир Саид Али отдан тушиб, отини хонга берди, ўзи эса ерга юзтубан ётиб олди. Кофирлар уни ўлган деб ўйлаб, атрофида йиғила бошлашди. Улар яқинлашгач, амир ўрнидан сакраб туриб улардан бирини ушлаб олди. У бу уруғнинг обрўли кишиларидан бири бўлиб чиқди. Унинг совутидан худди боладек тутди-да, амир ўзига учиб келаётган ўқлардан ўша одамни қалқон қилиб ҳимояланди. Шу алфозда у хон олдида пиёда бораверди. Шу боисдан кофирлар амирга ўқ отишолмади. Совутга ўралиб олган одамни ўзига қалқон қилиб, бир фарсах йўл босди ва Ила дарёсига етишди. Қалмоқни сувга отиб юбориб, хон отининг жиловидан тутди-да, дарёга тушди. Сув амирнинг кўкрагидан келарди. Бошқа одамлар сувга фарқ бўлишди, хоннинг оти сузиб кетди. Амир совут кийган хон отининг бошини тутиб, уни дарёдан ўтказди. Ўша куни дарёда кўп одамлар фарқ бўлишди.

Нақл қилишларича, хоннинг иккита амакиваччаси бўлган: бирининг оти Султон Ҳусайн, иккинчиси – Луқмон Султон. Бири қизил совут кийган, иккинчиси кўк совут кийган. Дарёга тушгач, икковлари ҳам чўка бошлаган. Амир Саид Али бир қўли билан хон отининг жиловини тутиб, иккинчи қўлини чўкаётганлардан бирини қутқазмоқ умидида узатган, аммо унга қўли етмаган. Сув юзида узоқ вақт қизил ва кўк ёқалари лип-лип кўриниб турганини хон анча пайтгача айтиб юради. Шу воқеадан кейин Увайсхон амир Саид Алига ҳар бир хизмати учун бешта соврин берди. Биринчиси – ўзи яёв қолиб, хонга отини бергани. Иккинчиси – қалмоқни тутиб олгани. Учинчиси – бир фарсах йўл давомида уни қалқондек ушлаб боргани. Тўртинчиси – совут кийган хонни Ила дарёсидан ўтказиб қўйгани. Бешинчиси – у хонни тутиб турган бўлса-да, икки марта чўкаётганларни қутқозишга урингани. Кейинчалик хон шундай деган эди: «Мен амирда шундай қатъиятни кўрдимки, агар амакиваччаларимдан бирортаси қўлига илинганида уни ҳам дарёдан ўтказиб қўярди». У ана шу беш хизмати учун беш қавми унга тортиқ қилди. Бири – туркат, иккинчиси – ҳибат ширанут; учинчиси – Хўтандаги ўзбек қавми; тўртинчиси – доруға қавми; бешинчиси – кукуфат қавми. Бу қавмлар бари Хўтандадир.

Султон Увайсхон Турфон яқинида Эсан Тойши билан жанг қилиб енгилди. Хон асир тушди. Эсан Тойши унга: «Бу гал энди сизни шундоқ қўйиб юбормайман. Озодлик эвазига менга синглингиз Махтумхонни берасиз», деди. Хон синглисини беришга мажбур бўлди, шу билан уни озод қилишди. Айтишларича, хон қалмоқларга қарши йигирма бир марта уруш очиб, шундан фақат бир мартасида ғалаба қилган, қолган жангларнинг барчасида мағлуб бўлган (Аллоҳ яхшироқ билгувчидир).

Мавлоно Хожа Аҳмаддан кўп бора эшитганим борки, хон беҳад тақводор бўлган. Ҳар йили у Торим, Луб,

Катак деган жойларда ёйилиб юрадиган сахро туялари овига чиқиб, ўзи овлаган туяларнинг юнгини ўзи қирқиб, онаси Султон Хотунга олиб келар экан. Онаси ўз қўли билан юнгини йигириб, кўйлак-иштонлар тўқиб берар ва хон уларни хонлик либоси остидан кийиб юрар экан.

Турфонда сув тақчил эди. Хон деҳқончилик қилар ва экинларни ўзи қаздирган қудуқ суви билан суғораркан. Мавлоно Хожа Аҳмад шундай нақл қиларди: «Хоннинг жазирама иссиқда хизматкорларга кўшилиб, қудуқдан сув тортиб, кўзаларда ташиб экинларга қуйганини кўп бора кўрганмиз. Ҳосили шу қадар кам бўлардики, ҳеч қачон ҳаммаси йиғилиб ўн қопга етмасди. Шу ҳосил унга йил бўйи озиқ бўларди».

Увайсхон Мавлоно Муҳаммад Косонийнинг муриди бўлган. Мавлоно Муҳаммадни эса ҳазрати Хожа Ҳасан Аттор (Аллоҳ гўрини мушки анбар ҳидига тўлдирсин) тарбият қилган эди. Хожа тариқат устун Хожа Баҳоваддин Нақшбандий ҳазратлари (Аллоҳ гўрини нурга тўлдирсин)нинг муриди бўлган. Султон Увайсхон ҳукмдор бўлишига қарамай, умри шарифини мана шундай ўтказган. Мана шу адолатли хон замонида амир Худойдод Маккага сафар қилди. Мўғуллар зикрига кўра, Амир Худойдод олти хонни ўз қўли билан хонлик тахтига ўтказган. Биринчиси – Хизр Хожохон бўлган, у ҳақда юқорида зикр қилинди, кейингилари Шамъи Жаҳонхон, Нақши Жаҳонхон, Муҳаммадхон, Шермуҳаммадхон ва охириги Султон Увайсхон.

---

### **Ўттиз учинчи фасл. Амир Худойдоднинг Маккага сафари ва ҳаётининг сўнгги кунлари баёни.**

Амир Худойдоднинг шонли шажараси ҳақида айтиб ўтдик, бу фаслда эса шарафли умри давомида кечган бошқа воқеалар ва ҳаётининг сўнгги лаҳзалари ҳақида сўз юритамиз. Барча мўғуллар амир Худойдоднинг валийлигига шубҳа қилишмайди. У қилган буюк ишлар, бошқариш тарзи мўғуллар фикрининг тўғрилигини исботлайди. Ишончга сазовор мўғуллардан, ўз отамдан (Аллоҳ гўрини нурафшон қилсин), амакиларимдан (Аллоҳ гуноҳларини мағфират қилсин) эшитган эдимки, Амир Худойдод ўзининг амирлиги муддати давомида йигирма тўрт минг хонадон аҳли унинг хизматида бўлган. Амир 765 (1363-1364) йилдан олдинроқдан бошлаб ҳукмронлик қила бошлаган, Маккага эса 850 (1446-1447) йилгача кетган. У тўқсон йил амирлик қилган. Бутун Кошғар, Ёрқанд, Хўтан, Оқсув, Бой ва Кусан ихтиёрида бўлган. Шунга қарамасдан, унинг на йилқиси, на отари бўлган, ҳатто гоҳо минишга оти ҳам бўлмаган. Бирор жойга кўчиши керак бўлса, ҳар гал унинг яқинлари улов олиб келишиб уни кўчириб қўйишган. Юриш пайтларида ҳам шундай бўлган. Барча амирлик ва мамлакат хирожи даромадларини асир мусулмонларни озод қилишга сарфлаган. Ўша пайтларда мўғуллар тинмай Туркистонга, Шош ва Андижонга ҳужумлар қилиб туришган ва мусулмонларнинг оила аъзоларини, хотинларини асир қилиб олиб кетишган. Амир ўшандай асирларни икки баравар нархга сотиб олиб, уларни йўлга етадиган озиқ-овқат билан таъминлаб уйларига жўнатган. Бор мол-мулки, асосан, шунга сарф бўлган. Ҳар сафар у асирлар учун бир неча чодирлар тайёрлаб, кечалари ўша чодирлардан бирининг бурчагидан ўзига жой ажратган ва парда билан тўсиб қўйган, у ерда фақат ўтириш ва намоз ўқиш мумкин бўлган, холос. Бутун савобга бой умрини амир шу тахлит ўтказган.

Амир Худойдод ҳақида жуда кўплаб ғаройиб воқеаларни сўзлаб юришади. Шулардан бирини мен Мавлоно Хожа Аҳмаддан эшитганман. У шундай деган эди: «Хожа Зоҳид Кошғарий жуда улуғ, тақводор бўлган. Амир Худойдод мўғулистонлик бир одамни Хожа Зоҳиднинг хотини ҳузурига Хожа Зоҳиднинг белбоғини бериб юборишини сўраб жўнатган. Хотини Хожанинг белбоғини бир бегона одам орқали Мўғулистонга бериб юбориб бўлмади, деб ўйлаб, бошқа белбоғни берган. Ўша одам белбоғни амир Худойдодга олиб келганида, у белбоғ билан худди муқаддас нарсасидек юзини артган ва шу белбоғ ростдан ҳам Хожа Зоҳидники бўлса, менга бунинг кераги йўқ», деган. Шундай деб, у белбоғни қайтариб юборган. У одам белбоғни қайтариб олиб келиб Хожа Зоҳиднинг хотинига берган. Хожанинг хотини ҳайрон бўлиб, буни эрига айтган. Шунда Хожа Зоҳид хотинини койиб: «Амир авлиё одамлар сирасига қиради, нега бундай қилдинг?» деган. Кейин Хожа ўз белбоғини келтириб бергач, амир белбоғни қўлига олиб юзига суртган ва: «Ҳа, ростдан ҳам бу белбоғ Хожаники», деган. Амир ҳақида шунга ўхшаш ғаройиб воқеаларни кўп гапиришади.

Жумладан, мана буни ҳам: муборак ёши тўқсон еттига етганда амир ҳажни ҳавас қилиб қолган. У Увайсхондан қанча ўтини сўрамасин, у жавоб бермаган. Амир яшириқча Мирзо Улуғбекка одам жўнатиб, шундай деб тайинлаган: «Агар Мирзо келса, мен мўғуллар орасига раҳна солиб, уларни унга топшираман». Мўғуллар кўпдан бери Мирзога зарар етказиб келишгани боис уларни босиб олишни кўзлаб юрарди, шунинг учун дарҳол жўнаган. Мўғулистоннинг машҳур мавзеларидан Чу чегарасига етганда, амир Худойдод қочиб, Мирзо Улуғбекка қўшилган, мўғуллар бўлса ҳар тарафга тарқалиб кетишган. Амир Мирзо Улуғбек қошига келиб дейдики: «Бундай қилганимнинг сабаби шуки, менга ҳажга боришга рухсат беришмади. Шу ваз билан ёнингизга келдим. Энди бундан нари юришингизга эҳтиёж йўқдир». Мирзо Улуғбек ўша ердан амир Худойдод билан бирга орқасига қайтган ва унга хурмат-эҳтиромлар кўрсатган. Улар Самарқандга етиб келишгач, Мирзо Улуғбек амирдан илтимос қилиб: «Ҳеч ким Чингизхон тузуқларини сизчалик билмайди. Уларнинг барчаси ҳақида гапириб беринг, чунки биз ҳар ишимизда

уларга муҳтожлик сезамиз» деди. «Биз Чингизхон тузукларини ярамас ҳисоблаб, улардан тамоман воз кечганмиз ва шарият қонунларига риоя қиламиз. Агар Чингиз тузуклари олимлигига қарамасдан, Мирзога маъқул бўлса, шариятни қўйиб, ўшаларга риоя қилмоқчи бўлса, биз Мирзога ўша тузукларни ўргатамиз» деган амир. Мирзо бу сўзларни эшитиб, хижолат бўлиб қолган ва бу ҳақда бошқа сўз очмаган. Хуллас, амир Маккага кетиб, ўша ёқда вафот этди. Менинг отам (Аллоҳ гўрини нурафшон қилсин) Хуросонга борганида, бу ҳақда иккинчи китобда сўз юритилади, у ерда Султон Ҳусайн мирзонинг амирларидан бири Султон Али барлос исмли, Султон Ҳусайн жуда қадрлайдиган бир кекса, юз ёшлардаги кишини учратган. Отам ундан унинг ўзи ва ота-боболари ҳақида сўраганида, у шундай жавоб берган экан: «Отамнинг исми Шоҳ Ҳусайн барлос бўлган; у мўғул барлосларидан бўлган. У бу ерга Мўғулистондан ғоятда ҳурматли Амир Худойдод деган киши билан келган». У нуроний чол бу гапларни айтгач, отам бунга қизиқиб қолиб, ҳамма гапни батафсил гапириб беришини сўраган. У шундай деган: «Амир Худойдод Маккага кетганда мен ёш бола эдим. Отам у кишига ҳамроҳ бўлди, негаки доим у кишининг хизматида эди. Рухсат бўлмагани учун биз Мўғулистондан қочиб келган эдик, Маккаи Муаззамнинг зиёратига мушарраф бўлмаганимизча, шаҳарма-шаҳар кездик. Маккадан қайтиб, бир неча кун йўл юрганимиздан сўнг амир Мадина ҳақида сўради. «Мадина бошқа томонда қолди» деб жавоб бердик. Амир жуда ранжиди ва деди: «Мен шунча йўлдан машаққат тортиб келдим. Энди Ҳазрат саллолоҳи алайҳи вассалламнинг равзаи муборақларини зиёрат қилмай орқамга қайтмайман». У ўз мулозимларига ортиқча юқларини бериб карвонга қўшиб уйга жўнатди, Мўғулистондаги ўғилларига мактуб битиб, ёнига «Аллоҳнинг каломи» (Қуръони Карим) қўлёзмасини қўшиб бериб юборди. Шу муқаддас китоб ҳозир қўлимда, боболаримдан менга мерос қолган, уни бизнинг уруғимизда Аллоҳ марҳамати сифатида тўтиё қилишади. Хуллас, амир Худойдод ва унинг хотини Мадинага равона бўлишди. Менинг отам мени ҳам ўзи билан бирга олди ва биз амир билан бирга жўнадик. Узоқ йўл босиб, ниҳоят Мадинага етиб келдик. Амир Ҳазрат саллолоҳи алайҳи вассалламнинг равзаи мўътабарларини зиёрат қилишга мушарраф бўлди. Ўша кеча бир камбағал одамнинг хонадонига қўндик. Кечаси амирнинг аҳволи ёмон бўлди. У отам Шоҳ Ҳусайн барлосдан «Ёсин»ни хатм қилишни сўради. Отам «Маслаҳум» оятига етганда амирнинг нафаси тўхтади. Фаройиб воқеа бўлди, биз ҳайратда қолдик; тонг отгач, Мадинанинг улўғлари ва аҳолиси йиғилиб келиб: «Шу ерда кечаси кимдир вафот этдимми?» деб сўрашди. Биз, ҳа, дедик. Ҳамма келиб биздан кўнгил сўрашди: «Бугун тун бўйи пайғамбаримизни тушимизда кўрдик» дейишди. У айтибдики: «Бугун узоқдан бир меҳмон мени зиёрат қилмоқ учун келиб, шу ерда вафот этди. Уни халифа Усмон разиоллоҳу анҳунинг қабрлари этагига дафн этишлар, деб ҳассаларининг учи билан чизик тортдилар. Эрталаб бориб қарасак, ҳақиқатан ҳам ўша ерга чизик тортилган экан». Аллоҳнинг қандай бахтли бандаси эканки, шундай ҳурматга сазовор бўлипти. Мадинанинг барча улўғлари амирни катта эъзозу эҳтиром билан халифа Усмон разиоллоҳу анҳу қабрининг оёқ томонига дафн этишди. Кейинги кеча амирнинг хотини ўз омонатини топширди. Уни амир ёнига дафн қилишди». Султон Али барлос шу ерга етганда отам жуда хурсанд бўлган. У хурсандчилиги сабабини сўраганида отам: «Ана шу Амир Худойдод менинг бобокалоним бўлган, деб жавоб берган. Султон Али барлос ўрнидан туриб, отамни бағрига босиб, шундай деган: «Мен айтган гапларнинг ҳаммаси ҳақиқат. Мўғулистонда амирнинг вафоти ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмайди, биз у ердан қайтиб бироз Ироқда яшаб қолдик, кейин Хуросонда қолиб кетдик. Ҳеч ким Мўғулистонга бу ҳақда хабар бермаган. Аллоҳга шукурки, парвардигори олам амирни қандай шараф билан ярлақганини мен сизга айтиб бердим».

Амир Худойдод ҳақида шунга ўхшаш ҳикоялар мўғуллар ўртасида оғиздан оғизга ўтиб юради. Амир Маккага кетгач, Увайсхон амир Худойдоднинг мансабини унинг катта ўғли Муҳаммадшоҳга берди.

---

### **Ўттиз тўртинчи фасл. Султон Увайсхоннинг шаҳид кетгани баёни.**

Амир Худойдод Маккага кетгач, амир Муҳаммадшоҳ падари бузрукворининг ўрнига ўтирганидан сўнг кўп ўтмай Султон Увайсхоннинг ҳам куни битди. Бунинг таърифи шундай: Темур хонларидан Сотуқхон исмли одам бўлган. Амир Темур ўрнатган тартибга кўра, хонлардан бирини хонлик тахтига чиқариб, уни шаҳарнинг девор билан ўралган маълум бир ерига жойлаштиришган. Ҳозир Самарқанддаги ўша жой «Ҳаёти хон» (Хон саройи) деб аталади. Бу жой катта майдонни эгаллаган (бир неча мавзелардан иборат бўлган), ҳар бир мавзенинг ўз номи бўлган. Шулардан бири «Ҳавзи бўстони хон» («Хон боғининг ҳовузи») бўлиб, Самарқанднинг машҳур мавзеларидан бўлган. Қисқаси, Амир Темур даврида шу мавзеда Суйурғотмишхон истиқомат қилган. Амир Темурнинг Ироққа юриши даврида у ҳам бориб, ўша ёқда вафот этган. Ундан сўнг «Ҳаёти хон»га Султон Маҳмудхонни қўйишди. Амир Темурнинг барча фармонлари мана шу икки хон томонидан, мана бундай тартибда тузилган: «Суйурғотмиш ёрлиғидан Амир Темур Кўрагон сўзум». Мирзо Улуғбекнинг фармонлари ҳам худди шу тахлит Сотуқхон томонидан тузилган. Мирзо Улуғбек Сотуқхонни «Ҳаёти хон»дан узоқлаштириб, ўрнига бошқани хон қилди ва Сотуқхонни Мўғулистонга жўнатиб юборди.

Увайсхон Иссиққўл яқинидаги Яқобулунг деган жойда бўлган. Мен Мавлоно Хожа Аҳмаддан эшитган эдим, у киши шундай деган эди: «Менинг Хожа Абдулкарим исмли амакиваччам бор эди. У Увайсхон билан жуда

яқин бўлган, у айтиб берган эдики, бир жума куни, жума намозидан олдин Увайсхон ғусл қилган, сочини олдирган, кейин сўраган: «Менинг бу топ-тоза бошим нимага лойиқдир?». У, подшолик тожига лойиқдир, деб жавоб берган. Хон бўлса: «Йўқ, у шаҳодатга лойиқ» деган. Шу ҳақда гаплашиб туришганда бир одам келиб, Сотуқхон келганлигини хабар қилган. Хон дарҳол ноғора чалиб, одамларни тўплашни буюрган, ўзи эса кийинишга ва яроғ-аслаҳаларини тақишга киришган. Атрофдаги тобе кишилари бир зумда тўпланишган ва душманга қарши жўнашган. Ораларида битта ариқ бўлган, лашкарлар бир-бирларига яқинлашишганда хон отда етиб келган ва ариқдан сакраб ўтмоқчи бўлган, аммо отнинг олдинги оёқлари ариқнинг нариги қирғоғига тиралиб қолиб, нарига ўтолмай қолган. Унинг Жақир исмли кайтовул қавмидан бир мулозими бўлиб, у аввал Муҳаммадшоҳнинг мулозими бўлган ва ўқни шундай зўр отар эканки, улусда бунга тенг келадигани бўлмаган. Шунинг учун хон уни амир Муҳаммадшоҳдан сўраб олган. Хон ариққа йиқилган вақтда Жақир етиб келиб, уни ғаним хаёл қилиб, хоннинг қорнига ўқ отган. Қорнига ўқ теккач, хон чалқанчасига йиқилган. Жақир хонни таниб қолиб, унга ўзини отган. Бу хабар Сотуқхонга етган, у келиб, отдан тушиб, хоннинг бошини қучоғига олган. Илиниб турган жони шу фурсатда узилган. Мўғул улуси тарқаб кетган, Сотуқхонга бўйин эгмаган. Сотуқхон Мўғулистонда қололмай, Кошғарга кетган. У ерда амир Худойдоднинг набираларидан бири Қароқул Аҳмад мирзо Сотуқхонни ўлдирган. Кўп ўтмай Мирзо Улуғбек ўша ёққа қўшин жўнатган. Қароқул Аҳмад мирзони тутиб, Самарқандга олиб кетишган ва икки бўлак қилиб ташлашган.

---

#### **Ўттиз бешинчи фасл. Увайсхон шаҳид бўлгандан кейин Эрзаннинг мағлубияти баёни.**

Увайсхон шаҳид бўлгач, мўғуллар тарқаб кетишади. Сотуқхон ўлдирилгач, улар бироз хотиржам бўлишади. Увайсхондан Юнусхон ва Эсан Буғахон исмли икки ўғил қолди. Ўшанда каттаси Юнусхон ўн уч ёшда эди. Амирлар ўртасидаги келишмовчилик туфайли амир Худойдоднинг ҳурматли одамларидан бўлган Эрзан борин ва Мирак туркман амирлари курул-аслаҳалари билан Муҳаммадшоҳдан кетишди-да, Юнусхонга қўшилиб, фитна кўзғашди. Худди шу тахлит бошқа гуруҳ Эсан Буғахонга бирлашди. Амирларнинг кўпчилиги Эсан Буғахон тарафида бўлгани боис Юнусхон тарафидигилар ортиқ Мўғулистонда қололмадилар. Эрзан борин билан Мирак туркман ўттиз минг уйлик мўғулларга бош бўлиб, Юнусхонни ҳам олиб, Самарқандга кетишди. Эсан Буғахон бошқа мўғуллар билан бирга Мўғулистонда қолишди.

---

#### **Ўттиз олтинчи фасл. Юнусхон билан Эрзаннинг Самарқандга, Мирзо Улуғбек қошига қилган сафарлари баёни.**

Мирзо Улуғбек Эрзан борин билан Мирак туркманнинг келишаётгани хабарини эшитгач, уларни кутиб олмоқ учун Самарқанддан чиқди. У мўғулларни озиқ-овқат билан таъминлашга ваъда берди ва «Ҳар бир оила қалъага алоҳида-алоҳида бўлиб кирсин ва озиқ-овқат олиш учун рўйхатга ёзилсин» деди. Ҳар бир мўғул оиласи озиқ-овқат олиш умидида бошқалардан ажралиб, қалъага алоҳида кирди. Улар бошқа дарвозадан чиқишганида уларни у ерда бир гуруҳ одамлар кутиб туришарди – оила бошлигини ўлдириб, аҳли авлодини асир олишди. Қалъага кирган одам у ердан ортиқ қайтиб чиқмади. Мирзо Улуғбек шу тахлит ишни тинчитди. Юнусхонни эса қўлга тушганларнинг бешдан бир қисми билан отаси Шоҳрух мирзо ҳузурига жўнатди. Уни Шоҳрух мирзо ёнига келтиришганда, у ўғли Мирзо Улуғбекдан хонни бошқа асирлардан ажратиб, рисоладагидек муомала қилмагани учун ранжиди. Хонга оталарча меҳрибонлик кўрсатиб, уни Мавлоно Шарафиддин Али Яздий қўлига топширди, хон ундан кўплаб билимларни ўрганди. Мавлоно хон шарафига кўплаб шеър, қасидалар, унинг исмига муаммолар битдики, мана бу сатрлар ҳам шулар жумласидандир:

Ҳой «Хитодан хон келди» деб айтган инсон,

Уйинг куйгур, бундай дегин, жон келди, жон!

Бир сўз билан айтганда, Мавлононинг ҳаётлик пайтида Юнусхон унинг ҳужрасида ўн икки йилни бирга ўтказди ва ундан беҳисоб билимларни ўрганди. Мавлоно вафот этгач, хон Язддан Ироқ, Форс тарафларига сафарга жўнади. Йигирма беш ёшгача хон Мавлоно Шарафиддин Али Яздий хизматида бўлди. Қирқ бир ёшида Мўғулистонга подшоҳ бўлди, бу ҳақда ҳали сўз юритамиз, иншооллоҳ.

---

#### **Ўттиз еттинчи фасл. Эсан Буғахон ибн Увайсхоннинг хонлик даври баёни.**

Эрзан борин билан Мирак туркман Юнусхонни Самарқандга олиб кетишгач, бутун Мўғулистон Эсан Буғахон тарафига ўтди. Барча амирлар унинг хизматида бўлишди. Эсан Буғахоннинг иши маромига етди. Бу ишда амир Саид Али айниқса жонбозлик кўрсатди. Хон тахтга ўтиргач, амир Саид Али Кошғарга юриш қилишга хондан ижозат сўрайди, чунки, юқорида зикр қилинганидек, Хожа Шариф Кошғарий Кошғарни Мирзо Улуғбекка топширган ва амир Саид Алининг отаси амир Саид Аҳмадни қувиб юборган эди. Мирзо Улуғбек Кошғарга амир Султон Малик дўғлатни ҳоким қилиб юборган, ундан сўнг Ҳожи Муҳаммад Шоистани, ундан кейин эса Пирмуҳаммад барлосни юборган эди.

Амир Саид Али Эсан Буғахонга шундай дейди: «Ҳозир Кошғарга юриш қилишимнинг айна пайти.

Боболарим пойтахти ўн тўрт йилдан бери қўлдан чиққан эди, энди қайта қўлга киритиш учун тиришаман, агар қадимги мулкимизни қайтиб олмасак, биз бутунлай шарманда бўламиз». Хон бунга рухсат берган.

---

### **Ўттиз саккизинчи фасл. Амир Саид Алининг Кошғарга юриши ва Кошғарни олиши баёни.**

Ўша кунларда Манглай Субенинг катта қисми дўғлатлар тасарруфида бўлиб, Андижон билан Кошғар Самарқанд ҳукуматига тобе бўлган.

Иссиққўл ҳудуди ҳар хил тўқнашувлар оқибатида вайрон бўлган эди. Қолган ҳудудлар асосан дўғлат амирлари қўлида бўлган. Ўша пайтда Оқсув, Кусан ва Бойда амир Саид Алининг амакиваччалари ўтиришарди. Амир Саид Али Оқсувга келиб, у ерда аҳли аёлини қолдирди-да, ўзи Кошғарга жўнади. Бу ҳақда ҳар хил гап-сўзлар юради. Амир Саид Али Оқсувга келганида у ва унинг амакиваччалари Одил Мўмин мирзо ва Саид Муҳаммад мирзо ораларида низо чиқди. Охир-оқибат унинг қўли баланд келди ва қариндошларидан кўпи ўлди. Ушбу воқеа таърифида тескари миш-мишлар ҳам бўлган, биз булар ҳақида тўхталиб ўтирмаймиз. Бу гап-сўзларнинг мазмуни шуки, қариндошлари устидан қўли баланд келгач, амир Саид Али Кошғарга йўл олди. Унинг хизматида етти минг киши бўлган. Улар Кошғар чегарасига етишганда Ҳожи Муҳаммад Шоиста унга қаршилик кўрсатиш учун ўттиз минг отлиқ ва пиёда лашкари билан Кошғардан чиқиб, уч фарсахлик масофадаги Учбарханга келди. Лекин амир Саид Алининг дастлабки ҳужумидан кейин улар қочишди. Мўғул чиғатойни қувиб етди, чиғатой эса, мўғул унга зарба бергани заҳоти қуролини ташлаб, ёрдамга чақирди, шунинг учун жанг «Солой бегим» номини олди, бунинг маъноси: «О, бегим, қуролимни ташлаяпман» дегани. «Солой бегим» жанги ўша ҳудуддаги энг машҳур, тарихий жанглардан бўлиб қолган.

Кошғар аҳли, қочоқлар қалъага бекинишди, амир Саид Али қалъа ташқарисида қолган ҳамма нарсани талон-тарож қилиб олиб кетди. Янаги йили у буғдой пишиғи пайтида тагин келди, ҳеч ким унинг олдига чиқишга журъат этолмади. Ҳожи Муҳаммад Шоиста қалъага қамалиб олди. Амир Саид Али Кошғар теварагини талаб, Кошғарнинг Алоку деган энг мустаҳкам қалъаларидан бирини қамал қилиб, жанг билан эгаллаб, қўлига илинган ҳамма нарсани олиб, орқасига қайтиб кетди.

Хожа Шариф Самарқандга Мирзо Улуғбек қошига кўмак сўраб борди. У Мирзо Улуғбек ёнида бўлган ўша кунларда, бир куни Мирзо ундан: «Кошғарда эшаклар борми?» деб сўради. Хожа Шариф «Кошғарга чиғатойлар келганларидан бери улар кўпайиб қолишди» деб жавоб берди.

Хожа Шариф ўтиниб сўрайвергач, Мирзо Улуғбек Кошғарга Пирмуҳаммад барлосни юборди ва Ҳожи Муҳаммад Шоистани Мирзо Улуғбек Самарқандга келтирди. Пирмуҳаммад барлос Кошғарда пайдо бўлгач, халқ унга Пирмуҳаммад банги деб от қўйди, ундан ҳеч қандай фойда бўлмади. Хожа Шариф чиғатойларга ишонмай қўйди. Учинчи йили амир Саид Али яна Кошғарга юриш қилди. Кошғар аҳолиси Хожа Шарифни икки йилдан бери донимиз қўлдан кетаяпти, агар бу йил ҳам шундай бўлса, Кошғарда қаҳатчилик бўлади, деб айблашди. Саид Али Кошғарга яқинлашганда шаҳар халқи Пирмуҳаммад барлоснинг қўлларини боғлаб, амир ҳузурига олиб келди. Амир Саид Али Пирмуҳаммаднинг ҳаётлик либосини ечиб, унга кафан кийдирди. Кейин Кошғарга кириб, ҳақиқат ва адолатни қарор топтирди, халқпарвар бўлиб, зўравонликларга барҳам берди. Йигирма тўрт йил у ерда муносиб тарзда ҳукмронлик қилди, ободончиликка катта эътибор берди. Бу ҳақда ҳозиргача гапиришади. Шу давр мобайнида амир давлат тузумини яхшилаш, деҳқончилик, чорвачиликни ривожлантириш ҳақида ғамхўрлик қилади. Амир Саид Алидан уч ўғил ва икки қиз қолди, ўғилларидан бири – Муҳаммад Ҳайдар мирзога, яъни каминанинг бобосига қолган мерос бир юз йигирма минг қўйдан иборат бўлган.

Мен машҳур савдогар, тақводор, адолатпарвар инсон Хожа Фахриддин Ортужидан эшитганим борки, амир ҳар йили уч ой қишда овга чиқаркан. Овга фақат жангчиларни жалб қиларкан.

Бошқарувчилари қанча одамни ов пайтида озиқ-овқат билан таъминлаёлса, у шунча одамни ўзи билан бирга оларкан. Шу уч ой ичида амир Саид Али ҳар бир манзилда ҳар бир кишига етадиган қилиб ун, гўшт бераркан. Шундай кунлар ҳам бўларканки, беш юзтагача қўй ва шунга мувофиқ пичан ва арпа сарф қилинаркан. Баъзи йилларда унинг хизматида уч мингтагача одам банд бўлиб, амир уларнинг ҳаммасини озиқ-овқат билан таъминларкан. Лашкари қишлоғида тўхташини манзилгоҳлар аҳолиси Худодан илтижо қилиб сўраркан, чунки лашкар шу яқин атрофда тўхтаса, ерлик аҳолига амир кўплаб егуликларни хайрия қиларкан.

Хожа Фахриддиннинг гувоҳлик беришича, бир куни Ортуж деган жойда тўхташибди. Ов бошлиғи (мири шикор) бир аёлга ун бериб: «Нон ёпиб бер, сенга олти нондан бирини бераман» деган. Аёл нонни ёпиб келиб, бошлиқнинг олдига қўйиб, ваъда қилинган ҳақини сўрайди. Шунда ов бошлиғи: «Ўтин, туз, ун – ҳаммаси мендан, нон ёпган хизматингга ҳақ сўрайсанми?» дейди ва ваъда қилинган нонни аёлга бермайди. Амир Саид Али отга минаётганида ўша аёл унинг ёнига келиб, воқеани айтиб арз қилди. Амир ўша ов бошлиғини чақириб, сўраганида, у бу сўзларнинг ростлигини тасдиқлайди. Амир унга: «Нега нонни ўзинг ёпмай, буни бир фақир аёлга юкладинг?» дейди. Шу заҳоти омбир олдириб келиб, тишларини суғуртиради-да, уларни бошига қоқтиради.

Буни баён қилишдан мақсад, амирнинг қандай адолат билан ҳукмдорлик қилганини кўрсатишдир. Амир

Саид Алининг хайрли ишлари ва ўз ҳисобидан қурган масканлари Кошғарда бугунги кунгача сақланиб қолган.

Амир ҳукмронлик қилган йигирма тўрт йил мобайнида тагин қатор воқеалар бўлиб ўтдики, булар бақадри имконият, фурсати билан зикр этилажак.

---

### **Ўттиз тўққизинчи фасл. Амирларнинг Эсан Буғахонга қаршилик кўрсатганлари ва ўша кунлари бўлиб ўтган воқеалар баёни.**

Юнусхон Мовароуннаҳрга кетгач, бутун мўғул улуси Эсан Буғахонга бўйин эгиб, фармонбардор бўлишди. Шу тариқа бир неча йил ўтди.

Балоғатга етмаган хон ёшлигига бориб, амирларга беҳурматлик қилди. Уйғур қавмидан бўлган турфонлик Темур исмли аллақандай одамни ўзига мулозим қилиб, унга ҳаддан ортиқ ғамхўрликлар кўрсатди.

Амирлар Темурнинг юқори мартабага эришиши ва ўзларининг обрўлари пастга урилганидан ғазабланиб, бир куни йиғин пайтида хон ҳузурида Темурни тутиб олиб, бурда-бурда қилиб ташлашди ва ўзлари ҳар ёққа тарқалиб кетишди. Беҳад кўрқиб кетган хон ҳам қочиб кетди.

Бу ҳақдаги хабар Кошғарга – амир Саид Алига етгач, у дарҳол Мўғулистонга жўнади ва хонни Оққуёшдан топди. Амир Эсан Буғахонни бир қанча кишилари билан Оқсувга олиб келиб, Оқсувни унга берди. Бу орада мўғул амирларидан ҳар бири ўз иши билан бўлиб кетди. Амир Муҳаммадшоҳ Отбошида ўрнашди. Жияни амир Саид Алининг воситачилиги орқасидаги қанчадан-қанча ваъдалари ҳамда ёзишмалардан сўнг Оқсувга, хон қошига келди ва у ерда умрининг охиригача қолди.

Яна бир амир Каримберди дўғлат Мўғулистон чегарасида, Андижон ва Фарғона тарафидаги Олабуға деган мавзеда тепалик устига бир қалъа қурди, ҳозиргача ўша қалъа излари сақланган. Шу ердан у Андижон мусулмонлари устига юришлар қилиб турди.

Амир Ҳақберди бекчиқ Иссиққўлдаги Қўйсуйи деган ерда қалъа қурди. У аҳли аёлини қалмоқлар зарар етказмасин, деб Иссиққўлдаги оролда қолдириб, ўзи Туркистон ва Сайрамни талон-тарож қилиш билан машғул бўлди.

Чурас ва борин қавмидан бўлган амирлар қалмоқ Эсан Тойшиннинг ўғли Амасанжи Тойши хизматига кетишди.

Қалучи, булғачи ва бир қатор бошқа қавмлардан бўлган амирлар ўзбеклар юртига Абулхайрхон қошига кетишди.

Кунжи ва бошқа қавмдаги амирлар Мўғулистон чўлларида изғишиб, бебошликлар қилиб юришди. Аммо Эсан Буғахон Оқсувда қарор топди, унинг хизматига биринчи бўлиб амир Муҳаммадшоҳ келди, кейин барча одамлари тагин унинг ёнига қайтишди. Хон ҳам бўлиб ўтган ишлардан пушаймон бўлиб, одамларига яхши муомала қила бошлади. У куч-қувватга эришгач, илк марта Сайрам, Туркистон ва Тошкандга юриш қилди. У тўсатдан ҳужум қилиб, бу жойларни тамоман вайрон қилиб қайтди. Бу ҳужум 855 (1457) йилдан илгари бўлган. Яна бир марта худди шу тахлит ўша жойларга ҳужум қилди.

Ўша даврда Мовароуннаҳрда Султон Абусаид мирзо подшоҳ бўлган. У Эсан Буғахонни қувиб, Ёнгигача борди, бу жой тарихий китобларда Тороз дейилади. Мўғуллар жанг қилмай қочишди, Султон Абусаид мирзо ўз вилоятига қайтиб кетди.

Абусаид мирзо Хуросонни эгаллаб, ўша ёққа кетгач, Эсан Буғахон Андижонга жўнади. Ўша пайтда Абусаид мирзо томонидан тайинланган Мирзо Али Кучак Андижон ҳокими этиб тайинланган ва у Андижон қалъасини мустаҳкамлаб олган.

Хоннинг лашкари шу қадар кўп эдики, Андижон қалъасини уч қатор ўраб олиб, ҳамма томондан лаҳм қазошди. Улар ташқи қалъани эгаллашди. Арқда Мирзо Али Кучак ёлғиз қолди. Охир-оқибат туҳфаю тортиқлар қилиб, сулҳ тузишга мажбур бўлди. Хон Андижоннинг бутун аҳолисини асирга тушириб, ўзи билан олиб кетди. Ўша асирга олинганларнинг авлодлари ҳозир ҳам Кошғар ва Мўғулистонда истиқомат қилишади.

Султон Абусаид мирзога бу ҳақда хабар етган пайтда Эсан Буғахонни қайтариш унинг қўлидан келмади, чунки агар Мўғулистонга жўнаганида ҳам Эсан Буғахон Мўғулистоннинг чекка ўлкаларига кетиб қолган ва Самарқанд лашкари у ёқларга боролмаган бўларди. Борди-ю, у ёқларга боролган тақдирида ҳам, Эсан Буғахон ортига қайтганида яна унинг изидан тушар ва бу аҳвол узлуксиз давом этган бўларди. Унга қарши бирор кишини тайинлаб ҳам бўлмасди, Эсан Буғахоннинг кучи ва кўп сонли лашкарига амирликлар бас келишолмасди.

Шу билан бирга Султон Абусаид мирзонинг Ироққа лашкар тортиш нияти бўлган, аммо Эсан Буғахон туфайли бунга журъат қилолмаган. Кейин у Ироққа киши юбориб, Эсан Буғахоннинг Ироққа бориб қолган акаси Юнусхонни олиб келтирди. Юнусхон ҳақида аввал ҳам ёзган эдик, ҳали яна ёзамиз. Уни Эсан Буғахонга қарши жўнатади, икки ака-ука бир-бири билан низолашиб туришса, давлатнинг чегаралари хавфдан холи бўлади, деб ўйлайди.

Хондан ажралиб, ҳар бири ўзи учун қалъа қуриб олган мўғул амирларининг барчаси хонга бўйин эгишмади. Хон ҳам, эҳтимол ўзлари қайтиб қолишар, деган умидда уларга халақит бермади.



Ўша кунлари Абулхайрхон Дашти Қипчоқни тўлиғича эгаллади. У Жўжи султонларига ҳужум қилгач, Жонибекхон билан Қирайхонлар ундан қочиб, Мўғулистонга келишди. Эсан Буғахон уларни очиқ юз билан кутиб олиб, Мўғулистоннинг ғарбидаги Чу дарёси бўйида жойлашган Қўзибоши деган мавзени берди. Улар у ерда хотиржам истиқомат қилиб турганларида Абулхайрхон вафот этиб, ўзбеклар улуси пароканда бўлиб кетди, у ерда катта низолар келиб чиқиб, кўп одамлар Қирайхон ва Жонибекхонлар ёнига кетишди, уларнинг сони икки юз минг кишига етди, уларни «ўзбек-қозоқлар» деб атай бошлашди. Қозоқ султонларининг ҳукмронлиги 870 (1465-1466) йилдан то 940 (1533-1534) йилгача (тағин ҳам Аллоҳ яхшироқ билади) давом этган, шу даврда қозоқлар ўзбеклар ҳудудининг катта қисмини эгаллаб туришган. Қирайхондан кейин Бурундукхон, ундан кейин Жонибекхоннинг ўғли Қосимхон бўлди, у бутун Дашти Қипчоқни эгаллади, лашкарининг сони минг-минг, яъни миллион киши бўлган. Жўжихондан кейин бу юртларда ундай кучли хон бўлмаган. Ундан сўнг ўғли Мамошхон, кейин Қосимхоннинг жияни Тоҳирхон ҳукмронлик қилган. Тоҳирхон даврида қозоқлар сони камайган. Ундан кейин укаси Бўйдошхон ҳокимият тепасига келди, аммо Бўйдошхон даврида қозоқлар сони йигирма минггага тушиб кетган. 940 (1533-1534) йилдан кейин Бўйлашхон ҳам вафот этгач, бу ерларда қозоқлар умуман қолмаган. Хуллас, Эсан Буғахон даврдан бошлаб Рашидхон давригача мўғуллар ва қозоқлар ўртасида дўстлик ва иттифоқлик ҳукм сурган, лекин Рашидхон буни бузган. Бу ҳолат Рашидхон ҳаёти лавҳалари ёритилганда (агар Аллоҳ изн берса) тағин эслатилади.

---

#### **Қирқинчи фасл. Юнусхон ҳукмронлигининг бошланиши баёни.**

Султон Абусаид мирзо ибн Султон Муҳаммад мирзо ибн Мироншоҳ мирзо ибн Амир Темур ўзининг барча амакиваччаларидан ғолиб келди. Самарқандни Абдулло мирзо Шерозийдан олиб, Хуросонни эса Мирзо Бобур Қаландар ибн Бойсунғур мирзо ибн Шоҳрух мирзо ибн Амир Темурнинг вафотидан сўнг ўзига қўшиб олди. Абусаид мирзо улуғ подшоҳ бўлиб, Темурийлар наслида бошқа бундай подшоҳ бўлмаган. Хуросонни олгач, унинг олий мақсади Ироқни қўлга киритиш бўлиб қолди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Эсан Буғахон туфайли Ироққа юриш қила олмайди. Шунда у одам юбориб, Ироқдан Эсан Буғахоннинг акаси Юнусхонни олиб келтиради. Юнусхоннинг Ироққа кетиши сабабини олдин эслатиб ўтдик. У Юнусхонни Хуросонда Боғи Зоғонга жойлаштирди ва унинг шарафига шоҳона зиёфатлар уюштирди. Улар ўртасида бир қатор шартномалар, мажбуриятлар қабул қилинди. Улардан бири мана будир: Султон Абусаид мирзо Юнусхонга айтадики: «Амир Темурнинг дастлабки юришида амирлар унга керагича итоат қилишмаган. Агар у амирларнинг барчасини қатл қилишни буюрганида эди, бу унинг кучига талофот етказган бўларди. Амирлар унга: «Хон белгиланки, биз унга итоат қилайлик» дейишади. Шунда Амир Темур хонликка Сўйурғотмишхонни тайинлайди, амирлар унга бўйин эгишади. Амир Темур хонни ўз назорати остида тутди, туркий фармонлар ва тузуклар хон номидан тузилади. Сўйурғотмишхон вафот этгач, унинг ўрнига Султон Маҳмудхон тайинланади. Амир Темурдан кейин то Мирзо Улуғбеккача шу тартиб сақланади. Бироқ хонда «хон» деган номдан ўзга ҳеч бир имтиёзу ихтиёр йўқ эди. Умрининг охирида у асосан Самарқандда истиқомат қилди. Энди эса, подшоҳлик навбати менга келгач, менинг мустақиллигим шу даражага етдики, менинг ҳеч қандай хонга эҳтиёжим йўқ. Мана ҳозир мен сизни фақирлик либосидан халос қилиб, шоҳлик либосини кийдирдим, сизни ўз она юртингизга жўнатаяпман. Шартим шуки, сиз ўз ўтмишдошларингизга ва ўтган хоқонларга ўхшаб: «Амир Темур ва унинг авлодлари бизнинг навкарларимиздир» деган даъвоини қилмайсиз. Агар илгари шундай бўлган бўлса, энди бундай бўлмайди. Мен энди мустақил шоҳман, бошқалар ўзларини менга навкар деб ҳисоблашади. Бундан буён «дўстлик» деган тушунчадан «тобе» ва «хожа» сўзларини чиқариб ташланг, аввалги хонларга ўхшаб: «Темурий мирзоларга» деб ёзманг, балки дўстона ёзишмаларга риоя қилинг. Бундан кейин авлоддан-авлодга шу тартиб ўтсин». Шу сўзлар асосида улар шартнома тузишди. Юнусхон ҳам бунга жон деб рози бўлди. Шу шартларга қасамёд қилишди. Абусаид мирзо Юнусхонга рухсат бериб, ўша манзилларда яшаётган барча мўғулларни унга қўшиб жўнатди.

---

#### **Қирқ биринчи фасл. Юнусхон ҳаётининг муфассал баёни.**

Бундан олдин Юнусхон фаолиятининг дастлабки даври баёни қисқача келтирилган эди, муфассал баёни бундай: Юнусхон ибн Увайсхон ибн Шералихон ибн Муҳаммадхон ибн Хизр Хожохон ибн Тўғлуқ Темурхон. Унинг таваллуд топган санаси ҳақида аниқ маълумотга эга бўлолмадим, аммо вафот этган санаси ва умр кечирган муддатидан келиб чиқиб, уни 819 (1416-1417) йилда туғилган деса бўлади (Аллоҳга яхшироқ маълумдир). Отаси Увайсхон шаҳид бўлгач, у хон бўлди, бироқ укаси Эсан Буғахон ва амирлар ўртасида келишмовчиликлар юзага келди. Эрзан борин билан Мирак туркман бир гуруҳ мўғуллар билан бирлашиб, Юнусхонни Самарқандга, Мирзо Улуғбек қосига олиб кетишди. Ўшанда хон ўн уч ёшда эди. Мўғуллар ҳозиргача вақтни мана шу воқеага боғлаб ҳисоблашади. Бу воқеа ҳижрийнинг 832 йили (1428-1429 мелодий) содир бўлган. Мирзо Улуғбек хонни зикр қилинган тарзда отаси Шоҳрух мирзо ҳузурига жўнатди.

Шоҳрух мирзо хонга юсак мулозаматлар кўрсатиб, уни Мавлоно Шарафиддин Али Яздий қўлига топширди. Мавлоно Шарафиддин Али Яздий машҳур олим бўлган, ўша даврда на Самарқандда, на Хуросонда, на Ироқда Мавлонога тенг келадиган олим бўлмаган. Муаммо жанрининг шакли илгари бошқача бўлган, ҳозир одамлар орасида машҳур бўлган «Мутаррази муаммо» рисоласини Мавлоно ёзган. Шу илмга бағишланган «Хулали муаммо» асари ҳам уники. «Зафарнома» муаллифи ҳам Мавлонодир. «Қасидаи бурда» асарига битилган, тасаввуф услубида ёзилган шарҳ ҳам тенгсиздир, бундай шарҳни ҳали ҳеч ким ёзмаган. Булардан ташқари, унинг яна кўплаб асарлари борки, уларни санайверсак, тасвир чўзилиб кетади, мақсадимиз – унинг нечоғлик буюк олим бўлганлигини таъкидлашдир.

Хон Мавлоно қошида йигирма йилни ўтказди ва шундай билимларни эгалладикки, унга ҳам, ундан кейин ҳам мўғул хоқонлари орасидан бундай инсон чиқмади.

Мавлоно ҳазратлари вафот этгач, хон Язддан Форсга, Озарбайжонга, Қазвинга борди. Кўп сафарларда бўлиб, касби орқасидан кун кўрди, Шерозда ватан тутиб, у ерда олимларнинг йиғинларида иштирок этди, турли касбларни эгаллаш йўлидан борди, шу боис у Шерозда «Уста Юнус» номи билан машҳур бўлди. Бу орада Султон Абусаид мирзо Хуросонни эгаллаб, Ироққа юриш қилиш режасини тузади, аммо Эсан Буғахоннинг Фарғона, Шош ва Туркистонга хавф солиб турганлиги туфайли Ироқ юришини тўхтатиб турди. Шунда Султон Абусаид мирзо Шерозга киши юбориб, Юнусхонни олиб келиб турли шартлар ва келишувлар билан, юқорида айтиб ўтганимиздек, уни Мўғулистонга жўнатди. Ўшанда 860 (1455-1456) йил бўлиб, хоннинг муборак ёши қирқ бирда бўлган.

---

### **Қирқ иккинчи фасл. Юнусхоннинг Мўғулистонга келиши баёни.**

Аввал баён қилинганидек, Мўғулистонда ҳар бир амир ўз жойини мустаҳкамлаб олган эди. Амирларнинг юқорида айтилган норозиликлари ва Темур уйғурни ўлдирганларидан сўнг Эсан Буғахон Оқсувга келди. Юнусхон Мўғулистонда пайдо бўлганиданоқ биринчилардан бўлиб, унга амир Каримберди қўшилди. Ундан сўнг кунжи қавмидан бўлган амирлар, айрим тарқоқ мўғуллар билан бирга хоннинг хизматига киришди. Хон амир Ҳожи Пир кунжининг қизига уйланди, бу киши ўша пайтда Кунжи ҳокими бўлган, қизининг исми Эсан Давлат бегим эди. Ундан хоннинг уч қизи бўлган, уларнинг ҳар бири ҳақида фурсати билан тўхталамиз.

Иссиққўлдаги бекчиқ амирларидан амир Пир Ҳақберди ўлиб, ўрнига унинг жияни амир Иброҳим ҳокимлик қилаётган бўлиб, у ҳам келиб хонга қўшилди. Шу билан, хон қўл остидаги одамлар сони анча кўпайди. Бироқ, айтиб ўтилганидек, амирлар ўзлари хоҳлаганларидек яшаб келганлари боис, улар хон олдидаги бурчлари қандай эканлигини билишмаган ва бунга риоя қилишмаган, хон эса барча ҳолларда уларни кечирган.

Шу тахлит бир неча йил ўтди. Юнусхон Кошғарга йўл олди. Амир Саид Али у пайтда кексайиб қолган, ҳатто от устида ўтиришга ҳам қучи етмасди. У Эсан Буғахонга Юнусхоннинг Кошғарга келганлиги ҳақида киши юбориб, ўзи Кошғар қалъасига беркиниб олади. Эсан Буғахон ўшанда Юлдузда ёзни ўтказаётганди. Юлдуз Мўғулистоннинг шарқий чегарасида жойлашган. Бу хабар Эсан Буғахонга етгани заҳоти у қўшин тўплайди – олтмиш минг одам йиғилади. Юлдуздан чиқиб, ўн бир кундан кейин Кошғарга етиб келди. У билан бирга олти минг киши келди, қолганлари ҳали йўлда эди. Амир Саид Али унга қўшилди ва бирга жанг қилишди. Амирнинг хизматида ўттиз минг киши бор эди. Кошғардан Оқсув тарафга уч фарсах йўлда, Хонсолор деган жойда жанг бўлди. Ниҳоят катта қийинчиликлар билан Эсан Буғахон ва Амир Саид Али ғалаба қилишди. Юнусхон қочди. Хоннинг бутун аҳли аёли амир Саид Али қўлига тушди.

Ўша пайтда Юнусхон фарзандларининг энг каттаси Меҳр Нигорхоним ҳали амир Пир Ҳожининг қизи Эсан Давлат бегимнинг қўлида эмизикли бола бўлган. Амир Саид Али уларни озиқ-овқат ва улов билан таъминлаб, ҳурмату эҳтиром кўрсатиб, тўхтатмай Юнусхон ортидан жўнатди.

Юнусхон Мўғулистонга қайтиб келганида, ҳамма одамлари ундан кетиб қолишди. Шу билан у Мўғулистонда қололмай, оиласини қолдириб, ўзи Хуросонга, Султон Абусаид мирзо хизматига кетди. Хон шу даражада фақир аҳволда бўлганки, ҳатто Мирзога бирор нарса тортиқ қилишга ҳам қурби етмаган. Юнусхоннинг Буёнқули исмли содиқ хизматкори бўлган. Хон унга ялиниб: «Мен сени қулим деб атай ва тортиқ сифатида Мирзога берай» деди. Буёнқули рози бўлди, хон уни Мирзога ҳадя қилди.

Юнусхон Мирзога илтимос билан мурожаат қилиб, мўғуллар унга ишонч билдиргунларига қадар яшаб туриши учун бирорта вилоятни бериб туришини сўрайди. Мирзо унга Андижон кентларидан бири Еттиканд деган жойни бериб ўша ёққа жўнатди. Хон жўнаётганида Буёнқули йиғлаган. Мирзо, нега йиғлаяпсан, деб сўраганида, у ўз аҳволини юқорида тасвир этганимиздек қилиб айтиб берган. Мирзонинг унга раҳми келиб, унга от, яроғ-аслаҳа беради-да, хонга қўшиб жўнатиб юборади.

Қисқаси, хон яна Мўғулистонга қайтиб келди. Тарқалиб кетган одамлари қайтадан унинг атрофига тўпланишди. Бу орада Амир Саид Али Кошғарда вафот этди. Амир Саид Алининг Кошғардаги қабри устидаги сағананда 862 (1457-1458) йил – унинг вафот этган йили ёзиб қўйилган. Амир Саид Али вафот этгач, Юнусхон бир енгиллик ҳис этди. Бу ҳақда яна тўхталамиз.

---

**Қирқ учинчи фасл. Отаси Амир Саид Алининг ўлиmidан кейин Сонсиз мирзонинг Кошғарда ҳукмронлик қилиши ва ишларининг поёнига етиши баёни.**

Амир Саид Али бандаликни бажо келтирганидан кейин ундан иккита ўғил қолди: улардан каттаси –Сонсиз мирзо, онаси чурас қавми амирларидан бўлган, иккинчиси – Муҳаммад Ҳайдар мирзо, онаси Ўрун Султон хоним, Юнусхоннинг холаси бўлган. Мўғуллар удумига кўра амир Саид Алининг вориси катта ўғли Сонсиз мирзо бўлди. У беҳад довюрак ва бағрикенг инсон бўлган. Султон хонимга ҳурмат-эҳтиром ва укаси Муҳаммад Ҳайдар мирзога меҳр-муҳаббати туфайли у хоним билан Муҳаммад Ҳайдар мирзога Кошғарни ва Янги Ҳисорни қолдириб, ўзига Ёрқандни пойтахт қилиб олди.

Гарчи Муҳаммад Ҳайдар Юнусхон билан Эсан Буғахонга бирдек жиян бўлса-да, аммо амир Саид Али ҳаётлик пайтида унга Эсан Буғахоннинг қизи Давлат Нигор хонимни олиб берган эди. Шу туфайли Муҳаммад Ҳайдар мирзо ёрдам сўраб Эсан Буғахонга мурожаат қилди.

Амир Саид Алининг вафотидан кейин кўп ўтмай Эсан Буғахон ҳам 866 (1461-1462) йилда оламдан ўтди. Хонлик мансаби унинг ўғли Дўст Муҳаммадхонга ўтди, бу ҳақда ҳали кейинроқ сўз боради.

Муҳаммад Ҳайдар мирзо Эсан Буғахонга куёв бўлганлиги боис у билан иттифоқ тузган бўлса, у вафот этгач, ўғли Дўст Муҳаммадхон билан иттифоқ бўлишга интилди, унинг аксига акаси Сонсиз мирзо эса Юнусхондан мадад сўради. Шу сабабдан Муҳаммад Ҳайдар Кошғардан қочиб, Оқсувдаги Дўстмуҳаммад қошига борди.

Сонсиз мирзо Кошғарни адолатли тарзда бошқарди. У шундай бағрикенглик билан ҳукм юргиздики, ўтган замонлар унинг даврига ҳасад қилса арзирди. У амир Саид Алидан кейин етти йил ҳукмронлик қилди. 869 (1464-1465) йилда у вафот этди. Сабаби бундай бўлган: бир куни у шикорда отдан йиқилди ва бешта ўқнинг учи қорнининг пастки қисмига кириб кетди. Бу жароҳат тузалмайдиган ярага айланиб кетиб, унинг ўлимига сабаб бўлди.

Сонсиз мирзо вафот этгач, Кошғар халқи Муҳаммад Ҳайдар мирзони олиб келишди, Дўст Муҳаммадхон мирзо эса Ёрқандга борди. У Сонсиз мирзонинг хотини Жамол Оғони ўз никоҳига олди. Сонсиз мирзодан икки ўғил – Мирзо Абобакр ва Умар мирзо, Хон Султон хоним исмли бир қиз қолган эди. Сонсиз мирзонинг фарзандларини Дўст Муҳаммадхон ўзи билан бирга Оқсувга олиб кетди. Уларнинг ҳаёти кейин баён қилинади.

---

**Қирқ тўртинчи фасл. Дўст Муҳаммадхоннинг ҳукмронлик даври баёни.**

Эсан Буғахон ўз ажали билан дунёдан ўтгач, ўрнига ўғли Дўст Муҳаммадхон хон бўлди. Ўшанда ўн етти ёшда бўлган. Бу йигитча оқил кишилар тоифасидан бўлмаган, кўп хатти-ҳаракатлари оқилона эмас, бунинг устига мудом маст ҳолатда юрган.

Назм:

Оқиллар, қочинлар, девона маст бўлди!

Унинг қаландарликка майли бўлган. Ўзига, амирларига қаландарона от қўйиб олган бўлиб, ўзини Шамс Абдол деган, шунингдек, мулозимларини ҳам «фалончи Абдол», «писмадончи Абдол» деб чақирган.

Бироқ у беҳад сахий бўлган, шу даражадаки, одамлар: Назм:

Жиннига подшолик қолди, дейишган.

Бу ҳолат ростдан ҳам жиннилик бўлган. У етти йил ҳукмдор бўлган. Ўз ҳукмронлиги даврида бир марта Ёрқанд ва Кошғарга юриш қилган. Дастлаб Ёрқандга борган. Сонсиз мирзо вафот этгач, унинг амирлари қалъа дарвозаларини бекитиб олишади. Хон улардан Сонсиз мирзонинг хотинини талаб қилади. Хотинига қўшиб катта ўғли Абобакр мирзони чиқариб беришган. У ортиқ ҳеч нарса талаб қилмай Кошғарга кетган.

Дўст Муҳаммадхон Ёрқандга кетгач, Кошғар аҳлининг талабига кўра Муҳаммад Ҳайдар мирзони унинг ўзи Кошғарга жўнатди. Хон Кошғарга келганда Муҳаммад Ҳайдар мирзо уни кутиб олди. Хон мирзони Янги Ҳисорга юборди-да, ўзи Кошғарга кириб у ерни тор-мор қилиб талаб, Оқсувга кетди. Шу сабабли Муҳаммад Ҳайдар мирзо ундан хафа бўлиб, Юнусхондан мадад сўради, бу ҳақда кейинроқ сўз юритамиз. Дўст Муҳаммадхон Оқсувга кетгач, бирмунча муддатдан сўнг қайтиб келди, синглиси Ҳусн Нигор хонимни Абобакр мирзога никоҳлаб берди. Аммо Абобакр мирзо хоннинг бетайинлигидан хавфсираб, Кошғарга ҳурматли амакиси Муҳаммад Ҳайдар мирзо қошига қочиб кетди. Хон унинг орқасидан Ҳусн Нигорхонимни жўнатди.

Шу воқеалардан кейин Дўст Муҳаммадхон отасининг хотинларидан бирини севиб қолди, уламолардан никоҳга фатво сўради. Ҳеч ким бу никоҳга, то у еттита уламони ўлдирмагунча фатво бермади. Охири у энг машҳур уламолардан бири ҳазрати Мавлоно Муҳаммад Атторни чақириб, маст ҳолда, қўлида шамшир билан: «Эй мулла, мен ўгай онамга уйланмоқчиман. Бу равоми ёки йўқми?» деб сўрайди. Мавлоно: «Сенга раво» деб жавоб берди. Хон шу заҳотиёқ никоҳ ўқитади. Биринчи никоҳ кечасиёқ отаси тушига киради, гўё у қора отга миниб келади-да: «Эй бадбахт! Бизнинг мусулмон бўлганимизга юз йил бўлди, энди сен ортга қайтиб, кофир бўлдинг!» дейди ва унинг биқинига ўқ текиб олади, кейин отдан тушиб, қозоннинг қорақуясини қўли билан сидириб олиб, унинг юзига суртади. Хон даҳшат ичида уйқудан

уйғонади-да, қилган ишидан пушаймон бўлиб, дарҳол чиқиб, ғул қилади. Биқинида санчиқ пайдо бўлади, эрталаб бунга безгак қўшилади. Одамлар Мавлоно Аторга: «Сен бунга фатво бердинг!» деб зуғум қила бошлашади. Хон: «Мавлонога тегманглар, чунки мен бунгача еттита уламони ўлдирган эдим, кейин Мавлонони келтирдим, бу шўрликнинг бошқа иложи қолмаган эди» дейди. Мавлоно: «Мен фатво бермадим. Фақат: «Сенга раво, чунки сен кофирсан!» дедим» дейди.

Хуллас, Дўст Муҳаммадхонда зотилжам бошланиб, олтинчи куни ўлди. У йигирма тўрт ёшда эди, шундан етти йилида тахтда ўтирган. У 873 (1458-1469) йилда оламдан ўтди. Хожа Шариф Кошғарий бу санани «Хук мурд» – «Тўнғиз ўлди» сўзларидан топибди. Хондан Кебек Султон исмли ўғил қолди. Хон ўлгач, одамлар пароканда бўлиб кетишди. Қандайдир одамлар ўғлини Турфон ва Чолишга олиб кетишди. Юнусхон Оқсувга келди ва барча одамлар унинг тасарруфига киришди.

---

### **Қирқ бешинчи фасл. Юнусхоннинг Султон Абусаид мирзо қошидан иккинчи марта қайтиб келиши баёни.**

Юнусхон Султон Абусаид мирзо қошидан Мўғулистонга иккинчи дафъа қайтиб келгач, мўғул амирлари тагин унинг атрофига жам бўлишди. Бир мунча муддат у Мўғулистонда яшади, Еттиқанд унинг доимий турар жойи бўлиб қолди. Бироқ у Эсан Буғахон эгалик қилган манзилларга қадам босолмади. Эсан Буғахон ва амир Саид Али вафот этишгач, хонлик Дўст Муҳаммадхонга тегди. Муҳаммад Ҳайдар мирзо билан Сонсиз мирзо ўртасида, зикр этиб ўтилганидек, душманлик пайдо бўлди ва Муҳаммад Ҳайдар мирзо Оқсувга, Дўст Муҳаммадхон хузурига, Сонсиз мирзо эса Юнусхонга мадад сўраб боришди. Шу тариқа Юнусхоннинг кучи кўпайди.

Ўша кунлари Юнусхон бир неча маротаба Кошғарга борди, бироқ мўғул амирлари Кошғарда тўхташмагач, ҳар гал у кетишга мажбур бўлаверди. Бир неча бор шундай бўлди. Бу қарама-қарши воқеалар баёни устида муфассал тўхталсак, тасвир беҳад чўзилиб кетади. Гапнинг лўндаси шуки, Юнусхон ҳамиша шаҳарда, уйларда яшашни хоҳларди, лекин мўғул амирлари ва лашкар шаҳардан қочишарди, шу боисдан хон Мўғулистонда яшашга мажбур бўлган.

Сонсиз мирзо ўлгач, Муҳаммад Ҳайдар мирзо Юнусхон билан иттифоқ тузишга ҳаракат қилди. Шу орада Дўст Муҳаммадхон ҳам ўлди. Юнусхон Оқсувда пайдо бўлди-да, Дўст Муҳаммадхоннинг барча кишиларини ўзига бўйсундирди. Дўст Муҳаммадхоннинг ўғли Кебек султон Ўғлонни айрим меҳрибон одамлари ўғирлаб, Турфонга олиб кетишди.

Юнусхон Оқсувда қолмоқчи бўлди, негаки Мўғулистонга нисбатан Оқсув кўпроқ шаҳарга ўхшаган, лекин агар бу ерда қолсам, одамлар Кебек султон Ўғлонга ўтиб кетишади, бу мўғулларнинг юриш-туришидан билиниб турипти, деган фикрга бориб, хон барча одамларини олди-да, Мўғулистонга кетди.

Ўша пайтда Мўғулистонга Эсан Тойшининг ўғли Амасанжи Тойши келган эди, улар ҳақида Увайсхон ҳаёти баёнида эслатган эдик. Унинг келишининг сабаби бундай бўлган. Айтиб ўтганимиздек, Эсан Тойши хоннинг жони бадалига Увайсхоннинг синглиси Махтум хонимга уйланди. Махтум хоним Эсан Тойшидан икки ўғил, бир қиз кўрди. Увайсхон синглисини эрга бераётиб, куёвини исломга киргизган, Махтум хонимни мусулмончилик удумлари бўйича узатган бўлиб, Махтум хоним ўз фарзандларини мусулмон қилиб, ўғилларига Иброҳим ва Илёс деб исм қўйган. Қизини юқорида айтилган амир Каримбердининг ўғли Қодирберди мирзога узатган. Гапнинг пўсткаллеси шуки, мусулмончилик туфайли Иброҳим Ўнг ва Илёс Ўнг билан Амасанжи Тойши ўртасида кураш бошланди. Амасанжи улардан қочиб, уч юз минг киши билан Мўғулистонга келди, яна юз мингтадан киши Иброҳим Ўнг ва Илёс Ўнг билан қолишди. Охири улар билан қалмоқ хони ўртасида душманлик пайдо бўлиб, улар қалмоқ хонидан қочиб, қирқ мингтадан лашкар билан Хитойга келишди.

Ака-укалар орасидаги келишмовчилик Дўст Муҳаммадхоннинг ўлиmidан олдин бошланди. Дўст Муҳаммадхон 873 (1468-69) йилда вафот этган бўлса, Иброҳим Ўнг билан Илёс Ўнг Хитойга 910 (1504-1505) йилда кетишди. Иккови ҳам Хитойда вафот этишди. Иброҳимдан Бобулай исмли бир ўғил қолган бўлиб, унинг авлодлари ўша жойларда ҳозир ҳам яшашади, ўша қавмнинг номи ҳам унинг номи билан «бобулай» деб аталади. Мансурхон Хитойга бостириб борганда шу қавм билан урушган. Бу Мансурхон ҳақида сўз юритилганда баён қилинади.

Амасанжи Тойши Иброҳим Ўнг ва Илёс Ўнгдан ажралиб, Мўғулистонга келди. Юнусхон ҳам мўғулларни Оқсувдан кўчириб, Мўғулистонга келди. Ила дарёси яқинида бўлган жангда Юнусхон енгилди. Мўғул амирларининг кўпчилиги ўша жангда шахид бўлишди ва қалмоқларнинг босқинчилиги туфайли бутун мўғул улуси Туркистонга кетди. Туркистон ҳудудида, Сайхун дарёси бўйидаги Қаротўқай деган жойда қишлашди.

Буруж Ўғлон Туркистонга, кейин мўғулларга ҳужум қилди, бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

---

**Қирқ олтинчи фасл. «Зафарнома»дан: Бу фоний оламда содир бўлган қизиқарли воқеалар. Юнусхоннинг тахтга чиқиши ва Буруж Ўғлон ибн Абулхайрхон ўзбекнинг ўлдирилиши баёни.**

855 (1451-1452) йилда Чингизхон ўғли Жўжихоннинг юрти Дашти Қипчоқда Жўжи наслидан Абулхайрхон подшоҳ бўлган. Ўша даврда ул юртларда унингдек буюк подшоҳ бўлмаган. У вафот этгач, одамлари ўртасида бошбошдоқлик бошланди ва кўплари Қирайхон билан Жонибекхон қозоқлар тарафга ўтиб кетишди, бу ҳақда юқорида тўхталган эдик. Қирайхон ва Жонибекхон ҳамда Абулхайрхоннинг ўғиллари ўртасида аввалдан қаттиқ адоват ҳукм суриб келган. Шу сабабли Абулхайрхоннинг ўғиллари мўғул хонларига душманлик кўзи билан қарашган, негаки мўғул хонлари Қирайхон билан Жонибекхонларга ҳомийлик қилишган. Абулхайрхоннинг вафотидан сўнг унинг ўғиллари ва тобе кишилари Абулхайрхоннинг катта ўғли Буруж Ўғлон атрофига тўпланишган. Негаки Қирайхон билан Жонибекхонлар кучайишган бўлиб, Буруж Ўғлон улардан ўзини тортиб, Туркистон атрофларида турган. Мўғулларнинг Туркистонга келганини эшитиб ҳамда Юнусхоннинг Қаротўқайда эканлигини аниқлаб, Буруж Ўғлон хон қароргоҳига ҳужум қилган. Иттифоқо ўша кун Юнусхоннинг барча одамлари Сайхун дарёсининг нариги қирғоғида овда бўлишган. Туш пайти Буруж Ўғлон муздан ўтиб келса, хон қароргоҳи бўм-бўш бўлган. Унинг лашкари бор-йўғи йигирма мингта бўлган. Буруж Ўғлон аскарлари қароргоҳга ўрнашиб олишиб, эгасиз уйнинг хўжайинига айланишган. Буруж Ўғлон хон ўрдасини эгаллаган ва унинг бутун нарсаларини талаб қўлга киритишга киришган. Ҳар бир жангчи уйларга кириб шундай иш билан машғул бўлган. Юнусхонга бу хабар етганда у овда бўлган. Хон овни ташлаб, ҳатто лашкар жамлаб ҳам ўтирмай, қароргоҳга жўнаган. У дарё соҳилига етган, дарё муз билан қопланган, ўрда эса нариги соҳилда бўлган. Хон ўзи сурнай чалишни биларди. Ҳеч ким хончалик сурнай чала олмас эди. Ҳамма хон сурнайнинг овозини таниган. Хон олти киши билан келган. Улардан бири байроқдор бўлган. Хон сурнай чала-чала дарёдан ўтган. Уйларни эгаллаб олган ўзбекларнинг ҳар бирини аёллар дарҳол тутиб олишган. Буруж Ўғлон сурнай овозини эшитиб, байроқ кўтарган олти кишининг келаётганини кўргач, жойидан ирғиб туриб отга минмоқчи бўлган, бироқ унинг отбоқари ва отини чўри аёллар тутиб олишган, аёллар ҳам уйдан югуриб чиқишиб, Буруж Ўғлоннинг ўзини ҳам тутишган. Шу лаҳзада хон етиб келиб, дарҳол бошини кесиб, найзага санчинглар, деб буюрган. Йигирма минг ўзбекдан қутулиб кетгани кам бўлган. Хон уларни енгиб, ўз қароргоҳига ўрнашган. Эртасига лашкар жамлангач, уларнинг изидан тушган. Абулхайрхон султонларининг тирик қолганлари тарқалиб кетишган, улар ҳақида турли фаслларда алоҳида сўз юритамиз.

---

**Қирқ еттинчи фасл. Шайх Жамол билан боғлиқ воқеалар ва Юнусхоннинг унинг қўлига асир тушганининг баёни.**

Юнусхон киши Қаротўқайда ўтказиб, баҳорда Тошкандга келди. Тошкандда Султон Абусаид мирзонинг амирларидан бири Шайх Жамол Хар исми амир бор эди. Ўша пайтда Султон Абусаид мирзо Ироқда вафот этган, Ҳиротдаги ҳокимият Султон Ҳусайн мирзо қўлида, Самарқанд эса Султон Аҳмад мирзо ибн Султон Абусаид мирзо қўлида, Ҳисор, Қундуз ва Бадахшон Султон Маҳмуд мирзода, Андижон ва Фарғона Султон Абусаид мирзонинг навбатдаги ўғли Умаршайх мирзо қўлида қарор топган эди. Бу уч мирзоларнинг барчасини Юнусхон ўзига куёв қилди, уларнинг ҳаётлари фурсати билан баён қилинади. Қисқаси, ана ўша, Султон Абусаид мирзонинг амирларидан бири Шайх Жамол Хар Тошканд ҳокими бўлган, ўзини Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад мирзога тобе ҳисоблаган, бироқ унга керакли даражада итоат қилмаган.

Юнусхон Тошканд тарафга келди. У яйлов қидириб, Мўғулистонга боролмади, ўзи енгилган қалмоқлардан кўрқди. Хон ва эслатиб ўтилган мирзолар ўртасидаги ишонч ҳамда оталик ва ўғиллик муносабатлари туфайли улар ҳеч бир хавотирликсиз борди-келди қилиб туришарди.

Бу сафар ҳам хон Тошканд тарафига ҳеч бир эҳтиёткорликларсиз келаверди. Хоннинг хизматида бўлган мўғуллар хуфиёна одам жўнатиб, Шайх Жамол Харни хонга қарши гиж-гижлашди. Кўп режаларни кўнглига тугиб, Шайх Жамол гўё хонга иззат-икром кўрсатмоқчи бўлгандек унинг истиқболига юрди. Шайх Жамол хонга яқинлашганда, хон ёнидаги одамлар Шайх Жамол томонга кетишди. Хон ёлғиз қолди. Бу одамлар қаёққа кетишди, деб у кимдан сўрамасин, ҳамма: «Шайх Жамолни кутиб олишга кетишди» деб жавоб беради. Шайх Жамол хоннинг байроғи ва ноғорасига яқин келди, аммо отдан тушмади. Ўша пайтда хоннинг ёнида ҳеч ким йўқ эди. Шайх Жамол хонни тутишга одам юборган ва уни тутиб олишган. Эҳтимол, ўз мулозимлари тутишгандир. Шундай қилиб Шайх Жамол Хар Юнусхонни осонгина қўлга олиб, қамаб қўйди. У бир йил қамоқда ётди. Бутун мўғул улуси Шайх Жамол қўлида қолди.

Хоннинг хотини, фарзандларининг онаси Эсан Давлат бегим, у ҳақда юқорида ҳам тўхталган эдик, ўша пайтда Султон Аҳмад мирзога узатилган Меҳр Нигор хонимнинг ва Умаршайх мирзога узатилган Қутлук Нигор хонимнинг онаси эди. Ана шу Эсан Давлат бегимни, иккита маликаларнинг онасини, Шайх Жамол Хар (эшак) ўзининг энг яқин кишиларидан бирига тортиқ қилди. Буни бегимга маълум қилганларида, у ҳеч

бир эътироз билдирмаган, аксинча, индамай рози бўлган. У одамнинг оти Хожа Камол Калон бўлган. Унга бегимнинг рози бўлганини айтишган, у хурсанд бўлиб, кечаси бегим ёнига келган.

Хожа Камол Калоннинг мулозимлари ташқарида туришган, ўзи ичкарига кирган. Бунгача у чўриларига, «Агар у ёлғиз ўзи кирса эшикларни маҳкам бекитиб тутиб олинглар, деб тайинлаган. Чўрилари эшикларни маҳкамлашганини билгач, бегим чўрилари билан бирга Хожа Камол Калонга ташланиб, ушлаб олишган-да, пичоқча ва дук санчиб-санчиб ўлдиришган. Эрталаб мурдани ташқарига чиқариб ташлашган. Одамлар мурдани кўргач, бориб воқеани Шайх Жамол Харга билдиришган. Шайх Жамол бегим ҳузурига одам юбориб, тушунтириб беришини сўраган; Бегим: «Мен Юнусхоннинг хотиниман, Шайх Жамол Хар мени бошқа одамга тортиқ қилди. Бу иш Муҳаммад шариатида ва мусулмончиликда равоми? Хожа Камол Калоннинг ифлос қўли менинг пок этагимга тегмасин», деб уни ўлдирдим. Шайх Жамол Хар ҳам энди мени ўлдирсин» дейди. Шайх Жамол бегимга ҳадсиз-ҳисобсиз офаринлар айтиб, уни иззат-икром билан хон ёнига жўнатган.

Хон қамалганидан сўнг бир йил ўтгач, амир Каримберди дўғлатнинг жияни амир Абдулқуддус, бир гуруҳ одамлари билан тил бириктириб, Шайх Жамолга ҳужум қилди, уни ўлдириб, бошини Юнусхонга олиб келди. Хонни қамоқдан озод қилди. Аввал Шайх Жамолга кетиб қолган мўғул амирлари Юнусхонга бош эгиб келишди ва: «Итоат этаганимизнинг сабаби шуки, хон бизни шаҳар ва вилоятларда яшашга ундайди, биз шаҳар ва вилоятларда яшашга одатланмаганмиз» дейишди. Хон ҳам ўз қилмишидан пушаймон бўлди ва бундан буён шаҳар ва вилоятларни орзу қилмаслигини айтди. Бу воқеа содир бўлган вақт шундай битилган «Абдулқуддус келди эшак (хар)нинг бошини олиб». Ушбу тарих жумбоқ тарзида тузилган, яъни «Хар» сўзининг биринчи ҳарфи «Абдулқуддус» сўзига қўшилса, ҳарфларни сонлар билан белгиланса, тарих ҳисоби ҳижрий саккиз юз етмиш етти, милодий 1472-1473 бўлади.

---

### **Қирқ саккизинчи фасл. Шайх Жамол Хар ўлдирилгач, Юнусхон билан Мовароуннаҳр шоҳлари ўртасида бўлиб ўтган воқеалар баёни.**

Юнусхон хонлик тахтига қайтадан ўтиргач, барча мўғуллар ва амирлар бундан кейин уларни шаҳар ва вилоятларда яшашга ундамасликка сўз беришини сўрашди, чунки барча низою келишмовчиликларнинг сабаби шунга бориб тақалган эди. Хон сўз беришга мажбур бўлди ва Мўғулистонга келди. Амасанжи Тойши ва қалмоқлар ўз юртларига кетишди ва Мўғулистон қалмоқлардан халос бўлди.

Юнусхон Мўғулистонда бир неча йил бўлди, ҳеч қачон шаҳар ва унинг уйларини орзу қилмади, шу тариқа мўғул халқи хонга яхши муносабатда бўлиб, доим итоат қилди.

Муҳаммад Ҳайдар мирзо Кошғарда эди ва доимо хонга итоат қилишни ўз бурчи деб билди. Хон ҳам унга нисбатан хонлик меҳрини кўрсатиб, оталарча ғамхўрлик қилди. Мўғулистон ва Кошғарда тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сурди.

Юнусхон Мўғулистонга келгач, Дўст Муҳаммадхоннинг ўғли Кебек султон Ўғлонни Турфонга олиб кетган мулозимлари уни ўлдириб, бошини Юнусхонга олиб келишди. Гарчанд Кебек Султон хоннинг душмани бўлса-да, биродарлик юзасидан унга аза тутиб, унинг қотилларини жазолашни буюрди. Хоннинг энди бошқа ҳеч қаерда рақиблари қолмади.

Юнусхон Буруж Ўғлонни ўлдиргач, катта қизи Меҳр Нигор хонимни Султон Абусаид мирзонинг ўғли Султон Аҳмад мирзога узатди. У илгари шундай деган: «Султон Абусаид мирзо мўғуллар билан темурийлар орасидаги душманликни дўстликка айлантирди, мен эса шу дўстликни қариндошликка айлантираман. Агар қиз фарзандим бўлса, Султон Абусаид мирзонинг ўғлига бераман». Султон Аҳмад мирзо умрининг охиригача Меҳр Нигор хоним унинг ҳарамидида қолди. Меҳр Нигорхоним ҳаётининг баёни ушбу «Тарих»нинг иккинчи китобида келтирилади.

Шайх Жамол ўлдирилгандан кейин 880 (1475-1476) йилда Мўғулистонга келгач, Юнусхон иккинчи қизи Қутлуғ Нигор хонимни Султон Абусаид мирзонинг ўғли Умаршайх мирзога берди. Хон билан Умаршайх мирзо ўрталарида шундай самимият бўлганки, бунақаси ҳатто ота-ўғил ўртасида ҳам кам учрайди.

Умаршайх мирзо бир неча марта Мўғулистонга бориб, у ерда бир-икки ойлаб қолган. Баъзан у хонни Андижонга чорлар, хон ҳам бир-икки ойлаб Умаршайх мирзо хонадонидида турган. Ўша кунлари Умаршайх мирзо хонни Самарқандга юриш қилиб, Самарқанд тахтини Султон Аҳмад мирзодан, хоннинг катта куёвидан тортиб олишга ва уни Умаршайх мирзога беришга тинмай гиж-гижлаган. Лекин хон рози бўлмаган. Бу орзунинг хабари Султон Аҳмад мирзога етгач, у ҳар гал Умаршайх мирзога қарши қўшин тортишга уринган. Умаршайх мирзо хонга кўмак сўраб мурожаат қилган. Хон келганда, Умаршайх мирзо унга ўз вилоятларидан баъзиларини берган. Шу боисдан Султон Аҳмад мирзо акасига қарши юриш қилолмаган. Бу ҳолат бир неча марта такрорланган.

Охири шундай бўлдики, хон ҳар қишда Андижонга келар, мўғул улуси Мўғулистонда қоладди. Хон эса ўзига яқин хизматкорлари билан Андижонга келарди. Умаршайх мирзо ўз вилоятларидан хонга маъқул бўлганини унга берарди. Баҳор келгач, хон Мўғулистонга кетарди, Мирзо эса яна ўз вилоятининг эгаси бўлиб қолаверарди. Бир гал Умаршайх мирзо акаси Султон Аҳмад мирзодан хавфсираб, Юнусхонни

чорлаб, унга Ахсини берган. Хон Ахсида қишлашга жазм қилган. Бу ҳақдаги хабар Султон Аҳмад мирзога етгач, у юришни бекор қилган.

Умаршайх мирзо Султон Аҳмад мирзонинг ҳужум қилмаслигидан хотиржам бўлгач, хоннинг Ахсида ўтириши унга алам қилди. Чунки Ахси Фарғона вилоятидаги энг катта шаҳар бўлиб, шаҳарларнинг онаси ҳисобланарди. Шу сабабдан у Юнусхонга қарши кўзгалди ва Така Секретку деган жой кўприги яқинида жанг бўлди. Хон мирзога қанча насиҳатлар қилмасин, фойдаси бўлмади. Охири жанг қилишди ва Мирзо енгилди. Мирзони тутиб боғлаб, хон қошига олиб келишди. Хон ўрнидан туриб, унинг ёнига борди-да, қўлларини ечди. Дарҳол Мирзога совға-саломлар бериб: «Тезроқ орқанга қайт, ўз одамларинг орасида ҳам тартибсизлик бошланмасин тагин, мен ҳам изингдан уйингга бораман» деди-да, Андижонга жўнатиб юборди.

Умаршайх мирзо Андижонга кетгач, хон мўғул улусига Мўғулистонга кетишга рухсат берди, ўзи эса оиласи ва бир неча яқинлари билан Андижонга борди. Икки ой Умаршайх мирзо хонадонидида меҳмон бўлди ва улар ўртасидаги келишмовчиликлар барҳам топди.

Бошқа сафар Мирзо хонни чорлаб Марғилонни берди. Хон Марғилонда пайтида у ерга нақшбандия тасаввуф тариқатининг асосчиларидан бири, Ҳақ йўлини танлаган, бандаларга ҳидоят йўлини кўрсатадиган қиблагўҳи Ҳазрат Хожа Носириддин Убайдуллоҳ (Аллоҳ гўрини нурафшон қилсин), Умаршайх мирзо билан Султон Аҳмад мирзолар ҳамда хон орасида яхши муносабатларни йўлга қўйиш мақсадида ташриф буюрди.

Ишончли одамлардан кўп бора эшитганим борки, Эшон ҳазратлари (Илоҳо гўрлари нурга тўлсин) Марғилонга келганларида барча мўғуллар ва бошқа одамлар ул зотнинг истиқболига чиқишди. Эшонга беҳад эътиқодлари ва ҳурматлари туфайли мўғуллардан бирор киши ҳам унинг дуосини олиш имконидан четда қолмади. Эркаклар ва аёллар гурас-гурас келишди. Улар узоқданоқ отдан тушиб, отларини бир чеккага боғлаб, ерга бош қўйганча йўл чеккасида тўхташарди. Эшон ҳазратлари олдиларидан ўтиб кетганлари заҳоти одамлар ўша йўл тупроғини олиб кўзларига суришарди. Юнусхон Эшонни кутиб олишга ёлғиз ўзи борди. Эшон яқинлашганда хон отдан тушди-да, отини бир жойга боғлаб, лаъл товоқдай юзини қора тупроққа қўйиб турди. Эшон ҳазратлари яқинлашиб келганларида Эшоннинг хонни танийдиган муридларидан бири: «Мана шу Юнусхон бўлади» деди. Эшон ҳазратлари изтироб билан отдан тушиб, хоннинг бошини ердан кўтариб, уни дуо қилдилар. Мен фақир банда маҳдуми иршод Муҳаммад Қози ҳазратлари (Аллоҳ уни раҳмат қилсин)дан эшитиб эдимки, Эшон ҳазратлари Марғилонга келганда айтган эканлар: «Мен Юнусхонни мўғул деб эшитганим ва мўғулларни соқолсиз, қилиқларини саҳройилардек тасаввур қилар эдим. Аммо хонни кўрганимда фикрим ўзгарди. У соқолли, хуштавозе, хушмуомала, очик чеҳра киши экан. Бундай назокатли ва зукко муомалали киши кам топилади. Бундай киши донишманд Мирзо Улуғбеккача ва ундан кейин ҳам бўлмаган». Қисқаси, Эшон ҳазратлари хонни кўргач, атроф-теварақдаги подшоҳларга киши ва хат жўнатиб: «Мен Юнусхон-мўғулни кўрдим, бундай хонга тобе кишиларни қул қилиб бўлмайди, улар мусулмонлардир» дея тайинлаганлар. Шундан сўнг Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳеч ким мўғулларни бошқа кофирлардек қул сифатида сотмаган ва сотиб олмаган.

---

#### **Қирқ тўққизинчи фасл. Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг Кошғардаги ҳукмронлиги баёни.**

Амир Саид Алининг ўғли Сонсиз мирзо вафот этгач, Кошғарда амир Саид Алининг кичик ўғли Муҳаммад Ҳайдар мирзо ҳукмронлик қила бошлади, бу ҳақда айтиб ўтилди.

Муҳаммад Ҳайдар мирзо Кошғарга келиб, Дўст Муҳаммадхон ўлгач, Юнусхон мўғул улусини Мўғулистонга олиб кетди ва у ерда Буруж Ўғлон ҳамда Шайх Жамол Хар билан боғлиқ воқеалар бўлиб ўтди, бу ҳақда ҳам тўхталдик. Шундан сўнг, Юнусхон мўғулларнинг истак-хоҳишларини деб шаҳар ва вилоятларда яшашдан воз кечди. Муҳаммад Ҳайдар мирзо ҳам Кошғарда туриб хонга итоат қилди, хон ҳам унга ўз ўғлидек қаради.

869 (1464-1465) йилдан то 885 (1480-1481) йилгача Муҳаммад Ҳайдар мирзо Кошғарда тинчлик ва роҳат-фароғатда кун кечирди. Унинг Кошғардаги ҳукмронлик даври ҳаммаси бўлиб йигирма тўрт йилни ташкил этади, шундан ўн олти йилида у мустақил бўлган, қолган йилларда тобе бўлган.

---

#### **Эллигинчи фасл. Абобакр мирзо ҳукмронлиги ва ҳаётининг ибтидоси баёни.**

Сонсиз мирзо оламдан ўтгач, Дўст Муҳаммадхон Ёркандга келди ва Сонсиз мирзонинг хотинини ўз никоҳига олди. Сонсиз мирзонинг катта ўғли Абобакрни ўзи билан Оқсувга олиб кетди. Бироз фурсат ўтгач, хон унга синглиси Ҳусн Нигор хонимни берди. Бироқ Абобакр мирзо Дўст Муҳаммадхоннинг бетайинлиги туфайли қочиб, Кошғарга, амакиси Муҳаммад Ҳайдар мирзо қошига кетди. Дўст Муҳаммадхон унинг изидан Кошғарга Ҳусн Нигор хонимни ҳам жўнатди, бу ҳақда юқорида зикр қилинди. Абобакр мирзо Муҳаммад Ҳайдар мирзо хизматида бўлган вақтда у шижоатли ва саховатли, табиатан беҳад жасур ва баҳодир йигит эди. Унинг бўйи шу қадар узун бўлганки, агар у юзлаб пиёда одамлар

орасида келаётган бўлса, уни кўрган одам, отлиқ гумон қилган. Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг ота-боболари подшоҳ ўтган бўлса-да, яхши жангчининг қадрини билмади. Амир Саид Али саксон йиллик умри давомида атрофига тўплаган эътиборли амирлар ва лашкарбошиларнинг кўпи Муҳаммад Ҳайдар мирзо даврида ўлиб кетишди, тирик қолганлари ҳам бирон бир ишни бажаришга қодир бўлишмади. Ўша лашкарбошилар ва амирларнинг ўғиллари ҳамда набиралари Муҳаммад Ҳайдар мирзога ўзларини яқин тутишмади. Амирларнинг барча ўғиллари ва набиралари Абобакр мирзога хизмат қилишни хоҳлашди. Бу воқеаларнинг тарихи узун. Қолаверса, у пайтда яшаган одамларни ҳозир йигирма йиллик муддат ажратиб туради, улардан деярли ҳеч ким қолмаган, ўша даврда маълум бўлган воқеалар ҳам қарама-қарши фикрлар ичида аралашиб, унутилиб кетган.

Шундай қилиб, Абобакр мирзо Муҳаммад Ҳайдар мирзодан қочиб, Ёрқандга борди ва Ёрқанд ҳокимига аллақандай ёрлик кўрсатиб, ҳийла билан Ёрқандни эгаллади. У Муҳаммад Ҳайдар мирзо қошига одам юбориб, унга итоат этишини маълум қилди. Муҳаммад Ҳайдар мирзо ҳам унинг узрини қабул қилди. Абобакр мирзо хизматида амирларнинг ўғиллари ва йигитларидан уч минг киши жам бўлди. Бу орада унинг Кошғардаги укаси Умар мирзо ҳам акаси ёнига келди. Икки ака-ука биргаликда ўша жойларни эгаллаш учун ҳаракат қилишди. Улар Хўтанни эгаллашни режалаштиришди ва шунга тайёргарлик кўришди. Модомики гап шу мавзуга келган экан, шу ўринда Хўтан ҳамда унинг ҳукмдорлари ҳақида тўхталишга тўғри келади.

---

### **Эллик биринчи фасл. Хўтан мирзоларининг баёни.**

Хўтан – машриқ заминнинг энг машҳур шаҳарларидан бири. Хўтаннинг тарихий битикларда ва бошқа китобларда мавжуд тўлиқ тасвири иккинчи китобда келтирилади.

Дўғлат қавмининг ҳукмронлиги амир Худойдод (Аллоҳ уни раҳматига олган бўлсин)га ўтгач, баён қилиб ўтилганидек, дўғлатларга тегишли барча ер-мулкларни у ўғиллари ва ака-укаларига мерос қилиб берди. Чунончи, Кошғар ва Ёрқандни кичик ўғли Саид Аҳмад мирзога берди. Амир Худойдонинг Илёсшоҳ ва Хизршоҳ исмли иккита туғишган укалари бўлган. Илёсшоҳга Оқсувни, Хизршоҳга Хўтанни берди-да, иккаласини ҳам Саид Аҳмад мирзога, уларни ўша ўринларга тайинлаш ва бўшатиш ҳуқуқларини ҳам Саид Аҳмад мирзо ихтиёрига топширди. Иккала ака-укалар, бошқа мулозимлар сингари, ҳар йили мирзо хизматида келиб, ундан рухсат теккач, ўз вилоятларига кетишган. Амир Саид Али Оқсувни Эсан Буғахонга берган вақтда, Эсан Буғахон хизматида Илёсшоҳнинг набираларидан бири, тагин Илёсшоҳ исмли йигит бўлган, Дўст Муҳаммадхон даврига Оқсув қалъаси унинг ихтиёрида сақланган. Амир Саид Алидан кейин Хўтанда Хизршоҳ мирзо авлодларидан иккита ака-ука ўтиришган, бирининг исми Хонназар мирзо, иккинчисиники Қулназар мирзо бўлган.

Хонназар мирзо куч-қудрати жиҳатидан ўзини Абобакр мирзога, ҳатто амир Саид Алига тенг тутарди. У мустақилликка талабгор бўлган ва қадимдан сақланиб келган Кошғарга тобелиқдан бош тортган, аксинча, уларни ўзига итоат қилдиришни истаган.

Абобакр мирзо Муҳаммад Ҳайдар мирзодан Хўтанни бўйсундиришга рухсат сўраган, чунки Хонназар ва Қулназар Кошғарга итоат қилишдек ота мерос мажбуриятдан бош тортишган.

Муҳаммад Ҳайдар мирзо ҳам улардан ранжиган, шунинг учун нафақат рухсат берган, балки ўзи ҳам бу ишга ундаган. Абобакр мирзо хотиржам Хўтан ишлари билан шуғулланишга киришган.

Хонназар мирзо темирдан бир асо қилдирганки, бошқа киши уни икки қўли билан кўтарган. От ҳам, сигир ҳам, ниманики шу асо билан урса, албатта йиқилган. Унинг укаси Қулназар мирзо эса ғоятда юмшоқ, камсуқум йигит бўлган. Ана шу икки ака-ука тахтга даъвогар бўлишган.

---

### **Эллик иккинчи фасл. Абобакр мирзонинг Хўтанни олиши ва Хўтан мирзоларининг йўқ қилиниши баёни.**

Абобакр мирзо Хўтанни олмоқчи бўлиб юрган кунларда Умар мирзо у билан бирга эди, унга акасининг қилаётган иши ёқмай, унга қарши чиқмоқчи бўлди. Буни Абобакр мирзо билиб қолгач, бир йўлини қилиб уни тутиб олиб, кўзини кўр қилиб, Муҳаммад Ҳайдар мирзо қошига жўнатди. Кошғар вайрон бўлгач, Умар мирзо Самарқандга кетди, у ерда бир неча йил туриб, 921 (1515-1516) йилда Кошғарга қайтиб келиб, шу ерда вафот этди. Амир Саид Алининг мақбарасида дафн қилинди.

Хуллас, Абобакр мирзо укасидан қутулгач, Хўтанга юриш қилди. Дастлаб у сулҳ тузиб қайтиб келди. Иккинчи марта ҳам ишни тинчлик билан ҳал қилишди, отда икковлари бир-бирлари билан учрашишди. Сулҳ шартлари муҳокама қилингач, бунга Қуръони Каримни ўртага қўйиб қасам ичишди. Мулозимлар билан келишилганидек, Абобакр мирзо Қуръонни ишончли одамларидан бирига бериб, уни Хонназар мирзога беришни буюрди, Хонназар мирзо уни олиш учун қўлини узатганида ҳалиги одам Хонназар мирзонинг иккала қўлига ёпишди, шу пайт Абобакр мирзонинг аввалдан келишиб олиб тайёр бўлиб турган мулозимлари ҳар тарафдан унга қилич билан ташланишди. Хонназар мирзо учун бу қутилмаган ҳодиса



бўлди, Хонназар мирзонинг мулозимларида эса уларга ташланиш имконияти бўлмаган ва улар қочиб кетишган. Қулназар мирзони тутишга тайинланган бир неча одамлар уни ушлаб қўлларини боғлашган ва шу тариқа иккала биродарни шамшир зарби билан бу дунё ташвишларидан халос этишган. Ана шундай ҳийла билан Абобақр мирзо Хўтандан уларнинг уруғини қуритиб, Хўтанни эгаллади. У тўлиқ куч-қувватга эга бўлиб, амакиси Муҳаммад Ҳайдар мирзога қарши қўзғалди.

---

**Эллик учинчи фасл. Абобақр мирзонинг Муҳаммад Ҳайдар мирзога нисбатан ишлатган ҳийласи ва Абобақр мирзо сўзига кириб Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг ўз амирларини четлатгани баёни.**

Юқорида зикр қилинганидек, Сонсиз мирзо ўлгач, Дўст Муҳаммадхон унинг хотини Жамол Оғони никоҳига олди ва Кошғарни Муҳаммад Ҳайдарга берди. Бу воқеалар 869 (1464-1465) йилда бўлиб ўтган эди. Дўст Муҳаммадхон ўлгач, Муҳаммад Ҳайдар мирзо Жамол Оғога уйланди, Жамол Оғо Абобақр мирзо билан Умар мирзонинг онаси эди. Муҳаммад Ҳайдар мирзо Жамол Оғодан иккита ўғил кўрди – Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон ва менинг амаким Саид Муҳаммад мирзо.

Абобақр мирзо Хўтанни олиб, куч-қувватга эришганида амирлар унинг ишини кўп мулоҳаза қилишиб, Муҳаммад Ҳайдар мирзога айтишди, Абобақр мирзонинг ишлари бошдан охир зўравонлик устига қурилган, у ҳеч кимга вафо қилмаган. Чунончи, у Ёркандни ўғирлик йўли билан олган-да, номақбул узрларни айтди; Умар мирзонинг кўзини кўр қилди; Хонназархон билан Қулназархонни ўлдирди – шундай одамдан қандай қилиб садоқат кутиб бўлади? У мудом Кошғарни орзу қилади. Унинг бутун фикри-зикри ўша ерларни бирлаштириб олишга қаратилган. Амирлар бу ҳақда қанча кўп гапиришмасин, Муҳаммад Ҳайдар мирзо жиянига меҳрибонлик туфайли бу гапларга эътибор қилмаган. Унинг хотини Жамол Оғо, фарзандларининг, шу жумладан, Абобақр мирзонинг онаси ҳам: «У сизнинг ўғлингиз. Ёркандни сизнинг амирларингиздан бири бошқаради. Ёрканд унинг отасининг пойтахти бўлган, бунга унинг ҳаққи бор, сиз эса Ёркандни унга бермасдингиз, сизнинг ҳимоянгизга суяниб, ўзи бунга журъат қилди. Амирлар уни сизга ёмонлашмаса нима бўларди? Хўтанга барибир бошқа одам эгалик қилаётганди, бошқа одам ўрнида у турса, бунинг нимаси ёмон?» деб гап уқтирган. Абобақр мирзонинг ҳар бир қилмишини онаси худди шундай оқлайверган, шу билан Муҳаммад Ҳайдар мирзо то Абобақр мирзо унга бўйсунмаслигини очиқчасига намойиш қилмагунича хотиржам юраверган. Шунда Жамол Оғо, у амирлар туфайли душманлик қилмоқда, чунки амирлар уни сизга ёмон қилиб кўрсатишмоқда, деган гапни айтган. У яширинча Абобақр мирзога: «Сенинг душманлик қилаётганинг сабаблари ҳақида, сени оқлаб шундай-шундай дедим» деб хабар юборган.

Бу сўзлар Абобақр мирзонинг истакларига ҳамоҳанг бўлиб, у ҳам Муҳаммад Ҳайдар мирзога киши юбориб: «Мана шу амирлар бор экан, мен сизга хизмат қилолмайман, чунки улар сизнинг назарингизда мени гуноҳкор қилишди. Агар сиз амирларни ҳайдаб юборсангиз, мен нафақат сизнинг ўғлингиз, балки қўлингиз бўламан, деган сўзларни айтган».

Муҳаммад Ҳайдар мирзо соддадиллиги туфайли бу ёлғон сўзларга ишониб, амирларини тарқатиб юборди, мўътабар амирларини четлаштиргач, унинг қувват ва шавкати синиб, Абобақр мирзо Кошғар вилоятига ҳамда Янги Ҳисорга ҳужумлар уюштирди.

Улуғ амирлар четлаштирилгач, ҳеч ким давлат чегараларини қўриқлай олмади.

---

**Эллик тўртинчи фасл. Юнусхоннинг Муҳаммад Ҳайдар мирзо ҳузурига Абобақр мирзога қарши ёрдамга отлангани ва уларнинг мағлубияти баёни.**

Аввал айтиб ўтилганидек, амир Абдулқуддус Шайх Жамол Харни ўлдириб, Юнусхонни банддан озод қилган эди. Шу сабабдан хон унга чексиз марҳаматлар кўрсатиб, «Кўрагон» унвонини берди ва дўғлатларнинг барча мансабу туманларини тортиқ қилди. Бундан у ғурурланиб, гердайиб кетиб, хон билан шундай муносабатда бўлдик, муносабатидан ўзи ҳам кўрқиб кетди. Бунинг тафсилоти жуда узун, гапнинг қисқаси шуки, у Юнусхондан қочиб, Кошғарга Муҳаммад Ҳайдар мирзо қошига кетди. Бу пайтда Муҳаммад Ҳайдар мирзо амирларини тарқатиб юбориб, ишлари жуда ёмон аҳволда эди. Амир Абдулқуддус келгач, у амирни илтифот билан кутиб олиб, унга қизи Оғо Султон бегимни никоҳлаб берди ва унга катта ғамхўрликлар кўрсатиб, Абобақр мирзога қарши қўйди. Амир Абдулқуддуснинг ўзи ҳам Абобақр мирзога қарши кайфиятда эди.

Қисқаси, бир куни Абобақр мирзо Янги Ҳисор кентларига ҳужум уюштирди. Амир Абдулқуддус унга қарши чиқиб, беҳисоб жанглар ва қаттиқ уринишлардан кейин Абдулқуддус енгилди, ҳолбуки унинг лашкари Абобақр мирзоникига нисбатан беҳад кўп эди. Амир Абдулқуддус шарманда бўлиб, Муҳаммад Ҳайдар мирзо ёнига ортиқ қайтолмай, ўзини қисмат қўлига топширади-да, Бадахшон томонларга йўл олди. Уч юзта одами билан Султон Маҳмуд мирзо хизматига борди. Султон Маҳмуд мирзо уни иззат-икром билан кутиб олиб, унга Бадахшон ва Қўндузнинг энг катта вилоятларидан Хост вилоятини берди. У ўша ерда катур кофирлари қўлида шахид бўлди.

Амир Абдулқуддус кетгандан кейин Абобакр мирзонинг куч-қуввати ортди. Мақр ва ҳийла билан у Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг кучли амирлари ва лашкарбошилари тарқатиб юборди ва амир Абдулқуддусга шундай зарба бердики, натижада Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг ишлари аянчли аҳволга тушиб қолди. Жамол Оғо қилган ишидан пушаймон бўлди, аммо унинг пушаймонидан фойда йўқ эди. Охири Муҳаммад Ҳайдар мирзо пиёда ва отликлардан иборат ўттиз мингта одам тўплаб, Абобакр мирзога қарши юриш қилади. У уч мингта жангчи билан унга рўпара бўлди. Қаттиқ жанг бўлди. Охир-оқибат мағлубият Муҳаммад Ҳайдар мирзо чекига тушди. Енгилган, тор-мор этилган Муҳаммад Ҳайдар мирзо Кошғарга қайтди. Бу воқеалар ҳақида у катта тоғаси Юнусхонга хабар қилиб, ундан мадад сўради. Хон ўз лашкаридан ўн беш минг кишини ажратиб олиб, жиянига раҳми келиб, Абобакр мирзога қарши қўшин тортди.

Муҳаммад Ҳайдар мирзо қайтадан лашкар жамлаб, хон қўшини билан бирлашди-да, Ёрқандга йўл олди. Абобакр мирзо Ёрқанд қалъаси ичига қамалиб олди, хон эса унинг шарқ тарафига жойлашди. Эртасига Абобакр мирзо қалъа ташқарисидан отлик ва пиёда жангчиларни сафга тизиб, улар билан олдинга чиқди. Булар худди ўша уч минг киши, яъни амир Саид Алининг амирлари ва баҳодирларининг ўғиллари бўлиб, юз минг кишига қарши жанг қилиб, орзуларига эришган, заррача ҳам чекмаган кишилар эди. Муҳаммад Ҳайдар мирзо ўз вақтида уларнинг қадрига етмаган, Абобакр мирзо уларни атрофига тўплаб олган эди. Юнусхон кўп сонли лашкари билан бир томондан, Муҳаммад Ҳайдар мирзо иккинчи томондан ҳужум қилишди. Абобакр мирзо Муҳаммад Ҳайдар мирзога эътибор ҳам қилмай бутун кучини хонга қаратди. Анчагина тўқнашувлардан кейин у хонни қочиб қолди. Хон қочиб, Муҳаммад Ҳайдар мирзо ҳам қаерда турган бўлса, ўша ердан қочиб тушди. Шундай катта лашкар тор-мор қилинди. Хон билан Муҳаммад Ҳайдар мирзо Кошғарга келишгач, хон унга: «Уни осонгина енгса бўлар, деган ўй билан мен кам лашкар олиб келгандим. Бу йил сен ўз вилоятингни қўлингдан сақлаб туришга ҳаракат қил, янаги йил мен бутун лашкаримни тўплаб келиб, уни яқсон қиламан» деди. Хон Мўғулистонга кетди, Муҳаммад Ҳайдар мирзо Кошғарда қолди.

---

### **Эллик бешинчи фасл. Юнусхоннинг Муҳаммад Ҳайдар мирзога ёрдам бериш учун иккинчи сафар Ёрқандга юриши ва Абобакр мирзодан енгилиши.**

Янаги 885 (1480-1481) йил киргач, Юнусхон олтмиш минг кишидан иборат бутун мўғул лашкари билан Кошғарга келди. Муҳаммад Ҳайдар мирзо ҳам аввалги йилларга нисбатан лашкарини анча тартибга келтирган эди. У хон лашкари билан бирлашиб, Ёрқандга йўл олди. Султон Юнусхон билан Ҳайдар мирзо ҳаммаси бўлиб тўқсон минг отлик ва пиёда лашкар билан Ёрқандга жўнашди.

Абобакр мирзо ҳам ўтган йилгидек Искандар девори каби мустаҳкам Ёрқанд қалъасига ўрнашиб олди. У ҳам беш минг кишилик отлик ва пиёда аскар жамлаган, шулардан уч мингтаси отлик аскарлар бўлиб, уларнинг ҳаммаси, айтиб ўтилганидек, амир Саид Али амирларининг ўғиллари, Муҳаммад Ҳайдар мирзо қадрига етмай тарқатиб юборган сара йигитлар, икки мингтаси эса қатор-қатор ваъдалар билан вилоятдан тўпланган ўқчи-пиёда аскарлар эди. Хоннинг лашкари Ёрқанд қалъасини ўраб олди. Хоннинг ўзи Ёрқанднинг шарқ тарафидаги Қалдуғоч Ёри деган машҳур мавзеда тўхтади.

Намози аср пайти хон лашкарининг ҳар бир қўшинидан обрўли кишилар ўз раъйи билан қалъа олдига бориб, жанг бошлашди. Қалъа ичидан Абобакр мирзонинг одамлари чиқишди. Ҳар бир отлик ва пиёданнинг ўртасида ўқчи, ҳар бир пиёданнинг олдида яна бир пиёда қалқон ушлаб олган. Қаттиқ жанг бошланди. Хон ўз манзилида тураверди. Бир неча киши келиб, жанг ҳақида гапириб, роса қизиқтиришади ва бориб кўришга даъват этишди. Хон бир гуруҳ кишилари билан, ҳатто қурол-аслаҳа ҳам тақмай базм кийимида жўнади. Хандақ четига келишганда иккала тарафнинг пиёдалари олишаётганини кўришди – оғир жанг борарди. Лекин хандақ тепасидан кўриш қийин бўлганидан хон яхшироқ кўриш учун пастга тушди. Хон пастга тушгач, пиёдалар дадиллашиб, баҳодирона жанг қила бошлашди.

Шу пайтда хоннинг кўзга кўринган баҳодирларидан бири Алим Шайх баҳодир чодирда бўлган, хоннинг жангни кузатишга кетганини эшитиб, унда дарҳол ўша ёққа бориб, хон олдида ўз жасоратини намойиш қилиш ва ўз тенгилар орасида кўзга ташланиш фикри туғилди. У қурол-аслаҳаларини тартибга келтириб, хонга етиб олиб, ундан ҳам нарига ўтиб, урушаётган пиёдалар олдигача борди. Хон лашкари ва Абобакр мирзо лашкари пиёдалари ўртасида икки тарафи моллардан ихоталанган йўлак бор эди. Алим Шайх баҳодир келиб, ана шу йўлак орқали Абобакр мирзо пиёдаларига ташланди ва улардан қалқон ушлаганига етиб олди. Ўша пиёда ўзига қараб ўқдек учиб келаётган отликни кўриб, унда дадиллик етишмади-да, қалқонини Алим Шайх баҳодирнинг оти олдига ташлаб қочди. Алим Шайх баҳодирнинг оти қалқонга қоқилиб кетиб, бир томонга кескин бурилиб кетди ва Алим Шайх баҳодир ўзини тутолмай йиқилиб тушди.

Тўсиқлар орқасида турган пиёдалар сақраб чиқишди-да, ёлғиз қолган Алим Шайх баҳодирни тутиб олишди, Абобакр мирзонинг отлик аскарлари хон лашкарининг пиёдалари устига ташланишди. Қаршилик кўрсатиш бефойдалигини кўрган пиёдалар дарҳол чекинишга тушишди. Жангни кузатишга келган одамлар

ўзларини орқага олишди. Хон ҳам хандақда эди. Хонга ҳамроҳ кишилар унга хандақ тепасига чиқишни маслаҳат беришди ва хон дарҳол хандақдан олиб чиқадиган йўлга равона бўлди. Хоннинг жадал кетаётганини кўргач, хандақ тепасида турган одамларнинг ҳар бири хон қочиб кетяпти, деган хаёлда қочиб кетишди. Хон хандақ тепасига чиққач қараса, ҳамма қочиб, лашкар тарқаб кетган. У аскарларга таскин бериш учун қароргоҳга йўл олди. Хон қароргоҳга келиб, одамларни калтаклаш ва койишга тушди, аммо бирор одам жойидан қўзғолмади.

Бу пайтда Абобакр мирзонинг одамлари хандаққа тушган пиёдалар билан урушишарди, томошага келган отликлар билан бирга уларнинг изидан бориб, хандақ тепасига чиқишди, зарба бера-бера тап тортмай олдинга силжишди. Тарқаб кетган лашкар бу ҳолатни кўргач, қоча бошлади, хон уларни тўхтатишга қанча уринмасин, кўлидан келмади. Абобакр мирзонинг отлиқлари яқин келиб қолишган, хон олдида ҳеч ким қолмаган эди, у ҳам йўлга тушди. Шундай улкан лашкар бир соатда тор-мор қилинди. Хон қочиб Кошғарга келди. Лашкарнинг катта қисми хонга қўшилмай Мўғулистонга кетиб қолди. Хон Муҳаммад Ҳайдар мирзога бундай вазиятда Кошғарда қололмаслигини айтди. Муҳаммад Ҳайдар мирзо хон ва беш минг уйлик одамлар билан Оқсувга кетди. Кошғарнинг кўпгина аҳолиси Андижонга жўнади, Кошғар Абобакр мирзо ихтиёрида қолди. Бу воқеа 885 (1480-1481) йилда содир бўлди. Менинг отам Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон ўшанда ўн икки ёшда бўлган.

Юнусхон Муҳаммад Ҳайдар мирзо билан Оқсувга кетишгач, менинг отамни Юнусхоннинг ўғли Султон Маҳмудхон ўзлари билан бирга Мўғулистонга олиб кетишди. Ўша ёқда улар дўстлашиб қолишди ва Султон Маҳмудхон то умрининг охиригача менинг отамни «адаш» деган, бу мўғул тилида «дўстим» дегани бўлади.

---

### **Эллик олтинчи фасл. Султон Маҳмудхон ибн Юнусхон ҳаётининг дастлабки даври баёни.**

Бундан буён гап Султон Маҳмудхон ҳақида боргани боис унинг ҳаёт йўлини бошидан бошлаб баён қилиб бериш лозим. Султон Юнусхон иккинчи марта Хуросондан келган вақтда амир Саид Али вафот этган ва Сонсиз мирзо Юнусхондан мадад сўраган эди, бу ҳақда юқорида ёздик. Ўша кунлари Юнусхон тез-тез Кошғарга келарди. Ўшанда у Кошғарнинг энг обрўли саййидларидан бири амир Зиёвуддинни Бадахшонга Шоҳ Султон Муҳаммад олдига жўнатиб, унинг камтарин, назокатлилардан ҳам назокатли қизини ўзига унаштириб келишини сўраган.

Шоҳ Султон Муҳаммад Бадахший Файлакус Румийнинг ўғли Искандар Зулқарнайнинг авлодларидан бўлган. Искандар бутун дунё мамлакатларини ўз тасарруфига олгандан кейин ҳукмдорлар билан мажлис қуриб, шундай жой топингларки, олам подшоҳларининг қўллари у ерга етмасин, токи мен у ерда ўз наслимни давом эттирай, деган. Ҳукмдорлар Бадахшонни танлашади ва «Дастур-ал-амал» («Бошқариш қоидалари»)ни тузишган – токи улар бу дастурга амал қилишар экан, ҳеч ким ўша жойни улардан тортиб ололмаган. Искандар давридан то шоҳ Султон Муҳаммад давригача ҳеч ким Бадахшонга ҳужум қилмаган ва шу тариқа Искандарнинг авлодидан авлодига тахт ворислиги ўтиб келган.

Шоҳ Султон Муҳаммад даврига келгач эса, у Искандарнинг «Дастур-ал-амал»ига риоя қилмади. У улкан ақл ва қобилиятга эга шоҳ эди. Унинг яхшигина шеърларидан таркиб топган «Девон»и ҳам бор, у «Лаъли» сўзини ўзига тахаллус қилиб олган, шеърларидан нафосат, ўткир ақл уфуриб туради, «Дастур-ал-амал»ни ўз истеъдодига мувофиқ ўзгартирди.

Унинг олтита қизи бўлган. Бирини Амир Темури авлодидан Султон Маъсуд Кобулийга берган. Иккинчисини Султон Абусаид мирзога берган – ундан Абобакр мирзо исмли ўғил туғилган, ниҳоят Султон Абусаид мирзодан кейин у Султон Ҳусайн мирзо билан урушиб, Султон Ҳусайн мирзо давлатига зарар етказган, булар Мирхонд ва Хондамир тарихларида қайд этилган. Учинчи қизини Иброҳим барлосга берган – ундан Жаҳонгир барлос туғилиб, Чиғатой улусининг охириги давлатида етакчи мансабдор бўлган. Тўртинчи қизи – Шоҳбегимни Саид Зиёвуддин Кошғарий воситачилигида Юнусхонга узатган. Бешинчи қизини Саидшоҳ амир Бузург Арҳангийга берган, у ҳақда кейинроқ сўз юритилади. Олтинчи қизини Шайх Абдуллоҳ барлосга берган: ундан Султон Увайс барлос, Музроб барлос ва Султон Санжарлар дунёга келган, буларнинг баёни ҳам фурсати билан келтирилади, аммо улар ҳаёти ҳақидаги маълумотлар ҳиротлик Мирхонд ва Хондамир тарихларида ҳам учрайди.

Қисқаси, Саид Зиёвуддин Шоҳбегимни Кошғарга олиб келиб, хонга топширди. Юнусхоннинг Шоҳбегимдан икки ўғил, икки қизи бўлган. Энг каттаси – Султон Маҳмудхон, у 868 (1463-1464) йилда туғилган. Кейингиси Султон Аҳмадхон, у ҳақида ҳали алоҳида тўхталамиз. Икки қизи – Султон Нигор хоним ва Давлат Султон хоним, уларнинг ҳаётлари ҳам ўз фурсатида баён қилинади.

Султон Маҳмудхон вояга етгунига қадар мўғул амирлари, баён этиб ўтилганидек, Юнусхонга нисбатан ёмон, нолойиқ муомалада бўлишди. Султон Маҳмудхон вояга етганда, у пайтдаги амирлардан кўпчилиги ўлиб кетган, қолганларини эса Юнусхон ўғли Султон Маҳмудхон кўмагида, қолган мўғуллар ва мўғул амирларини ҳам ўзига тобе қилиб олди.

Юнусхон Ёрқандда мағлуб бўлиб, Кошғарга келганида бу лашкар орасида Султон Маҳмудхон бўлмаган, у

халқни бошқариш учун Мўғулистонда қолган эди.

Юнусхон Муҳаммад Ҳайдар мирзога тасалли бериш учун ҳамда сингисининг кўнглига қараб ўша йили қишда, Оқсувга кетди. Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг ўғли, ўшанда ўн икки ёшда бўлган Муҳаммад Ҳусайнни Султон Маҳмудхон ёнига жўнатди. Султон Маҳмудхон Муҳаммад Ҳусайн мирзога яхши муносабатда бўлди, улар дўстлашиб қолишди ва бир-бирларини «адаш», яъни «дўстим» деб чақариша бошлашди. Муҳаммад Ҳусайн мирзо Мўғулистонда, Султон Маҳмудхон ҳузурида беҳад ҳурмат-эҳтиромда кун кечирди.

---

### **Эллик еттинчи фасл. Юнусхон ва Муҳаммад Ҳайдар мирзо ўрталарида Оқсувда бўлиб ўтган уруш ва даҳшатли воқеалар баёни.**

Хон қишда Оқсувга кетди. Оқсув жарлик ёқасида жойлашган бўлиб, иккита қалъаси бор эди. Хон улардан бирини Муҳаммад Ҳайдар мирзога берди, иккинчисига ўзи жойлашди. Ўша қиш тинч ўтди. Баҳор келгач, Юнусхон Мўғулистонга кетмоқчи бўлди. Муҳаммад Ҳайдарга шундай топшириқ берди: «Ҳозир эрта баҳор, мен Мўғулистонга кетаман, сен шу ерда қол. Одамларинг деҳқончилик билан шуғулланишсин, Оқсув вилоятини сенга бердим. Буғдой пишиғи пайтида Мўғулистонда ҳам яйлов даври бошланади, отлар куч йиғади, ўшанда биз Кошғарга бориб, Абобакр мирзо иши билан шуғулланамиз. Мен Кошғарга у ёқдан бораман, сен бу ёқдан – Кошғарда учрашамиз. Нима қилиш лозим бўлса, ўша ерда қиламиз». Гапни шу тахлит бир жойга қўйишди. Хон тайёргарликларни тугатиб, Мўғулистонга жўнаш учун дарҳол одам юбориб, моллар ва одамларни тўплашни буюрди. Аммо бир тўда бузғунчилар, Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг кўнглига қўлғула солишди, хон Мўғулистонга боргач, унинг одамларини талайди, дея шунга ўхшаш сафсаталарни мирзонинг миёсига сингдиришди ва шайтон васвасасидай ёлғон гапларга Муҳаммад Ҳайдар мирзони ишонишга мажбур қилишди.

Муҳаммад Ҳайдар мирзо кўнгилчанлиги боис сафсаталарга қулоқ солиб, бунинг олдини олиш фикрига тушди. Шайтонлар унга: «Хоннинг яйловга кўчиш вақти аниқ бўлгач, хонга ҳамроҳ бўлиб юрган кичик ўғли Аҳмадхонни олиб кўямиз, қалъага кириб олиб, Юнусхонга қарши қўзғоламиз. Хоннинг жўнаш вақти яқин бўлгани учун, у бошқа ҳеч нарса билан машғул бўлмайди ва Мўғулистонга кетади, биз эса Оқсувда яшайверамиз» деган гапларни ўқтиришди. Бу номаъқул ишни Муҳаммад Ҳайдар мирзо маъқуллади. Хоннинг жўнаш вақти бўлганда улар дарҳол Оқсув дарвозасини бекитиб олишди. Султон Аҳмадхон Муҳаммад Ҳайдар мирзо қошига қочиб кетди ва шу билан душманлик бошланди.

Юнусхон Муҳаммад Ҳайдар мирзога киши юбориб, шунча насиҳатлар қилди, бироқ ҳеч фойда бўлмади. Оқибатда Юнусхон кетмади, бошқа қалъага кириб, бекитиб олди-да, Султон Маҳмудхонга одам жўнатди. Ўн етти кундан кейин у ўттиз минг кишилик лашкар билан етиб келди. Ҳар куни жанг бўлди, шу тахлит қирқ кун ўтди. Муҳаммад Ҳайдар мирзо қалъасида очарчилик бошланди. Шундай бузғунчиликни бошлаган ифлослар кечалари қалъадан қочиб кета бошлашди. Султон Аҳмадхон ўз фарзандлик бурчини эслатиб, отаси олдига узр сўраб келди ва узрини қабул қилишини илтимос қилди. Муҳаммад Ҳайдар мирзо қалъа ичида қолди. Шунда қалъага ёпирилиб ҳужум қилинди ва олинди. Хон шоша-пиша у ерга амирларни жўнатиб, талон-тарож қилишмасин, деб тайинлади. Амирлар бориб, қанча ҳаракат қилишмасин, бу нарса қўлларидан келмади. Одамнинг кўплигидан ва тўс-тўполондан талон-тарожга монелик қилишнинг иложи бўлмади. Катта қийинчиликлар билан улар Муҳаммад Ҳайдар мирзони ушлаб, хон олдига олиб келишди. Хонга яқинлашишганда улар Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг қўлларини боғламоқчи бўлишди, Юнусхон буни кўриб, боғламанглар, деб бақирди. Уни хон олдига шундай келтиришди. Хон уни ёнига чақариб, сўкишга ва танбех беришга тушди: «Нега бундай қилдинг? Тақдирингда мен билан душманлик қилиш истаги бор экан, мени жўнаб кетишга қўйгин эди, ўзинг эса бу ерда қолиб, исён кўтаравергин эди. Бу нимаси энди?» деди.

Муҳаммад Ҳайдар ўзининг бемуроҳаза ҳаракатларидан хижолат бўлиб, бошини эгиб тураверди. Шунда хон: «Яхши, ана энди, мен сенга Оқсувни берган эдим, шу ерда яшайвер» деди. «Ҳамма нарса талаб кетилган, энди қандай қилиб Оқсувда қолиш мумкин?» деб жавоб берди Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Хон Муҳаммад Ҳайдар мирзога ўттизта от берди-да, «Мен билан бирга Мўғулистонга кет, ўша қарор ўз кучида қолади: буғдой пишиғи пайтида мен Кошғарга бораман, Кошғарни олишга ва уни сенга беришга ҳаракат қиламан» деди.

«Шоҳлик» ва «улуғворлик» тушунчаларига лойиқ аввалги ҳақиқий хонлар айбдорларга худди мана шундай муомала қилганлар. Туғишганларга ҳурмат-эътиборни ва жиянлик обрўйини улар шундай қадрлашганки, борди-ю улар бирорта хатога ёки гуноҳга йўл қўйишса ҳам, улар бу гуноҳларни меҳрибонлик ва кечиримлилик суви билан ювиб юборишиб, уларнинг юзларида хижолат изларини қолдиришмаган. Хонлар ҳатто уларга юзлаб бошқа илтифотлар кўрсатишган: «Ахир у бизнинг жиянимиз-ку. Қариндошчилигимизга ишониб, у шунақа расво ишни қилди. Агар биз уни шу қилиғи учун жазоласак, қариндошчилигимиз қаёққа боради, қариндош билан бегона ўртасида фарқ қолмайди-ку?» дейишган. Ҳозир эса шундай шоҳлар борки, биз қанчалик беғуноҳ бўлмайлик, бирор гуноҳимизни топиб, исбот қилишади. Бошқа шоҳ олдида

гуноҳ қилсак, эҳтимол, у биздан ранжимасди. Бизнинг давримиздаги худди ўша шоҳлар қанчалик яқин қариндош бўлса-да, қанчалик кўп хизмати сингган тақдирда ҳам, масалан, Муҳаммад Ҳайдар мирзо билан Юнусхон ўрталарида бўлганидек, ҳамма нарсани унутиб, айбдорни ўлгудай жазолашга уринадиларки, ҳатто душман ҳам бундай қилмаган бўларди. Борди-ю шунга қарамасдан ўша айбдор одам бу даҳшатли гирдобдан чиқиб олса, меҳрибон ва раҳмдил Аллоҳ иноят зоҳир қилиб, унга шундай куч ато қилсаки, у ҳамма гиналарни унутиб, қариндошлик эшигини дўстлик қўли билан чертса ҳам, «бўлган иш бўлиб ўтди» деган мазмунда нома жўнатса ҳам улар унга рад жавоби беришадики, бундай шоҳларни қуйидаги байтда тасвирланган султонларнинг авлодлари деб ҳисобламоқ лозим:

Назм:

Ота хислатларин олмаган ўғил,

Фарзанд деб аталмас, бегона дегил.

Карамни кенг Аллоҳ мурувват эгаларидан ўз марҳаматини дариф тутмайди. Биз шуни эслатиб қўймоқчимизки, улар гуноҳкор кишиларга илтифот кўрсатишгани боис, Аллоҳ ҳам меҳрибон бандаларига меҳрибонлик кўрсатади, Парвардигорнинг ўзи уларнинг гуноҳларини ҳам мағфират қилади, илоҳим, Яратганнинг ўзи икки дунё саодатига ноил қилсин. Мамлакатларида мурувват анқонинг уруғи бўлган ҳукмдорлар дилига ҳам Аллоҳ, Ҳазрат Муҳаммад ва унинг умматлари ҳаққи олийжаноблик уруғини сочсин.

Қисқаси, Муҳаммад Ҳайдар мирзо Юнусхон билан бирга Мўғулистонга кетди. Кўклам охирлаганда Юнусхон Кошғарга юриш қилишга қарор қилди. Бу орада Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад мирзо Фарғонадан укаси Умаршайх мирзони чиқариб юбориш учун ўша вилоятга қўшин тортишни режалаштирди. Бу хабар Умаршайх мирзога етган заҳоти у дарҳол Юнусхонга мурожаат қилиб, ундан мадад сўради, ҳаммашагидек, акаси Султон Аҳмад мирзо жабр-зулмларидан халос бўлиш учун хонни ёнига чорлади. Бу хабар етгач, хон Андижонга жўнади. У иккала куёвлари ўртасида адоват бўлишини истамас, шу сабабли мудом уларни келиштириш йўлини қиларди.

Хон Андижонга келгач, уни Умаршайх мирзо кутиб олди ва унга иззат-икромлар кўрсатди. У хонга Ўш вилоятини берди ва хон ўша кишини Ўшда ўтказди. Қолган мўғулларни хон Султон Маҳмудхон ёнига, Мўғулистонга жўнатиб юборди, ўзи бўлса, Ўшда қишлаш учун қолди. Ўш вилоятини у Муҳаммад Ҳайдар мирзога берди. Султон Аҳмад мирзо хоннинг келганидан хабар топиб, лашкар тортиш фикридан воз кечди. Умаршайх мирзо акасининг ҳужуми хавфидан халос бўлди.

Қиш чиққач, хон яна Мўғулистонга йўл олди. У Муҳаммад Ҳайдар мирзога: «Ўтган йили сен Мўғулистонда хотиржам яшамадинг, энди мен сенга Ўш вилоятини бераман, сен шу ерда қол. Мен янаги йил қишда тагин қайтиб келаман, бу вилоятни сен менинг номимдан бошқар», деди. Хон Мўғулистонга кетди, Муҳаммад Ҳайдар мирзо Ўшда қолди. Муҳаммад Ҳайдар мирзо хондан ўғли Муҳаммад Ҳусайн мирзони сўраб олиб, ўз ёнида сақлади.

---

### **Эллик саккизинчи фасл. Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг Кошғарга, Абобақр мирзо устига юриши ва Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг Абобақр мирзо томонидан асирга олиниши баёни.**

Султон Юнусхон Мўғулистонга жўнаб кетганиданоқ, Умаршайх мирзо Ўшга доруға жўнатди ва Муҳаммад Ҳайдар мирзодан узр сўради. Муҳаммад Ҳайдар мирзо ва унинг одамларида Мўғулистонга кетиш учун кучлари йўқ эди, бу ерда қолиш имкони ҳам бўлмади. У ўғиллари Муҳаммад Ҳусайн мирзо билан Саид Муҳаммад мирзони Умаршайх мирзога қолдириб, ўзи Кошғарга йўл олди. У шундай мулоҳаза қилди: «Абобақр мирзо бир вақтнинг ўзида менинг укам, жияним ва ўғай ўғлим; унинг ёнига борсам, эҳтимол, тинчлик йўли билан менга бирор жойни берар». Шундай орзу-умидлар билан у Абобақр мирзо ёнига жўнади. Абобақр мирзо уни шу заҳоти қамаб қўйди ва бир йил бандда сақлайди. Бир йилдан сўнг Абобақр мирзо уни Бадахшонга жўнатди.

Муҳаммад Ҳайдар мирзо ўша пайтларда Абусаиднинг ўғли Султон Маҳмуд мирзо қўлида бўлган Бадахшонга кетди. Шайх Жамол Харни ўлдирган Абдулқуддус – Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг куёви, аввал айтиб ўтилганидек, Султон Маҳмуд мирзо ҳузурида эди. Бир мунча вақт Муҳаммад Ҳайдар мирзо ўша ерда меҳмон бўлиб турди. Кейин Самарқандга кетди, у ерда пирларнинг кутби Хожа Носириддин Убайдуллоҳ (Аллоҳ гўрини нурафшон қилсин) ҳазрати олийлари билан учрашиш шарафига муяссар бўлди.

У Султон Аҳмад мирзо билан учрашиб турди. Султон Аҳмад мирзо унга илтифот кўрсатди ва улар Муҳаммад Ҳайдар мирзо йилига икки марта, икки ҳайит пайтида Султон Аҳмад мирзоникига келиб туради, деган қарорга келишди. Султон Аҳмад мирзонинг учта укаси бўлган: Усмон мирзо, Султон Валад мирзо, Малик Муҳаммад мирзо. Мирзо машварат пайтида Муҳаммад Ҳайдар мирзо Усмон мирзодан қуйида, Султон Валад мирзо билан Малик Муҳаммад мирзодан юқорида ўтирсин, деб кўрсатма берди, у бу ерга меҳмон бўлиб келиб турсин, деди. Шу пайтда Султон Юнусхондан Муҳаммад Ҳайдар мирзони олиб кетгани одам келди. Султон Аҳмад мирзонинг меҳрибонликлари Муҳаммад Ҳайдар мирзони тутиб

қоллолмади ва у Юнусхон ёнига кетди. У воқеалар хоннинг Тошкандга келганидан кейинги ҳаёти тасвирида баён қилинади.

---

### **Эллик тўққизинчи фасл. Юнусхон ва мўғул улусининг Тошкандга келиши баёни: Султон Аҳмад мирзо, Умаршайх мирзо ва Султон Маҳмуд мирзо билан сулҳ тузилиши.**

Ака-ука Умаршайх мирзо билан Султон Аҳмад мирзо орасида бўлган жанжаллар ва келишмовчиликлар Мирхонд тарихи «Равзат ус-сафо» («Поклик боғи»)да битилган. Бу «Тарих» («Тарихи Рашидий»)га уларнинг алоқаси йўқ. Аммо бизнинг «Тарих»имизда эслатиб ўтиладиган нарса шуки, Шайх Жамол Хардан кейин Тошканд ҳукмронлиги Умаршайх мирзо қўлига ўтди, кучли Шоҳрухия қалъаси ҳам Умаршайх мирзо қўлига ўтди. Мана шу иккита мулк учун Султон Аҳмад мирзо Умаршайх мирзога қарши кўтарилди ва иш жуда катта жанжалгача етиб борди.

Султон Аҳмад мирзо Тошкандга ҳужум қилган вақтда Умаршайх мирзо Юнусхоннинг Тошкандга келишини илтимос қилди. Хон Ўшдан кетган йили Умаршайх мирзо Ўшни Муҳаммад Ҳайдар мирзога бериб кетган эди, лекин хон кетгач, Умаршайх мирзо Муҳаммад Ҳайдар мирзодан узр сўраб, қайтариб олди. Муҳаммад Ҳайдар мирзо Кошғарга кетди, у ерда қамоққа тушди, у пайтда хон Мўғулистонда эди.

Кузда Султон Аҳмад мирзо Тошкандга юриш қилди, Умаршайх мирзо хонни Тошкандга чорлади ва илгари Андижонга қарашли Ўшни хонга бергани сингари унга Тошкандга қарашли бўлган Сайрамни берди.

Хон Сайрамга йўл олган пайтда, шаҳар ва вилоятда яшашни истамаган мўғуллар, хоннинг кичик ўғли Султон Аҳмадни йўлдан уриб, у билан бирга Мўғулистонга қочиб кетишди. Хон уларнинг изидан тушмади, негаки ўша пайтда Мўғулистонда мўғул хоқонларининг хавотир олса бўладиган биронта авлоди қолмаган эди. Шундай қилиб, хон уни Мўғулистонга қўйиб юборди-да, ўзи Сайрамга йўл олди. Қишни у ўша жойда ўтказди. Катта ўғли Султон Маҳмудхонни ҳам ўттиз минг яхши аслаҳали лашкар билан Султон Аҳмад мирзога қарши йўллади. Фарғона тарафдан Умаршайх мирзо ўн беш минглик лашкар билан келди. Бу учта лашкар бир-бирларига яқин келишиб, катта жангни кутиб туришди.

Бунинг хабари Самарқандга, пирларнинг кутби Хожа Носириддин Убайдуллоҳ ҳазрати олийлари (Аллоҳ гўрини нурга тўлдирсин)га етгач, у ҳам жўнади ва ўзидан олдин «Мен ҳам боряпман» деган хабарни қўшиб одам жўнатди. Ул зот етиб келгани заҳоти ҳар учала султон ўз жойларида туриб қолишди.

Эшон ҳазратлари келиб Султон Аҳмад мирзо қароргоҳида тўхтаб, хон билан Умаршайх мирзога одам жўнатди. Худонинг назари тушган Эшон ҳазратларининг сулҳ ҳақидаги таклифни ҳеч ким рад қилолмади, негаки авлиёлар фано босқичига етганда ўзлигини унутишади ва улардан чиққан ҳар бир фикр Аллоҳ таолонинг иродасини ифодалайди.

Бир сўз билан айтганда, у фақат ўз мақсадинигина кўзлаб лашкар тортган ҳар учала ҳукмдорни яраштириб қўйди.

Эшон ҳазратлари учала ҳукмдорни битта палос устига ўтқазиб, ўзи ҳам уларнинг ўрталарига ўтириб олиб, ҳар бирининг олдига шарт ва мажбуриятлар қўйди, улар буни қабул қилишди. Тошкандни Юнусхонга беришга қарор қилинди. Тошканд туфайли келишолмаётган икки ака-ука баҳсни бас қилишиб, Тошкандни хонга беришди.

Мавлоно Саид Муҳаммад Қози ҳазратлари (Аллоҳ охиратини обод қилсин), «Силсилат-ул-орифин» асаридега ушбу воқеани Эшоннинг кароматлари ҳақида гап кетганда ёритган. Ўша ерда бундай деб ёзилган: «Машварат шундай дабдабали бўлдики, мен (Муҳаммад Қози) хижолатпазликдан дастурхонни тескари солиб қўйдим. Машварат охирлагач, Эшон ҳазратлари: «Яхши бўлди, энди кетиш керак, чунки роса тўйдик, бундай юкни фақат мана шунча одам билан кўтариб кетиш мумкин, дедилар. Уччала ҳукмдорнинг ҳар бири ўз лашкари олдига кетди. Эшон ҳазратлари Хўжанд дарёси томонга бориб, дарё соҳилида ғусл қилдилар. Менга қараб сўрадилар: «Мавлоно Муҳаммад, сиз бизнинг бу ишимизни ёзиб қўюласизми?». Мавлоно Муҳаммад Қози ёзадики, Эшоннинг бу топшириғи «Силсилат-ул-орифин» асарининг дунёга келишига туртки бўлган.

Қисқаси, Султон Аҳмад мирзо Самарқандга, Умаршайх мирзо Фарғонага, Султон Маҳмудхон Тошкандга кетишди. Юнусхон ҳам Тошкандга келди, Эшон ҳазратлари унинг изидан Тошкандга бориб, Юнусхон билан тагин учрашди. Мен амакимдан эшитган эдим, у шундай деган эди: «Бир куни мўътабар бир йиғинда Эшон ҳазратларининг ҳузурини Султон Маҳмудхон ҳақида гапириб қолишди. Ўтирганлардан бири: «Бу Султон Маҳмудхон деганлари ғалати шаҳзода – мағрур, кеккайган» деган. Эшон ҳазратлари: «Бундай ҳукмдорнинг этагини биз тупроққа тўлдираемиз; мағрурлик ва катта кетиш фақат Аллоҳга хос, Султон Маҳмудхон ким бўлибдики, кеккайсин?» деб жавоб берган. Айни шу лаҳзада Султон Маҳмудхон Эшон ҳазратларини зиёрат қилиш учун келиб қолган. Намоз вақти бўлиб, ҳазрат намоз ўқишга турган. Қибла тарафда ўчоқ бўлиб, унда кўмир ёнаётганди. Эшон ҳазратлари, намоз ўқиётган маҳалда олд томонда олов ёниб туриши манъ қилинади, олов юзига тупроқ сепиш керак, деган. Кўп одамлар ўтирган бўлишига қарамай, Султон Маҳмудхон ўзи туриб бориб, этагини тупроққа тўлдириб келиб, олов устига сепган. У олов ўчиб қолгунича бир неча марта шундай қилган. Йиғинда ҳозир бўлган одамлардан у бу

хизматни ўзига қўйиб беришларини илтимос қилган. Хон кетгач, барча одамлар ҳайрат изҳор қилишган». Хонларнинг ушбу йиғини ва сулҳ тузилиши Тошкандда 890 (1485) йилда бўлиб ўтди. Эшон ҳазратлари бир муддат Тошкандда бўлиб, кейин Самарқандга қайтди.

Ўша давр султонларида шундай одат бор эдики, бирор ишлари ёки илтимослари ҳақида Эшон ҳазратларига билдирмоқчи бўлишса, унинг муридларидан бирортасига мурожаат қилиб, уни воситачи қилишар эди. Султон Маҳмудхоннинг Эшон ҳазратлари билан алоқа қилишида Мавлоно Муҳаммад Қози воситачилик қилган, хон ўз илтимослари билан унга мурожаат қилган. Буни менга Мавлоно Муҳаммад Қози айтиб берган, бу ҳикоялар мавриди билан ҳали келтирилади, иншооллоҳ.

---

#### **Олтмишинчи фасл. Юнусхон ишларининг интиҳоси баёни.**

Хон Тошкандга жойлашгач, ўғли Султон Маҳмудхонга Султон Аҳмад мирзонинг қизи Қарокўз бегимни унаштирди. Қарокўз бегимнинг келиши кейинроқ ёритилади. Бу орада Юнусхон қаттиқ қорин оғриғи хасталигига чалиниб, икки йилгача тўшакка миҳланиб қолди; шу дард орқасидан у бу дунёни тарк этди. Унинг муборак ёши етмиш тўртга етган эди. Мўғул султонларидан ҳеч бири бу ёшга етмаган, уларнинг кўпчилиги ҳатто қирқ ёшга етмай ўлиб кетишган. Хон 818 (1415-1416) йилда таваллуд топиб, 892 (1486-1487) йилда вафот этди. У Тошканддаги Шайх Хованд Тахурнинг табаррук мозори ёнига дафн этилган. У ерга ҳозир ҳам машҳур улуғвор бино қурилган.

Касал ётганида хон Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг Бадахшондан Самарқандга келганини эшитди ва киши юбориб, уни ўз ёнига чақириб келтирди. Муҳаммад Ҳайдар мирзо Самарқанддан унинг ҳузурига келиб, касал пайтида хонга қаради. Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг жарроҳликдан яхши хабари бўлиб, дори-дармонларни ҳам яхши фарқларди. Касал пайтида хон Муҳаммад Ҳайдар мирзони бир лаҳза ҳам ёнидан кеткизмади ва унга худди ўз ўғлидек меҳрибонлик кўрсатди. Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг Андижонда, Умаршайх мирзо ёнида бўлган ўғли отасининг Тошкандга келишидан олдин Андижондан Тошкандга Султон Маҳмудхон ёнига кетди ва хондан ҳеч қачон ажралмади, бунинг баёни бироз кейин келади.

---

#### **Олтмиш биринчи фасл. Чир дарёси бўйида Султон Аҳмад мирзо билан Султон Маҳмудхон ўртасида бўлиб ўтган жанг баёни.**

892 (1486-1487) йилда Султон Юнусхон вафот этгач, ўша йилиёқ мўғуллар одатига кўра Султон Маҳмудхон хонлик тахтига ўтқазилди.

Юнусхоннинг вафоти ҳақидаги хабар тарқалгани заҳоти Умаршайх мирзо билан Султон Аҳмад мирзо ҳар бири ўзича Султон Маҳмудхонга қарши юриш қилишга ҳозирланди. Умаршайх мирзо ўз ҳокимиятининг умиди ва таянчи бўлган энг сара мулозимларидан бир қанчасини жўнатди ва улар Тошканднинг яхши ҳимояланган Уштур қалъасига кириб олишди.

Султон Маҳмудхон шахсан ўзи қалъа ҳимоясига жўнади. Шундай қаттиқ жанг бўлдики, қандай қийинчилик билан у қалъани олишганини ва Умаршайх мирзонинг ишончли одамлари тўдаси қандай қириб ташланганини мўғуллар орасида ҳалигача гапиришади. Улардан бирортаси ҳам жанг майдонини ташлаб кетмаган, охириги ўлдирилгунга қадар курашишган. Бу ғалабадан Султон Маҳмудхоннинг кучи ортган, Умаршайх мирзонинг эса юриш қилишга ортиқ кучи қолмаган.

Янаги йили амирлар Султон Аҳмад мирзонинг қулоғига қуя бошлашган: «Сиз ҳеч бир сабабсиз Тошкандни Султон Маҳмудхонга бериб қўйдингиз, улар у ерда қанча узоқ туришса, бизга шунча қийин бўлади» дейишган. Эшон ҳазратлари (Илоҳим гўри нурга тўлсин), Султон Аҳмад мирзога: «Бундай қилиш ярамайди. Султон Маҳмудхон билан сулҳ тузмоқ керак. Улар сизни безовта қилишмаяпти, нега сиз уларни безовта қиласиз?» деган мазмунда хат жўнатган.

Охири Султон Аҳмад мирзо эллик минг кишилик лашкар тўплаб, Тошканд устига юриш қилди. Султон Маҳмудхон Тошканд чеккасига чиқиб, душман лашкари рўпарасида тўхтади. Уларнинг ўртасида Чир дарёси бор эди, ундан ўтолмай уч кун шу тахлит туришди.

Султон Аҳмад мирзо лашкари ичида Шоҳибекхон бор эди. Мана шу Шоҳибекхон Шоҳ Будоғ Ўғлоннинг ўғли, бу эса Абулхайрхоннинг ўғли бўлади. Юқорида айтиб ўтилганидек, Буруж Ўғлон ўлдирилганда Шоҳибекхон ҳали ёш эди, бошқа султонлар безъетибор бўлишди ва Шоҳибекхон, тарихий асарларда ёзилишича, кўп қийинчиликларни бошдан кечирди. Ниҳоят, у саҳрода ортиқ қололмай, Мовароуннаҳрга келди-да, Султон Аҳмад мирзога навкар бўлди, тўғрироғи, Султон Аҳмад мирзонинг навкарларидан бири амир Абдул Али Тархонга навкар бўлди. Шоҳибекхон бу лашкарда ўзининг уч минг навкари билан иштирок этди.

Султон Аҳмад мирзо уч кун тургач, Шоҳибек кечаси Султон Маҳмудхонга одам юбориб, «Келинг, учрашайлик» деган гапни айтди. Ўша кечасиёқ у нариги томондан, хон бу томондан борди-да, учрашишди. Шарт ва мажбуриятларни муҳокама қилишгач, шунга келишишдики, эртага Султон Маҳмудхон амир Абдул Алига ҳужум қиладиган, ана ўша амир Абдул Алининг навкари Шоҳибек бўлса лашкарни тарқатиб

қочадиган бўлди.

Эртасига мўғул лашкари жангга ҳозирланди. Ҳар икки тарафнинг лашкари ҳам ҳарбий ҳолатда турарди. Мўғул лашкарининг пиёдалари Чирни кечиб ўтишди, отлиқлар ҳам Чирга киришди. Бошқа тарафдан пиёдалар жангга киришишди. Мўғул лашкари амир Абдулали тарафни кўпроқ сиқув остига олди. Шу пайт Шоҳибекхон уч юз кишиси билан қоча бошлади. У Султон Аҳмад мирзо лашкарининг юклари ортилган араваларга ҳужум қилиб, уни талон-тарож қилишга тушди. Атрофдаги бебошлар ҳам бу ҳолатдан фойдаланиб, юкларни талай бошлашди. Султон Аҳмад мирзонинг лашкари дарҳол қочишга тушди. Мирзонинг лашкари олдида Чир дарёси бўлиб, жангчиларнинг кўпи дарёга чўкиб кетди, Чирни Тошканд аҳолиси «Оби Парак» дейишади. Султон Аҳмад мирзо лашкари қаттиқ мағлубиятга учради. Тор-мор бўлган Мирзо Самарқандга қочиб кетди. У шайх Убайдуллоҳ Аҳрор Эшон ҳазратлари олдида тавба-тазаррулар қилди ва Эшон ҳазратларининг кўрсатмаси билан хон ва Султон Аҳмад мирзо ўртасида қайтадан сулҳ тузилади. Иттифоқликни мустаҳкамлаш мақсадида Қарокўз бегимни унаштириш маросими уюштирилди ва турли расм-русумлардан кейин Қарокўз бегимни Султон Маҳмудхон томонга олиб кетишди.

---

### **Олтмиш иккинчи фасл. Султон Маҳмудхон билан отам ўртасида қариндошликнинг йўлга қўйилиши баёни.**

Отам Муҳаммад Ҳусайн кўрагон (Аллоҳ унинг сирларини муқаддас қилсин) айтиб ўтилганидек, Кошғардан кетган кунидан бошлаб то ҳозиргача узлуксиз Султон Маҳмудхон хизматида бўлди, Умаршайх мирзо ёнида ўтказган йиллари бунга кирмайди, бу ҳақда ҳам тўхталган эдик. Хон билан отам, Муҳаммад Ҳусайн мирзо шундай дўст бўлишганки, улар мудом бир уйда, ҳатто битта хонада яшашган – хон уйининг ўнг қаноти отамнинг ихтиёрида бўлган. Уй ишларида отам ҳақиқий ҳамкор бўлган. Хонга нима келтиришса, отамга ҳам ўша нарсаларни келтиришган. Агар хон бирор ёққа отда чиқмоқчи бўлса, иккита от келтиришган, бирига хон минган, иккинчисига отам. Агар хон янги кийим кийса, худди шунақасини отамга ҳам олиб келишган. Хон Қарокўз бегимга уйланганига қадар худди шундай, улар ўртасидаги ишларда ҳеч бир фарқ бўлмаган. Куннинг кўп қисмини улар одатдаги хонада ўтказишган, кечаси хон хотини ёнига кетган, отам ўша хонада ёлғиз ўзи қолган. Хон тахтда ўтирган маҳалда тахт олдида тўшакни шундай тўшашганки, отам хон тахтига суяниб ўтира оладиган бўлган ва улар хонлик ишлари билан биргаликда шуғулланишган. Хон бир неча бор уйлангани туфайли отамни ҳужрада ёлғиз қолдириб, ҳарамга кетаётгани учун отамдан узр сўраган, бу дўстлик бурчига зид, деган. Бир йилдан сўнг у отамни Хўб Нигор хонимга уйлантириб, «кўрагон», яъни «хон куёви» деган унвонга сазовор қилган. Хўб Нигор хоним Султон Маҳмудхондан бир ёш катта, Юнусхоннинг Эсан Давлат бегимдан кўрган учинчи қизи бўлган. Эсан Давлат бегимнинг катта қизи Меҳр Нигор хоним бўлиб, уни Султон Аҳмад мирзога беришган, бу ҳақда ёзган эдик, қолган воқеалар иккинчи китобда ёритилади.

Ундан кичиги – Қутлуқ Нигор хонимни Умаршайх мирзога беришган, ундан Заҳириддин Муҳаммад Бобур Подшоҳ ва Хонзода бегим туғилган бўлиб, уларнинг ҳаёти кейин зикр қилинади. Юнусхоннинг қизларидан учинчиси Хўб Нигор хонимни отамга беришган, у менинг онам бўлган. Уларнинг ҳаётлари ҳам иккинчи китобда ўрни билан ёритилади. Юнусхоннинг яна Шоҳбегим Бадахшийдан иккита қизи бўлган, улардан каттаси – Султон Нигор хонимни Ҳисорга, Султон Маҳмуд мирзога узатишган. Ундан Мирзохон туғилган, унинг ҳаёти ҳам иккинчи китобда тасвирланади. Ҳаммадан кичиги Давлат Султон хоним, у ҳақда ҳам иккинчи китобда тўхталамиз.

Қисқаси, хон мудом отамдан узр сўраб «Мен кечалари доимо ҳарамда бўлсаму, сен ёлғиз хонада қолсанг, бу дўстликдан эмас. Уйла, шу яхшими?» дер экан. Шундан сўнг у дабдабали тўйга тайёргарлик кўришга кўрсатма берган. Икки йил тўйга тайёргарлик кўрилган ва турли расм-русумлар билан Хўб Нигорхонимни менинг отамга олиб беришган. Бу орада Султон Аҳмад мирзо ҳам, Умаршайх мирзо ҳам Султон Маҳмуд мирзо ҳам вафот этишган, бу бироз кейин ёритилади.

Ўратепа хоннинг тасарруфида бўлиб, уни хон менинг отамга берди. Отам Ўратепага кўчиб ўтиб, теварак-атрофдаги кўплаб жойларни Ўратепага қўшиб олди. Буларнинг бари мазкур «Тарих»нинг иккинчи китобида берилади.

---

### **Олтмиш учинчи фасл. Султон Маҳмудхон ҳукмронлиги даврида Тошкандда бўлиб ўтган воқеалар баёни, унинг ишларининг издан чиқиши ва ҳаётининг интиҳоси.**

Султон Аҳмад мирзо билан сулҳ тузилганига ва Қарокўз бегимга уйланганига қадар Султон Маҳмудхон Туркистонни босиб олди. Туркистон ҳоқими, Султон Аҳмад мирзо номидан у ерни сўраб турган Муҳаммад Мазид тархонни ушлаб қамашди ва сулҳ тузилишининг асосий сабабчиси мана шу Муҳаммад Мазид тархон бўлди, чунки у Султон Аҳмад мирзонинг тоғаси эди.

Султон Маҳмудхон Туркистонни босиб олган пайтда Шоҳибекхон хон хизматида эди, унинг Чир бўйидаги



жангда кўрсатган хизматларини ҳисобга олиб, хон Шоҳибекка Туркистонни берди. Шу сабабдан Қирайхон ва Жонибекхон – қозоқларнинг ўғиллари билан Султон Маҳмудхон ўртасидаги эски дўстлик душманликка айланди. Улар: «Шоҳибекхон бизнинг душманимиз, сен қандай қилиб уни бизга қарши қилиб Туркистонга кўясан?» дейишди. Мана шу жанжаллар туфайли Султон Маҳмудхон билан ўзбек-қозоқлар ўртасида икки марта жанг бўлди, ҳар иккала сафар ҳам Султон Маҳмудхон енгилди. Мағлубиятларнинг сабаби мана бундай: «Юнусхондан ҳурмат-этиборга лойиқ амирлар қолди. Ҳамма одамларда бўлганидек, тахт вориси бўлган хонларда ҳам одатда шундай бўлади, улар олдинги яхши одамларнинг қадрига етишмаган, ҳатто бирор кишига ҳомийлик қилсанг, у яхши одам бўлиб қолади, деб ҳисоблашган, лекин бу бўлмаган гап. Мана шу фикрга таяниб, хон сотқинлар тўдасидан бир қанча одамларга ҳомийлик кўрсатди ва ана шу тубан кимсалар мудом аввалги обрўли амирларнинг тагига сув қуйишга уринишди. Иш шунга бориб етдики, хон мўътабар амирлардан бештасини ўлдирди ва оилаларини батамом йўқ қилди. Уларнинг ўрнига ўзи ҳомийлик қилган ўша сотқинлардан бештасини қўйди. Султон Маҳмудхон билан ўзбек-қозоқлар ўртасида Шоҳибекхон туфайли жанг бўлган маҳалда ана шу беш киши лашкарбошилар бўлишган ва сўзсиз мағлубиятга учрашган.

Ўша ўлдириб юборилган бешта амир қилган хайрли ишлар туфайли атрофдаги султонлар қалбида муҳрланиб қолган ҳокимиятнинг қудратига тан бериш туйғусидан ҳеч вақо қолмади.

Бу орада Умаршайх мирзо каптархонадан йиқилди ва 899 (1493-1494) йилда ҳалок бўлди. Бунинг хабари Султон Аҳмад мирзога етгач, у дарҳол, Худо кўрсатмасин, Андижон мўғуллар қўлига тушмасин деб, Андижонга томон қўшин тортди. Умаршайх мирзонинг амирлари ҳушёрлик ва матонат кўрсатишиб, Умаршайх мирзонинг ўн икки яшар ўғли Заҳириддин Муҳаммад Бобур Подшоҳни тахтга ўтқазди ва Султон Маҳмудхонга ёрдам сўраб мурожаат қилишди.

Султон Аҳмад мирзо Марғилон чегарасига етганда бетоб бўлиб қолди. У сулҳ тузиб ортига қайтаётганда йўлда вафот этди. Бу Умаршайх мирзо вафотидан қирқ кун ўтгач содир бўлди.

Султон Маҳмуд мирзо Ҳисордан келиб, акасининг ўрнига Самарқанд тахтига ўтирди. У олти ой ҳукмронлик қилиб, ўз ажали билан ўлди.

Султон Маҳмудхон Самарқанд тахтига эришиш орзусида Самарқандга йўл олди. Бойсунғур мирзо Миёнкол деган жойда жангга киришди. Султон Маҳмудхоннинг амирлари ўша ярамаслар тўдасидан бўлгани боис Самарқандни олиш насиб қилмади, Мўғуллар ва Самарқанд аҳолиси мана шу воқеага бағишлаб шеърый тарих ёзишди. Хон ортига қайтиб, Тошкандга келди. Ҳалиги сотқин амирлар хонга: «Ҳозир Шоҳибекхон Самарқанд ва Бухорони эгаллаши учун унга ёрдам берсак тўғри бўлади, ҳукмдор елкасидаги барча ташвишлар унга юклатилади, биз эса Тошкандда бамайлихотир ўтирамыз» дея гап уқтира бошлашди. Хон рози бўлди. Отам бу тадбирнинг нотўғрилигини хонга тушунтиришга қанча уринмасин, уни қанча ишонтирмасин, у мутлақо қулоқ солмади, улар ёрдам беришиб, Шоҳибекхон Самарқанд ва Бухорони олди. Бу воқеанинг баёни иккинчи китобда давом эттирилади; Бобур Подшоҳ ҳаётининг баёни ҳам шунга киритилган.

Шундай қилиб, хон кўмагида Шоҳибекхон Самарқандни эгаллаб, унга ўрнашиб олди. Унинг лашкари эллик минг кишига етди, қаерда ўзбек бўлса, ҳаммаси унга қўшилишди. Шоҳибекхон биринчи навбатда хонни четлаштиришга киришди. Хон ноилож аҳволда қолди, хон ҳам, ана у пасткаш одамлар ҳам пушаймондан қанчалик бармоқларини тишлашмасин, фойдаси бўлмади.

Бу орада айтиб ўтганимиздек, Мўғулистонда қолган Султон Аҳмадхон, хоннинг иложсиз вазиятда қолганини эшитиб, акасига ёрдамга келди.

Ушбу икки хон Шоҳибекхон билан жанг қилишиб, иккови ҳам мағлубиятга учради. Иккала хонни тутиб келтиришгач, Шоҳибекхон уларга иззат-иқром кўрсатди. Хонларни Мўғулистонга жўнатди-да, мўғулларни ўзи билан олиб қолди – бунинг баёни иккинчи китобда келтирилади.

Султон Маҳмудхон билан Султон Аҳмадхон иккала ака-ука ҳам Мўғулистонга кетишди. Султон Аҳмадхон ўлди, бу Султон Аҳмадхон ҳаёти тасвирида баён қилинади.

Султон Маҳмудхон Мўғулистонга бориб, бир қанча муддат у ерда бўлиб, кўп қийинчиликларни бошдан кечирди, охир оқибат, Шоҳибекхон унга илгари кўрсатган ҳомийлик умидида унинг қошига боради. Бироқ Шоҳибекхон Султон Маҳмудхонга: «Бир марта бағрикенглик қилдим, иккинчи марта яна шундай қилсам, бу менинг ҳокимиятим инқирозига сабаб бўлади» дейди. У Султон Маҳмудхонни оиласи, катта-кичик фарзандлари билан Хўжанд дарёси бўйида ўлдиради. «Лаби дарёи Хўжанд» (Хўжанд дарёси бўйи) сўзларида уларнинг ўлими санаси жамланган. Бу воқеалар иккинчи китобда баён қилинади ва шу шеърый тарих ҳам ўша ерда тушунтирилади. Такрорга йўл қўймаслик учун биз бу ерда тасвири қисқартирдик.

---

### **Олтимиш тўртинчи фасл. Султон Аҳмадхон баёни.**

Илгари баён қилинганидек, Юнусхон Тошкандга келган пайтда Султон Аҳмадхон ибн Юнусхон шаҳар ва вилоятларда яшашни ёмон кўрадиган мўғулларга қўшилиб, отасидан қочиб бориб, Мўғулистонда қолиб кетди. Унинг Мўғулистонда қилган ишлари ва ҳукмронлиги – жуда узун тарих, булар ҳақида қисқача

қуйидагиларни айтиш мумкин: Мўғулистонда қолган барча мўғулларни ўз ҳокимиятига тегишли тарзда бўйсундириши учун унга ўн йилча керак бўлди. У бир қанча қавм амирларининг, шу жумладан, арлотларнинг қадрига етмади, ваҳоланки, улар улуг амирлар бўлишган. Амирлар унга қаршилик кўрсатишди, ниҳоят жанг бўлди, ўша жангда уларнинг авлоди қириб юборилди. У Эсан Буғахонга қарши юришда иштирок этганидан бери ортиқ бирорта хонга мадад қўлини чўзмаган амир Султон Али чурасни ҳам ўлдирди.

Бу орада қалучи қавмидан бир гуруҳ лашкарбошилар, – ўша пайтда Мўғулистонда сон жиҳатидан бундан кўп қавм бўлмаган – тил бириктиришиб, бир куни кечаси хонга ҳужум қилишди. Хон қароргоҳи ёнида бўлган барча жангчиларни чопиб, хон чодирини ўққа тутишди. Хон бир неча жойидан ярадор бўлди. Охири улардан биттаси хонни бир ёқлик қилиш учун чодир ичига бостириб кирди. Хон қилич яланғочлаб, унга қарши турди. Улар бир-бириларини ярадор қилишди ва ўша одам ҳаммаёғидан яраланиб чодирдан қочиб чиқиб кетди. Бир неча киши отдан тушиб, биргаликда тагин бир чодирга киришга ҳаракат қилишди, шу пайт хон саройининг энг ҳурматли кишиларидан Сут Эмган баҳодир келиб қолди. Ҳалиги одамлар кимдир келганини кўргач, яна отга минишди-да, унга қарши жўнашди. У бир ўзи эди, лекин улар билан жанг қилди, Сут Эмган баҳодирни ўлдириш учун анча-мунча вақт керак бўлди. Улар хонга тагин ҳужум қилишди. Қаттиқ шовқин-сурон кўтарилиб, ҳар тарафдан отларни шошилиш эгарлаб, хон қароргоҳи томон одамлар ёпирилиб кела бошлашди. Қалучи қавми одамларининг ортиқ қаршилик кўрсатишга кучлари етмай қочиб кетишди. Ушбу қалучи гуруҳи батамом хон мулозимларидан иборат бўлган, бунга ҳеч кимда шубҳа бўлмаган. Охири улар қалмоқлар томонга қочиб кетишди. Хон жароҳатлари тузалгандан сўнг уларни ҳамма жойдан қидирди, уларни бутунлай қириб ташлаш учун икки йил керак бўлди. Шундан сўнг хоннинг ишлари тўлиқ изга тушди. Мўғулистонда ҳеч ким унга қарши турулмади. Бир неча марта у қалмоқларга қарши муваффақиятли ҳужумлар қилди, улардан кўпини ўлдирди. Икки марта Эсан Тойши билан жанг қилиб, ҳар иккаласида ҳам ғолиб бўлди. Қалмоқлар ундан ниҳоятда қўрқинган ва уни Олачахон деб аташган, бу мўғул тилида «Қотил хон» деган маънони беради. Бу лақаб хонда умрбод қолган, одамлар уни Олачахон дейишган. Ҳозир мўғуллар уни Султон Аҳмадхон деб, бошқа қавмлар эса «Олачахон» дейишади. Мирхонд, Хондамир Ҳиравий ва бошқа тарихларда ҳам «Олачахон» деб ёзишган.

Шу воқеалардан кейин у ўзбек-қозоқлар устига юриш қилди. Бунинг сабаби бундай эди: Султон Маҳмудхон ҳаётининг баёнида айтиб ўтган эдик, Султон Маҳмудхон икки марта ўзбек-қозоқлар билан жанг қилиб, ҳар иккаласида ҳам мағлуб бўлди. Шу сабабдан Султон Аҳмадхон ўзбек-қозоқлар билан урушиб, уч марта ғалаба қилди. Улар унинг акаси Султон Маҳмудхонга нима қилишган бўлсалар, ҳаммаси учун қасос олди. У Мўғулистонни шундай мустаҳкамлаб олдики, қалмоқлар ва ўзбеклар етти-саккиз ойлик йўл масофасида Мўғулистон ҳудудига яқин келолмайдиган бўлдилар. Мўғулистон чегараларидан кўнгли хотиржам Султон Аҳмадхон 905 (1499-1500) йилда, яъни фақир банданинг туғилган йилимда, Кошғар ва Абобақр мирзо ишини бир ёқлик қилишга киришди. У Кошғарга келганда, Абобақр мирзо Кошғарни ва Янги Ҳисорни лашкар ва озиқ-овқат билан таъминлаб, ўзи Ёркандга кетди. Абобақр мирзонинг амирлари бир неча бор хонга қарши Кошғар ва Янги Ҳисор қалъаларида жанг қилишди, бунинг тафсилоти жуда узун. Ниҳоят Султон Аҳмадхон куч билан Янги Ҳисор қалъасини олди, Кошғар аҳолиси қалъани ташлаб, қочиб кетишди. Шу тахлит у Кошғар билан Янги Ҳисорни қўлга киритди. У қишни ўша ерда ўтказди ва оиласини Мўғулистондан Кошғарга кўчириб келди. Қиш охирида улар Ёркандга, Абобақр мирзо устига юришди. Абобақр мирзо қалъадан чиқмади. Султон Аҳмадхоннинг жангчилари қалъага юришдан маъно йўқлигини кўришгач, Ёрканд тоғига ўлжа учун жўнашди. Ўлжани қўлга киритгач, улар Ёрканд ва Кошғарга йўл олишди.

Абобақр мирзо кўп сонли лашкар билан Ёрканддан чиқиб, тоғда хоннинг йўлини кесиб чиқди. Қаттиқ жанг бўлди, дарё-дарё қонлар тўкилиб, ниҳоят хон лашкари мағлубиятга учради. Тор-мор қилинган хон Кошғарга келди, лекин бу ерда қололмади. Кошғардан ҳам қочиб, Мўғулистонга кетди.

Шу тахлит бир йил ўтгач, Шоҳибекхоннинг Султон Маҳмудхонга қарши душманлик ҳаракатлари ҳақидаги хабар етиб келди. Укалик меҳри товланиб, Султон Аҳмадхон ўз акаси ёнига жўнади. Ўз ўрнида катта ўғли Мансурхонни қолдириб, унга хонлик ҳуқуқини берди. Қолган икки ўғиллари Султон Саидхон билан Бобожоқ султонни хон ўзи билан бирга Тошкандга олиб кетди.

Икки хон, Султон Маҳмудхон билан Султон Аҳмадхон Тошкандда учрашдилар. Учрашув пайтидаги ҳар хил расм-русумлар иккинчи китобда тасвирланади. Қисқаси, улар Шоҳибекхонга қарши қандай қилиб курашиш ҳақида ўйлашди. Ниҳоят хонлар билан Шоҳибекхон ўрталарида Ахсида жанг бўлиб ўтди, хонлар енгилди ва асирга тушишди. Шоҳибекхон уларнинг илгариги хизматларини ҳисобга олиб, икковини ҳам Мўғулистонга жўнатиб юборди. Аммо мўғул улусидан кўпчилигини олиб қолди. Иккала хон ҳам Мўғулистонга кетишди ва ўша қишни Оқсувда ўтказишди. Султон Аҳмадхон бир неча марта фалаж бўлди. Табиблар уни тузатишдан ожиз бўлишди ва 909 (1503-1504) йил қишнинг охирида Султон Аҳмадхон вафот этди (Илоҳим, жойи жаннатда бўлсин).

Султон Аҳмадхон беҳад тақводор ҳукмдор, ҳақиқий мусулмон, шариат қонунларидан хабардор хон эди. Шунинг учун кўп масалаларда шариатга таяниб иш қўрди. Шариат масалаларида у ҳеч ҳам қийналмасди.

У ғайратчан ва жасур киши бўлиб, беҳад довюраклиги, ақлу фаросати билан ажралиб турар, шу билан бирга камтар эди. У дарвиш, олим ва тақводор кишиларни айниқса ҳурмат қиларди. У вақтининг кўп қисмини тоат-ибодатга бағишлаб, беш вақт намозни албатта жамоат билан ўқирди. У қариндошчилик ришталарини жуда қадрларди; олийҳимматлилик ва хайрли ишларда ўша даврда унга тенг келадигани бўлмаган. Унинг муборак ёши ўттиз тўққизда эди. Ҳаётининг тўлиқ тасвири иккинчи китобда берилади.

---

### **Олтмиш бешинчи фасл. Мансурхон зикрида (Аллоҳ унинг гуноҳларини мағфират қилсин).**

Мансурхон – Султон Аҳмадхоннинг катта ўғли. Султон Аҳмадхон акаси Султон Маҳмудхонга кўмак бериш учун Тошкандга кетганида Мансурхонни ўз ўрнида қолдирди. Бу 909 (1503-1504) йилда бўлган эди, ўшанда у ўн олти ёшда бўлиб, отаси Султон Аҳмадхоннинг вафотигача хон бўлиб турди. Султон Маҳмудхон Оқсувни ташлаб, Мўғулистонга кетгач, Мансурхон Оқсувга жойлашди. У билан дўғлат қавмидан бўлган амир Жабборберди орасида, меросхўрлар ўртасида бўлганидек, келишмовчилик юз берди ва у Жабборбердини ўлдириш фикрида бўлди. У жонини қутқаришга чора излаб Абобақр мирзога одам юборди ва ундан мадад сўради. Абобақр мирзо бунақа имкониятни анчадан бери Аллоҳдан сўрарди, у ўттиз минг кишилик лашкар билан Оқсувга жўнади. Амир Жабборберди Абобақр мирзо истиқболига шошилиш чикди. Абобақр мирзо лашкарининг қурол-аслаҳа ва жангчилари тайёр ҳолга келтирилди. Бу хабар Мансурхонга етгач, у Оқсув қалъасини мустаҳкамлаб, у ерда лашкарни қолдириб, ўзи Бой ва Кусан тарафга кетди. Амир Жабборберди Абобақр мирзога ишончи туфайли ўзи туғилиб ўсган юрти Уч қалъасини Абобақр мирзога топшириб, у билан бирга Оқсувга кетди. Улар жанг билан Оқсувни олиб, пулларни ва Султон Аҳмадхон ҳамда унинг одамлари йигирма беш йил давомида тўплаб яшириб қўйган барча бойликларни эгаллаб олишди. Мўғуллар ва Оқсув халқини – ҳамма-ҳаммасини кўчириб, Кошғарга жўнатишди. Абобақр мирзонинг ишончини қозониш учун амир Жабборберди ўз оиласини ҳаммадан аввал жўнатди ва жон сақлашнинг воситасини шунда кўрди. «Оиланг шу ерда қолаверсин» деди Абобақр мирзо. «Оилани кейин кўчириш қийин бўлади. Оилам ҳозир кетаверсин, мен бир неча кунга қолиб, чекка туманларда хужум қилиш ва талаш билан шуғулланаман. Лашкарингизни ўлжа билан тўлиқ таъминлайман ва лашкар билан бирга Кошғарга, сизнинг хизматингизга бораман», деб жавоб берди амир Жабборберди. Абобақр мирзо амир Жабборбердининг бу ҳийласига ишониб, унинг оиласини олиб кетди ва ўз лашкаридан ўн минг одамни амир Жабборберди билан қолдирди. Алданган, йўлдан тойдирилган Абобақр мирзо лашкари Кошғарга кетди, амир Жабборберди эса Оқсув чегарасида қолди. Бу воқеалардан Мансурхон тамоман довдираб, ўзини ночор ҳис этди ва амир Жабборбердига қасд қилганидан пушаймон бўлди. Амир Жабборберди Мансурхоннинг тоғаси бўлиб, Мансурхон унинг синглиси Соҳиб Давлат бегимдан туғилган эди.

Шу пайтда амир Жабборберди келгани ҳақида хабар олиб келинди. Мансурхон унга киши юбориб, узр сўради, амир Жабборберди билан шартнома тузиб, уни олиб келди ва отаси Султон Аҳмадхон кўрсатган илтифотлардан ҳам ошириб иззат-иқром кўрсатди. Амир Жабборберди Мансурхоннинг хизматига келди, шундан сўнг хоннинг ишлари равнақ топа бошлади.

Ўша кунларда ҳар хил қавмлар ўртасида душманлик юзага келар, у буларни кўлидан келганча яраштирарди.

Маълумотлар хотирада тўлиқ сақланмагани боис бу воқеаларнинг баёни муфассал келтирилмади.

Қисқаси, шу орада Мўғулистонда Султон Маҳмудхон, Султон Саидхон ва Султон Халил султон ўртасида юз берган келишмовчиликлар ҳақида хабар етиб келди. Мансурхон Мўғулистонга бориб, амакиси Султон Маҳмудхон билан яна бир марта учрашди. Катта амакиси мажлисида Мансурхон ўз укалари Султон Саидхон ва Султон Халил султон билан учрашди. Ажрашганларидан кейин Султон Маҳмудхон Мўғулистонда қололмади. Мўғулистондаги ишларни тартибга келтириш унинг кўлидан келмади ва у аввал айтиб ўтганимиздек, Мовароуннаҳрга бориб, ўша ерда ҳалок бўлди.

Султон Маҳмудхоннинг вилоятга кетганини эшитгач, Мансурхон укалари қошига йўл олди. У келган пайтда бу икки султон қирғизлар ва қолган мўғуллар билан бирга Мўғулистонда эди. Чорун Чолак деган жойда қаттиқ жанг бўлди, Мансурхон ғалаба қилди, икки ака-ука вилоятга қочиб кетишди.

Улар Андижонга етишганда, Андижон ҳокими Жонибек султон Султон Халил султонни ўлдирди. Султон Саидхон Кобулга қочиб кетди. Бунинг баёни иккинчи китобда келтирилади, Султон Саидхон ҳаётининг шарҳида ҳам ёритилади.

Мансурхон Мўғулистонда бўлган қирғизлар ва бошқа элатларни Чалиш ва Турфонга кўчиб кетишга мажбур қилди. Қирғизлар Мўғулистондаги барча бузғунчиликларнинг сабабчилари бўлганлигидан Мансурхон ҳийла билан уларнинг кўпини ўлдирди, озроқ қисми Мўғулистонга қочиб кетди. Кейин у бир неча бор қалмоқлар устига юриш қилди, аксарият ҳолларда ғалаба қозонди ва Мансурхоннинг ишлари ривож топди. Аммо ака-укалар гоҳида унга қарши кўзғалиб туришди. Улардан Эмин Хожа султон айниқса, кўпроқ душманлик қилди. Мансурхон икки марта унинг исёнини яхшиликча бостирди, унга ҳеч нима демади, у учинчи марта кўзғолганида уни тутиб олиб Ёрака отабегига топширди ва ўлдиришни буюрди.

Ёрака отабеги Эмин Хожа султонни бир жойга бекитиб қўйди-да, хонга, буйруқни бажардим, деди. Бир йил ўтгач, Мансурхоннинг яна бир укаси Бобожоқ султон хондан қочиб, Бой ва Кусанга кетди. Абобакр мирзо билан амир Жабборберди вайрон қилганларидан бери Бой ва Кусан ўша ҳолича ётган эди. Бобожоқ султон бу ерга келиб, деҳқончилик билан шуғулланди ва вайрон бўлган қалъани тиклади.

Мансурхон Бобожоқ султонга қарши юриш қилди. Аввал у укасига мурожаат қилишни панд-насиҳатдан бошлади, гапини тинчлик, ҳамжиҳатлик ҳақидаги сўзлар билан тугатди. Бобожоқ султон: «Қандай қилиб мен сизга ишонай, сиз худди мендек укангиз бўлган Эмин Хожа султонни душман сингари ўлдирган бўлсангиз. Сизга ҳеч бир ишончим қолмади» деди. Мансурхон Эмин Хожа султонни ўлдиришга буюрганидан пушаймон бўлди ва нима деб жавоб қилишини билмади. Шу аснода Ёрака отабеги: «Мен ўзбошимчалик қилдим, сизнинг буйруғингизга қарамай мен унинг ҳаётини сақлаб қолдим» деди.

Мансурхон қувониб кетиб, бу иши учун Ёрака отабегининг мансабини кўтарди, Эмин Хожа султонни эса Бобожоқ султон ёнига жўнатди. Бобожоқ Мансурхонга бўйин эгди ва яхши иттифоқлик йўлга қўйилди. Шу вақтда Султон Саидхоннинг Абобакр мирзо устидан қозонган ғалабаси ва Кошғарнинг озод қилингани ҳақида хабар келди. Бобожоқ султон Эмин Хожа султонни Саидхон қошига жўнатди – Бобожоқ султон билан Мансурхон бир онадан эдилар. Султон Саидхон Эмин Хожа султоннинг келганидан беҳад хурсанд бўлди. Бу воқеалар тафсилоти иккинчи китобда келади.

Мансурхон Султон Саидхондан Султон Халилнинг ўлими туфайли жуда кўрқарди, негаки у Султон Саидхон билан бир онадан туғилган эди, Султон Саидхон билан Мансурхон ўртасида душманлик ҳукм сурарди. Мансурхон унинг эски душманлик йўлидан боришига қаттиқ ишонарди, аммо Мансурхон мулоҳазасига қарама-қарши ўлароқ, Султон Саидхон акаси Мансурхон қошига элчи юбориб, у билан учрашишни сўради. Учрашув 912 (1506-1507) йилда Оқсув билан Кусан ўртасида бўлиб ўтди; Султон Саидхон акасига бош эгди ва хутбани унинг номига ўқитди. Ака-укалар ўртасида яқин муносабат ўрнатилди. Икки ака-уканинг ҳамжиҳатлиги туфайли йигирма йил давомида мамлакатда тинчлик ҳукм сурди. Айтайлик, бирор одам Хитой шаҳри Камуладанми ёки Андижонданми келаётган бўлса, ҳеч қачон озик-овқат ёки от-уловга муҳтожлик сезмаган, аксинча, ҳар кеча бирорта хонадонда меҳмон бўлган. Муҳаммад (с.а.в) ва унинг умматлари номидан сўраймизки, ҳар бир ишга қодир Аллоҳ нариги дунёда бу икки олийжаноб ака-укага муносиб бандалар орасидан жой ато этсин ва уларга жаннат эшиklarини очсин.

Ана шу йигирма йил ичида Мансурхон бир неча марта қалмоқларга қарши Хитойга ғазавот эълон қилди ва ҳар гал ғалаба билан қайтди. Шу урушлардан бирида амир Жабборберди, шунингдек, Хожа Тожиддин Муҳаммад шаҳид бўлишди. Хожа Тожиддин Мавлоно Аршадиддин наслдан тарқалган Кусан хожаларидан бўлган. Мўғулларда Мавлоно Аршадиддин туфайли ислом дини йўлга қўйилди, бунинг баёни аввал берилган эди. Хожа Тожиддин Мавлоно Али Аррон Тусий (Аллоҳ раҳматига олсин) қўлида таълим олди ва бир неча марта пирларнинг кутби Хожа Носириддин Убайдуллоҳ ҳазратлари билан учрашишга муяссар бўлди ва Эшоннинг муборак чеҳраларини кўришдек саодатга эришди.

Фақир банда Хожа Тожиддиннинг ўз оғзидан эшитганим бор эди, у бир куни: «Мен эшон ҳазратлари олдида ўтирганимда, у киши, шубҳали луқмани ейишдан тийилмоқ керак», дедилар. Мен йиғинда иштирок этаётган одамларга разм солдим, ҳаммалари тақводор инсонлар эди, мендан бўлак бундай парҳезга риоя қилмайдиган ҳеч ким йўқ эди. Шундан бошлаб мен поклигига ишончим комил бўлмаган овқатларни емасликка ўзимга сўз бердим, мен дастурхонингиздан овқат еёлмасам, мени маъзур тутинг» деган эди. Шундан кўриниб турибдики, Хожа Тожиддин тақводор ва нафсини тия оладиган киши бўлган. Эллик йил мобайнида у доимо Султон Аҳмадхон билан Мансурхоннинг ёнларида бўлди, хонлар унга сиғиниш даражасида бўлишган. У ҳеч кимдан, хонлардан ҳам, султонлардан ҳам, амирлару жангчилардан ҳам, халқдан ҳам, боққоллару деҳқонлардан ҳам ҳеч қандай хайр-эхсон ёки совға-салом қабул қилмаган. Хожа Тожиддин тижорат ва деҳқончилик билан шуғулланган, бунинг эвазига қодир Аллоҳ унга кўрсатган инояти туфайли катта бойлик тўплаган. У йил бўйи хон ва амирларга қанчалар саховатпешалик қилган! Ғарибу ғураболар, оддий халқ, деҳқонлар ва баққоллар, хунармандлар – ҳамма ундан наф кўрган. Шу сабабдан унга ишончсизлик билан қарайдиган одам бўлмаган, барча давлат ишлари у туфайли муваффақиятли ҳал этилган. Дарҳақиқат, у беҳад улўғ, ҳалол, сахий, бағрикенг одам бўлган. Хитойга қарши олиб борилган урушлардан бирида у Мансурхоннинг кўзи олдида исломнинг жафокаши сифатида жон берган (Аллоҳ охиратини обод қилсин).

Қисқаси, Мансурхон Хитойга қарши адолатли урушни тугатгач, Мўғулистондаги Арисда ўзбек-қозоқлар билан жанг бўлди ва хон енгилди. Мансурхон ҳокимиятининг бош устунларидан бири Сўфи мирзо бекчик ўлдирилди. Шундан сўнг Мансурхон Чалиш ва Турфондан нарига кам чиқадиган бўлди. Султон Саидхон вафот этгач, у икки марта Оқсувга юриш қилди, ҳеч нарсага эришолмай орқасига қайтди. У 950 (1543-1544) йилда вафот этди (Илоҳим Ўзи унга жаннатдан жой ато этсин). Ўшанда унинг муборак ёши олтмиш атрофида эди. Чиғатой хонларидан, Юнусхондан ташқари ҳеч ким, шу ёшгача яшамаган. У 907 (1501-1502) йилда ўн олти ёшида тахтга ўтириб, қирқ уч йил подшолик қилди. Чиғатой хонларидан ҳеч ким шунча йил ҳукмронлик қилмаган. Шундай узўқ умр ва шундай мустаҳкам ҳокимият мўғул хонларининг

бирортасига насиб қилмаган. Унинг ҳаёти бошидан охиригача хайрли ишлар ва тақводорлик билан безанган. Унга яқин одамлардан эшитган эдимки, у ўз вақтининг фақатгина бешдан бир қисмини давлат ишларига сарфлаган, қолган вақти Қуръон мутолаасига, намоз ўқишга ва Аллоҳга сиғинишга кетган. Вақтни тақсимлаш маҳорати бўйича ҳукмдорлар, ҳатто тариқат аҳли орасида ҳам унга ўхшагани кам топилса керак. Шубҳасиз, шу ишлари орқасидан унга мана шундай узоқ умр ва шундай дунёвий бойлик насиб қилганки, бунақасига унинг тоифасидаги бирор кимса эришолмаган. Ишончимиз комилки, карами кенг Аллоҳ унинг ёруғ оламдаги ҳаёти сингари у дунёсини ҳам обод қилади (Илоҳим шундай бўлсин). У ҳаётни жуда зўр билган, ўткир ақл эгаси бўлган, тинчликни сақлаш, лашкарни жамлаш ва уни бошқариш санъатини эгаллаган. Унинг табиатида подшолик дабдабаларига, хонларча ўзини катта олиш, такаббурликка мойиллик бўлмаган, ҳатто аксинча, у оддий бўлишга, ўзини бошқалардан ажратмасликка ҳаракат қилган.

Ўша пайтда яхши қироат қиладиган бир ҳофиз бўлган экан. У Қуръонни зўр ўзлаштирган, ўша манзилларда қироатни ундан яхши биладиган одам бўлмаган; одамлар уни «Ҳофизи мағасак», яъни «Итчинин қори» деб аташган. У табиатан шу даражада бетайин ва бузуқ одам бўлганки, буни тасвирлашдан тийилган маъқул. Мансурхон ундан Қуръонни ўрганган. Унинг айрим мулозимлари ёлғиз қолишган пайтда хонга ўша ҳофизнинг устозликка нолойиқ эканлигини айтишган, чунки у беҳад ахлоқсиз нусха, яқинда уни сигир билан ярамас иш қилаётганда кўришган. Хоннинг шундай одамга шогирд бўлиши тўғрими?» – дея эътироз билдиришган. Хон: «Мен ундан Қуръонни ўрганишнинг ниятим йўқ» деб жавоб берган.

Буни айтишдан мақсад, Мансурхоннинг қай даражада ҳақиқий мусулмон бўлганлигини кўрсатишдир; у бутун онгли ҳаётини мусулмончиликка бағишлаган. Ундан икки ўғил – Шоҳхон ва Муҳаммад султон, бир қиз қолган бўлиб, қизини Султон Саидхон ўғли Рашид султонга олиб берган, бу ҳақда иккинчи китобда сўз юритилади.

---

#### **Олтмиш олтинчи фасл. Шоҳхон ибн Мансурхоннинг баёни.**

Мансурхон (Аллоҳ гўрини нурафшон қилсин) ҳаётининг сўнгги кунларида катта ўғли Шоҳхонни хон кўтарди, ўзи эса узлатга кетди. Мансурхоннинг вафотидан сўнг Шоҳхон тўла мустақилликка эришди ва мана ҳозир ҳам, яъни 952 (1545-1546) йилда отасининг ўрнида Турфон ва Чалишда хонлик қилмоқда. Отасининг мулозимлари билан муносабатда, хонлик ишларида ва давлатни бошқаришда у нотўғри йўл тутди. Ўзим ҳам эшитганман, ҳаммага ҳам бу маълум, у нолойиқ феъл-атвори билан ном чиқарган – буни изоҳлаш мазкур китоб мақсадига кирмайди.

Падари бузрукворининг ҳаётлик чоғидаёқ у оқпадарлик лойи билан муборак номни ва поклик либосини ифлос қилди ҳамда тақводор отасига рисоладагидек ҳурмат-иззат кўрсатмади, бу дунёнинг бахт-саодати бўлган солиҳ фарзандлик бурчини адо этмади. Шундоқ бўлса-да, тарих битувчиларнинг одатлари шундайки, воқеалар қанчалик эслашга нолойиқ бўлмасин, улар уни тасвирлашдан тийилмайдилар, негаки уларнинг мақсади ҳукмдорларнинг мақтовга лойиқ феъл-атворларини кўрсатиб, ножоиз ишларини четлаб ўтиш эмасдир. Дунё халқлари тарихи тўғри сақланмоғи учун улар ҳамма нарсани қандай бўлса, шундоқлигича ёритиб беришлари лозим.

Келажакда ҳар бир одам, у юқори табақаданми ёки бошқаданми, бу сатрларни ўқиб, бунинг панд-насиҳат эканлигини тушуниб, яхши хулқлардан ё бўлмаса ярамас хатти-ҳаракатлардан охир-оқибат нима кутиш мумкинлигини ўзи учун белгилаб олар, нега ҳар бир шахс ундоқ ёки бундоқ тарзда тасвирланганига ақли етар. Ва эҳтимол, бу панд-насиҳатларни ўзига қабул қилиб, кишилар уни келажакда эзгу дуолар билан эслашлари учун яхши амалларга қўл уриб, ёмонликлардан тийилар, иншооллоҳ.

---

#### **Олтмиш еттинчи фасл. Султон Саидхон ибн Султон Аҳмадхон баёни.**

Султон Аҳмадхоннинг ўн саккизта ўғли бўлган, энг каттаси Мансурхон бўлиб, у ҳақда юқорида тўхталдик. Ундан кейингиси Искандар султон, отасидан сўнг ўз ажали билан ўлган. Ундан сўнг Султон Саидхон келади. Қолган ўн бештасининг ҳаёти иккинчи китобда ёритилади.

Султон Аҳмадхон акаси Султон Маҳмудхонга мадад бериш учун кетганида Султон Саидхон ўн тўрт ёшда эди. У фарзандлари ичидан фақат икки ўғлини – Султон Саидхонни ва Бобожоқ султонни ўзи билан олиб кетди. Хонлар бирга бўлган ўша кунларда Султон Саидхоннинг ҳаёти падари бузруквори ҳамда саодатманд амакисининг ғамхўрликлари остида ғоятда бахтиёр кечди. Бу икки хон билан Шоҳибекхон ўртасида Ахсида жанг бўлганига қадар шундай давом этди, жанг тафсилотлари юқорида келтирилган эди. Қочаётганда Султон Саидхоннинг бўкса суягига ўқ тегиб, суякни жароҳатлайди. У бир пана жойга бекиниб олди.

Ҳужумлар тўхтаб, одамлар ўз жойларида қарор топгандан кейин уни топиб олишди. Оёғи жароҳатлангани учун уни ҳеч қачон олиб боришмади. Бир неча кундан кейин саломатлиги бироз яхшилангач, уни Ахси

ҳоқими Шайх Боязид олдига олиб боришди. Шайх Боязид ва унинг укаси Султон Аҳмад Танбал ҳаётларининг баёни иккинчи китобда келтирилади. Шайх Боязид Султон Саидхонни қамоқда сақлади. Келгуси йили буғдой пишиғи маҳали Шоҳибекхон яна Фарғонага ва Султон Аҳмад Танбал устига юриш қилган пайтда Султон Аҳмад Танбал билан Шайх Боязид барча ака-укалари билан бирга Шоҳибек қўлида шаҳид бўлишди. Шоҳибекхон Фарғонани эгаллаб олди.

Султон Саидхон Ахсида Шайх Боязид қамоғида ётган эди. Шоҳибекхоннинг одамлари Султон Саидхонни қамоқдан чиқариб, Шоҳибекхон қошига олиб келишди. Шоҳибекхон Султон Саидхонга худди ўз ўғлидек муомала қилиб, унга чин кўнгилдан ачинди ва уни ўзи билан Самарқандга олиб бориб, у ердан лашкар билан бирга Ҳисорга олиб кетди. Хисравшоҳ Ҳисор, Қундуз ва Бадахшонни олганда Султон Саидхон Шоҳибекхон билан бирга эди. Шоҳибекхон у ердаги ишлардан озод бўлгач, тагин Самарқандга қайтди, у ердан Хоразмга йўл олди. Султон Саидхон бу пайтда ундан қочиб Мўғулистонга кетиб қолди. У Ўзганд йўли билан Еттиқандга етди. Еттиқандда ўша пайтда Султон Маҳмудхон ўтирарди. Бир муддат катта амакиси ёнида ушланди, аммо Султон Маҳмудхон феълларидаги ҳокимият ишларига нисбатан пала-партиш муносабатни кўриб Султон Саидхоннинг батамом ҳафсаласи пир бўлди. У Султон Маҳмудхондан қочиб, Мўғулистонга укаси Султон Халил султон ёнига кетди, ўша пайтда у қирғизлар ҳукмдори эди, тўрт йил Мўғулистонда укаси билан қирғизлар орасида яшади. Бу тўрт йил мобайнида Султон Маҳмудхон, Мансурхон ва бу икки ака-укалар ўртасида кўп воқеалар бўлиб ўтди. Охири шундай бўлдики, Султон Маҳмудхон мана шу жиянлари туфайли Мўғулистонда қололмай, Шоҳибекхон ёнига унинг ҳомийлигидан умид қилиб кетди. Шоҳибекхон уни Хўжандда қатл этди, бу ҳақда тўхталган эдик.

Султон Маҳмудхон Шоҳибек қошига кетганида, бу икки ака-ука Мўғулистонда қирғизлар орасида қолишди. Шунда, Мансурхоннинг Чалиш ва Турфондан қўшин тортиб, Мўғулистон қирғизларини бўйсундириш учун ака-укалар устига юриш қилгани ҳақидаги хабар етиб келди.

Султон Саидхон билан Султон Халил султон икковлари бутун қирғиз ва мўғулларни тўплаб, Чорун Чолак деган ерда бир мустаҳкам жойни танлаб, жанга шай бўлиб туришди. Мансурхон ҳам лашкарини тўплаб етиб келди. Қаттиқ жанг бўлди, охирида Султон Саидхон билан Султон Халил султон мағлуб бўлишди. Мансурхон баёнида айтиб ўтганимиздек, Мансурхон қирғизларни Чалишга кўчирди.

Султон Халил султон жанг майдонидан қочиб, бир қанча одамлари билан зора Шоҳибекхон муруват кўрсатса, деган умидда Фарғонага, амакиси Султон Маҳмудхон изидан йўлга тушди. У Ахсида келганида Шоҳибекхоннинг амакиваччаларидан бири Фарғона ҳоқими Жонибек султон уни ўлдирди.

Султон Саидхон жангоҳдан кетгач, Мўғулистонда ҳарбий қароқчилик (қозоқлик) қилиб юришга қарор қилди, бироқ шундай воқеалар юз бердики, Мўғулистонда қолишнинг иложи бўлмади қолди. У воқеалар иккинчи китобда шарҳланади, бу ерда қисқача тўхталамиз. Султон Саидхон ҳам Андижонга кетишга мажбур бўлди. Қандайдир сабабга кўра у ердан ҳам қочиб, Кобулга, Умаршайх мирзонинг ўғли, аммаваччаси Бобур Подшоҳ ёнига кетди. Бобур Подшоҳ унга катта иззат-икром кўрсатди. Султон Саидхон Кобулда уч йил турди. Шоҳ Исмоил Марвда Шоҳибекхонни ўлдирганида Бобур Подшоҳ Кобулдан Қундузга йўл олди, Султон Саидхон ҳам у билан бирга Қундузга борди. Бу орада Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг ўғли, мазкур «Тарих» муаллифи каминанинг амакиси Саид Муҳаммад мирзо Андижонга бостириб кириб, Андижондан Жонибек султонни қувиб чиқарди ва Фарғона вилоятини эгаллади. У қилган ишлари ҳақида Бобур Подшоҳга одам юбориб хабар қилди. Бобур Подшоҳ ўз хизматида бўлган мўғул амирлари билан қўшиб Султон Саидхонни Андижонга юборди. Амаким Саид Муҳаммад мирзо уни кутиб олишга шошилди ва ўзи эгаллаган вилоятни унга бутунлай топширди. У қадимги мўғул удумига кўра менинг амакимни рағбатлантирди, яъни ўзига отамерос улусбеги мансабини унга берди.

Ўша кунлари Абобакр мирзо Андижонга юриш қилди. Фарғонани эгаллаш иштиёқида у Кошғардаги лашкарини қуроллантириб келди. Хон бир ярим минг одами билан Андижондан икки фарсах наридаги Тутлик деган жойда Абобакр мирзони кутиб олди, икки лашкар тўқнашди. Аллоҳ кўмаги билан хон бир ярим минг лашкари билан йигирма минг кишилиқ лашкар устидан ғалаба қилди.

Қаттиқ жанг бўлиб, кўп қон тўкилди. Шу ғалабадан сўнг атроф-теварақдаги султонлар Султон Саидхондан кўрқиб қолишди. Ўзбек султонлари Фарғона чегарасида, Самарқанд ва Тошкандда тўпланишди. Шу воқеадан кейин Бобур Подшоҳ Ҳисори Шодмонда ўша ўлкаларнинг султонлари билан жанг қилди ва ғалабага эришди. Ўзи етказган мана шу зарба билан у Мовароуннаҳрдан барча ўзбекларни қувиб чиқарди ва Самарқанд тахтига ўтирди. 917 (1511-1512) йилнинг ражаб ойида Султон Саидхон Андижонда қарор топди.

Ўша йилнинг эрта баҳорида ўзбеклар иккинчи марта Тошкандга бостириб келишди, Убайдуллоҳхон Бухорога жўнади. Бобур Подшоҳ Убайдуллоҳхонга қарши кўтарилди. Бухоро чегарасида жанг бўлиб, Убайдуллоҳхон зафар қозонди. Бобур Подшоҳ енгилиб, Самарқандга қайтди, оиласи ва керакли юklarини олиб Ҳисорга қочди. Ўзбеклар тагин ғалаба қилди.

Султон Саидхон Андижонда қолди. Бобур Подшоҳ мадад сўраб Шоҳ Исмоилга мурожаат қилди. У Бобурга ёрдам бериш учун амирларидан Мир Нажм Сонийни олти минг кишилиқ лашкар билан жўнатди. Бобур Подшоҳ уларга қўшилиб Самарқандга йўл олди. Султон Саидхон Андижон тарафдан ўзбекларга қарши

қўшин тортиб, Самарқандга йўл олди. Тошканд чегарасида хонга қарши Суюнжикхон турарди. Қолган барча ўзбек хонлари ва султонлари Бобур Подшоҳга қарши бўлиб Самарқанд ва Бухорода тўпланишди. Султон Саидхон билан Суюнжикхон ўрталарида Тошканд чегарасида жанг бўлди. Хонда беш минг кишилиқ, Суюнжикхонда етти минг кишилиқ лашкар бор эди. Қаттиқ жанг бўлиб, охири Суюнжикхон зафар топди; Султон Саидхон қочиб Андижонга келди. Шундан кейинроқ Бобур Подшоҳ ҳам Бухоро яқинидаги Ғиждувонда ўзбек султонларидан енгилди, Ҳисорга кетди.

Камина қулингиз, мазкур «Тарих»нинг муаллифи, Бобур Подшоҳдан рухсат олиб, у Мир Нажм Сонийга қўшилган пайтда, Андижонга Султон Саидхоннинг хизматида келдим, бу Султон Саидхон Суюнжикхондан енгилган пайт эди. Баҳор келгач, хон Дашти Қипчоқ ҳокими Қосимхон олдига борди, – ўша пайтда унинг лашкарининг сони уч юз минг киши бўлган. Қосимхон Султон Саидхонга шундай иззат-икромлар кўрсатдики, хон буни кўп йиллар эслаб юрди. Хон у ердан қайтгач, мени ўз тенгларим орасида ҳаммадан ортиқ кўриб, кўрагон – хон куёви қилди. Бунинг тафсилотлари иккинчи китобда батафсил ёритилади.

920 (1514-1515) йилнинг эрта баҳорида барча машҳур ўзбек султонлари тамоми одамлари ҳамда катта лашкарлари билан Андижон сари юзландилар. Хон бу пайтда жанг қилишни маъқул кўрмай, душман лашкари ҳали Фарғона чегарасига етмай туриб Мўғулистонга кетди. Еттиқандга етганда у машварат уюштирди ва амаким (Абобакр мирзонинг акаси) Саид Муҳаммад мирзонинг саъй-ҳаракатлари ҳамда тўғри маслаҳати туфайли Кошғарга йўл олди. Кошғарда қаттиқ жанг бўлди, Кошғар лашкари мағлубиятга учраб, Кошғар қалъасига бекиниб олди. Султон Саидхон Янги Ҳисорга юриш қилди. Уч ой Янги Ҳисорни қамал қилиб турди, охири Янги Ҳисор халқи амаким билан боғланиб, қалъани топширишди. Қочоқлар Абобакр мирзо ёнига Ёрқандга келганларида Мирзо ҳам қочишга қарор қилди ва Хўтанга ўтди. Унинг изидан Султон Саидхон ҳам Ёрқандга етиб келди ва Абобакр мирзо ордидан қўшин жўнатди. Қўшин уни Тибат тоғларигача қувиб бориб, беҳисоб кийим-кечак, бошқа буюмлар, ҳўкиз ҳамда отлар мўғул лашкари кўлига тушди – бу ҳақда иккинчи китобда ҳам тўхталамиз.

Султон Саидхон Кошғар тахтига 920 йилнинг ражаб ойида (1514 йилнинг май-июни) ўтирди.

Ўша кишининг охирида Турфондан Султон Саидхоннинг бир ота-онадан бўлган укаси Эмин Хожа султон келди, у ҳақда ёзган эдик. У барча амирларни Мансурхонни йўқ қилишга ундай бошлади, унинг заифлашиб қолганини айтди, уларга Мансурхоннинг илгари Мўғулистонда қилган душманлик хатти-ҳаракатларини бирма-бир санаб берди. Султон Саидхон унга: «У бизнинг энг катта акамиз. Бизнинг вазифамиз унга бўйсунуш ва хизмат қилишдир, ўша пайтда биз қилишимиз керак бўлган ишларни қилмаганмизки, у бизга адаб ўргатган. Ўша даврларда мен унга нисбатан итоатгўйликни жойига қўймаганман, яхши хизмат қилмаганман, шу боисдан у мени жазолаган. Бунинг учун унга кек сақламаслик керак, аксинча, нотўғри ишларимиз учун узр сўрашимиз лозим», дея насиҳат қилди. Ўтган хатоларининг ўрнини тўлдирмоқ мақсадида Мансурхонга элчи юбориб узр ва итоатини изҳор қилди. Укаси билан ораларида бўлиб ўтган душманликлардан хавфсираб, кўрқиб юрган Мансурхон бу хабарни эшитиб енгил нафас олди, қалби қувончга тўлиб, юрагини ҳовучлаб учрашувга шошилди. Улар Оқсув ва Кусан ораларида учрашдилар. Султон Саидхон унинг номига хутба ўқишни ва танга зарб уришни буюрди ва бу билан Мансурхонга тўлиқ итоатини изҳор қилди. Илгари Мансурхоннинг душманлиги туфайли нима бўлган бўлса, буни ўз олийжаноблиги ва итоатгўйлиги билан ювди. Икки бахтиёр ҳукмдорнинг ана шундай иноқ-иттифоқликлари боис мамлакатда шундай осойишталик ва фаровонлик ҳукм сурдики, одамлар ҳеч бир кўрқув ва ташвишни билмай, йўлдошсиз Хитойнинг Қомул шаҳри ва Фарғона вилояти ораларида, озиқ-овқатсиз ҳам бемалол юраверишди.

Ана шу келишув йилининг ифодаси учун олимлар ва уларнинг шогирдлари «Икки хурсанд лашкар» сўзларидан тарих туздиларки, ундаги ҳарфлар йиғиндисидан ўша йил, яъни 923 (1517) йил келиб чиқади. Келгуси йили Муҳаммад қирғиз Туркистон ва Сайрамга ҳужумлар уюштириб, мусулмонларни талагани сабабли Султон Саидхон исломга жони ачиганидан унинг бу ҳаракатларини ҳақорат деб билиб, Муҳаммад қирғизга ҳужум қилди ва унинг мусулмонларга қилган ёмонликларини унга ҳамда қирғизларга ортиғи билан қайтарди. Хон Муҳаммад қирғизни тутиб қамади ва у ўн беш йил қамоқда ётди.

928 (1521-1522) йилда Султон Саидхон ўғли Рашид Султонни Мўғулистонга жўнатди ва бутун Мўғулистон ҳамда қирғизларни ўз ҳокимиятига бўйсундирди. Охири шундай бўлдики, манғитларнинг ҳужумлари туфайли ўзбек-қозоқларнинг Дашти Қипчоқда қолишлари мумкин бўлмай қолди ва улар Мўғулистонга кетишди. Улар икки юз минг киши эди, уларга бас келмоқнинг иложи бўлмай, Рашид Султон яна Кошғарга қайтди. Султон Саидхон Бадахшонга юриш қилиб, Бадахшоннинг ярмини ўз тасарруфига олдики, у ҳозиргача Кошғар ҳукуматида қарашлидир. Бунинг тафсилоти жуда узун. Бадахшон улуғлари ўртасидаги, аввал айтиб ўтилганидек, Шоҳбегим билан боғлиқ мерос талашлилар туфайли жанжаллар келиб чиқдики, булар «Тарих»нинг иккинчи китобида ёритилади. Хон Бадахшонга икки марта қўшин тортиди, бир марта 925 (1519) йилда, иккинчи марта 936 (1529) йилда. 934 (1527-1528) йилда хон мени Рашид Султон билан бирга Балурга, кофирлар юрти, Бадахшон ва Кашмир ўртасидаги Кофиристонга жўнатди, биз у ерда ғазавот қилиб, ғалабага эришиб, эсон-омон, соғ-саломат қайтиб келдик.

Бундан сўнг бир мунча вақт ўтгач, одамларнинг ичиқоралиғи, ярамаслиги ва муғомбирлиги орқасида

шундай бўлдики, хон мени Рашид султон билан бирга Оқсувга жўнатиб, у ердан Эмин Хожа султонни олиб келишни буюрди, юқорида айтиб ўтилганидек, илгари Оқсув унга берилган эди. Оқсув Абобақр мирзо томонидан 909 (1503-1504) йилда босиб олингандан бошлаб то 923 (1517) йилгача вайрон ҳолида ётган эди, Эмин Хожа султон уни обод қилди. Биз Эмин Хожа султонни одамлари билан у ердан Кошғарга кўчирдик. Мен Рашид султонни Оқсувда қолдириб, унинг ҳарбий ишларини, қўл остидагилар билан муомаласини изга тушириб, хоннинг хизматиغا қайтиб келдим. Эмин Хожа султонни Ҳиндистонга юборган эдилар, Ҳиндистонда ўз ажали билан ўлди.

938 (1531-1532) йилда Султон Саидхон кофирлар юрти Тибатга ғазавотга жўнади. У мени у ёққа олдинроқ жўнатди, Тибатнинг айрим қалъаларини олдим, хон изимдан етиб келгунига қадар Тибатнинг кўплаб вилоятларини эгаллаган эдим. Иккала лашкар бирлашгач, беш минг киши бўлди. Бутун Тибатда қиш ичида беш минг кишини тўйдириш имкони йўқ эди. Шунда хон мени Искандар султонга қўшиб, тўрт минг киши билан Кашмирга жўнатишни маъқул кўрди. Хоннинг ўзи Тибат билан Балур оралиғидаги Балти вилоятига йўл олди. Хон қишда Балтида ғазавот билан машғул бўлиб, кўклам яна Тибатга қайтди.

Ўша қишда мен Кашмирда бўлдим, қиш охирида жанг бўлди, меҳрибон Аллоҳ менга ғалаба ато қилди. Бутун Кашмир лашкари ва Кашмир улуғлари йўқ қилинди, Кашмирни эгаллаш масаласи ҳал бўлган эди, аммо, одатлари бирор ишни бузишдан иборат бўлган ичиқора одамлар туфайли тўлиқ эгаллаш имкони бўлмади, Кашмир ҳокимияти билан сулҳ тузилди. Кашмир ҳукмдори Муҳаммад шохнинг қизини Искандар султонга унаштиришди, Султон Саидхоннинг номига хутба ўқилиб, танга зарб қилинди. Кашмир молини қанча бўлса йиғиб, ўша йили баҳорда Тибатга хоннинг хизматиغا келдим. Хон менга кўплаб илтифот, шоҳона иззат-икромлар кўрсатди, мени Хитой ва Тибат оралиғидаги Урсанг деган жойга жўнатиб, ўзи Кошғарга йўл олди.

Хон Тибатга келгандан кейин унда бошланган нафас қисиш касали натижасида нимжон бўлиб қолди. Тибатда бўлган даврида тузалмади, аммо нима қилиб бўлса ҳам у бу йўлни ўтиши керак эди. Нафас бўғиладиган жойга етганда ана шу нафас қисиш дарди дастидан руҳи абадиётга парвоз қилди, 939 (июн-июл 1533) йил эди. Бу ҳодиса «Тарих»нинг иккинчи китобида муфассал баён қилинади.

---

#### **Олтмиш саккизинчи фасл. Султон Саидхоннинг барча фазилату яхши хислатлари баёни.**

Султон Саидхон олийжаноб, саодатманд, улуғ, хотиржамлик улашувчи, яхши хулқ-атвору хилма-хил фазилатлар ила безанган ҳукмдор эди. У Аллоҳ висолига дохил бўлган пайтда унинг муборак ёши қирқ саккиз атрофида эди. Унинг хайрли ишларида кўз илғаши мумкин бўлган камчилик йўқ эди. Ғоятда илтифотли, хушсуҳбат эди, ўзбекча гапирадими, форсчами, беҳад чиройли сўзларди. Бирор одамга мурожаат қилмоқчи бўлса, олдин жилмаярди. У ҳамиша қувноқ, меҳрибон, бағрикенг эди. Масалан, аллақандай Мақсуд Али деган одам жанг пайтида уни чап елкасидан ўқ отиб ярадор қилган, хон икки йил азоб чекиб, халокатга яқин қолганди. Шунда хон тўшақда ётганида ўша Мақсуд Алини тутиб, хон ундан ўчини олсин, дея унинг олдига олиб келишади. Хон бўлса уни сийлаб, тўнини унга совға қилади, ҳолбуки, ўзининг бундан бошқа тўни йўқ эди, ўз суҳбатига уни муяссар қилади. «Зерикиб ўтирган эдим, келганинг яхши бўлди» дейди хон. У умрининг охиригача унга шундай хушмуомалада бўлди. Шундай ва шунга ўхшаш ишлар унинг ҳаётида кўп бўлган, улар ҳақида иккинчи китобда тўхталамиз.

Унинг сахийлиги таърифга сиғмайди. Мен унинг хизматида йигирма тўрт йил бўлдим. Султон Саидхон бор нарсани сахийларча улашганидан омборларда ҳеч нарса қолмас, хон ошхонаси бўм-бўш бўларди, ўзи эса ҳарамда овқатланарди. Шундан кўриниб турибдики, ўз тасарруфидаги жойлардан тушган даромад ҳатто совға-саломга етмасди.

Баҳодирликда тенги йўқ эди. Масалан, бир куни унинг ёнида эдим, унинг ўзи биринчи бўлиб душманга ҳамла қилди, бунинг баёни иккинчи китобда келади.

Мерганликда мўғул, ўзбек, чиғатойдан олдин ҳам, кейин ҳам унга тенг келадигани йўқ эди. Камина неча бор гувоҳ бўлганман, кийик овида ҳам, қуён ёки бошқа жонзот овида ҳам етти-саккиз ўқни бирданига беҳато жўнатарди. Мўғулистонда қирғизлар ёки бошқалар билан бўлган жангларда отган ўқлари ўша қавмлар орасида машҳур эди.

Олийжанобликда хонга ўхшаган одамларни мен кам учратганман. Бир куни Андижонга бир нусха хонга суиқасд қилмоқ учун келиб, қулай вазият тополмай охири отхонадан хоннинг отини ўғирлаб кетди. Йўлда уни от билан ушлаб олишиб, хон қошига олиб келишади. Унинг ўзи хонга шундай дейди: «Мен бу ерга аниқ мақсад билан келган эдим, аммо имкон тополмадим. Шунда мен «кел, хоннинг отхонасидан унинг хос отини олиб кетай, шу билан нимадир қилган бўламанку ахир, дедим». Ҳамма уни ўлдириш керак, деган фикрни айтади, бироқ хон каминага деди: «Уни мулозимларинга топшир, улар уни қўриқлашсин, нима қарорга келишса, ўшани ижро қилишсин». Одамлар тарқалишгач, хон менга деди: «Раҳмдил Аллоҳ мени шу нусханинг ёмон ниятидан асрагани эвазига шу отни унга бергин-да, мулозимларинг кўлига топшир, улар уни қароргоҳдан олиб чиқиб, узоқроққа олиб боришсин-да, озод қилиб юборишсин. Ҳарқалай одамлар, шўрлик ўз мақсадини амалга оширипти, деб ўйлашади ва у ўз авлодлари олдида уятга



қолмайди».

Билимдонлиқда мен унга ўхшаган кишини умримда кўрмаганман, борди-ю унинг қўлига саводсизларча, ажи-бужи қилиб ёзилган хат тушиб қолса ҳам, шеърми ёки насрда ёзилганми, фарқи йўқ, тутилмай ўқирди, кишининг назарида ўша хатни у гўё ёддан биларди. Насталиқ хатида чиройли ёзарди, имлоси форсийда ҳам, туркийда ҳам, арабийда ҳам тўғри ва бекаму кўст эди. У туркийда чиройли қилиб иншо тузишда беназир эди, бунақаси кўплаб билимдонларнинг қўлидан келмасди. Унингдек шеър битиш маҳоратига эга одамларни кам кўрганман. У ўйлаб ўтирмасдан бадиҳа шеър айтарди, йиғинлар ва суҳбатлар пайтида олдидаги қандай девонни очишмасин, ўша шеърларнинг исталган вазни ва қофиясига мослаб, бирданига шеър тўқиб ташларди. Хон айтган шеърини бир-икки марта ўқирди, шу жараёнда ҳар бир одам уни эслаб қоларди ва бировнинг уни ёзиб олишига йўл қўймасди.

Хон йиғинлар пайтида тўқиган бадиҳани мен эслаб қолганман, қуйида улардан айрим байтларни келтираман:

Қайси гулшаннинг юзингдек бир гули раъноси бор,  
Қайси гулнинг бир манингдек булбули шайдоси бор.  
Ҳур бирла жаннатул маъвони кўнглум найласун,  
Ёрнинг кўйида юз минг жаннат ул маъвоси бор.

Юзи узра кокилу, зулфин паришон кўргали  
Эй Саид, ошуфта кўнглумнинг ажаб савдоси бор.

\*\*\*

Мана бу ҳам хон битган байтлар:  
Шукрилиллоҳ, ҳолатим зоҳир бўлубдур ёрға  
Эмди ёр оллида ўзни кўрсатай ағёрға.  
Сайр учун кирса гулистон ичра ул сарви равон  
Банда бўлсун сарви озод ул қаду рафторға.  
Ҳар сабоҳ қон йиғласам айб айламанг ман зорни,  
Бас кела олмам нетай бу дийдаи хунборға.

Назм:

Аҳд қилдинги вафо қилгайсан,  
Йўқки, жонимға жафо қилгайсан.  
Отма сен ғамза ўқи бирла мени,  
Қўрқадурманки хато қилгайсен.  
Манга дерсанки вафо қилғумдир  
Элга қилғонча манго қилгайсен.

Тасвир чўзилиб кетмаслиги учун шулар билан чекланамиз.

Бир куни мен хондан форсийда бадиҳа айтишини илтимос қилдим. Қаттиқ сўрайверганимиздан кейин хон Хожа Ҳасаннинг шу ерда турган девонини очишни буюрди. Очган эдим, бир ғазал чиқди, матлаи мана будир:

Эй зи сар то бақадам жони каси.  
(Эй сан, бошдин оёқ элга жонсан)

Йиғинда ҳозир бўлган одамлар ҳам бадиҳагўйлик қила бошлашди. Хон шундай байт тўқиди:

Чанд гўйики, бигў жони каси?

Рост гўямки, туй хони касе

(Неча дерсен: «Айт, кимнинг жонисан?»)

Рост сўзлай: «Ўзинг биров хонисан»).

Тўғриси, хон шу байтдан бошқа форсийда ҳеч нарса тўқимаган бўлса керак, мана шу синов байтидан ҳам унинг нечоғлик иқтидор эгаси бўлганлиги кўриниб турипти. Мусиқа асбобларидан уд, хушоҳанг дутор, сетор, чортор, ғижжакни яхши чаларди. Ҳаммасидан ҳам чорторни зўр чаларди. У суяк ўймакорлиги устаси эди, ажойиб ўқлар ясарди. Чармдан енг ва лочинларнинг бошига қалпоқ тикишни ҳам қойиллатарди, ов қушларини парвариш қилишни, турли овларни ташкил қилишни ҳам яхши тушунарди. У бу ишда беҳад жонбозлик кўрсатар ва бу соҳадаги билимини ўз фазилатлари ичида энг афзали деб биларди.

У ҳаётининг дастлабки даврида беғам, кўрқмас, ишратпараст, қувноқ, майхўр, эҳтиросли киши бўлган, рамазондан ташқари пайтларда бир соат ҳам майсиз туrolмаган; ўша пайтларда у хушёрлик нималигини билмаган. Унинг муборак ёши ўттиз еттига етганда, бу 928 (1521-1522) йил эди, ўтмишидан тавба қилиб, тақводорлик йўлини тутди.

Иккинчи китобни ёзаётганимда, хоннинг тавба қилгани ва ўша йил ҳақида гап кетганда миямга ўша йилни билдирувчи сўзлар келди ва мен уни ёзиб қўйдим. Бул шундан иборатки, 928 (1521-1522) йилда хон майхўрликни ташлайди-ю, аммо бошқа мумкин бўлмаган одатларини ташламайди, шунинг учун унинг

тавбаси мукаммал бўлмайди. «Аллоҳ олдида соф кўнгил билан тавба қилинг» (16.8) деган Қуръон оятидаги сўзлар «тавба» сўзи билан бирга охириги «бо» ва «ҳо» ҳарфлари олиб ташланса, абжад ҳисобида 928 йил чиқади.

Хожа Хованд Маҳмуд номи билан машҳур муршидлар пешвоси Хожа Баҳоуддин Маҳмуд Кошғарга келганда хон ўз ихтиёрини унга топширди ва бузрукворнинг мулозамати давлатига ҳамда маслагига кириш шарафига мушарраф бўлди. Илк тавбасидан кейин етти йил ўтгач, номумкин ишлардан тавба қилди ва энди унинг тавбаси мукаммал бўлди. Қуръоннинг эслатиб ўтилган оятидаги ҳарфлар йиғиндиси энди тўлиқ ўша йилни билдиради.

У Хожাগон тасаввуф тариқатининг руҳий покланиш йўлига киргач, ҳамиша адолат ва суннат тариқати йўлидан борди. Унинг гўзал ахлоқий сифатлари ва олийжаноб ишлари шу даражада эдики, эҳтимол, унгача ўтган хонларда, Увайсхондан ташқари, ҳеч кимда бундай фазилатлар бўлмагандир (тағин ҳам Аллоҳ билади). Унинг табаррук ҳаётини мукаммал билишни истаган киши иккинчи китобга мурожаат қилсин.

---

### **Олтимиш тўққизинчи фасл. Султон Саидхон ўғли Абдурашидхон Ғозининг баёни.**

Ҳозир, 953 (1546-1547) йилда хонлик тахтида Султон Саидхон ҳазрати олийларининг вориси, унинг шавкатли ўғли Абдурашидхон ўтирган даврда фақир банда Муҳаммад Ҳайдар мазкур «Тарих»ни унга бағишлаб, бунинг зарварағини унинг муборак номи билан безадим.

«Тарих»ни мўғул хонларидан биринчи бўлиб исломни қабул қилиш шарафига муяссар бўлган Туғлуқ Темурхон баёнидан бошлаб Юнусхонгача ишончли одамлардан эшитганларимни ёздим, битикларимга ёлғон аралашмаслиги учун шубҳали маълумотларни келтирмадим. Олийжаноб инсон Юнусхондан бошлаб Султон Саидхон фаолиятининг якун топишигача бўлган воқеалар иккинчи китобдан ўрин олган. Бу ерда эса, анча-мунча изоҳлар билан нима зикр этилган бўлса, тасвир чўзилиб кетмаслиги учун қисқаликка ҳаракат қилдик, муфассал баён иккинчи китобга ўтказилган. Бироқ Абдурашидхон ҳаётининг баёни иккинчи китобда йўқ, шу боисдан у ҳақда бу ерда муфассал тўхталишни маъқул топдик.

Султон Саидхон укаси Султон Халил султон билан Мўғулистонда эканлигида у ерга Мансурхон ҳам келди. Чорун Чолақда жанг бўлиб, унда икки ака-ука енгилди ва қочиб кетишди. Мағлубиятдан кейин уларнинг Мўғулистонда қолишлари мумкин бўлмай қолди ва Андижонга кетишга мажбур бўлишди. У ерда хон қамалди, кейин қочиб Кобулга, тоғаваччаси Бобур Подшоҳ ёнига борди, бу ҳақда иккинчи китобда тўлиқ маълумот берилади. Абдурашидхоннинг онаси оддий одамлар авлодидан бўлиб, хоннинг хизматини қилсин деб уни хонга олиб беришади, ўша пайтда у хон ёнида эди. Хонни Андижонда қамаб, ўзбеклар уни хондан ажратишди, ўшанда у мана шу Абдурашидхонга етти ойлик ҳомиладор эди. Хон Кобулга кетиб, Бобур Подшоҳга қўшилган пайтда, ўша хизматкор аёл ўғил туққанини хабар қилишди. Хон хабарни Подшоҳга билдирди, у «Унга Абдурашид деб исм қўй, чунки бу Султон Саид исми билан оҳангдош» деб маслаҳат берди. Шундай қилиб, шавкатли «Абдурашидхон» исмини Бобур Подшоҳ қўйди, бу ҳақиқатдан ҳам Худо ярлақанган исм бўлди ва у отасининг вориси бўлди.

Амаким Саид Муҳаммад мирзо Фарғона вилоятида ўзбек Жонибек султонга қарши урушиб, вилоятни ўзбеклардан тозалаб, Қундузга, Бобур Подшоҳнинг олдига киши юборди, Подшоҳ Султон Саидхонни жўнатди. Абдурашидхон ўзбеклар қўлида эди, у амакимнинг ўша уруши пайтида озод қилинди ва падари бузрукворига қўшилди. Менинг опам Ҳабиба Султон Хониш Самарқанддан келгач, хон унга уйланди ва Абдурашидхонни унга топширди. У боланинг тарбиясини ўз қўлига олиб, унга оналик меҳрини берди. Мир Ғўри барлосни Абдурашиднинг отабеги қилишди. Ўшанда у уч ёшда эди. Икки йилдан кейин Ғўри барлос ўлди ва мўғуллар удумига кўра хон отабегиликни унинг амакиси Али Мирак барлосга топширди.

Абдурашид султоннинг отабегилиги мансаби Али Мирак барлосга, унга таълим бериш эса Мавлоно Муҳаммад Шерозийга юкланди. Бу ўта фозил, олийҳиммат киши бўлиб, ўзининг бутун онгли ҳаётини мўғул хоқонлари хизматида бағишлаган эди. Мавлоно Муҳаммад Шерозий садр лар бошлиғи эди; Султон Саидхон саройида унинг таъсири кучли эди. Аслида Рашид султоннинг отабеги мана шу Мавлоно эди, Али Мирак барлоснинг эса, отабегилик номидан бўлак унга ҳеч бир алоқаси йўқ эди.

Рашид султон 915 (1509-1510) йилда туғилган бўлиб, 928 (1521-1522) йилда, ўн уч ёшга тўлганда, хон уни Мўғулистонга жўнатди. Бунинг тарихи мана бундай: Султон Халил султоннинг ўғли Бобо султон, Жонибек султон Ахсида Султон Халил султонни ўлдирган вақтда, бу ҳақда айтиб ўтган эдик, худди Рашид султон сингари Жонибек султон саройида асирда, ҳали эмизикли бола эди. Фарғона озод қилинганда у хонга қўшилди. Шу жиянини хон ўз ўғилларидан ҳам яхшироқ кўрар эди ва уни илгари Султон Саидхон жаноби олийларига катта хизматлар қилган Хожа Али баҳодирга топширди ва Хожа Али баҳодурга Бобо султоннинг отабегилиги мансабини берди.

Хожа Али баҳодир мўғул эди. У узоқ вақт Мўғулистонда яшаган, уни беҳад севар ва ҳамиша Мўғулистонда бўлишни истарди. Шу сабабдан у хондан Бобо султонга Мўғулистонни ва қирғизларни беришни сўрайди, Бобо султонни Мўғулистонга олиб кетиб, қирғизлар ва Мўғулистон ишини бошқараман, дейди. Хон рози

бўлиб, бунга рухсат бермоқчи бўлди. Лекин амаким, гарчи Бобо султон унга куёв бўлса-да, ҳушмуомалалик чегарасидан ўтмасдан бу ишга рози бўлмади. У хонга: «Мўғуллар ҳамини Мўғулистонга интилиб туришади. Агар Бобо султон Мўғулистонда ўрнашиб олса, ҳамма мўғуллар у ёққа кетишни истаб қолишади. Агар буни манъ қилсангиз, Бобо султон хафа бўлади, қаршилиқ қилмасангиз, одамларнинг Мўғулистонга кетиши сизга ёқмайди. Бунинг оқибатида ўрталарингда хафачилиқ келиб чиқади, натижада, катта қийинчиликлар юз беради. Аксинча, агар сиз Рашид султонни юборсангиз, у сизнинг ўғлингиз, у билан қанча одам кетсаям, сизга ёмон бўлмайди. Агар ёмон бўладиган бўлса, кетишларини манъ қилиб қўяверасиз, бундан ўғлингиз хафа бўлмайди. Гарчи Рашид султон ҳали ёш бўлса-да, ишнинг фойдаси учун уни Мўғулистонга юборса бўлаверади» деди. Бошқа бирор киши бу фикрни маъқулламади, айниқса, Мирзо Али Тоғай бутунлай Бобо Султон тарафида бўлди.

Шу орада Хожа Али баҳодир ўз ажали билан вафот этди ва Бобо султоннинг кетиши узил-кесил йўққа чиқди. Хон ҳам масалани Рашид султон фойдасига ҳал қилди. Бироқ бу ишни қандай ташкил қилиш ҳақида тинмай маслаҳат қилишарди. Амаким Рашид султоннинг ишини илгарига силжитишга уринар, бунга кўп савъ-ҳаракат қиларди. У хонга шундай деди: «Мана бундай қилайлик: анчадан бери қамоқда ётган Муҳаммад қирғизни озод қилайлик, мўғул улуси ичидан Мўғулистонга кетишни хоҳловчиларни ҳамда кўю-моли кўп бўлганларини ажратиб олайлик-да, ҳурмат-эътиборли амирлар бошчилигида жўнатайлик». Охири хонга ҳам амакимнинг фикри маъқул бўлиб, худди айтилгандек қилди. У Мирзо Али Тоғайни бош амир қилди, Муҳаммад қирғизни қирғизларга бош қилиб қўйди-да, жўнатди.

Ўша кунлари Али Мирак барлос ўлди. Муҳаммади ибн Али Мирак барлос меросхўр сифатида Рашид султон хизматига кирди ва бирга Мўғулистонга кетди. Қисқаси, амакимнинг савъ-ҳаракатлари билан хон Рашид султонга ўз хонлик мол-мулкнинг учдан бирини – одам, аскар, пул, чодирларни бериб, Мўғулистонга жўнатди. Жўнаш пайтида хон барча қурол-аслаҳаларни саройга келтиришни буюрди ва менга: «Унинг қиличи ва ўқдонини сиз белига боғланг-да, отга ўтқазинг; бу унга оқ фотиҳа бўлсин ва ҳарбий ишларда у сизнинг шогирдингиз бўлсин» деди. Фақир банда бу топшириқни бажардим. Хон ўрнидан туриб, фотиҳа ўқиди ва бир неча бор такрорлади: «Эсингда бўлсин, белинга биринчи қилични Мирзо Ҳайдар боғлаганини унутма, сен унинг шогирди бўлдинг. Агар сендан биров, сен ҳарбий ишда кимнинг шогирдидан, деб сўраса, сен нима деб жавоб берасан?». Рашид султон жавоб берди: «Мен фалончининг шогирдиман» дейман. Хон: «У эса менинг шогирдим» деди. Шу сўзлар бир неча бор такрорлангач, хон фотиҳа бериб уни жўнатди. Рашид султон Мўғулистонга келгач, Муҳаммад қирғиз бутун қирғизларни тўлаб, Мўғулистонни ўзига бўйсундирди. Ўша пайтда Мўғулистонда лашкар кўпайди, буни тўлиқ ёритсак, тасвир чўзилиб кетади. Қисқаси, ўзбек-қозоқларнинг ҳужумлари ва қирғизларнинг душманликлари туфайли Рашид султон бутун мулозимлари билан Кошғарга қайтди. Айни ўша пайтда Бобо султон ва Шоҳ Муҳаммад султон билан боғлиқ воқеалар бўлиб ўтдики, булар иккинчи китобда ёритилади. Бу воқеаларга Муҳаммади барлос ҳам алоқадор эди. Шоҳ Муҳаммад султоннинг меросхўрлари қонга қон билан қасос олиш учун уни хондан талаб қилишди, бироқ амаким билан мен бунга қаршилиқ қилдик.

Шундай қилиб, 934 (1527-1528) йилнинг қишида хон мен фақир бандани Рашид султон билан бирга Балурга юборди. Фақир банда у билан Балурга бориб, у ердаги лашкарнинг ишларини илгарига силжитдим. Ўшанда Рашид султон ўн саккиз ёшда эди ва унинг ёнида бирорта яхши тарбия кўрган одам йўқ эди, у қандай суҳбатлашиш, одамлар билан қандай муомала қилишни билмасди. Аксинча, унинг ёнида Муҳаммади бошлиқ бир тўда одамлар бор эдики, уларнинг сурати одам, сийрати молдан баттар эди. Мана шундай ҳайвонсифат одамлардан нимани ҳам ўрганиб бўларди? Мен у қадар қобилиятли бўлмасам-да, ҳарқалай ўша тўдадаги одамлардан анча қобилиятлироқ эдим. Биз Рашид султон билан анча яқин алоқада эдик, мен Шоҳ Муҳаммад султон ва Бобо султонларга бўлган меҳр-муҳаббатимни тўлиқ Рашид султонга кўчирган эдим. Анча муддатдан кейин хон ҳузурига қайтиб келганимизда хон ўғлининг тамоман ўзгарганини кўрди. Бир неча марта Рашид султоннинг ҳузурига ҳам, у бўлмаган пайтда ҳам у менга: «Биз сиздан ғоятда миннатдоримиз, сиз Рашид султонни бизга ўғил қилиб етиштирдингиз – бу юришда у кўп ғалабаларни қўлга киритди. Аллоҳга шукур, у менинг кўнглимдаги даражага етиб қолди». Бу орада Эмин Хожанинг Оқсувдаги душманлик ҳаракатлари ҳақида хабар келиб қолди. Амаким билан мен уларни қанча бартараф қилишга уринмайлик, ҳеч иш чиқмади. Бу воқеалар ҳамда Мирзо Али Тоғайнинг ҳийла-найранглари баёни иккинчи китобда келади. Охири мени Рашид султон билан бирга Оқсувга юборишди. Оқсувга етганимизда одамлар бизнинг истиқболимизга чиқишди, Эмин Хожа султон хон олдига кетди. Мен Оқсувда олти ой бўлдим, лашкар ҳамда Оқсув халқи ишларини тартибга келтирдим.

Бундан илгари хон бир куни Мўғулистонда бодом еб ўтирган эди, муборак тишларида бир бодомни чаққан эди, ундан эгиз мағиз чиқди.

Хон Рашид султонни ва мени чақириб, ҳар биримизга биттадан мағиз бериб айтди: «Муайян одат ва яхши қоида борки, агар икки одам дўстлашишни хоҳлашса, улар битта бодомнинг эгиз мағизини биттадан ейишлари керак ва улар бир-бирлари билан дўст бўлишади. Бунинг маъноси шуки, бир пўстлоқ ичидаги

эгиз мағизга ўхшаб улар бир-бирларидан ажралишмайди, айрича иш қилишмайди. Эгиз эканлиги ташқаридан билинмайди, худди битта нарсадек қабул қилинади. Сизлар ҳам шундай дўст бўлинглар, деган ниятда мен сизларга эгиз мағизни ейишни буюрдим». Иккаламиз ҳам одат бўйича тиз чўкиб ерни ўпдик ва бир-биримизга от совға қилдик. Бу ҳикояни айтишдан мақсад шуки, биз Оқсувда бўлганимизда орамиздаги гўзал муносабатлар – дўстлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-муҳаббат, ишонч шу даражага етдики, бундан ортиғи тасаввурга сиғмасди. Дўстлик тантанали ваъдалар билан мустаҳкамланган эди. Бу дўстлик ва ҳамжиҳатликни тавсиф этсак, бунақасини кўрмаган ўқувчи, ростдан ҳам буни муболағага йўйиши мумкин.

Қисқаси, олти ойдан сўнг юз орзу-умидлар билан ажралишдик, мен хон хизматига йўл олдим. Хайрлашув пайтида ғазал ўқидим – мана унинг тўрт байти:

Зи кўи ту ба дарду ғам меравем,  
Жудо аз ту ба сад алам меравем.

Ту ҳамтои Лайли ба ҳусниву мо  
Ба Мажнун қадам бар қадам меравем.

Нагўйи, танҳо ту чун мерави?  
Ғамат ҳамраҳамасту баҳам меравем.

Муҳити карам шоҳ Абдурашид  
Ки з-ў ғарқи баҳри карам меравем.

Таржимаси:

Сенинг даргоҳингдан дард-ғамда кетдим,  
Сендан жудоликдан аламда кетдим.

Лайлидай гўзалсан ҳусн бобида,  
Саргардон Мажнундай қадамда кетдим.

Демагил: «Ёп-ёлғиз қандай кетасан?»  
Йўлдош: менга меҳринг – шу ғамда кетдим.

Марҳамат денгизи шоҳ Абдурашид,  
Саховатга чўмиб, карамда кетдим.

Мен хон хизматига мушарраф бўлганимдан сўнг, бир йил ўтгач, хон Тибат ғазотига жўнади, мени у ёққа олдинроқ жўнатди. Хон изимдан етиб келганида мен Тибатнинг баъзи вилоятларидаги ишларни тартибга солиб улгурган эдим. Тибатда беш минг лашкар тўпланди. Бу беш минг лашкар Тибатга сиғмай, мен хоннинг ўғли, Рашид султоннинг укаси Искандар султон билан Кашмирга кетдик. Ўша қишни Кашмирда ўтказдим, баҳорда эса хон хизматига келдим – бу ҳақда тўхталдик, такрорлашга ҳожат йўқ.

Хуллас, мен хон билан Тибатда учрашишга муяссар бўлганимда хон Ёркандга йўл олди ва мени Урсанга, мажусийларнинг бутхонасини вайрон қилишга юборди. Тўрт ойни йўлда ўтказдим, хон эса қайтишда йўлда оламдан ўтипти. Хон хизматидаги амирлар Рашид султонга чопар юбориб, воқеани хабар қилишган.

Амакимга ҳам бунинг хабарини юборишган ва у қабр тепасига келиб, мотам расм-русумларини бажарган. 940 йил муҳаррам ойининг 10 кунида (1533 йил 1 август) Рашид султон етиб келган. Амаким дод солиб, унинг истиқболига чиққан, у амакимни шу жойда ўлдирган. Амакимга қўшиб унинг кўкалдоши Али Саидни ҳам шаҳид қилган. Уларнинг шаҳид бўлиши «қатала фи-л муҳаррам» («муҳаррам ойида икки киши қатли») сўзларида акс этганки, бундаги ҳарфлар йиғиндиси ўша йил ва ойни билдиради.

Ҳукмдорлар фахрланадиган фазилатлар, яъни мурувват ва футувват аҳлида шундай қоида борки, агар бирорта одам уларга қачондир, қандайдир яхшилик қилган бўлса, улар ўша яхшиликка албатта инъом-эҳсон билан жавоб қайтардилар. Амаким – Юнусхоннинг жияни – Увайсхоннинг ўғли, унинг мўғул улуси султонлари саройидаги хизмати ота-боболаридан ўтиб келган, иккинчи китобда улусбеги мансабининг моҳияти баён қилинади. Амаким Рашидхоннинг отасининг энг яқин одамларидан эди, унда бўлган ҳуқуқ ҳеч кимда йўқ эди. У Султон Саидхоннинг хизматида юриб, унга кўп яхшиликлар қилган. Биринчиси – Андижоннинг эгалланиши – бу хон ҳокимиятининг асоси бўлган. Иккинчиси – хонни Кошғарга олиб келиши, унинг саъй-ҳаракатисиз хон Кошғар ҳақида ўйламасди ҳам. Шунга ўхшаш кўп ишлар қилган. Хон ундан миннатдор эди, у кўп марта амакимнинг хизматларини санаб ўтар ва шунга яраша эътибор кўрсатарди. Борди-ю, амаким Рашидхонга ҳеч бир яхшилик қилмасдан, аксинча, ёмонлик қилган тақдирда ҳам қуйидаги ҳолат уни кечиршишга сабаб бўлиши мумкин эди: амакимнинг Андижонга юриш қилиши Рашидхоннинг ўзбеклар қўлидан озод бўлишига сабабчи бўлган эди, Рашидхоннинг Мўғлистонга кетиши ва натижада подшоҳлик мартабасига кўтарилишининг бошланиши ҳам амаким туфайли бўлган эди. Агар Мирзо Али Тоғай билан Хожа Али баҳодирнинг маслаҳатлари бўйича иш қилинганда эди, Рашид султон ўрнида Бобо султон бўларди. Рашидхон ишларининг равнақи учун амаким ҳамиша жонбозлик кўрсатарди. Гарчи Эмин Хожа султон унинг куёви бўлса-да, Эмин Хожа султондан бешта набираси бўлса-да, Эмин Хожа султон ўрнида Рашид султон бўлишини, Эмин Хожа султонни ўз ҳолига ташлаб қўйишни лозим топганларида амаким бунга ҳеч бир қаршилик кўрсатмаган, ҳатто бу ишга ўзи бош-қош бўлган. Ҳозир унинг хизматларини санаб ўтириш пайти эмас, албатта. Шуларнинг барчасини унутиб, бегуноҳ одамни

ўлдириш – ақлга сиғмайдиган иш! Яхшиси шу билан чекланиб варақларни ёпган маъқул. Ҳақ субҳонаху ва таоло нимани хоҳласа ўша бўлади, ишларни хайрли йўлга буриш ҳам унинг измида. Зеро, Қуръон оятида ҳам: «Албатта биз Аллоҳнинг бандаларимиз ва албатта биз У зотга қайтгучимиздир» (2.151) дейилган.

Ҳаммадан ҳайратланарлиси шуки, Рашид султонни алдаган ана ўша иккиюзламачиларнинг мартабаларини оширишди. Қисқаси, Мирзо Али Тоғайни амакимнинг ўрнига тайинлаб, Кошғарга юборишди. У Кошғарга бориб, бир зум ҳам кечиктирмай амакимнинг зурриёдларини қириб ташлашга киришди.

Шайх Саид Козуронийнинг «Сийар ан-наби» (Пайғамбар ҳаёти) асарида ёзилган, Бадр ёнидаги жангда қурайш қабиласи сардорларидан етмиш киши асирга тушишган. Қурайшлар Маккадан совға-саломлар келтиришиб, шунинг эвазига асирларни озод қилишган. Аби-л-Осс (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ҳам совғалар келтирган. Ана шу Аби-л-Оссга пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ҳали пайғамбар бўлмай туриб қизини беришга ваъда берган экан. Аби-л-Осс бўлса, Муҳаммад Мустафо (с.а.в) пайғамбар бўлганларидан кейин ҳам исломни қабул қилмаган экан. Пайғамбаримиз унга назар ташлаганларида, унинг назари Аби-л-Осснинг қалбини кофирлик зангларида тозалаган ва у асҳобларга қараб: «Қалбимда ислом қарор топди. Мен Маккага бораман, кейин қайтиб келиб исломга иймон келтираман» деди.

Асҳоблар айтишдики: «Исломга ҳозир иймон келтирмоқ керак, чунки бу дунё учун ҳам фойдалидир, сен асирларни сотиб олиш учун олиб келган катта нарсаларинг Яратганнинг ва унинг расулининг изни билан қабул бўлади». Аби-л-Осс: «Ҳарқанча қабул бўлганида ҳам ишни хиёнатдан бошлаган мусулмон мусулмон эмас» деб жавоб берди. Аби-л-Осс Маккага бориб, одамларнинг омонатлари бор эди, уларни эгаларига топшириб, кейин, тўпланганларга қараб: «Бирор кишидан менинг қарзим борми?» деди. Ҳамма бир овоздан: «Барча қарзларингни тўладинг, сенда ҳеч нарсамиз қолмади» деди. Шунда у (Аллоҳ уни ўз раҳматига олсин)ошкора исломга иймон келтирди ва Мадинага, расули Акрам ёнига шошилди.

Пайғамбаримиз аввалги аҳдига кўра Зайнабни унинг уйига жўнатди. Қиссадан ҳисса шуки, Рашидхон ҳукмронлигининг аввали ноҳақ қон тўкиш ва бағрикенгликнинг етишмаслиги билан бошланди. Назм:

Қалби пок оқилу одил, донишманд

Одамнинг кўзгудек тасаввурида:

Тўкилган томчи қон эвази бўлмас

Бўлса жаҳон зари тасарруфида.

Содиқ инсонларни қатл қилгандан сўнг Рашидхон хонлик тахтига, хоқонлик маснадига эга бўлди.

Саидхоннинг ўлими ҳақидаги хабар Мансурхонга етгач, у Оқсувга жўнади. Рашидхон улуг амакисига қарши рўпара бўлди. Мансурхон кўзлаган манзилига етмай ортига қайтди. Рашидхон ҳам ўз салтанати қароргоҳига қайтди. Шу аҳвол Мансурхон томонидан тагин такрорланди, Рашидхон ҳам унга иккинчи бор қарши чиқди ва эсон-омон қайтиб келди.

Амаким сабабсиз-несиз ўлдирилгандан кейин одамлар хавотир оладиган бўлиб, хон амирлари унга хизмат қилишдан кўрқиб қолишди. Мирзо Али Тоғай Қойир Тегинга қочиб кетди ва шоир айтганидек:

Эркак атаниб ишинг айёр хотин сингари,

Яхшиларни тугатиб ўрнин олмоқчи бўлдинг.

Сен, эй жирканч ва ифлос ҳамда аянчли ғаддор

Яхшилар кетди, сен ҳам ортидан йўлдош бўлгунг.

Мирзо Али Тоғай ифлос шайтондек қочиб кетгач, хоннинг қолган амирлари ўзаро келишиб, хоннинг баъзи ўғилларини олиб, Хўтанга кетишди ва хонга муҳолифатни ошкора намойиш қилишди. Рашидхон уларнинг изларидан жўнади. Хўтаннинг оддий одамлари Рашидхоннинг истиқболига чиқишди. Бир неча амирлар қалъада қолишди, уларнинг ҳаммасини боғлаб хон олдига келтиришди. Рашидхон уларнинг қонларидан кечди ва ҳаммасини ҳайдаб юборишни буюрди. Бу жиноятчи гуруҳ қатлга муносиб эди, бироқ булар хонга ҳеч бир яхшилик қилишмаган бўлишса-да, у уларни кечирди. Ва аксинча, амаким хонга қариндошлигига, унга қилган сидқидил хизматларига, гуноҳи йўқлигига, ўз садоқатини неча бор исбот қилганига қарамай, бутун халқ кўзи олдида ўлдирди. Байт:

Турфа терсдир фалак иши аксари,

Балки шундан бу қозондир тескари.

Ким вафодор бўлса аҳволи аянч,

Ким мунофиқ бўлса, дунё зўр таянч.

Хулласи калом, у амирлари билан ишни тугатганидан кейин амаки, укалари, отасининг хотинларини ҳайдаб юборди, шу жумладан, Султон Саидхоннинг энг суюкли хотини Зайнаб Султон хонимни ҳам. У илгари баён қилинганидек, азалий душман бўлган Шайбон ўзбеклари билан алоқаларни йўлга қўйди ва қадимдан шайбонийлар билан дўст бўлиб келган ўзбек-қозоқларни қиришга киришди. Ҳар иккала тараф ўзбекларига Рашидхон ўз сингилларини хотинликка берди. Азалий душман ўзбек Шайбон Рашидхоннинг синглисига уйлангани Рашидхон учун иснод бўлди. Қисқаси, у Шайбон билан алоқани яхшилаб, ўзбек-қозоққа қирон келтирди. Дарҳақиқат, Рашидхон азалий удумларни писанд қилмай ўзбек-қозоқларга қирон келтириши таажжубланарли ҳол эди. Юнусхон 877 (1472-1473) йилда Қаротўқайда Буруж Ўғлонни тор-мор

қилганидан то ҳозиргача ўзбеклар ва мўғуллар ўртасида кўп жанглар бўлди, ҳамиша ўзбеклар ғалаба қилиб келди, мўғулларнинг ҳеч қачон ўзбеклар устидан қўли баланд келмади. Рашидхон ўзбекларни енгди, бу Рашидхоннинг энг улуғ ишларидан биридир. Гарчи унинг бобоси Султон Аҳмадхон, зикр этиб ўтилганидек, ўзбеклар устидан зафар қозонган бўлса-да, лекин бу ғалабани у жанг майдонида эмас, балки босқин пайтида қўлга киритган эди, Рашидхон эса уларни жанг майдонида енгди.

Шу пайтгача мен Рашидхоннинг иши ҳақида Ҳиндистон ва Кашмирдаги ишончли кишилардан эшитган гапларни ёздим. Ўзбеклар устидан ғалаба қозонгач, у Андижон ва Турфонга жўнади, бироқ бу воқеаларнинг тафсилотларини ишончли оғизлардан эшитмаганим боис ёлғон маълумотларни ёзишни ўзимга эп кўрмадим ва қаламимни четга сурдим. Одамлар Рашидхонга таъна қиладиган барча нолойиқ ишларни у Муҳаммади барлоснинг кутқуси билан ва уни деб қилган. Унинг хонга бундай таъсирининг сабаби номаълум – унинг хонни бу даражага етказадиган тегишли хизматлари ҳам йўқ, уни бошқалардан афзал кўришга сабаб бўладиган на бирор хислати, на баҳодирлиги, на айтарли бирор фазилати бор.

Рашидхон унинг учун шундай ишлар қилдики, агар буларни баён қилсак, ўша ишларни ўз кўзлари билан кўрмаган ўқувчилар бу ёзувларни муболаға деб ўйлашлари аниқ... У Рашидхоннинг амакиларини, отасининг хотинларини, амирларни қириш ва сургун қилиш ишига шунчалик ҳаракат қилдики, Рашидхонни хон ҳарамидеги аёлларга уйланишига шунчалик кўп кутқу бердики, буларнинг барчаси кишига муболаға бўлиб туюлиши мумкин, шу боисдан бунинг баёнидан воз кечсак, яхши бўлади.

Шу кунларда Ҳақ субҳонаҳу ва таоло Рашидхонни бахтсизликдан халос қилди – у анави эшак (Муҳаммади барлос)ни ажалнинг эшак ҳайдовчиси чангалига топширди. Ишониш мумкинки, у бундан буён улуғворлик жиловини ақл қўлида тутди ва хавф-хатарга элтувчи қадамлардан тийилишни маъқул деб билади ҳамда ўз муборак ақлини табаррук ота-боболари тутган йўлга буради, ҳар қандай эшак учун одамларни қирмайди, ҳар бир ишчан, имон-этиқодли одамни гуноҳ отига ўтқизишни ўзига раво кўрмайди.

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ўз адолати йўлида уни узоқ йиллар хонлик тахтида ва хоқонлик маснадида тутсин, Аллоҳга ва унинг расулига тўғри келмайдиган ишлардан уни ҳамиша асрасин, йўқотганларини топиб, етказиб олишига кўмак берсин, омин бироббиллоламин.

Гарчи Абдурашидхон одамларни яхши-ёмонга унча ажрата олмаса-да, у ўз табиатига кўра – жисмоний кучи, саломатлиги ва хушсуҳбатлиги билан тенги йўқ эди. Мерганликда отасидан сўнг унга ўхшагани кам. Матонатда йўлбарсга ташланаётган шердек, жасорат денгизда аждаҳони ютаётган наҳангдек эди.

У ширин калом ва хушмуомалаликда нафақат денгиздаги дурри ягона, малоҳат дарёсидаги гавҳари фарзона эди. У мусиқа асбобларини шундай чалар эдики, Зухра чангининг овози унинг олдида паст, куйлар гулшанидаги булбул хониши ўз оҳангдорлигидан маҳрум бўлади. Ундаги табиат ато этган маҳорат насрни хушоҳанг шеърга айлантирарди. Ундаги истеъдод нафосат булоғидан сув ичган эди.

Худо берган истеъдоди туфайли у барча санъат ва ҳунарлар соҳасида ажойиботлар яратарди. Қайсидир ҳукмдор учун у мулозамат юзасидан бир қанча совға-саломлар юборди, шунингдек, қоғоздан шундай дарахт кесди ва унинг танаси, шохлари ва барглари худди ҳақиқий дарахтнинг танаси, шохлари ва баргларидек қилинган ҳамда бўялган эдики, бундаги нафислик ва табиийликни кўриб, ҳатто шу соҳанинг усталари ҳам қойил қолишган эди.

Биз Абдурашидхон билан узоқ вақт бирга бўлмаганимиз боис бу ерда у менинг ёнимда эгаллаган, менинг алоқам бўлган ҳунарлари ва фазилатлари хусусида тўхталдим, холос – соз чалиши бундан мустасно, менинг бунга алоқам йўқ. Эҳтимол, у биз ажралишганимиздан кейин ҳам у-бу нарсаларни ўргангандир, чунки у табиатан қобилиятли одам эди, ҳамма нарсага уқуви етарди. Шу билан бирга, ҳаққоният ва адолатга даъвогар мусулмон эди. Аммо, айтишади-ку, Мусога вазирликка Ҳомон эмас, балки Ҳорун кўпроқ тўғри келади. Агар Фиръавннинг вазири Ҳорун бўлганида эди, Аллоҳ инояти билан ҳидоят динини тарғиб қилувчи фиръавн бўлар, бунчалик такаббур бўлмас эди.

Назм:

Суҳбатдошинг сендан бўлсин баркамол,

Токи ақлу дининг тополсин камол.

Эшак ишқибози – ёнингда муқим,

Хаёлингда доим айилу тўқим.

Сомону арпа ҳам кирар тушинга,

Бошқа ҳеч бир нарса келмас хушинга.

Бундай қабоҳатлар кўпайиб бешак

Бора-бора ўзинг бўласан эшак.

Қиссадан ҳисса шуки, Абдурашидхон ўз табиатига кўра адолат ва ҳақиқатга интилди, аммо у Муҳаммади барлос кўрсатмаларига ошқора риоя қилди, барча ишларда у ўшанинг йўлидан юрди, шу сабабдан энг ифлос ишларга йўл очиб берди. Энди Муҳаммади барлос ўлган, умид қиламизки, адолат изга тушади, тинчлик ва бахт-саодат қарор топади, иншооллоҳ.

---

## Етмишинчи фасл. «Тарихи Рашидий» биринчи китобининг ниҳояси баёни.

Мендай уқувсиз, кучсиз фақирда бундай «Тарих» ёзиладиган дафтарда қобилиятсизларча қалам тебратишга уриниш учун қаёқдан ҳам журъат бўлсин! Бироқ мен ишончли ровийлардан аҳли ислом бўлган мўғул хоқонлари ҳақида кўплаб маълумотлар эшитганим ҳамда улардан баъзиларининг ҳаётларини ўз кўзим билан кузатганим сабабли, ўзимга ва ўзимга ўхшаганларга қараб туриб бу маълумотларни ва ўша хоқонлар ҳаётини биладиган бирор кимсани тополганим сабабли шундай фикрга келдимки, агар мен ўзимда шундай журъат топмасам, мўғуллар ва мўғул хонлари ўз насл-насаб тарихларидан беҳабар қолишарди, ўз аждодлари ҳаёти ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Агар мен бу ишни улуғ олимларга таклиф қилсам, улар қийинчиликларга дуч келишарди, негаки уларда хонлар ҳаёти ҳақида етарлича маълумот йўқ.

Менинг бу сўзларимдан мўғул ва мўғул хоқонларидан ўзга ҳеч ким манфаатдор эмас, чунки ҳозир мўғуллар кўли остида фақат энг узоқ ва кам сонли қавмлар қолган, холос. Ваҳоланки, қачонлардир дунё мамлакатларининг тўртдан бири Чингизхон насли, авлодлари ва издошлари кўли остида бўлган. Чингизхоннинг тўрт ўғли бўлган, у подшоҳликни шу тўрт ўғлига бўлиб берган. Ўғилларидан ҳар бирининг улусига подшоҳликнинг тўртдан бир қисми тегишли бўлган. Тарихий манбаларда ҳамма жойда улуси арбаа, яъни тўрт улус деб битилган, демак, бунда биз айтиб ўтган тўрт қавм кўзда тутилади. Олим Мирзо Улуғбек ўзи ёзган «Тарих»ни ҳам «Улуси арбаа» («Тўрт улус тарихи») деб атаган.

Тўрт улусдан бири мўғулдир. Мўғуллар икки қисмга бўлинишган: бири – мўғуллар, иккинчиси – чиғатойлар. Аммо бу икки гуруҳ ўзаро душманлик сабабли, бир-бирларининг обрўларини оёқости қилиш мақсадида бири иккинчисига лақаб қўйиб олган: масалан, Чиғатойлар мўғулларни «жета» деб атаса, мўғуллар чиғатойларни «қароунас» деб атаган. Ҳозирги пайтда чиғатой (темурий)лардан Бобур Подшоҳнинг ўғилларидан иборат ҳукмдорлардан бошқа ҳеч ким қолмаган, чиғатой (темурий)ларнинг ўрнида уларнинг азалий ерларини бошқа ҳар хил одамлар эгаллаб олишган.

Мўғуллар эса ўттиз минг ши атрофида Турфонда ва Кошғарда қолишган, Мўғулистонни эса ўзбеклар ва қирғизлар босиб олишган. Гарчи қирғизлар ҳам мўғул қавмидан бўлишса-да, хоқонлар билан бўлган қарама-қаршиликлар тufайли улар мўғуллардан ажраб кетишган. Мўғуллар ёппасига исломни қабул қилиб, мусулмонларга қўшилиб кетишган, қирғизлар эса кофирликларича қолишган ва шу боис мўғуллардан ажралиб кетишган. Бу узун изоҳдан мақсад шуки, ҳозир мўғуллар жуда кам қолишган ва чекка жойларда яшашади. Уларнинг ишлари ҳақидаги бу ёзувлардан мўғулларнинг ўзларидан бошқа ҳеч кимга фойда йўқ, шунинг учун мен мазкур «Тарих»ни битишни ҳурматли, улуғ олимларга таклиф қилмадим, уларни қийин аҳволга солиб қўймай, дедим.

Қобилиятимнинг етишмаслиги ва имкониятимнинг йўқлиги бунга ёзишимга монеъ бўлолмади ва мен кучсиз қаламим билан уқувсизлик саҳифаларига имкони борича бўлиб ўтган воқеаларни зикр қилдим.

Муаллифлик одобига кўра одатда ўқувчилардан узр сўрашади, борди-ю улар баёнда хато ва камчиликларни пайқашса, уларни кечиришларини ва хатоларни тузатиб, муаллифни қораламасликларини илтимос қилишади. Аммо бу фақир банда узр сўрашга ҳам журъат қилмайди. Одатда муаллифлар: «агар хато ва камчиликлар бўлса» дейишади, мен эса аниқ биламанки, менинг асарим хато ва камчиликларга тўла, ўқувчилар қандай эътироз билдиришмасин, ҳаммаси ўринли.

Менинг мақсадим — ўз билимдонлигимни намойиш қилиш эмас, балки мўғул хоқонларининг номлари замон саҳифаларидан батамом ўчиб кетмаслиги учун улар ҳақидаги хотираларни қоғозга туширишдир. Агар мўғул хоқонларига ўз насл-насаблари ва ота-боболарининг ишлари ҳақида билиш керак бўлиб қолса, бунга улар шу китобдан топишади. Бу ерда ислом динининг тарқалишига қадар ўтган мўғул хоқонлари ҳақида «Тарих»да уларнинг номларидан бўлак ҳеч нарса баён қилинмаган, негаки кофирлар ҳаттоки Жамшид ёки Заҳҳок қудратига эга бўлишса ҳам эшлашга лойиқ эмас. Булар Аллоҳ таолонинг қаҳрига муносиб одамлардир.

Назм:

Истамасмиз номларини тилга олишни.

«Тарихи Рашидий» 952 (3 март 1546) йил зулҳижжа ойининг сўнги кунда гўзал Кашмирда (Аллоҳ уни бахтсизлик ва емирилишлардан асрасин) поёнига етди, бу пайтда Ҳусайн кўрагон ўғли Муҳаммад Ҳайдар, дўстлар орасида Мирзо Ҳайдар кўрагон номи билан машҳур фақир банданинг тахтга ўтирганимга беш йил бўлган эди.



## ИККИНЧИ КИТОБ МУҚАДДИМА

Аллоҳ қуллари ичида энг фақири Муҳаммад Ҳайдар, дўстлари орасида Мирзо Муҳаммад Ҳайдар ибн Муҳаммад Ҳусайн кўрагон (Аллоҳ унияи, отасинияи мағфират қилсин) номи билан танилган кимса зукко, талабчан кишилар олдида шуни маълум қиламанки, менинг қалбимда ҳам, шууримда ҳам аллақачон битта фикр муҳрланган, яъни юксак эътиборли, билимли хотиранависларнинг улуғворлиги шу даражадаки, бу фақир банда ундай юксакликка ҳатто яқинлашолмайман ҳам, мен ғурур тўфони ва жаҳолат тўлқини ақлсизлик дарёсидан иқтидорсизлик соҳилига чиқариб ташлаган бир парча сополга ўхшайман. Бундай одамнинг фазилат ва камолот денгизидаги ичи наср ва назм марваридларига тўла мукамаллик садафига эга бўлган ғаввослар олдида қанчалик қиммати бўлсин! Аммо айрим мўғул хоқонлари ҳаёти саҳифаларида улар билан боғлиқ воқеалар ҳақида ҳеч нарса сақланиб қолмаганлиги туфайли улар тўғрисида одамлар хотирасида ҳеч нарса қолмайди, деган фикрга бориб буларни ёздим.

Назм:

Ноз этма, Чин санами, қолмайди мулки Чин ҳам,  
Мулки Чини нимаси, ўзлигича замин ҳам.  
Вайронада туякаш жимгина беради жон.  
Билки омонлик топмас ўлимдан тахтнишин ҳам.  
Жамшид ўтди жаҳондан, кетди ҳатто Сулаймон,  
Узукнинг ўчди нақши, йитди узук – нигин ҳам.  
Бу бечора Ҳасандан қолди нолаю фарёд,  
Қўрқаман, ўчар бир кун бу нолаи ҳазин ҳам.

(Ҳасан Деҳлавий)

Шуларни ҳисобга олиб, «эҳтиёж тақиқни билмайди» деган ҳикматга амал қилган ҳолда, вақт имконига қараб мен мўғул хоқонларининг қилган ишларидан энг аниқларини, баён қилиш зарур бўлганларини қаламга оламан, зеро илгари замонларда ҳурматли хотиранавислар ҳам ўз асарларини ўзларидан олдинги битиклар асосида ёзиб, уларга пинҳонийлик масканидан зоҳирий оламга кўчирилган нарсаларни қўшишган.

Мўғулистон гуллаб-яшнаган даврда у ерда олимлар ва камолотга эришган одамлар кўп бўлган, эҳтимол улар тарих ва бошқа асарлар битишган. Мана энди орадан юз йил ўтгач, на ўша одамлардан дарак бор, на улар, эҳтимол, яратган асарлар ҳақида маълумотлар бор. Ўша шаҳарлар ва обод манзиллардан, айрим миноралар ҳамда бузилган қалъа деворларидан ўзга ҳеч бир из қолмаган. Бир қатор шаҳарларда асослари тошдан қилинган хонақо, мадраса, масжид, арк ва миноралар қолдиқлари сақланган, холос.

Назм:

У ерда одамдан нишон қолмади,  
Нишонни берувчи инсон қолмади.

Ободонликдан ҳеч бир асар қолмагани сингари, узоқ даврлар ўтиб, бутун мўғул бир-бирларидан бегона бўлиб кетиб, фазл ва камол аҳлидан ҳам ҳеч ким қолмади, ҳатто «фазл» ва «камол» сўзлари одамлар хотирасидан ўчиб, фозиллик ва комилликнинг моҳияти ҳам унутилиб кетди.

Мисра:



Номи ҳам қолмади ақлу камолнинг.

Мўғуллар исломни қабул қилганларидан кейинги давр ҳақида, бу ерда ободонликнинг маҳв бўлишигача нималар юз берганлиги ҳақида ҳам тарихий асар йўқ. Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ироқ олимлари ўз ҳукмдорлари учун ёзган тарихий асарларида мўғул хоқонлари ҳақида тасвир талаб қилган ўринлардагина тўхталганлар, воқеалар ўрни ва мазмуни талаб қилмаса, уларга диққатни қаратмаганлар. Бундай асарлар сирасига Хожа Рашидиддин Фазлуллоҳнинг «Жомий ат-таворих», Хожа Ҳамидуллоҳ Муствафийнинг «Тарихи гузида», Мавлоно Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Мавлоно Абдураззоқнинг «Тарихи манзум» («Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн»), Мирзо Улуғбекнинг «Улуси арбаа» («Тўрт улус тарихи») ва бошқалар киради – уларнинг ҳар бирида мўғул хонлари ҳақида унча-мунча маълумот бор, аммо бундан мақсадга тўлиқ эришиб бўлмайди. Аллоҳ бандаларининг ушбу энг фақирида ёшлик пайтидан бошлаб аждодларимизнинг қилган ишлари ҳақида билишга жўшқин интилиш бўлган. Ўша пайтда мўғул амир ва амалдорларидан фақат кексаларигина қолган бўлиб, уларнинг ёшлари юз атрофида, ҳатто ундан ҳам ошган эди.

Туфайлим руҳига ёғилсин-да нур

Отам кексаларча панд берди машҳур.

Отам ҳам, амаким ҳам (Аллоҳ уларни раҳматига олган бўлсин) мўғул хоқонларининг ишлари ҳақида ўз оталаридан ва ишончли оғизлардан эшитганларини айтиб беришарди.

Энди эса қанча замонлар ўтди, уларнинг барчаси оламдан ўтиб кетишди, менинг ночор миямга мўғуллар исломни қабул қилганларидан кейин улар ҳақида тарихий асарларда нима битилган бўлса, буларга ишончли кишилардан эшитганларимни ва камина ўз кўзим билан кўрганларимни кўшиш фикри ўрнашиб олди (Илоҳим ишим Аллоҳга маъқул бўлсин). Шу билан бирга, мен қобилиятсизлигим ва ожизлигим туфайли бу улкан ишни маромига етказиб бажара олишимга ўзимда ишонч пайдо қилолмасдим, аммо синов учун аввал кўз олдимда содир бўлган воқеаларни баён этишга қарор қилдим. Каминанинг ҳаётим асосан мўғул хоқонлари билан боғлиқ кечганлиги боис тасвир жараёнида уларнинг тарихлари ҳақида ҳам тўхталамизки, бу нарса ушбу асарнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Рубоий:

Тарзима боқ, не аҳволга солди фалак,

Юз дарду бало қийноғига олди фалак.

Мен арз этайин агар қулоқ солсанг сен

Ҳолимни тамом хароб этиб қилди ҳалак.

Агар мазкур асар Аллоҳнинг инояти билан ниҳоясига етиб, зукко инсонлар ҳамда улуғ амалдорларнинг нозик дидларига маъқул бўлиб хатоларимизни узр этаги билан ёпсалар, бу фақир банданинг хотирига таскин ва кўнглига шодлик иниб, «Тарих»нинг асосий қисмини битишга киришамиз, Аллоҳ мададкор бўлсин.

---

## **Биринчи фасл. «Тарихи Рашидий» иккинчи китобининг боши – 900 (1494-1495) йилдан кейин мўғул, ўзбек, чигатой улусларининг ҳар бирида бўлиб ўтган воқеалар баёни.**

Фақир банданинг туғилган пайтида, яъни 905 (1499-1500) йилда – ўша давр олимлари шу санани «шарқ» ва «нури чашми шоҳ» («Шоҳ кўзларининг нури») сўзларида тарих қилишибдики, ушбу сўзлардаги ҳарфлар йиғиндиси ўша йилни билдиради. Бу даврда мўғул хоқонлари давлати илгариги замонларга нисбатан гуллаб-яшнади, ана шу вақт оралиғида Мўғулистоннинг қорахитойлар истиқомат қиладиган шаҳарлари йўқ бўлиб кетди, то Юнусхон тахтга ўтиргунига ҳамда шаҳарларда ва обод манзилларда ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтгунларига қадар, ҳарқалай 889 (1484) йилда кўплаб мўғуллар ўтроқ ҳаёт кечиришмасди ва айтиш мумкинки, ободончиликдан дарак йўқ эди.

Мисра:

Тоғ қашқиридек эди одамлари.

Шош вилоятининг бутун кенг саҳролари мўғул хоқонлари тасарруфига кирди, Мўғулистоннинг бутун саҳролари ва музофотлари Юнусхон томонидан қандай бўйсундирилганини баён қилсак, гапимиз чўзилиб кетади. Худо хоҳласа, булар «Тарих»нинг асосий қисмида ёритилади.

Хуллас, айтиб ўтилган санадан то 908 (1502) йилнинг бошигача мўғул улуси тинчлик-омонликда умр кечирди. Гапнинг лўндаси шуки, менинг отам – Муҳаммад Ҳусайн кўрагон ибн Муҳаммад Ҳайдар кўрагон, яъни улуғ амир, тахт ва қилич соҳиби амир Саид Алининг ўғли, ибн амир Саид Аҳмад унинг отаси эса муқаддас шаҳарлар бўлган Макка ва Мадина йўлларини яхши билган, Аллоҳ иноятига сазовор бўлган, ҳамиша Аллоҳ мадади билан иш юритиб келган Амир Худойод ибн амир Буложи эди (ҳамиша Аллоҳ уларнинг юзларини иймон нури билан ёритсин). Ўша амир Буложи исломни қабул қилиб, икки дунёда иймон нурига сазовор бўлган. Оят: «Уларнинг юзларида сажда изидан қолган белги-аломатлари бордир» (48.29). Менинг отам халқ ҳукмдори, Аллоҳ ёрлақанган улуғ хон Султон Маҳмудхоннинг хизматида

мушарраф бўлган зотдир. Султон Маҳмудхон ибн Юнусхон ибн Увайсхон ибн Шерали Ўғлон ибн Муҳаммадхон ибн Хизр Хожaxon ибн Туғлуқ Темурхон (Аллоҳ уларнинг юзларини иймон нури билан ёритсин). Ана ўша Туғлуқ Темурхон, ана шу бахтли инсон, Шарқ мамлакатларидаги кофирлик зулматини ислом куёши билан ёритди ва мазкур «Тарих»нинг асосий қисми ўша табаррук инсон ҳукмдорлиги, ҳидоят ва саодати баёнидан иборат бўлади (Аллоҳ гўрини нурга фарқ қилсин).

Султон Маҳмудхон (Илоҳим унинг шажараси узилмасин) менинг отамга турли-туман илтифотлар кўрсатиб, алоҳида эътибор қилиб келган, бу «Тарих»нинг асосий қисмида ёритилади, иншооллоҳ. Ушбу марҳаматларнинг бир кўриниши: унга хон куёвининг фахрли тўнини кийгизиб, ўздан бир ёш катта опаси Хўб Нигор хонимни отамга никоҳлаб берган. Бу никоҳ, агар адашмасам, 809 (1493-1494) йилда Шошда ўқилган. Никоҳ ўқилгандан кейин отамга Усрушна (Истаравшан), ҳозир Ўратепа номи билан аталувчи вилоятни ўзига бўйсундира олиши мумкин бўлган ҳамма нарсаси билан бериб, унга жавоб берган. Отам тўққиз йил ўша вилоятга ҳокимлик қилди. Бу орада кўп воқеалар бўлиб ўтди. Ҳокимлигининг олтинчи йилида фақир банда дунёга келдим. Зийрак инсонларнинг назаридан четда қолмагани, ўша давр ҳукмдорлари ҳақида, қайсиси қаерда бўлганлиги ҳақида қисқача тўхталмасак, бўлиб ўтган воқеалар баёни тушунарли бўлмай қолади.

Қисқаси, ўша даврда пойтахти Андижон бўлган Фарғона вилоятида Султон Абусаид кўрагон ўғли Умаршайх мирзо кўрагон вафотидан кейин Умаршайх мирзонинг ўғиллари Заҳириддин Муҳаммад Бобур Подшоҳи Ғози билан ноиби Жаҳонгир мирзо ораларида, ёш бўлишларига қарамай амирларнинг келишмовчиликлари туфайли мудом душманлик ва тўқнашувлар бўлиб турган, кўплаб ғалабаю мағлубиятлар бўлган. Бу воқеаларнинг айримлари ушбу «Тарих»да зикр этилади.

Самарқанд ва Бухоро вилоятларида Султон Абусаид кўрагон ўғли Султон Маҳмуд кўрагон ўғиллари бўлган Бойсунғур мирзо билан Султон Али мирзо ҳамда Шоҳибекхон ибн Шоҳ Будоғ султон ибн Абулхайрхон, яъни Жўжи тахтида ўз замонида бундан улғувроқ киши бўлмаган, – ўша учта ҳукмдорлар ўртасида беҳисоб тўқнашувлар бўлиб турганки, булар ҳам «Тарих» охирида ёритилади.

Хуросонда эса Султон Ҳусайн мирзо подшолик тахтида барқарор ҳукм сурарди. Гоҳ у билан ўғиллари ўртасида қаттиқ тўқнашувлар чанги кўтарилиб турар, бироқ Султон Ҳусайн мирзо ўз зукколиги ва қиличининг зулматни кесувчи нури билан уни тарқатиб юборарди.

Ироқда Султон Яъқуб ибн Узун Ҳасан вафотидан сўнг шаҳзодалар ёш бўлганликлари боис подшоҳлик инқирозга учрайди. Шунда Шоҳ Исмоил майдонга чиқди, у зўравонлик манбаи, ёруғ оламнинг заҳар-заққуми эди. У ўзга подшоҳлар сулоласини томири билан қуритди. Мусулмон дини ва мусулмон давлати тасарруфидаги обод, гуллаб-яшнаган жойлар бузилиб, инқирозга юз тутди.

Дашти Қипчоқда ва Жўжихон улусида Бурундукхон бўлиб, барча ҳукмдорлар унга тобеъ бўлиб, лашкарининг кўплигидан ёмғир томчилари билан рақобат қилса бўларди. У ва мўғуллар орасида бўлиб ўтган воқеалар бундан кейин ёритилади.

Шошда, яъни Тошканд номли машҳур вилоятда Султон Маҳмудхон ҳукмдор эди.

Султон Маҳмудхоннинг отаси Султон Юнусхон ҳақида қисқача тўхталмасак, ҳикоямиз тартиби бузилади, чунки кўп ўринлардаги тасвирлар у билан боғлиқ бўлади. Бу ҳақдаги сўз қуйида келади.

---

### **Иккинчи фасл. Юнусхоннинг хон бўлгани, унинг ҳаёти ва фарзандларининг қиссаси баёни.**

Султон Юнусхон барча чиғатой хонлари ичида энг машҳури ва энг мислсизидир. Жуда кўп соҳаларда қиёслаганда унга ва унинг оиласига ўхшаши унғача бўлмаган. Масалан, чиғатой хонларидан бирортаси ҳам унғача қирқ ёшдан ошмаган, кўплари ҳатто қирқ ёшгача ҳам етмаган, бу саодатманд хон эса етмиш тўрт йил умр кўрган. Умри охирида тавба қилиб, тариқат йўлини тутган. У дин пешволарининг саждагоҳи, Аллоҳ назари тушган инсон Носириддин Убайдуллоҳ ҳазратларига (Аллоҳ гўрини нурафшон қилсин) қўл берган. Ушбу «Тарих»нинг қаерида «Ҳазрат Эшон» дейилса, Хожа ҳазратлари кўзда тутилади. Хон ўз эътиқодида шу қадар маҳкам бўлганки, ўзини фаришталар макон тутган ҳазрат остонасидаги хизматкорлар қаторига қўйган.

Бугина эмас. У ўша даврнинг кўплаб шайхлари билан учрашиш ва суҳбатлашишга мушарраф бўлган. У табаррук зот бир қанча фазилатлар билан безанган эди: у Қуръонни қироат қилган ва кўчирган, шоирлик иқтидорига эга, хушсуҳбат, хуштабиат киши бўлган, илми муаммодан хабардор, хушхат, мусаввир ҳам бўлган, шунингдек, фақат нозик табиатли кишиларгагина хос қобилият эгаси ҳам бўлиб, чунончи, мусиқий асбобларни чалиш ва ашула айтишда ҳам мумтоз бўлган.

У ўн икки йил давомида Мавлоно Шарафиддин Али Яздий ҳузурда унинг шогирди бўлган. У мусофир юртларни кўп кезган, саёҳатлар қилган. Унинг мусофирликдаги ҳаёти, турли мамлакатларда олган билимлари «Тарих»нинг асосий қисмида баён қилинади, иншооллоҳ. У яна гўзал маънавий хислатлар билан безанган, олийҳимматли киши бўлган. Ушбу фазилатлар билан бир қаторда, сезгирликда, мислсиз зийракликда, матонатда ва ақл-фаросатлиликда, жасурликда тенги бўлмаган. Айниқса, мерганликда тенгсиз бўлган. Қисқаси, унинг авлодида унга ўхшаши бўлмаган (Аллоҳ унинг юзини иймон нури билан

ёритсин ва ғурини нурга тўлдирсин).

Хон ҳазрати олийларининг еттита фарзанди бўлган. Биринчиси – Меҳр Нигор хоним, уни Султон Аҳмад мирзога берган. Ундан фарзандлар қолмаган. Иккинчиси – Қутлуғ Нигор хоним, уни Умаршайх мирзога узатган. Ундан иккита фарзанд қолган: бири – Хонзода бегим, иккинчиси – Бобур Подшоҳ, унинг маънавий улуғлиги ва саъй-ҳаракатларидан ёруғ оламга кўп наф етмоқда, – булар «Тарих»нинг асосий қисмида ёритилади, бу ердаги қисқа тасвирда эса мавзу доирасидагина тўхталамиз. Учинчиси – Хўб Нигор хоним, аввал айтиб ўтганимиздек, уни фақир банданинг отаси билан никоҳ ришталари орқали боғлашган. Тўртинчиси – Султон Маҳмудхон, унинг ҳаётининг қисқача баёни кейинроқ келади. Бешинчиси – Султон Аҳмадхон, Олачахон номи билан машҳур, у ҳақда кейинроқ сўз юритамиз. Олтинчиси – Султон Нигор хоним, уни Султон Маҳмуд мирзо ибн Абусаид мирзога беришган, ундан Мирзохон исмли бир ўғил бўлган, бунинг ўғли Сулаймоншоҳ, ҳозир Бадахшонда подшоҳлик қилмоқда; еттинчиси – Давлат Султон хоним – Тошканд олинган пайтда у Шоҳибехон ўғли Темур султон кўлига тушган, унинг ҳаёти кейин баён этилади.

---

### **Учинчи фасл. Султон Юнусхон хонлигининг тугаши, унинг фарзандлари, Султон Маҳмудхоннинг подшолиги ва ишларининг инқирозга кетиши баёни.**

Юнусхон ҳукмронлигининг дастлабки даврида барча мўғуллар эски удумлари бўйича яшашар, кўчманчи ҳаёт кечиришар, шаҳарлардан қочишарди. Кўплаб мўғулларда мусулмончиликнинг номидан бўлак ҳеч бир белги йўқ эди, ҳатто номи ҳам йўқ эди, бундайларни барча вилоятларда бошқа кофирлар сингари қулларга айлантиришган, қулдек сотишган. Хон Эшон ҳазратларига бўйин эгиб, унинг хизматиغا кирганидан сўнг Эшон ҳазратлари барча қўшни мусулмон давлатлари подшоҳларига: «Биз Султон Юнусхонни кўрдик, бундай мусулмон одам подшоҳлик қиладиган халқни қулга айлантириш ножоиздир» деган мазмунда хат жўнатган. Шундан сўнг барча ислом мамлакатларида мўғулларни қул қилиб сотиш ва сотиб олиш бекор қилинди. Хуллас, мўғуллар мана шундай халқ бўлган.

Юнусхон шунга қарор қилдики, халқ вилоятларга ўрнашиб, ўтроқ ҳаёт кечирмаса, у мусулмончиликка ҳеч қачон мослаша олмайди. Шу фикрга таяниб, у ўзи хоҳлаган ишни амалга ошириш учун катта саъй-ҳаракатлар қилди. Бу орада хон мўғулларни Тошкандга олиб кета бошлаганида, бир гуруҳ бузғунчи мўғуллар унинг кичик ўғли Султон Аҳмадхонни олиб, Мўғулистонга қочиб кетишди ва ўша ёқда қолишди. Хон катта ўғли Султон Маҳмудхон ва қолган мўғул улуси билан бирга Тошкандга келди. Бу воқеаларнинг муфассал баёни вақтни кўп олади, уларнинг бу қисқа фаслда тасвирлаш бизни мақсаддан четлаштиради, шу сабабли уларни «Тарих»нинг асосий қисмида ёритамиз, иншооллоҳ.

Яратган Раббим Султон Юнусхонни ўз ҳузурига чақирғач, у жонини Яратганга, хонликни эса Султон Маҳмудхонга (Аллоҳ ғурини нурга тўлдирсин) топширди. Мўғулларнинг удумига кўра, Султон Маҳмудхонни хонлик тахтига, хоқонлик маснадига ўтказдилар. Одатда, отадан қолган нарсанинг қадрига етмайдиган ворисларда бўлганидек, хон ҳам улуғ амирларга ёмон муносабатда бўлиб, отасига хизмат қилган амирларнинг кўпини йўқотди. Хонни ўзларига оғдириб олган пасткаш одамлар туфайли барча эски дўстлар четлаштирилиб, ўзларини янги дўстлар деб атаган эски душманлар шу қадар томир отишдики, Султон Маҳмудхоннинг уларга қарши курашишга, ҳатто ўз салтанатини сақлаб қолишга қурби етмай қолди. Бу ҳақдаги хабар Олачахоннинг қулоғига етиб борғач, гарчи ўзининг кўли остидаги Мўғулистонда ҳам исёнчилар ва бузғунчилар бўлиши ва уларни даф қилиши лозим бўлса-да, у ўз ўрнига катта ўғли Мансурхонни қолдириб, ўзи акаси ҳузурига жўнади. 907 (1501-1502) йилда хонлик осмонининг қуёши билан тўлин ой саодат буржида яқинлашиб, икки хон бир-бири билан кўришдилар. Бундан душманларнинг тубан кўнгли ларзага келди.

Кичик хон – Султон Аҳмадхон келишидан бир ярим йил олдин фақир банданинг онаси бу ўткинчи дунёдан абадиятга риҳлат қилди. Унинг олти фарзанди бўлиб, иккитаси кичиклигида нобуд бўлишган, тўрттаси қолган эди. Улардан ҳар бирининг ҳаёти алоҳида баён қилинади.

Каминанинг ҳаётимдаги энг ғаройиб воқеалардан бири шуки, кичкиналигимда бавосил билан жуда қаттиқ оғриган эканман, табиблар ҳатто тузалиб кетишимга ҳам гумон қилишган. Ота-онамининг бунгача тўртта қиз фарзандлари бўлиб, жуда кўп азиз-авлиёларнинг мазорларига бош уриб, ўша даврдаги авлиё одамларга ялиниб-ёлвориб, меҳрибон Аллоҳдан ўғил сўрашган экан. Аллоҳ уларнинг илтижоларини эшитиб, мен фақирни берган экан. Шунинг учун ота-онам мени беҳад асраб-авайлашган. Касаллик зўрайғач, улар умид чироғи кўринган барча жойларга назр-ниёзлар қилишган ва ниҳоят, Мавлоно Муҳаммад Қози ҳазратларининг қадами шарифларини тавоф қилишадик, бу киши Убайдуллоҳ Эшон ҳазратларининг улуғ аҳбобларидан бири эди. Ҳазрат Эшон силсилалари шу кишига қолган эди. Ҳозирги кунда кўплаб халқларнинг Ҳазрат Эшоннинг (Аллоҳ сирларини муқаддас қилсин) тасаввуф силсиласига издошликка мушарраф бўлганлари ҳам ана шу Мавлононинг ва аҳбобларининг хизматларидир Мавлоно (Муҳаммад Қози) ҳазратлари ўз зотий олижанобликлари боис бизникига қадам ранжида қилдилар. Фақирни унинг Масиҳназар ҳузурига келтирганларида, у узоқ ўйга толиб қолади. У ташқарига чиққач, агар Мирзонинг ўғли шу аҳволда эканлигини билганимда, келмаган бўлардим, дейди. У ҳеч қандай

дори-дармон буюрмайди, фақат парҳез буюради-да, кетади. Эртасига эрталаб, у хизматкорларидан бирини ота-онамнинг ҳузурига юборади ва: «Бор, Мирзо билан Хонимдан суюнчи ол – Меҳрибон Аллоҳ таоло уларнинг ўғлига ўз фазл-карамининг дорихонасидан саломатлик шарбатини ва ҳаёт насибасини берди» дейди. Бундай хушхабар ота-онамга етгач, улар дарҳол ҳазратнинг хонақоҳлари оstonасига бориб, назр-ниёзларини бериб, дуо олиб келишади. Ўша куниёқ тузалиш белгилари пайдо бўлиб, мана ҳозиргача бавосил билан бирор марта оғримадим. Сир эмаски, бу ишда иккита каромат зоҳир бўлди, бири – дори ишлатмай соғайдим, иккинчиси – касаллик бирор марта қайталанмади. Булар чиндан ҳам Аллоҳнинг кароматларидир, негаки бавосил – бир умрлик касалликдир. Шундан бошлаб Мавлоно ҳазратлари бутун умри давомида бу фақир бандага ғамхўрлик қилдилар. Ҳар бир қилган ишлари ўз ўрнида баён қилинади.

Онам ҳаёт гавҳарини охират хазинасига топширган пайтда Султон Маҳмудхоннинг мулоҳазасизларча мадади билан Бухоро ва Самарқандни Шоҳибекхон истило қилиб, темурий султонлари, хусусан, Султон Маҳмудхоннинг жияни, унга худди ўғилдек бўлиб қолган Бобур Подшоҳ ҳам мағлуб бўлди. Бундан ташқари, Шоҳибекхон итоаткор дўстликни исён ва ғурур дабдабасига алмаштириб, ихтилоф ноғорасини ошқора чалишга ўтди.

Бу орада хоннинг бўшанглиги туфайли Умаршайх мирзо мулозимларидан Султон Аҳмад Танбал, гарчи у мўғул амирларидан бўлса-да, Андижондаги исёнга бошчилик қилиб, муҳолифатнинг ўқини салтанат тарафига қараб ота бошлади. Унга қарши ҳар иккала хон кўзғалишди.

Султон Маҳмудхон ўз ўғли Султон Муҳаммад султонни Тошкандда ўз ўрнида душманларга қарши туриш учун қўйиб, отамни Ўратепада Шоҳибекхонга қарши туриш учун қўйган ва Шоҳибекхон бу икки лашкар орасидан ўтиб келолмайди, деб ўйлаган эди. Ҳолбуки, Шоҳибекхон бундай фурсатни ғанимат билди: «Ҳеч қачон бу икки хонни бундай оз лашкар билан тополмайман» деб, Самарқанддан лашкарлари билан Фарғонага юриш қилди, бу юришларда Ўратепа усти билан келди. Халқ уларни шаҳарни босиб олишга келди, деб гумон қилиб, шаҳарни бекитиб, уларга қарши курашишга тайёрланди. Шоҳибекхон аср намози пайтида шаҳар яқинига келиб тушди. Буюк осмон ёритқичи олам юзидан ўз ёрқин нурларини йиғиштириб олиб, одамлар кўзига тун қоронғулигини туширганида, у шошилинч йўлга тушди, қалъадаги халқ унинг қайёққа кетганини аниқлагунича у бир неча фарсах йўл босиб қўйди. Унинг Фарғонага кетгани аниқ бўлгач, ортидан кетма-кет хабарчилар юбориб, унинг бораётганини хонга билдиришди. Тошканд ва Ўратепа лашкарларига ҳаракат қилишга фурсат қолмади.

Хонларда бор-йўғи ўн беш минг киши бор эди, чунки ўтган йили улар Танбалга қарши урушиб, уларни яхшигина савалаган, шу билан унинг куч-қуввати ҳам, шон-шухрати ҳам қолмаган эди. Бундай аҳволда Танбал қочишни афзал кўради, деган ўйда улар ўзлари билан Бобур Подшоҳни бирга олишган, мақсадлари уни отасининг тахтига ўтқазиб, орқага қайтиш эди. Хонлар ҳали Андижонга етмай туриб, Танбалнинг акаси Шайх Боязид мустаҳкамлаб олган вилоят қалъаларидан бири Аҳси қалъасига келишганда Танбал хонларга итоат қилди, шу сабабли улар ўша қалъа яқинида тўхташди. Шу пайтда Шоҳибекхон ўттиз минг яхши қуролланган лашкар ҳамда шаҳзодалар Кўчум султон, Суюнжик султон, Жонибек султон ва бошқалар билан етиб келди. Хонлар ҳам сафга тизилиб, жангга киришдилар. Душман лашкари ичида кўплаб тажрибали лашкарбошилар бўлгани ва лашкар сони хонлар лашкаридан анча ортиқлиги боис хонлар енгилди.

Мисра:

Илоҳо, дардмандга шикаст узра шикаст етмасин.

Хонларнинг отлари ҳолсизланиб, икковлари ҳам асир тушишди, Бобур Подшоҳ эса Фарғона жанубидаги тоғларга кетди.

Шоҳибекхон Тошкандни эгаллагач, илтифот кўрсатиб, хонларга енгиллик берди, гўё «мана мен сизларнинг мададларингиз билан ғалаба қозониб, сизларни асир олдим, аммо ўлдирмай, қўйиб юбордим» демоқчи бўлди. Шунда бир амалдор ҳақидаги ҳикоя эсга тушиб қолдики, бир ҳоким унинг мулкани мусодара қилади. Иш шу даражага бориб етадики, уни ҳар хил қийноқларга дучор қилишади. Бир мурувватли одамнинг унга раҳми келиб, уни солиқ йиғувчилар қўлидан мусодара баҳосида сотиб олади-да, уйига олиб бориб, унга турли меҳрибонликлар кўрсатади. Бир куни шу сотиб олинган одам ўғли билан у ёқдан бу ёқдан гаплашиб ўтиришганида қутқариб олган одам (уй эгаси) эшик орқасида қулоқ солиб турган бўлади. «Бу жанобнинг бизга қилган яхшиликлари ва илтифотларини биз қандай қилиб худди шундай қайтара оламиз» деб сўрайди ўғли. Отаси эса, биз тагин амалга эришсак, бу осон бўлади, деб жавоб беради. Ўғли яна: «Бундай катта илтифотга қандай қилиб жавоб қайтарамиз?» деб сўрайди. Отаси: «Биз тагин амалдор бўлсак, бу жанобга катта солиқ соламиз ва уни солиқ ундирувчилар қўлига топшириб, мулкани мусодара қилишни буюрамиз. Аҳвол жуда оғирлашганда, биз ундаги бор нарсани оламиз-да, уни қолган солиқдан озод қиламиз, шу билан у биздан миннатдор бўлади» дейди.

Хуллас, хонларнинг қўлга тушгани хабари Тошкандга етгач, Султон Муҳаммад султон имкони бўлган ҳамма нарсани – аҳли аёли, одамлари ва мўғул улусини ўзи билан олиб, Мўғулистонга кетди. Менинг отам билан амаким ҳам қўлга илинган қимматбаҳо нарсаларни олиб, уларнинг орқасидан йўлга тушишди.

Хонларни қўлга олган вақтида Шоҳибекхон: «То шу вақтгача хонлар наслидан бир аёлга никоҳланишни илтимос қилиб келгандим, қабул бўлмади. Энди унинг бадалига уч аёлни никоҳ қилиб берасизлар» деб, хоннинг, бундан олдин Юнусхоннинг фарзандларини санаб ўтганимизда тилга олинган Давлат Султон хоним исми энг кичик синглисини ўзининг ўғли Темур султонга никоҳлаб берди, яна хоннинг икки пок ва ифбатлик кўшсифат хонимларидан бирини ўзига ва бирини Жонибек султонга никоҳлади. Ўзига никоҳлаб олган хонимнинг исми Мўғулистонда Мўғулхоним номи билан танилган Ойша Султон хоним, Жонибек султон уйлангани эса Қутлуқ хоним эди. Уларнинг фарзандлари бор, улар ҳозир Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилишади. Хонлар ўзларининг асосий манзилгоҳлари бўлган Мўғулистонга келишгач, кичик хон касал бўлиб қолди, касаллик унинг ҳаётига яқун ясади ва у хонлик тахтини тобутга алмаштирди ҳамда подшолик гулшанидан жаннат майсазорига равона бўлди. Бу воқеа 909 (1504) йилнинг охирида содир бўлди.

Фақир банда бир куни ўша мамлакатнинг отамерос шайхулисломни, чинакамига буюк ва табаррук инсон, кўплаб фазилатларнинг соҳиби Хожа Тожиддин Муҳаммаддан эшитган эдимки, у шундай деганди: «Хон касал ётган кунлари мен у билан ёлғиз қолганимда унга айтдимки, одамларнинг гапларига қараганда гўё Шоҳибекхон сизнинг овқатингизга заҳар қўшиб берганмиш, Хитойдан заҳарга қарши синовдан ўтган дори олиб келиб, сизни даволасам, деган фикрдаман, деган эдим». Хон: «Ҳа, Шоҳибекхон мени заҳарлади, бу заҳар шундан иборатки, Шоҳибекхон қуйи табақадан юқори табақага кўтарилди. У бизни, иккала ака-укани қўлга туширди, асир олди ва озод қилди, бундай шармандалиқдан бутун танамни дард эгаллади. Агар мана шу заҳарга қарши тарёк бўлса, фойда қилган бўлар эди» деб жавоб берди.

Султон Аҳмадхоннинг ўн саккизта ўғли бўлиб, энг каттаси Мансурхон эди. 909 (1503-1504) йилдан то ҳозиргача, яъни 948 (1541-1542) йилгача у отасидан қолган вилоятда подшоҳлик қилмоқда. У билан боғлиқ воқеалар мана шу китобда баён қилинади. Иккинчиси – Искандар султон, отасидан кейин у ҳам ўз ажали билан вафот этиб, отасининг ортидан кетди. Учинчиси – Султон Саидхон. Унинг ҳаёти ҳали баён қилинади. Ушбу қисқа баённинг қаерида «хон» дейилса, Султон Саидхон кўзда тутилади. Тўртинчиси – Бобоқоқ султон, ҳозиргача Мансурхон хизматидадир. Бешинчиси – Шайх Муҳаммад султон. 940 (1533-1534) йилдан кейинги зилзила пайтида унинг бир нечта фарзандлари ва хотинлари устига уй қулаб тушган. Олтинчиси – Султон Халил султон. Унинг ҳаётига тегишли айрим воқеалар Султон Саидхон зикрида тилга олинади. Еттинчиси – Эмин Хожа султон. Бу ҳақда ҳам Султон Саидхон зикрида тўхталамиз. Саккизинчиси – Чин Темур султон. У узоқ муддат Мансурхон хизматида бўлди, охири ундан қочиб кетиб, Султон Саидхон хизматига ўтди. Мансурхон уни қайтаришларини талаб қилди, тагин қочиб кетди. Ниҳоят у қочиб, Ҳиндистонга, Бобур Подшоҳ ёнига кетди. У кўп хайрли ишлар қилди. Подшоҳ унга катта ҳурмат-эътибор кўрсатди. У ичбуруғ касалига йўлиқиб, Аграда вафот этди ва ўша ерга дафн қилинган. Тўққизинчиси – Юсун Темур султон, у ҳам акасига ўхшаб, икки хон ўртасида юришдан безор бўлиб, қозоқлар орасига қочиб кетди. У ёқдан Турон ва Эронга борди, кейин Бухорога Убайдуллоҳхон хизматида борди, ундан қочиб, Бобур Подшоҳ ҳузурига кетди, Подшоҳ шаҳзодага ҳурмат-эътибор кўрсатди. У ҳозир Ҳиндистонда. Ўнинчиси – Тўхта Буға султон. У ҳам Ҳиндистонга кетиб, ўз ажали билан ўлди ва акаси сафига қўшилиб, жаннатдан жой олди. Қолган саккизта ўғиллари гўдаклик пайтларида вафот этишган.

Султон Аҳмадхоннинг учта қизи бўлган. Биринчиси – Лаъл Шод хоним, унинг онаси қуллар тоифасидан бўлган. Гарчи у аслзодалар доирасига мансуб бўлмаса-да, уни амир Жабборбердининг ўғли Муҳаммад Амин мирзога беришган, у дўғлатлардан бўлиб, Олачахон салтанатида улар узлуксиз улусбеги бўлиб келишган. Иккинчиси – Моҳим хоним; уни Адик султоннинг ўғли Бўйлашхонга беришган. Учинчи қизини бу фақир бандага беришган эди, унинг зикри кейин келади. Тўртинчиси – Хадича Султон хоним. Султон Аҳмадхон вафот этгач, у Олачахоннинг қароргоҳи бўлган Оқсувни эгаллаган Абобакр мирзо қўлига тушган. Мирзо унга яхши муносабатда бўлиб, ўғли Жаҳонгир мирзога никоҳлаб берган. Жаҳонгир мирзо ўлдирилгач, уни Султон Маҳмудхон ўғли Султон Муҳаммад султон ўғли Шоҳ Муҳаммад султонга никоҳлаб беришган, бунинг баёни кейин келади, иншооллоҳ.

---

### **Тўртинчи фасл. Султон Маҳмудхон ва унинг ўғилларининг шаҳид бўлиши баёни.**

Олачахон оламдан ўтгач, Султон Маҳмудхон укасининг ўғилларига унга тегишли халқлар ва вилоятларни Хитой чегарасидан тортиб Кошғар, Турфон, Жолис, Кунжи, Оқсув, Учгача бериб, ўзи эса унча-мунча қолган одамлари билан Мўғулистон чўлларига кетди. У беш йилни Мўғулистонда ўтказди, бу пайтда ҳеч бир муҳим воқеа содир бўлмади. Хоннинг ёруғ кунини қоронғи кечага айлантирган ўша пасткаш одамлар, сизга Шоҳибекхон мадад беради, деган фикрни хоннинг миясига синдиришди, агар шундай қилмаса ҳам бизга бирор гўшадан жой берар, дейишди. Амаким (Аллоҳ унинг гуноҳларини мағфират қилсин) менга: «Бир куни Олачахоннинг ўлиmidан кейин Оқсувда Султон Маҳмудхон мажлисида иштирок этдим. У менга қараб, Оқсувнинг подшоҳлигидан Тошканднинг хизматкорлиги афзал, деди. Мен, ҳа, афзал, агар сизга Тошкандда хизматкорликни беришса» дедим. Бу сўзлардан хон қаттиқ хафа бўлди. Атрофдаги пасткаш

одамлар охири хонни Фарғонага олиб келишди. Бу хабар Шоҳибекхонга етган, бу пайтда у Тусдаги Родкон сайхонлигида эди. Шайбонийхон дарҳол одам жўнатди (ўша тарафда унинг одамлари бор эди).

Хон Хўжандга кетаётганда, улар хонни ва унинг бешта норасида фарзандини тутиб ўлдиришди. Уларнинг шаҳид бўлган йили «Лаби дарёи Хўжанд» (Хўжанд дарёси соҳили) сўзларида ифода этилиб, тарих бўлган. Бу воқеалар ҳали ёритилади.

Султон Маҳмудхоннинг олти ўғли бўлиб, бештаси отаси билан бирга шаҳид бўлишган, энг катта ўғли Султон Муҳаммад султон эди. Хон Шоҳибекхондан яхшилик кутиб Мўғулистондан жўнаган пайтда Султон Муҳаммад султон отасини бу йўлдан қайтаришга ҳарчанд уринмасин, хон бунга кўнмаган, шунда у отасидан ажралиб, Мўғулистонда қолган. Унинг бошига ҳам бахтсизликлар тушган, булар «Тарих»нинг асосий қисмида айтилади, иншооллоҳ.

Охири у Мўғулистонда қололмай, Дашти Қипчоққа, Бурундукхон билан Қосимхон олдига равона бўлган. Унинг мулозимлари, эҳтимол Шоҳибекхон Султон Маҳмудхонга ҳомийлик қилгандир, деган умидда йўлни адаштириб уни Тошкандга олиб келишган ва ўзбек уни ҳам отасининг ёнига жаннат боғларига жўнатган. Ундан Шоҳ Муҳаммад султон исмли битта ўғил қолган, хон ҳаёти зикрида у ҳақда ҳам тўхталамиз.

---

### **Бешинчи фасл. Отам Мирзо Муҳаммад Хўсайн кўрагон(Аллоҳ гўрини нурафшон қилсин)нинг қолган ҳаёти баёни.**

Хонлар Шоҳибекхон томонидан Ахсида қўлга олинган пайтда отам Ўратепада эди ва Шоҳибекхон орада бўлгани туфайли отамнинг хонлар билан кўришмоқлик имкони йўқ эди. У истар-истамас ноилож Қойир Тегинга жўнади. Бу пайтда Ҳисор, Қундуз ва Бадахшонда Султон Маҳмуд ибн Султон Абусаид мирзо амирларидан бири Хисравшоҳ ўтирган эди. Султон Маҳмуд мирзо вафотидан сўнг Хисравшоҳ унинг ўғли Султон Масъуд мирзонинг кўзини кўр қилди. Султон Маҳмуд мирзонинг ўғли Бойсунгур мирзо Самарқанддан қочганида, Хисравшоҳ унга одам юбориб, қилган ишидан пушаймонлигини билдирди ва: «Бунга сабаб менинг ўз ҳаётим учун кўрққаним бўлди, чунки Султон Масъуд мирзо мени ўлдирмоқчи бўлди. Энди эса, ўша гуноҳимни ювиш учун салтанат манфаати йўлида шундай ишлар қиламанки, лаънату таъналарга лойиқ қабих ишлар қанчалик кўп бўлмасин, менинг яхши ишларим одамларнинг мақтовлари ва шукроналигига сабаб бўлади» деган гапларни айтди. У ана шундай алдовлар билан шунчалик ишонтирдик, Бойсунгур мирзо ҳам унга ишонди ва Хисравшоҳ фурсатни бой бермай, шундай фозил шаҳзодани худди ёй ўқидай камонга ўрнатиб, боқий дунёга қарата отди. Хисравшоҳ Султон Маҳмуд мирзонинг барча вилоятларини ўз тасарруфига олиб, ўзича ғурур осмонида уча бошлади. У ана шундай мустақиллик нашидасини суриб юрганида отам Қойир Тегинга йўл олган эди. Хисравшоҳ у билан учрашмоқчи бўлди, шунинг учун отам Ҳисорга борди, Хисравшоҳ эса, уни кутиб олиш учун Боғи Чинорга келди. У отамга беҳад иззат-икромлар кўрсатиб айтдики: «Сизнинг бу ерга қадам ранжида қилганингиз Аллоҳнинг иноятидир, негаки ҳозир Шоҳибекхон ғолиб бўлган пайтдир. У ҳозир Андижон ва Самарқанд тарафлардан хотиржам бўлиб, бу ўлкаларга кўз тикмоқда. Шу пайтгача биз ўзбеклар билан жанг қилмаганмиз, уларнинг жанг қилиш усулларини билмаймиз. Ҳар бир қавмнинг жангда бўлсин, оддий мулоқотда бўлсин, макон ва замонга қараб турлича одатлари бўладики, ўша одатни киши билиб олмагунча ўша қавмга қаршилиқ кўрсатиш осон бўлмайди. Сизлар улар билан қайта-қайта гоҳ жанг қилдинглар, гоҳ сулҳ туздинглар, ўрталарингда ғалаба ҳам бўлди, мағлубиятлар ҳам бўлди. Мана энди, сиз нимани маъқул топсангиз, бизга айтинг, биз шунга амал қиламиз. Бизнинг салтанатимизнинг мустаҳкамлиги сизнинг кучингизга боғлиқ бўлади. Агар келиша олсак, Султон Аҳмад мирзонинг қизи, менинг подшоҳодам Султоним бегимни сизга тортиқ қиламиз, бу ўзаро ёрдам ва ишончинг ҳақиқий кафолати бўлади». Мана шундай пуч сўзлардан у бутун бир кўрғон ясаб, шу йўл билан бу никоҳни муқаррар қилди. Тошканд ва Ўратепанинг олиниши асосан, саратонда юз берган, айтиб ўтилган ишлар эса, афтидан, мезон охирида бўлиб ўтган.

Бу орада Шоҳибекхоннинг бостириб келиши ҳақида хабар келиб қолди. Хисравшоҳнинг одамлари пароканда бўлиб кетишди – кимнинг қалъаси бўлса, бекиниб олди, кимда бўлмаса, тоққа, ғор ва дараларга яширинди. Хисравшоҳнинг одамлари тумтарақай бўлгач, отам ҳам Қойир Тегиннинг баланд тоғларига қочиб кетди. У тоғларда қиш жуда қаттиқ бўлади. Отам борган вақтда қор шунчалик кўп ёғдики, бир ойгача ҳаво очилмади. Қорнинг қалинлиги ўн икки қаричга етди. Уйларга ёки дараларга жойлашиб олган одамлар, ҳеч қаёққа чиқолмай қолишди.

Шоҳибекхон бу келишида Хисравшоҳни енгиш мақсади йўқ эди. У фақат, Хисравшоҳ унга қарши кураша оладими-йўқми, шуни билмоқчи эди. Бу вақтда у Хисравшоҳни яна шунинг учун ҳам безовта қилмадики, у қўлига қандай ўлжа тушса, бўридек тишлаб олди-ю кетди. У бу тарафларга янаги сафар келганида Хисравшоҳнинг одамларини бир сермашда пашшадек қириб юборишини биларди. Ўша қиш Хуросонни ҳам бир текшириб чиқмоқни хоҳлади.

Йиққан ўлжасини олиб у Балх тарафга жўнади. Балхнинг ҳокими Султон Қуличоқ бўлиб, у Султон Хўсайн мирзо ўғли Бадиуззамон мирзо номидан ҳукмронлик қиларди. Шоҳибекхон Балхни қамал қилди ва қиш

бўйи уни қамалда тутди. Хуросон халқи ҳарчанд уринмасин, унинг ёнига яқинлашиб, Балхни озод қилолмади.

Ўша қиш Шоҳибекхон Хисравшоҳ билан Хуросон халқини синов тарозисига қўйиб тушундики, уларнинг бирортаси ҳам ўзига тенг келолмас экан. Шоҳибекхон Балх қамали билан машғул бўлган пайтда, унинг Хисравшоҳга зарар етказмаслигини тушунишиб, Хисравшоҳнинг одамлари яна йиғилиб келишди ва унинг ишлари изга туша бошлади. У Шоҳибекхонга тинмай элчилар ва хатлар юбориб, ўша давр учун муҳим бўлган хабарларни етказиб турди. Шоҳибекхон ҳам ўзи хоҳлаган масалалар бўйича хат орқали ёки бошқа йўл билан жавоб қайтарди.

Хисравшоҳ қишда хавфсизлигидан кўнгли хотиржам бўлган пайтда, Қойир Тегинда катта қор тушгани ва одамлар ҳеч қаёққа жиллолмай ётишгани ҳақида хабар келди. У ўша ёққа укаси Мир Вали бошчилигида йигирма минг кишини жўнатди. Қойир Тегиндагилар бу тарафдан ҳеч қандай хавф йўқлигига ишончлари комил эди, шунинг учун ҳар бир киши бир-биридан яқинми-узоқми, ўз жойида ўтирарди. Улар Хисравшоҳнинг лашкари келаётганидан хабар топишгач, имкон тополганлари дарҳол тўпланишди; беш юзтача одам тўпланиб, йўлни тўсишди. Қор шу даражада чуқур эдики, йўлдан чиқишнинг иложи йўқ эди; иккала тараф одамлари отдан тушиб, жанг қила кетишди. Жанг эрталабдан кечгача давом этди. Охири одамларда ўқ тугади, чунки ҳар иккала тарафдан отилган ўқ қор ичига кириб кетарди. Душман кўп эди, улар бири кетидан иккинчиси келиб, жангга киришарди. Ўқи тамом бўлган гуруҳ ўрнига бошқа гуруҳ келиб жанг қиларди. Бу тарафда бор-йўғи битта гуруҳ бўлиб, унинг ҳам ўқи тугаб, шом намози пайтида улар қочиб кетишди. Отамнинг амирларидан Боғбасар ўғлон, Хушрой кўкалдош ва яна бир қанчалари ўқ тегиб, ҳалок бўлишди. Отам олти киши билан Кошғар ва Андижон ўртасида жойлашган Фарғона вилоятининг шарқдаги тоғларга кетди. Ўша тоғларда чакрак деган элат яшайдик, улар ўша пайтда кўп сонли бўлиб, чорва моллари кўп бўлган. Кўп ўтмай Абобақр мирзо уларни қириб ташлаган.

Хисравшоҳ бизнинг бор кўчларимиз, хизматқору мулозимларимизни Қундузга кўчирди ва у ерда бир йилни ўтказдик.

Модомики гап шу ергача етган экан, энди Шоҳибекхон ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш жоиз, деб ўйлаймиз, акс ҳолда ҳикоямиз боғланмай қолади.

---

### **Олтинчи фасл. Шоҳибекхон ишларининг баёни.**

Ўн саккиз минг оламни яратган Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ўз олий иродаси билан бирор кимсани подшоҳлик тожи билан сарафроз қилмоқни лозим кўрса, унга ўз тенглари орасида имтиёз берса, бунинг сабабларини у шундай тўғрилайдики, ўша имтиёзга эришган одам учун бунга вазият ҳозирланиб, унинг атрофига жангчилар, жаҳондор ақл эгалари тўплана бошлашади. Бунинг аксича, унинг рақибини ғурур ва ёвузлик гирдобига мубтало қилади, барча зийрак одамларни кўр қилади, эшитувчи қулоқларни қар қилади, шу тариқа ота-бола ўртасида, оға-инилар ўртасида келишмовчилик бошланади. Бундай муқаддимадан мақсад қуйидагидир.

Шоҳибекхон – Шоҳ Будоғ султоннинг ўғли, бу эса Абулхайрхоннинг ўғлидир. Абулхайрхон вафотидан кейин ортида қолган унинг одамлари ўртасида қарама-қаршилиқлар бошланиб, ҳар ким ҳар тарафга кетди. Барча аслзода, султонзода ва шаҳзодалар тумтарақай бўлиб кетишди, ҳолбуки, халқ уларнинг кучига ишонган эди.

Бунинг қисқа баёни бундай: Шоҳибекхон синиб, узоқ сарсонликлардан кейин ҳеч иложи қолмагач, Мовароуннаҳрга келди. Ўша пайтда бу ерда подшоҳлик навбати Султон Аҳмад мирзо ибн Султон Абусаид мирзога келган эди. Султон Аҳмад мирзо омадли подшоҳлардан эди, улуғ амирлар, обрў-эътиборли, эзгу ниятли давлат арбоблари унинг хизматида эдилар; улар бошқа ҳукмдорларни ҳам ўз хизматларига таклиф қилишарди. Шулар орасида Бухоро ҳокими амир Абдулвали Тархон ҳам бор эди, Шоҳибекхон шунинг қўлида хизмат қила бошлади. Амир Абдулвали уни ўз мулозимлари қаторига қўшди. Бундан бўлак шунга ўхшаш бир қанча султонлар ҳам унинг хизматини ихтиёр қилишди. Мана шундан ҳам Султон Аҳмад мирзонинг буюклиги ва куч-қудрати ҳақида хулоса чиқарса бўлади.

Султон Аҳмад мирзо ҳаётлигида Шоҳибекхон Абдулвали Тархон мулозимлари қаторида бўлди. Султон Аҳмад мирзо билан Абдулвали Тархон деярли бир вақтда Аллоҳга омонатларини топширишгач, Шоҳибекхон Туркистонга бориб, Султон Маҳмудхон эътиборини қозонишга уринди. Хон имкони борича ундан ёрдаму мададини аямади. Унинг кўмагида Шоҳибекхон Бухоро ва Самарқандни олди, унинг лашкари икки-уч юз кишидан эллик минг, эҳтимол, ҳатто олтмиш минг кишига етди. У Туркистонга кетганидан бошлаб, Султон Маҳмудхон ёрдамида унинг кучи ортиб бораверди, султонлару амирлардан энг саралари ва Абулхайрхондан қолган Дашти Қипчоқда тентираб юрган бошқа одамлар у қаерга борса, ўша ерда унга бирлашаверишди.

Шоҳибекхон Самарқанд ва Бухорони олгач, ўз ҳомийсини йўқотиш пайига тушди. Ҳомий (Султон Маҳмудхон) эса ўз ҳимоясидаги кимса (Шайбонийхон) олдида ночор аҳволда қолди. Бунинг хабари Олачохонга етгач, у Мўғулистондан акасига мадад бериш учун келди. Шоҳибекхон қандай қилиб хонни

асирга олгани ва қўйиб юборгани бундан олдин қисқача баён қилинган эди. У хон лашкаридаги одамлардан қўлидан келганча ажратиб олди, ўзбек лашкарига ўттиз минг мўғул қўшилди.

Мисра:

Гул бўлди-ю ҳам сабза жилвагар бўлди.

Шоҳибекхон Тошканддан қайтиб, Самарқандда тўхтамай Ҳисорга Балх қамалига кетди, бу ҳақда айтиб ўтилган эди. 909 (1503-1504) йил қишини Балх қамалида ўтказиб, эрта баҳорда Самарқандга келди ва икки ойни Самарқанд яйловларида ўтказиб, кейин мамлакатларни эгаллаш жоловини Андижон тарафга бурди.

Биринчи йил у хонларни – Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхонни асир олди, Танбал ва Андижон билан шуғулланмади, чунки унинг учун энг муҳими Тошканд ишини бир ёқлик қилиш эди. Шу билан бирга, Шайх Боязид ҳали Тошканд олинмай туриб, Шоҳибекхонга ёқиш учун турли йўллар билан ўз мулозаматини намойиш қилиб, дарҳол кутиб олишга чиқди. У Танбал номидан ҳам шароит тақозоси билан мулозаматлар қилди. Ўша йили Шоҳибекхон хон шу билан қаноатланиб, орқасига қайтди. У Тошканддан ва мўғуллардан кўнгли тўқ бўлгач, ҳисорлик ва хуросонликларни кўзлади. Энг аввало Андижонни ва Танбални қўлга олиб, хотиржам Ҳисор ва Хисравшоҳни олиш учун жўнамоқчи бўлдики, бу Хуросонга ўтиш йўлининг бошланиши бўларди.

Шоҳибекхон Фарғона вилоятининг муҳим шаҳарларидан бири Марғилонга етиб келганда, Танбал Фарғонанинг барча қалъаларини ташлаб, бутун кучини Андижон қалъасига қаратди. Бунинг хабари Шоҳибекхонга етгач, у ўз одамлари билан маслаҳат қилди, мулоҳазали одамлар айтишдики, унинг кучларини фақат бир жойга қаратгани бизнинг ишимизни осонлаштиради. Улар дарҳол йўлга тушишди, Танбал қалъада ўтираверади, деб ўйлашди. Шоҳибекхон режага мувофиқ шаҳарни ўзи қамал қилди, қолган одамлари эса Андижон атрофига ҳужум қилиб, уларни талаб, қалъаларини босиб олиш, қалъани бузиб, одамларини ўлдириб қайтиб келишлари керак эди. Келгуси йили келиб, уларни бутунлай йўқ қилмоқчи бўлишди. Аммо башорат қўли Танбалнинг ёқасидан олиб, олдинга етаклади. Шундай қилиб, у Андижон қалъасидан очиқ майдонда жанг қилиш ниятида чиқди. Танбал ўн минг одами билан чиқди. Шоҳибекхон келганида, лашкарнинг кўплигидан Танбал одамларининг кўзлари қамашди. Улар қалъага қайтиб киргунларига қадар кўплари ўткир қилич тиғидан Аллоҳ ҳузурига жўнадилар. Танбал эса акаси билан енгилиб, қочишди ва қалъага бекинишди. Ўша йили фақат вилоятни вайрон қилиб, бу билан келгуси йилги ишни енгиллатиш ниятида келишган эди, Танбал эса ўз қўли билан фалокатга йўлиқди. Янаги йилга қолдириладиган иш қирқ кун ичида ҳал бўлди. Шоҳибекхон камгина кишилар ўз жонлари учун кўрқиб қалъага яшириниб олишганини кўргач, у ишга янаям қаттиқ киришди ва қамални кучайтирди.

Қойир Тегин тор-мор қилинган, отам у ердан чакрак элати юртига кетган эди. Энг ҳайрон қоларлиси шуки, гарчи Танбал Шоҳибекхон келаётганини билса-да, Шоҳибекхон билан жангга тайёрланиш ўрнига, отамга қарши чакраклар устига юриш қилди. Чакраклар отам билан иттифоқ тузиб, Туруқшорон дарасида ўрнашиб олишди. Танбал келгач, қаторасига уч кун қаттиқ жанг бўлди. Отамдан шундай гапларни эшитган эдим: «Уч кун давомида юз ҳийла билан жонимни сақлаб қолдим, кеч бўлгач, Танбал тагин ҳужум қилса нима бўлади? – дея қаттиқ ўйга толдим. Барча ишга яроқли одамлар ўлган ёки ярадор бўлган, бошқа одам қолмаган. Эртага нима бўлади? Тонг отгач, биз қаттиқ кўрқув ичида тоғ тепасидан қараб, Танбалнинг лашкари тўда-тўда бўлиб шошилиш кетаётганини кўрдик. Беҳад қувониб кетдик. Биз дарҳол пастга ярадор бўлмаган, бўлса ҳам, яраси унча оғир бўлмаган бир неча одамни жўнатдик, улар бир одамни олиб келишди. У, ярим кечада бир одам Шоҳибекхоннинг Кандибодомга яқинлашгани хабарини олиб келганини, шу боисдан Танбал шошилиб кетиб қолганини айтиб берди. Бу хабардан бизга тагин жон кирди ва хурсанд бўлиб кетдик. Шу заҳотиёқ Шоҳибекхонга одам жўнатиб, тақдир тақозоси билан шу ерларда тентираб юрганимизни, хоннинг келганлиги хабарини эшитиб, қайтадан жонланганимизни билдирдик. Бизга нисбатан қандай фармон бўлса, биз бажарамиз, дедик. Бу элчи Андижон қамалининг иккинчи куни етиб борган, Шоҳибекхон уни тўхтатмай қабул қилган ва: «У биз томонга иложи борича тезроқ келсин, уни кўришни жуда-жуда истаймиз» деган. Эҳтимол бормаслигим керакмиди, қаттиқ кўрқардим, аммо бошқа иложим йўқ эди, ўз манфаатимни ўйлаб, яхшилиқ умидида йўлга тушдим. Хонни кўрганимда у менинг истиқболимга чиқиб, катта эъзоз-икромлар билан кутиб олиб кўп шоҳона илтифотлар кўрсатди, барча амир ва султонларига, Муҳаммад Ҳусайн кўрагон бизнинг меҳмонимиз, унга меҳмоннавозлик қилинглари, деб кўрсатма берди.

Андижон қамали давом этган ўша бир неча кун давомида барча амир ва султонлар бизни меҳмон қилишиб, ҳурмат-эътибор кўрсатишди. Қирқ биринчи куни тонгда Танбал қалъанинг бир минораси устига чиқиб қичқирди: «Ҳой мирзომ, менинг хизматларимни, болагимизни эсланг, айтинг, мен нима қилишим керак?». Танбал отамнинг кўкалдоши эди. Отам сўзида давом этди: «У менга нисбатан беҳисоб номаъқулчиликлар қилган, ўртамизда оғир хафачиликлар ётган бўлса-да, мен қаттиқ куйиндим. Иш қўлдан кетган эди, мен унга: «Нега сен қалъани маҳкамлаб олгансан, ахир ҳозир жанг пайти эмас-ку?» дедим. «Унда нима қилай?» деб сўради у. «Агар сен ўз ожизлигинга тан бериб, бу ёққа тушсанг, тўғри иш бўлади» дедим мен. Шу ерда Темур Султон ҳам бор эди. Танбал шу заҳоти ака-укалари билан пастга,



саросимада яқин келиб, мени қучоқлади.

Унга ортиқ вақт беришмади, бир соатда ҳаммани тиғдан ўтказишди. Кейин қалъа дарвозаларини беркитиб, вақтни ўтказмай қалъани талаб, ўша вилоятни Жонибек Султонга бериб, қайтиб кетишди», дея ҳикоя қилган эди.

Отам Шоҳибекхонга ҳамроҳ бўлиб Самарқандга борди. Бир неча кун улар лашкарнинг қурол-аслаҳаларини тайёрлаб Хисравшоҳ устига қўшин тортишди. Улар Ҳисорга етишганда, Хисравшоҳ тарбия қилган одамларидан Шерам чуҳра исмли биттаси Ҳисор қалъасини маҳкамлаб олди. Шоҳибекхон шахсан ўзи қалъани қамал қилди. Бир неча кундан сўнг Шерам чуҳра омонлик тилаб, пастга тушди ва қалъани топширди. Хон, ўз ваъдасига вафо қилиб, Шерамга омонлик берди. Шерам бир муддат хон хизматида бўлиб, кейин ўз қавмига қўшилиб кетди, унинг кейинги аҳволи номаълум. Лекин қалъа қамали билан шахсан ўзи шуғулланган хон укаси Маҳмуд султонга лашкари ичидан ким кетишни хоҳласа, ўшани олиб Қундузга йўл олишни буюрди. Чунки Хисравшоҳ аллақачон Қундуз қалъасини турли озиқ-овқат ва хазина билан тўлдирган бўлиб, бутун оламга, мен йигирма йилга етгулик захира тўпладим, агар бу ерга келадиган ҳамма йўллар кесилса, мен қалъада йигирма йилни бемалол ўтказаман, деб жар солган. Йигирма йил ичида ким бору ким йўқ. У мана шундай мақтаниш билан овора бўлиб турганда Шоҳибекхон Ҳисорни қамал қилди, Маҳмуд султон Аму дарёсидан ўтиб келмоқда, деган хабар келди. Хисравшоҳ дарҳол қўлга илинган нарсани олиб, қолганини қолдириб, саросимаю таҳликага тушиб, тоғларда жон сақлаш умидида қочиб кетди.

Байт:

Сени бу қишлоқдан ҳайдамай туриб,  
Юкинг юклаб жўна жуфтакни уриб.

Бир-икки кундан сўнг Маҳмуд султон Қундузга кириб келди, фақир банда ўз ука-сингилларим билан Қундузда эдик. Илгари баён қилинганидек, Хисравшоҳ отамни Султоним бегимга уйлантириб қўйган эди, ундан сўнг нима қилгани ҳам айтиб ўтилди, бизни эса Қундузга олиб келишди. Биз Қундузда бўлган кунларда Султоним бегим ўғил кўрди, отини Абдуллоҳ қўйдик. Унинг ҳаёти турли жойларда зикр қилинади. Отам Маҳмуд султонга ҳамроҳлик қилиб келди, улар орасида катта яқинлик ва ўзаро ошнолик бор эди. Бунинг сабаби шу эдики, Шоҳибекхон ўз фаолиятининг дастлабки пайтида салтанатга тегишли барча масалаларда пала-партишликка йўл қўймас эди. Ҳар гал, бирор нарсани қўлга туширишга қулай фурсат топилса, уни қўлдан чиқармасди. Агар ўша иш унинг фойдасига ҳал бўлса – яхши, борди-ю акси бўлса, минг узрлар айтиб, сабабларни рўқач қиларди. Бунақа тўқнашувлар у ва Маҳмуд Султон ўрталарида кўп бўлган эди. Энг қизиғи шундаки, мабодо шундай ҳолат юз берса, Маҳмуд Султон унинг ошқора ҳийладан иборат узрларини қабул қиларди. Бунинг тафсилоти анча узун, булар «Тарих»нинг асосий қисмида баён қилинади. Ўшандай ишлардан бири будир: дўстлик ва ҳамжиҳатлик пайтларида Шоҳибекхон Туркистонда эди. Султон Маҳмудхон Танбал устига қўшин тортган эди. Нотўғри маслаҳат туфайли у уч кун йўл босгач, Султон Маҳмудхоннинг фикри ўзгариб, ортига қайтди, бу ҳақда «Тарих»нинг асосий қисмида зикр қилинган. Султон Маҳмудхон лашкарига сарҳад мавзеларидан тўпланган барча амирлар орқага қайтиб сарҳадда тўхташди.

Султон Маҳмудхон лашкарининг отлангани хабари Туркистонга, Шоҳибекхон қулоғига етди.

У дарҳол очкўзлик оёғини ғайрат узангисига қўйиб йўлга тушди ва шахсан ўзи Тошкандга томон юрди, Маҳмуд султонни эса, эски китобларда Исфижоб деб номланган Сайрамга жўнатди. Аммо йўлдаёқ у Султон Маҳмудхоннинг орқага қайтганини эшитиб, унга одам юбориб: «Ҳазратнинг одамлари бахт-иқбол жоловини гуноҳкор қул Танбалга қарши буришганини эшитиб, Тошканд ва ундаги аҳоли аҳли аёлларини муҳофаза қилиш учун бораётган эдим. Гарчи ундан бўлак душман бўлмаса-да, сизнинг пойтахтга, подшоҳлик тахтига қайтаётганингизни эшитиб, ортимга қайтдим» деган гапларни етказди. Шоҳибекхон Туркистонга кетди. Шунингдек, у Маҳмуд султонга ҳам чопар юбориб, у ҳам йўлда уруш-пуруш қилиб юрмай қайтсин, деб тайинлади. Бироқ ҳали чопар етиб келмасдан олдин Маҳмуд султон Сайрам холидир, деб ўйлаб, Сайрамга ҳужум қилди. Султон Маҳмудхоннинг буйруғи билан Сайрамда амир Аҳмад ҳокимлик қиларди. У иторжи амирларидан бўлиб, Танбалнинг амакиси эди. У жиянининг акси ўлароқ Султон Маҳмудхонга жуда катта хизматлар кўрсатган эди. У Маҳмуд султонга қарши урушди, Маҳмуд султон енгилди. Амир Аҳмад уни тутиб олиб, қўл-оёғини занжирбанд қилиб Султон Маҳмудхон саройига олиб келди. Султон Маҳмудхон отамга киши юбориб, бу воқеани унга етказди. Отам бориб, унинг хунини сўради, хон унга илтифотлар кўрсатиб, қўйиб юборди. Қиссадан ҳисса шуки, Маҳмуд султон билан менин отам ўртасидаги дўстлик ва ошнолик кучайди. У Маҳмуд султон билан бирга Қундузга келиб, ўзи билан бизни бутун оиламиз билан олиб, Шаҳрисабзга борди, у ерни Шоҳибекхон отамга иқта қилиб берган эди.

Балхдан қайтганидан бошлаб то ҳозир айтилган вақтгача орадан бир баҳор ўтди.

Қишнинг бошида Шоҳибекхон Хоразмга юриш қилмоқчи бўлди, отам эса Хуросонга қочиб кетди.

Агар шу ўринда Бобур Подшоҳ ва Султон Саидхонлар билан боғлиқ воқеалар баёнига қисқача тўхталмасак, бундан кейинги ҳикоямиз мазмуни уланмай қолади. Бу қисқа тасвирнинг тафсилотлари

«Тарих»нинг асосий қисмида баён қилинади.

---

**Еттинчи фасл. Бобур Подшоҳ (Аллоҳ унинг гуноҳларини кечирсин)нинг насл-насаби, унинг мўғул хоқонлари билан қариндошчилиги тавсифи ва фаолияти аввалининг қисқача баёни.**

Гапнинг қисқаси, қадимдан чиғатой ва мўғуллар орасида катта адоват бўлган. Шу билан бирга, Амир Темур давридан то Султон Абусаид мирзо давригача тахтга Чингизхоннинг ўғли Чиғатойхон авлодидан кимнидир ўтқазиб, уни подшоҳ деб аташган. Аслида улар подшоҳ фармонларидан маълум бўлишга фахрий маҳбус бўлишган. Султон Абусаид мирзо подшоҳлиги даврига келиб, бу тартибга барҳам берилди. У Шерозга одам юбориб, у ердан Юнусхонни олиб келтириб, уни Мўғулистонга укаси Эсан Буғахонга қарши юборди.

Юнусхоннинг Шерозга кетиши, Эсан Буғахоннинг хон бўлиши ва Султон Абусаид мирзонинг подшоҳлик қилиши тафсилотлари бу ихчам китобга сифмайди.

Хуллас, Султон Абусаид мирзо Юнусхонга: «Ҳозир сиз ўзингизнинг аввалги хонлик одатларингизни ҳатто хаёлингизга ҳам яқин келтирманг, яъни шоҳ фармонлари ўз сулоласи номи билан зийнатланади. Энди бизнинг орамызда фақат дўстлик ва ҳамжиҳатлик ҳукм суради» деди.

Юнусхон ўттиз йиллик машаққатлардан сўнг Мўғулистонга келиб, Эсан Буғахон устидан ғолиб келди.

Бунинг муфассал баёни Султон Саидхон ва Абобакр мирзо фаолияти ҳақидаги ҳикояда берилади.

Юнусхоннинг олижаноб қалби маълум даражада хотиржам бўлгач, у Яратганнинг азалий иродасига амал қилиб, яъни «Қачон сизларга бирон ибора билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олинглар ёки (ҳеч бўлмаса) ўша иборани қайтаринглар» (4.86.) деган ояти карима мазмунидан келиб чиқиб, Султон Абусаид мирзо азалий адоватни янги дўстлик билан алмаштирди, биз эса шу дўстликни қариндошлик ришталари билан мустаҳкамлаймиз» деди. Султон Абусаид мирзонинг уч ўғлига – Султон Аҳмад мирзо, Султон Маҳмуд мирзо ва Умаршайх мирзога ўзининг уч қизи – ақлу ибода тенгсиз бўлган Меҳр Нигор хоним, Султон Нигор хоним ва Қутлуқ Нигор хонимни берди, булар ҳақида аввал тўхталган эдик.

Умаршайх мирзо подшоҳлик қиладиган Фарғона вилояти Мўғулистоннинг ёнгинасида жойлашган эди, шу сабабли Юнусхон бу мирзолардан кўпроқ Умаршайх мирзони ўзига яқин олар, уни ўз ўғилларидан кам кўрмас эди. Қачон хоҳласалар бир-бирлариникига боришар, бориға қаноат қилишиб, ортиқча расмиятчиликларга йўл қўйишмасди. Бобур Подшоҳ туғилганида Юнусхонга хушxabарни етказиш учун одам жўнатди. Хон Мўғулистондан етиб келди ва улар анча муддат бирга бўлишди. Бобур Подшоҳнинг сочига қайчи уришганда ҳар бири бунга байрамга айлантирган. Юнусхон билан Умаршайх мирзо дўстликлари шу қадар эдики, ҳеч қачон икки ҳукмдор орасида бунақаси бўлмаган.

**Бобур Подшоҳнинг туғилиши ва унинг насл-насаби баёни.**

Хуллас, Подшоҳ саккиз юз саксон саккизинчи йил муҳаррам ойининг олтинчи (1483 йилнинг 14 феввали) кунда таваллуд топди. Улуғбекнинг уламои мутаххирларидан бири – Мавлоно Мунир Марғинович унинг туғилган йили тарихини «Шаши муҳаррам» (муҳаррам ойининг олтинчи кун) сўзларидан топди. Улар Ҳазрат Эшон Убайдуллоҳдан гўдакка исм қўйиб беришни сўрашди. У киши Заҳириддин Муҳаммад исми билан мушарраф қилдилар. У пайтда чиғатойлар кўчманчи ҳаёт кечиришар, ўтроқ эмас эди, улар Заҳириддин Муҳаммадни айтишга қийналишарди, шу сабабли уни Бобур деб ҳам атардилар. Хутба ва ёрликларда уни «Заҳириддин Муҳаммад Бобур» деб айтишди ва ёзишди. Аммо у кўпроқ Бобур Подшоҳ номи билан машҳурдир.

Насл-насаби: Умаршайх кўрагон ибн Султон Абусаид кўрагон ибн Султон Муҳаммад мирзо ибн Мироншоҳ мирзо ибн Амир Темур кўрагондир. Она томондан – Қутлуқ Нигор хоним Юнусхон қизи ибн Увайсхон ибн Шералихон ибн Муҳаммадхон ибн Хизр Хожохон ибн Туғлуқ Темурхондир.

У турли гўзал фазилатлар, мақтовга лойиқ сифатларга эга подшоҳ эди. Барча сифатлари ичида шижоат ва мурувватпешалиги устун келарди. Туркий шеърятда Мир Алишердан кейин ҳеч ким унингчалик кўп ёзмаган. У туркийда ажойиб тотли девон тартиб берган. «Мубайин» номли шеърий асар яратган – жуда фойдали китоб бўлиб, одамлар уни фикҳ дастуруламали сифатида қабул қилишган. У «Туркий аруз»ни ёзганки, бундай етук асарни – туркий арузни унганча ҳеч ким битмаган. Ҳазрат Эшон (Хожа Убайдуллоҳ)нинг «Рисолаи волидия» асарини назмий таржима қилган.

Унинг «Вақоеъ» («Бобурнома») номида туркий тилдаги тарихий асари борки, у жуда аниқ, тушунарли, ширали, соф жонли тилда битилган. Ундан айрим парчалар мазкур «Тарих»да ҳам келтирилади. Мусиқий ва бошқа санъатларда унинг хонадонидан унганча бундай иқтидорли киши бўлмаган.

Унинг бошидан шундай ғаройиб воқеалар, ҳайратланарли саргузаштлар ва жанглар кечганки, унинг ўғилларидан бирортаси бундай воқеаларни бошдан кечирмаган. Отаси Умаршайх мирзо оламдан ўтганда у ўн икки ёшда эди. Бу ҳақда «Вақоеъ»да шундай моҳирона сатрлар битилганки, улар туркийда бўлса-да, бу ерда келтирамиз: «Душанба кун рамазон ойининг тўртида Умаршайх мирзо кабутархонадин кабутар

бирла учуб, шунқор бўлди. Ўттуз тўққуз яшар эрди». Бу воқеа 899 (8 июн 1494) йилда содир бўлди, Бобур ўшанда отасининг ўлиmidан сўнг ўн икки ёшида тахтга чиққан эди.

Султон Маҳмуд мирзонинг ўғиллари Бойсунғур мирзо билан Султон Али мирзо ўртасида шундай тўқнашувлар бўлдики, Самарқандни ҳимоя қилишга икковидаям куч қолмади. Бунинг хабари Андижонга етгач, Бобур Подшоҳ Самарқандга қараб юрди. Гарчи мирзолар кучсизланиб қолишган бўлса-да, унга қаттиқ қаршилиқ кўрсатишди. Охири Бойсунғур мирзо дош беролмай, шаҳарни ташлаб, Ҳисорга кетди ва у ерда Хисравшоҳ томонидан ўлдирилди, бунинг қисқача баёни эслатилган эди. Бобур Подшоҳ Самарқандни олди, Андижон лашкарини имкон борича Самарқандда олиб қолди, қолган қисми рухсат олиб-олмай Андижонга кетди.

Номи илгари эслатилган Танбал Андижонга келибоқ, бир қанча амирлар билан келишиб, Бобур Подшоҳнинг укаси Жаҳонгир мирзони подшоҳ қилиб кўтарди. Улар бегуноҳ Андижон қозиси (Мавлоно Хожа Абдулло)ни ўлдиришди. У салтанат ишларини изга туширишда Подшоҳга катта ёрдамлар қилган, беҳад тақводор мўмин инсон эди. Қози ўлдирилмасдан олдинроқ (Аллоҳ уни раҳматига олсин) Подшоҳнинг яқинлари қисқа муддатда қалъани мустаҳкамлаб олишди ва Бобурга хатлар жўнатиб: «Иложи борича тезроқ бизнинг додимизга етмасангиз, Андижондаги ишлар сўзсиз барбод бўлади, унда аниқки, Самарқанддаги ишлар ҳам инқирозга учрайди», деб унга таҳликали мурожаат қилишди.

Хат Подшоҳга етиб боргач, у Самарқандни ташлаб, Андижонга йўл олди. Хўжандга етганда, хабар келдики, душманлар ўз ишларини қилиб бўлишган. «Бу ёқдан ҳайдалган, у ёққа етолмаган» Подшоҳ саросимада қолиб, тоғаси Султон Маҳмудхондан мадад сўради.

Шу пайтда ўғли ва синглиси, яъни мен фақир банданинг онаси ёнига Подшоҳнинг онаси ва бувиси Эсан Давлатбегим келишди. Шу муносабат билан Подшоҳ бизнинг вилоят (Ўратепа)да ҳам турди ва азиз меҳмонлар учун мезбонлар кўлларида келганча ҳаракат қилдилар.

Иккинчи марта жуда катта қийинчиликлар ва қатор мағлубияту ғалабалар билан Бобур Подшоҳ Самарқандни ўз тасарруфига олди. Самарқандни ҳимоя қилиш мақсадида у Самарқандга талабгорлар билан кўп жанг қилди, мағлубият ва ғалаба нималигини синаб кўрди. Иш шаҳарда қамалда қолишгача борди. Охири Бобур Подшоҳнинг тоқати тоқ бўлиб, Шоҳибекхонга, аввал эслатиб ўтганимиз опаси Хонзодабегимни бериб, сулҳ тузди-да, кетди, Самарқанд Шоҳибекхон қўлида қолди. Бу қисқа баённинг тафсилотлари ғоятда узун. Қисқаси, Самарқанд ҳақида уйлашни бас қилиб, Бобур Подшоҳ яна ўз тоғалари ёнига қайтиб, Андижон ишлари билан машғул бўлди. Хонлар ҳам белларини оталик меҳр-муҳаббати билан боғлаб, Андижонни эгаллаб, уни Подшоҳга бериш учун саъй-ҳаракатлар қилишди. Иш айтиб ўтилганидек яқун топди.

Охири жангда хонлар Шоҳибекхон қўлига асир тушишди. Подшоҳ Фарғона жанубидаги тоғларга кетди ва кўплаб қийинчиликлар, машаққатларни бошдан кечирди. Подшоҳнинг онаси ҳам ҳамроҳ эди, Подшоҳ мулозимларининг кўпчилиги аҳли аёллари билан кўчмоқда эди. Мўминларнинг имоми, яхшиларнинг яхшиси, мусулмонларнинг амири Ҳазрат Али (Аллоҳ унинг юзини иймон нури билан ёритсин) бундай деган экан: «Ҳазрат Пайғамбаримизнинг сўзларига кўра «Сафар – дўзахнинг бир парчасидир».

Маккор фалакнинг зулмкорлигига кўра ҳар бир азиз ва гавҳар каби пок кишилар учун тайёрлаган жафокорлиги ва душманлиги, хорликка солишлари қанча бўлса, уларнинг ҳаммаси ана шу сафарда Бобур Подшоҳнинг ва унинг сафардошлари бошларига ёғилди. Ниҳоят улар саноксиз азобу машаққатлар билан Хисравшоҳнинг пойтахти Ҳисор вилоятига етдилар. Хисравшоҳ одамгарчилиги билан машҳур эди. Бобур Подшоҳ ундан одамгарчилик ва мурувват кутган эди, лекин у фалакдек тескари айланиб, одамгарчилик юзини четга ўгириб, мурувватсизлик орқасини мурувватли зотнинг юзига тўғрилади. Ҳарқалай у бироз одамгарчилик қилди: уларнинг олдинга юришларига тўсқинлик қилмади. Ўта синиққан, хароб ва таҳликали ҳолатда қочиб, улар Ғури ва Бақлон тарафга ўтиб кетишди. Бу ерга етиб келишганда, уларнинг йўл юргудек қуввати, қадам ташлагудек ҳолатлари қолмаган эди, шу туфайли у ерда бир неча кун қолиб кетишди.

Мисра:

Гоҳида бахтсизлик охири бахт мевасин берар.

Гарчи у жойда тўхтаб турмоқлик уларга оғир туюлса-да, ҳарқалай бунда ҳамма нарсага қодир ҳокими мутлақнинг лутфи мужассам эдики, доноларнинг узоқни кўрадиган кўзлари буни кўрмасди.

Бу орада Шоҳибекхоннинг Ҳисорга тўсатдан бостириб келиши ва Маҳмуд султоннинг Қундузга ҳужуми шов-шуви Хисравшоҳнинг гурури ҳамда ҳокимиятининг ичи бўш ноғораси гумбур-гумбурини ўчирди, бу ҳақда аввал ёзган эдик. Бобур Подшоҳнинг Ғурида эканлигини билмай у ҳам Ғурига йўл олди. Ҳали айтилган жойга борганида Бобур Подшоҳнинг Ғурида эканлиги маълум бўлди. Ўша кечасиёқ унинг хизматкору мулозимлари, амирдан шотирларигача катта-ю кичик ҳаммаси Подшоҳ томонга ўтиб кетишди. Хисравшоҳнинг Подшоҳ хизматида боришдан бўлак иложи қолмади. Ҳолбуки, у Подшоҳнинг амакиваччаси Султон Масъуд мирзонинг кўзига оламни қоронғу қилган, Масъуднинг укаси Бойсунғур мирзони тахтга ўтказган заҳоти қайтариб тобутга тортган, Подшоҳ юқорида зикр қилинган аҳволда уни қора тортиб келганида, бемурувватлик қилиб, уни ҳайдаб юборишни буюрган эди.

Айни пайтда жабрланган мирзоларнинг укаси Мирзохоннинг ота-онаси билан Подшоҳнинг ота-онаси туғишган ака ва сингил эдилар, у ҳам оғир лаҳзаларда, унинг тоғда ўтказган машаққатли кунларида унга кўшилган, ҳозир ҳам унинг хизматида эди, Хисравшоҳ Подшоҳ саройига келгач, акалари учун Хисравшоҳдан қасос олишни Подшоҳдан сўради.

Табиатан мурувватли инсон бўлган Бобур Подшоҳ Мирзохонга мулойим оҳангда: «Афсус, минг афсуслар бўлсинки, мана шундай ҳурматли подшоҳларга шайтон маккорлигини қўллайди», деди. Бобур мурувват дурларини бағрикенглик зумрадига шунчалик ишқаладики, охири Мирзохон бир сўз демай рози бўлди. Хисравшоҳ Подшоҳ ва Мирзохоннинг уни шоҳона расм-қоида ва иззат-икром билан кутиб олишганини кўргач, ғаддор манглайини уят ва хижолат тери боса бошлади, Подшоҳ эса унинг терини афв этаги ва марҳамат энги билан артди. Қабул тугагач, Подшоҳ ўз одамларига Хисравшоҳнинг ҳамма нарсасини – чодирлари, бойликлари, отлари ва ҳоказоларини ундан қандай олишган бўлса, ўша ҳолатда қайтариб беришни буюрди. Гарчи Подшоҳ оиласида биргина от бўлиб, уни ҳам волидаи муҳтарамаси миниб келаётган, шунга кўра унда нарсаларга муҳтожлик бўлса-да, у Хисравшоҳ буюмларидан ҳеч нарса олмади, Хисравшоҳнинг ўзи унга совға сифатида бир нарсани ўша учрашув пайтида, ҳали нарсаларини қайтиб олмай туриб ваъда қилди, бутун қурол-аслаҳаларию хазинаси бекаму кўст қўлига теккач, ўша ваъда қилган нарсасини Подшоҳга берди.

Хуросонга кетишга рухсат олиб, Хисравшоҳ Подшоҳдан айрилиб кетди. Ҳайратланарлиси шуки, Хисравшоҳ шунча лашкарга эга бўлатуриб, ўз вилоятини ҳимоя қилмади ва Хуросондан озгина ёрдам олиб, Қундуз устига келди, муроди ҳосил бўлмай, шу ерда осонгина ўлим топди. Дарҳақиқат, ўз хожасининг ўғлини ўлдирган одам сўзсиз ҳалокатга йўлиқади. Энди Бобур Подшоҳга келсак, у бир кечада йигирма минг кишига эга бўлди. Боқи Чағониёний, Султон Аҳмад Қоровул, Боқи Тиллофуруш ва бошқа зўр қуролланган баҳодир амирлар Подшоҳ хизматида бел боғлашиб, у билан бирга Кобул устига юришди. Кобулда Подшоҳнинг амакиси Улуғбек мирзо Кобулийдан кейин ҳокимиятни Зуннун Арғуннинг ўғли Муқим эгаллаган бўлиб, у Султон Ҳусайн мирзонинг мирзодаларидан эди. Подшоҳ Кобулга етиб келгач, Муқим унга қарши қўзғалди, аммо озроқ жанг қилиб чекинди ва қалъа ичига беркиниб олди. Охири қамалга тоқат қилолмай, омонлик сўраб, қалъани топширди. Подшоҳ ўз аҳдига вафо қилиб, унга бор-будини ва ўзига яқин кишиларни олиб, соғ-саломат Қандаҳорга кетишга рухсат берди. Ўша сана, яъни 909 (1503-1504) йилдан то ҳозирги 948 (1541-1542) йилгача Кобул Подшоҳ ва унинг тобелари қўлида бўлди. Бобур ҳақидаги ҳикоямиз шу ерда тўхтади.

Султон Саидхон ҳаёти воқеалари, отам ҳақидаги ҳикоялар, Хуросонга кетишининг сабаби ҳамда Бобур Подшоҳ ҳаётига алоқадор ундан сўнги воқеалар кейинроқ баён қилинади. Бунгача хоннинг зафарли юришлари қисқача баён қилинган эди, энди эса унинг ҳаёти ва фаолияти давомида юз берган воқеалар бошдан-оёқ муфассал ҳикоя қилинади.

---

### **Саккизинчи фасл. Султон Саидхон ибн Султон Аҳмадхон ибн Султон Юнусхон ҳақида. Дастлабки йилларда унинг ҳаётида юз берган қийинчиликлар ва бахтсизликлар баёни**

Ҳазрат Ҳокими мутлақ ва Маликул мулк (Аллоҳ) ўз фақир бандаларидан бирортасига улуғлик тожини кийгизишни маъкул топса ва бандаларининг тенглари ичидан энг муносибини ўз инояти тўни бирла сарафроз қилишни истаса, аввал уни роса синовларга солади, бошига мислсиз қийинчиликлару азоб-уқубатларни ёғдиради. Яратганнинг ажиб донолиги мана шунда кўринадики, у ўша бандасини шу тахлит фақиру мискинлар аҳволи билан таништиради, бандаси ожизлар ҳолига раҳм-шафқат кўзи билан қарасин деб, салтанат ва динни ақл-фаросати ва зукколиги билан тартибда тутсин деб бўлажак ишлардан уни воқиф қилади. Бундай синов жаҳон элининг фаҳри, мусулмон динининг нури шайхулислом Абдурахмон Жомийнинг «Силсилат аз-заҳаб» асарида Ҳазрат Вожибул Вужуд даргоҳининг яқин дўсти Мусо алайҳиссалом ҳақида шеърӣ йўл билан жуда яхши ҳикоя қилиб берилган.

Назм:

Кунларнинг бирида Мусои Калим  
Вафо манзилида ташларди одим.  
Чўпонлик ишида кезарди ҳар ён,  
Қўйлар ҳуркиб кетди шунда ногаҳон.  
Бир кўзи сурувдан кетди айрилиб,  
Чопарди ортига боқмай қайрилиб.  
Мусо роса қувди қайтармоқ бўлиб,  
Қўзи ҳолдан тойиб, қолди йиқилиб.  
Мусо уни тутиб, олдида чўқди,  
Шафқат кўз ёшларин бетиним тўқди:  
«Бундай ҳуркишингни боиси нима?  
Елдай югуришнинг фойдаси нима?  
Менинг таъқибимни мулоҳаза қил

Ўзим учун эмас, сен учун, билгил.  
Агар ўз ҳолингга қўйсам сени ман  
Сендан меҳрибонлик узган бўламан.  
Ҳар бир қонхўр бўри сени ҳар қачон  
Эртами ё кечми ейиши осон».  
Қўзини кўтарди ўз елкасига  
Қайтиб бориш учун эл подасига.  
Эзилди, толиқди у оғир юқдан  
Лекин ташламади уни елкадан.  
Хушу нохушликда келар ташвишдан  
Оғирроқ иш йўқдир юк кўтаришдан.  
Шодлик саройида қилсалар қабул,  
Ҳисоб кунига юк ташувчи бўл.  
Ҳақ таоло унинг чўпонлигида  
Синади беҳад меҳрибонлигида  
Деди малакларга: «Қилингиз диққат  
Бунчалик кўрсатган лутфу марҳамат –  
Унинг мартабасин юксалтиргуси,  
Жаҳонда муҳташам подшоҳ бўлгуси.  
Халойиқ бошига чин сарвар бўлар,  
Бу эзгу йўлда у пайғамбар бўлар.  
Унинг паноҳида эл ором топар,  
Унинг оёғига барча бош қўяр».

Шунинг учун ишончли манбаларда келтирганларига кўра, бирорта пайғамбарга пайғамбарлик тожини ва расуллик либосини кийдиришдан олдин у кучлилар ва ожизларга нисбатан меҳр-мурувват ва ачиниш ҳиссини туйиши учун аввал уни чўпонлик заҳматларини чекишга мажбур қилишган.

**«Тарихи Акосира» (Кисро авлодлари тарихи) китобида бир ҳикоя бор:** Кисро наслидан бир уруғи – Нўширавоннинг отаси Қубод ўғли Нўширавон вужудида ақл ва билим жилоларини ҳамда мурувват ва саховатпешалик нуруларини пайқагач, унинг тоза қалби гўдаклигидан илм-ҳикмат билан тўлса, тошга ўйилган нақшдек бўлар, деган ниятда уни олим ва фозил кишилар қўлига топширишга қарор қилди. Шунда Қубод донишманд Хожа Бузургмеҳрни чақириб, унга Нўширавонни топширди. Донишманд айтди: «Модомики бу ишдан мақсад аниқ экан, ҳикмат талаби бўйича қиладиган ишларимиз четдан қараган кишининг калтабин назарида зарарли, бемаъни нарса бўлиб туюлиши мумкин, шу боисдан айтиб қўяй, сизнинг қалбингизда ранжиш аломатлари бўлмаслиги лозим, негаки бу ҳикматнинг фойдаси жуда узоқ замонларгача етиб боради ва акс этиб туради». Қубод ҳам, болани топширишдан кўзланган мақсад ҳам шу эканлигини таъкидлади. Шундан сўнг Хожа Бузургмеҳр Нўширавон билан ҳикмат қасри томон йўл олишди. Отхонадан уларга от беришди. Хожа ўзи отга миниб, Нўширавонга отнинг ёпинчиғини елкасига ташлаб пиёда, Хожа узангиси ёнида кетишни буюрди. Хожа гоҳ отга қамчи босар, гоҳ жиловини тортиб, оҳиста юрарди. Уйга етиб, сарой ҳовлисидаги боғда тўхтагач, у Нўширавонга ғазаб билан қўпол муомала қилди ва уни савалашни буюрди. Икки киши икки томондан йўғон таёқлар билан саваламоқчи бўлишганда, Нўширавон кўрққанидан титраб-қақшаб ялинишга тушди. Хожа: «Бор, сени кечирдим», деди. Нўширавон беҳад қувониб кетди. Кейин Хожа Нўширавонни иззат-ҳурмат билан ичкарига олиб кириб, эъзоз-икромлар кўрсатдики, бундай одамгарчиликни ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган Нўширавон ҳайратда қолди.

Донишманд Бузургмеҳр айтди: «Дастлаб сени узангим ёнида пиёда юришга мажбур қилганимда мақсадим сенинг узангинг ёнида пиёда юрган одамнинг аҳволидан воқиф қилиш – беғам отлиқлар отларини илдам йўрттириб кетишганда, пиёдалар қандай қийналишини билиб қўй, дедим, пиёдаларнинг азобланиши заррача бўлса-да уларнинг хаёлига келмайди ҳам. Кейин мен сендан ғазабланиб, таёқ билан савалашга буюрганимда, ундан сўнг сени кечириб, сен ўшандай зулмдан озод бўлганингда, сени қандай қувонч қамраб олганини эсла! Буларни мен шунинг учун қилдимки, мабодо сен бирорта шўрлик бандани ғазабингга олиб, таёқ билан уришга буюрсанг, ўшанда ўзингнинг ҳам шундай аҳволга тушганингни, азобдан қутулганингда қанчалар севинганингни эслагин, дедим, ўзингга раво кўрмаган нарсани ўзгага ҳам раво кўрма!

Кечирганимдан кейин сени муносиб тарзда меҳмон қилдим, ҳурмат-эътибор тахтига ўтқазиб, доно фикрлар айтиб, ёқимли суҳбат қуриб, кўнглингни топдим. Сен – подшоҳсан, одамлар сендан худди шундай муомалани кутишади. Сен буни ёдингда тутишинг ва мен сенга қандай муносабатда бўлган бўлсам, сен ҳам ўз тобеларингга шундай муносабатда бўлишинг керак».

Шу тахлит бир дунё доно фикрлари билан у Нўширавоннинг ақл хазинасига абадий нақдинани солиб қўйдик, натижада Нўширавон подшоҳ бўлгандан сўнг шундай даражага етдики, бу барча

мавжудотларнинг афзали, бутун борлиқнинг иқболи ҳазрати пайғамбаримиз (барча яхши дуолар унга бўлсин) айтган ҳикмат мазмунига мос келади. У киши: «Мен адолатли шоҳ замонида туғилдим» деган эди. Бу ёрқин ҳикмат Нўширавон бахт-иқболи саҳифаларида битилганки, шунинг учун ҳам у бошқа кофирлардан фарқ қилади, жаҳолат зулматиға қарамасдан, у даҳрийлик маскани – дўзахдан ўзини сақлаб қолди ва ўзига аърофдан – қийноқлардан ҳимоя қилинадиган маскандан жой ҳозирлади. Бу муқаддимадан ва бу ҳикоядан мақсад шуки, Азалий Ҳикмат ўз абадий иродаси билан саҳийлик ва тўғрилиқ асосига қурилган, диёнат ва адолат билан мустаҳкамланган, гўзал фазилатлар инжулари ва хайрли ишлар марваридлари билан зийнатланган ноиблик тожини бошиға кўйди ва қўша-қўша яхши хислатлар билан безатилган подшоҳлик тўнини хоннинг саодатманд елкасига ёпдики, бу салтанатининг етуқлиги билан подшоҳларнинг подшоҳи ҳисобланади, унга ҳамиша бахт-иқбол ҳамроҳ бўлсин учун Султон Саидхон деб исм кўйдилар, яъни бу «Бахтли хон» маъносини беради. Мақсад: барча одамлар – соҳиби давлат ва фуқаро, айниқса, илм аҳли, дарвешлар ҳамда сўфийлар хотиржам ва ҳалол бўлиб, Ҳақ субхонаху ва таолонинг бандачилигини қилиб, берган неъматига шукроналар айтиб ўтиришсин, бунинг баракоти кўп йиллар дунёвий ва диний ишларға фойда келтирсин.

Шундай қилиб, хон дастлаб дунё одамларининг турли тоифалари бошиға турли даражада тушадиган қийинчиликларни бошдан кечирди. Ўзгаришлар даврида қандай кийимни киймасин, ўша кийимни киядиган тоифанинги қийинчиликлари ҳам унинг бошиға тушаверди. Замон ва қисматнинг ғаддор кўргуликлари ва синовларига бардош бера-бера, у хушфееълик ва тажриба тўплаб борди, бу нарса ҳар хил тоифа одамларнинг машғулотларини ўрганишға ва кейинчалиқ подшоҳ бўлган пайтида ўша одамларнинг ҳар бириға ўзига муносиб муомалада бўлишиға ёрдам берди, бу эса ўз навбатида унинг улўф мартабаларға, обрў-эътиборға эришувига олиб келди.

Назм:

Оқилу хунарманд эрларға Аллох

Кошки икки умр тортиқ этсайди.

Бирида муттасил тажриба тўплаб,

Бирида ҳаётға татбиқ этсайди.

Султон Саидхон – бу ҳикоямизда қаерда «хон» сўзи учраса, демак, гап у ҳақда боради – ғаройиб воқеаларни бошдан кечирди. Бу мухтасар тасвирдан мақсад хоннинг фаолиятини кўпроқ очиб беришдир. Бу қисқа баён тафсилотлари қуйидагилардир: унинг муборак насл-насаби юқорида бир неча бор айтиб ўтилди. У туғилганидан то ўн тўрт ёшға етгунига қадар отасининг сояи давлатида, хузур-ҳаловатда ҳаёт кечирди. У ўн тўрт ёшға етганда отаси Султон Аҳмадхон, яъни Олачахонда акаси Султон Маҳмудхонға хизмат қилиш истаги туғилди. Шунда у ўз ўрниға энг катта ўғли Мансурхонни кўйиб, ундан кейинги икки ўғли – Султон Саидхон ва Бобожоқ султонни ўзи билан бирға Тошкандға олиб кетди. Ахсидаги жангда, зикр этилганидек, хонлар қўлга тушганда Султон Саидхон ҳам отаси билан эди. Лашкар пароканда бўлгач, ҳар ким ўз жонини қутқазिशға киришди. Хон ҳам бир томонға қараб қочди. Шунда унинг бўксасига ўқ тегиб, совутини тешиб ўтиб, суягига етди. Отасининг лашкари тор-мор қилингани учун қочисға қуввати етмади. Ўша ерлик одамлар уни тутиб олиб, юришға кучи етмагани учун ҳеч кимға топширмай, бир неча кун ушлаб туришди.

Султон Саидхон қувват тўплагунига қадар Шоҳибекхон ишларни тартибға солиш учун Тошкандға қайтди. Ахсида Шайх Боязид ҳоким эди. Хонни ўшанға олиб келишди ва уни қамаб кўйишди. Хон бир йилға қадар, то Шоҳибекхон келгунча Шайх Боязид қўлида қамоқда бўлди. Шоҳибекхон Танбални тутиб ўлдирди ва Андижонни бошқаришни Жонибек султонға топширди.

Жонибек султон Ахсига келди. Султон Саидхонни Жонибек султон олдига олиб келишди, Жонибек султон уни Шоҳибекхонға жўнатди. Шоҳибекхон унга жуда яхши муносабатда бўлди, оталарча меҳрибонлик билан кутиб олди ва иложи борича ғамхўрлик қилди. Шоҳибекхон Ҳисор ва Қундузни олганда, хон унга ҳамроҳ бўлди. Султон Саид хоннинг ҳайрат ва завқ-шавқ билан айтиб берганини эшитганим бор:

«Шоҳибекхон Ҳисорни олганда, Маҳмуд султон Қундузни эгаллади, деган хабар келди. Шоҳибекхон орқасига қайтди ва жуда секин юрди. У Ҳисорни Ҳамза султонға, Чағониённи Маҳди султонға берди. Дарбанди Оҳанинда йўл торлиги, ўлжаларнинг кўплиги учун лашкар секин-секин Буя ва Термиз тарафдан юрди. Шавкатли лашкар Буяда чодирлар тикиб тўхтади ва пешин пайти эди, мен ҳам мажлисда иштирок этдим. Қабул вақти ҳали бўлмаган, Шоҳибекхоннинг бир нечта мулозимларигина ҳозир эди, холос, шу пайт юзида кўрқув ва таҳлика акс этган бир одам келди. У тез юриб келиб, қўлидаги хатни салтанатға муносиб бўлган тахт пойига кўйди. Шоҳибекхон хатни ўқиркан, юзида кучли ўзгариш зоҳир бўлди. Охиригача ўқимай ўрнидан туриб, ҳарам томонға йўл олди ва от келтиришларини буюрди. Ҳарамда узоқ туриб қолди. Пешин намозидан кейин чиқиб, отға минди, кўп мулозимлари бирға эди. Маълум бўлдики, Маҳмуд султон Қундузда ўз ажали билан ўлипти ва унинг жасадини олиб келишипти.

Бирор соат ўтиб, Шоҳибекхон лашкаргоҳдан чиққанида, қоп-қора кийиниб, кўз ёш тўкаётган одамларни кўрдик. Улар тобутни ерга кўйиб, унинг атрофида саф тортиб туришарди. Шоҳибекхон буни кўриб имо қилган эди, барча султонлар ва бошқа одамлар отлардан тушиб, унинг узангиси ёнида пиёда боришди.

Халойиқ дод-фарёд кўтарди, булар ҳам дод солиб йиғлашга тушди. Шоҳибекхон яқин келгач, бир ишора қилган эди, ҳамма саф тортди, ўзи эса отда олдинга ўтди, отининг боши тобутдан ҳам баланд эди, одамларни жим бўлишга буюрди. Одамлар ёқаларини йиртиб дод солишдан тўхтади. Кейин у Маҳмуд султоннинг амирларидан бирини ёнига чақириб, қоида расмига кўра, таъзия билдирди ва бир муддат юзиям ўзгармай, кўз ёши тўкмай жим қолди. Бироздан кейин бошини кўтариб: «Маҳмуд султоннинг ўлгани яхши бўлди. Одамлар, Шоҳибекхоннинг салтанатини Маҳмуд султон ушлаб турипти, дейишарди, ана энди одамлар Шоҳибекхоннинг салтанати Маҳмудга боғлиқ эмаслигини билишади, олиб боринглар, уни дафн қилинглар» деди. У шу сўзларни айтди-ю орқасига қайтди. Шоҳибекхон шундай кўполлик ва совуққонлигини намойиш қилдики, ҳамма лол бўлиб қолди», дея ҳикоя қилган эди.

Маҳмуд султоннинг ўлими мўғулларни қаттиқ қайғуга солди. Чунки Маҳмуд султон барча соҳаларда мўғулларнинг таянчи эди ва айтиб ўтилганидек, бу хайрли ишда кўп саъй-ҳаракатлар қилди. Улар Самарқандга етишганда Мўғулистондан Шоҳбегим келди. Бу қисқа баённинг тафсилоти шуки, Шоҳбегим хонларнинг онаси ва Бадахшон ҳукмдори Султон Муҳаммаднинг қизи бўлиб, Искандар Зулқарнайн наслдан эди. Бир вақтлар у ўғли Султон Маҳмудхон билан Мўғулистонга кетган эди. Лекин эслатиб ўтилган пасткаш одамлар шундай қилишдики, она-ўғил ўртасидаги одоб ва ҳурмат-эҳтиром чегарасидан чиқмай келган муносабатларга раҳна тушиб, бир-биридан норозилик ва жанжал гардлари пайдо бўла бошлади. Бегимнинг ярамас маслаҳатгўйлари, унинг Шоҳибекхон ёнига кетиши, ундан ўзига бирор вилоятни сўраб олиши кераклигини, негаки унинг Мўғулистонда яшаши қийинлигини қулоғига қуйишар эди. Мана шундай бемаъни гаплар билан улар бегимни жўнатишди. Пасткаш кимсалар бегимни суюкли ўғлидан бошқалар шармандалик ва беобрўлик деб ҳисоблайдиган бир йўл билан ажратишларидан олдин, у оқила аёл бўлганлигидан шуни баҳона қилиб ўғли ёнидан кетди. Бегим Шоҳибекхон қошига илтимос билан кетди, деган миш-миш тарқалди, у бўлса Самарқанддаги ўғилларини кўришидан хурсанд эди. Бу орада Шоҳибекхон Хоразмга томон қўшин тортди, отам Хуросонга қочиб кетди, ҳадемай бунинг баёни келади. Хон айтиб берган эдики, Мирзо қочиб кетгандан кейин аҳвол қийинлашди. Ўн олти киши гапни бир жойга қўйиб Самарқанддан қочишди. Хутук йўли билан Қаротўқайга ўтишди, у ердан Сайрамгача бориб, Мўғулистонга ўтиб кетишди. Узун Аҳмадга элтувчи йўл орқали Еттиканд номи билан машҳур бўлган Ҳафтдеҳга келишди. Еттикандда Султон Маҳмудхон бор эди. Бу воқеаларнинг боши баён этиб ўтилди: Султон Аҳмадхон ўлганда, Султон Маҳмудхон Мўғулистонга кетган эди.

Султон Маҳмудхон бўшанг подшоҳ бўлган, салтанат ишларида ялқовлик ва кўнгли бўшликка йўл қўйган. Маълумки, Мўғулистон – бу сахро, у бундай ялқовлик ва бўшангликни кўтармайди, шу боисдан у Мўғулистонда қололмади. Ўз қарорини ўзгартириб, шаҳарга ва Еттиканд вилоятига келди, у ерда деҳқончилик қилиб яшаб қолди. Хон амакиси Султон Маҳмудхонга қўшилди, бир қанча муддат унинг хизматида бўлди.

Султон Саидхон беҳад ҳаракатчан ва жасур киши эди. Шунинг учун у Султон Маҳмудхоннинг ялқовлиги ва беғамлигига тоқат қилолмай, у ердан қочиб кетди. Султон Маҳмудхон унинг орқасидан одамларини жўнатди. Уч кундан сўнг улар унга етиб олишиб, олишув бўлди. Кураш жуда кескин тус олганда, Султон Маҳмудхоннинг мулозимларидан соз чалиб, ашула айтадиган Мақсуд Али деган одам эпчиллик қилди. Хон, олишувнинг муваффақияти аввало ўзининг ҳаракатига боғлиқлигини кўриб, унга томон от сурди. У қочишга тушди. Қочиб бораётиб орқасига ўгирилди-да, ўқ отди. Унинг ўқи хоннинг чап елкасига шундай санчилдики, елка суягига етди ва чап курагидан ўтиб, ўнг курагига етиб борди. Шунда хон Мақсуд Алини ҳайрон қолдирмоқчи бўлди, аммо у қанча уринмасин, қуролни бошқаришга қўлининг кучи етмади, душман соғ-саломат кетди. Хон қайтиб келди. Яраси оғир эди, икки йилгача унинг ўнг кўзи кўрмай, бир кўли ишламади. Бирмунча муддат ўтгач ўша Мақсуд Али хон мулозимларидан бирининг қўлига тушди. У Мақсуд Алини қилган қилмишлари учун нариги дунёга жўнатмоқчи эди, бошқаси унга: «Сен уни хон ҳузурига тирик олиб борсанг-да, хон уни ўзи жазоласа, бу тўғри иш бўлади ва у сендан кўпроқ миннатдор бўлади», деди ва у Мақсуд Алини хонга тириклай олиб келди. Хон бундан хурсанд бўлиб, уни олиб келишларини буюрди ва: «Қўлимга тушганинг яхши бўлди, зерикиб ўтирган эдим» деди. Гарчи хоннинг бор-йўғи битта тўни бўлса-да, ўшаниям унга берди, тагин бир нечта от совға қилди, чунки Мўғулистонда от ва мол жуда кўп, кийим-кечак эса кам эди. Умрининг охиригача унга меҳрибончилик қилди. Хоннинг хайрли ишлари сон-саноксиз – ҳар бири ҳақида мавриди келганда ёзамиз.

Қисқаси, ярадор Султон Саидхон жуда катта қийинчиликлар билан укаси Султон Халил султонга бориб қўшилди. Султон Халил султон отаси вафот этгач, Мансурхондан қочиб Мўғулистонга борди ва Мўғулистонда қирғизларга қўшилди. Улар уни подшоҳ кўтаришди. Хон узоқ вақт укаси билан бўлди. Охири бир томондан улар, иккинчи томондан, Султон Маҳмудхон ва Мансурхонлар ўртасида кўплаб ғалаба ва мағлубиятлар, тўқнашув, қаттиқ жанг ва ғаройиб воқеалар бўлиб ўтди, ўша жангларда хон шундай ярадор бўлдики, жароҳат битишига соғлом ақл бовар қилмасди. Бунинг тасвири мазкур китоб мақсадига кирмайди.

910 йилдан 914 йилгача (1504-1505-1508-1509) Мўғулистонда шаҳзодалар ўртасидаги кураш ва жанжаллар билан ўтди, охири Султон Маҳмудхон ака-укалари, Мўғулистоннинг тарқоқ халқи орасида

туришдан безор бўлиб, Шоҳибекхон ёнига кетди, бу баён қилинган эди.

Мансурхон, Султон Саидхон ва Султон Халил султонлар қолгач, укаларига ҳужум қилиб, улар ўртасида ҳам жанг бўлди. Бу воқеа Алматуда – Мўғулистоннинг машҳур ерида содир бўлди. Жанг қаттиқ бўлди ва охир-оқибат мағлубият юки султонлар елкасига тушди. Султон Халил султон Мўғулистондан умидини узиб, Шоҳибекхоннинг ҳомийлигидан умидвор бўлиб, амакисининг орқасидан жўнади ва Ахсига келди. Жонибек султон уни тутиб амаким Саид Муҳаммад мирзога, Султон Али мирзо бекчикка ва Тубра нуёғутга топширди. Улар ўзларига бошқаларда ишонч ҳосил қилиш учун уни дарёга чўктиришлари лозим эди ва улар бечора Султонни Ахси дарёсига чўктиришга мажбур бўлишди. Бу воқеадан бироз муддат ўтгач, Султон Саидхон укасини ўлдирган мана шу одамларга меҳрибончилик кўрсатди – бу ҳақда ҳали тўхталамиз.

Султон Саидхон ўша жангдан сўнг қочганида, ихтиёрида элликтача одам ва керакли қорамоллар бор эди. У Алматудан Дўланга келди, бу ергача карвон билан ўртача юрганда тахминан ўн беш кунлик йўл эди. У ерга етиб келгач, улар хотиржам бўлишди, бу ер маълум маънода хавфсиз эди. Ўша кунёқ бир одам пайдо бўлди, улар уни тутиб олиб сўроққа тутишди. У: «Бу ердан карвоннинг ўртача юришида уч кунлик йўлда жойлашган Уруқтом деган жойда баҳрин қавмидан бир тўда одамлар жойлашиб олишган, улар Кошғарга бориб, Абобакр мирзога қўшилишмоқчи», деди. «Мен қочиб кетдим, – дея давом этди у, – қирғизлар томонга кетяпман». Шундан сўнг, улар маслаҳатни бир жойга қўйиб, хон ўзи ўша ёққа бориб, улар билан алоқа ўрнатади, деган қарорга келишди. Эҳтимол, у шу йўл билан ёрдам олар. Ҳаммадан кўп буни Хожа Али баҳодир талаб қилди. Хожа Али баҳодир бойрин қавмидан бўлиб, жасур, кўрқмас, беназир мерган киши эди. Хон Самарқанддан қочиб келиб, амакиси Султон Маҳмудхонга қўшилган пайтда Хожа Али Еттиқандда Султон Маҳмудхон ноибларидан бирининг хизматида эди. Хон келгач, Хожа Али хонга садоқат камарини чин дилдан белига боғлаб, унга астойдил хизмат қила бошлади. Хон қочиб, Мақсуд Али мусиқачи уни ярадор қилганда, Хожа Али ўша жангда катта қаҳрамонлик ва баҳодирлик кўрсатди – ўша кундан бошлаб у хоннинг илтифотли назари остида бўлди. Кўплаб жанглarda содир бўлган ғаройиб воқеалар унинг ишлари эди. Баҳодирлик ва жасурлик билан бир қаторда у ақл ва билим соҳиби ҳам эди. Ўша кунларда кўп ишлар унинг кўрсатмаси ва маслаҳати билан қилинарди. Хожа Али бу ишга тарафдор бўлганлиги учун бошқа маслаҳатгўйлар буни унча ёқтиришмасди. Хожа Али айтдики, агар биз бир гуруҳ бўлиб борсак, улар: «Булар бизларни талаб, йўқ қилиш учун келишди» деб ўйлашлари мумкин, бу беъмаъни фикрни уларнинг шайтон ин қурган мияларидан чиқариб ташлашнинг иложи бўлмайди ва бу нараса янги-янги тўқнашув ва даҳшатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун энг тўғри йўл шуки, камина қўлингиз жаноби олийларининг узангиси ёнида хизматкорлик қилиб бораман, қолганлар беш кунгача шу ерда қолишади. Агар ўша одамлар каминанинг маслаҳати ва тўғри фикрига рози бўлиб, бизга қўшилишса, биз билан келишиб, мияларини қамраган кўрқувдан халос бўлишса, аҳмоқона ва тубан ўй-фикрлари тоза ният ҳамда жаноби олийларига садоқат билан алмашса, – бу бизнинг истакларимизга тўғри келади, бизни кутаётган одамларга тезроқ қўшилаемиз. Шундай қилсак, тўғри бўлади, ҳозир отларни аяшимиз керак, агар ҳамма хонга ҳамроҳ бўлиб борса, бу отларнинг кучдан қолишига сабаб бўлади. Ақлли одамлар бу фикрни маъқуллашди ва Султон Саидхон Хожа Али билан жўнади. Уч кунлик йўлни улар бир кечада босиб ўтиб, чошгоҳ пайти етиб келишди. Ўша тубан одамлар буни эшитиб, уларнинг олдига чиқишди, аммо мўғуллар одатига кўра уларга иззат-икром кўрсатишмади, ўзларини кўпол тутишди. Хожа Али айтдики: «Нимагадир интилиб, қачондир ўз орзуларига етишадиган одамлар қулай фурсатни излашиб, иккала қўллари билан умид этагидан маҳкам тутиб, салтанат соҳибига хизмат қилишга бел боғлашади...»

Хожа Али гапини тугатолмади. Улар: «Бетайин сўзларингни қўй, бу ваъдаларинг бизга ош-нон бўлмайди, ўзимиз санокли хонадонмиз, бизга хоннинг кераги йўқ», дейишди. Хон отининг жилови Хожа Алининг қўлида эди, уни тортиб олиб, хон тарафга ташлаб, хонни дўстлари ёнига қўйиб юборишди-да, Хожа Алини ўраб олишди. Уни тутиб олиб, ўз уйлари томон жўнашди.

Ўз жонидан кўрққан хон, тутиб олиб Абобакр мирзога топширмасликлари учун шоша-пиша орқасига қайтди. Тезроқ ўз одамлари ёнига етиш учун у қаттиқ саросимада отига қамчи босди. Хон хавфсираб тинмай орқасига ўгирилиб қарарди. Бир кун у шу воқеаларни гапириб ўтирганда мен: «Ёлғизликдан қаттиқ кўрққандирсиз?» деб сўрадим. Бунга жавобан хон: «Ундай эмас, чунки мен бунгача ҳам Мўғулистонда ёлғиз қолиб, кўп кунларни танҳоликда кечириб, кейин одамларга қўшилган эдим» деган эди. Йўлнинг бир қисми ортда қолганда, узоқдан қандайдир қора кўринди. Ўзи бекиниб олиб, захирадаги отини бир пана жойга маҳкам боғлади-да, яшириниб, кутиб турди. Қора нуқта яқинлашгач, хон кўрдики, у бир сипоҳий экан. Яқин келгунча сабр қилиб турди-да, камонга ўқни ўрнатиб, унинг олдига пайдо бўлди. У одам бўлса, кўрққанидан бирон ҳаракат ҳам қилолмай, отдан ўзини ерга ташлади. Хон уни таниди – бу ўша, одамлардан қочиб, қирғизларга бораётганда хоннинг кишилари Дўланда тутиб олишган, бойрин қавмининг тубан кимсалари ҳақида маълумот берган ғулом эди. У ҳам хонни таниб, отининг узангисини ўпди, хон ундан одамлари ҳақида, уларнинг ҳозир қаердалиги ҳақида сўради. У деди: «Сиз Хожа Али баҳодир билан кетганингиздан кейин жамоат орасида ихтилоф пайдо бўлди. Бунга сабаб, фалончи гўё



кечаси хон учун тикилган чодир ортида туриб эшитганмишки, гўё Хожа Али баҳодир хонга бу бетайин одамлардан бирон яхшилик кутиб бўлмади. Анави одамларда хизматкору мол-ҳол кўп. Бу мулозимларнинг ҳар бири амир ёки амирзода эканлигини пеш қилиб, бизга хўжайинлик қилишади, улар эса бунақа бемаъниликка йўл қўйишмайди. Биз бу одамлар билан ўз орзу-мақсадларимизга етолмадик, демак, ҳозир булардан мен айтган тартибда ажралиш ва анави одамларга қўшилишнинг айна пайти, булар қаерга боришса бораверишсин. У қавмнинг кучи билан биз барча ишларимизни изга тушираемиз, деганмиш. Хонга бу гаплар роса маъқул бўлган, энди хон қайтиб келмайди. Бу сўзлардан одамларнинг умидлари пучга чиқиб, хафа бўлишиб, ҳар бири ўзига ўзича йўл танлаб, тарқалиб кетишди. Бир тўдаси Учқу Муҳаммад мирзо, Шоҳ Мирак ва Зикул баҳодир бошчилигида Турфонга, Мансурхоннинг пойтахтига кетди. Бошқа тўда Қароқулоқ мирзо бошчилигида Андижонга, Шоҳибекхон ёнига кетган хонлар, эҳтимол, унинг ҳомийлигида эришгандирлар, деган умидда кетишди. Учинчи тўда Хушкелди кўкалдош ва Азизберди Оға раҳбарлигида Кошғарга, Абобакр мирзо ёнига кетишга қарор қилишди. Шу тартибда ҳаммалари тарқалиб кетишди». Хон, (Аллоҳ унинг иймонини оширсин), ҳар доим айтар эдики: «Аҳволнинг бунақалигини эшитиб, ҳайрон қолдим, борлиғимни қўрқув ва таҳлика қамраб олди. «Шундай ҳолат юз берганига неча кун бўлди?» деб сўрадим. «Сизлар уларнинг кўзларидан йўқолганларинг заҳоти шу гап-сўзлар бўлди ва улар пароканда бўлиб кетишди» деди у. Анчагача чуқур хаёлга ботиб, узоқ мулоҳаза қилиб қолдим. Охири ўзим учун шу қарорга келдимки, отимни Норин ўрмонида, қайтиб чиқолмайдиган чангалзорда қолдираман-да, ўзим пистирмада туриб кийик отиб, гўштини еб, терисини кийим қилиб кияман, шу тахлит, ғойибдан бирор тўғри йўл кўрсатилгунча бир неча йилни ўтказаман, кейин шунга қараб ҳаракат қиларман. Шу ният билан ёнимга захирадаги отни олиб, йўлга тушдим».

Дунё элатлари орасида мўғул қавмларининг ўзига хос расми бор: «Уларнинг жасур йигитлари узоқ вақт танҳоликда, одамлардан бир-икки ойлик йўл йироқда, саҳроларда, тоғларда, ўрмонларда яшашади». Кийик гўшти ва териси уларга овқат ва кийим вазифасини ўтайди, улар буни жасурлик ва матонат деб ҳисоблашади, аслида ҳам бу жуда қийин ва хавфли иш. Хон ўзига бундай хавфли вазифани танлаб, ғулومга жавоб берди ва режасини амалга оширишга киришди. Кечани у ўзи учун қулай ҳисоблаган бир жойда ўтказди, тонг отгач, йўлга тушди. Мўғуллар одатича эҳтиёткорликка риоя қилган ҳолда у тонгда йўлдан эмас, балки йўлсиз жойдан ўзи келган томонга қараб жўнади, бир тепалик устига чиқиб, у ердан ўзи шу тарафга келган йўлни, шунингдек, бугун юриши керак бўлган йўлни кузатди. Иккала тарафни кўздан ячириб, отларини ўтлатди, чунки улар кечаси боғлиқ турган эди. У шундай мулоҳаза қилди: борди-ю уни бирон кимса кузатаётган бўлса, унда кечаси яқин орада туради, эрталаб эса унинг изидан яқинлашганда, кўриниб туради, кузатилаётган одам эса ўз жонини қутқазиб ҳақида ўйлашга улгуради. Отларнинг қорни тўйиб, бирор кимса пайдо бўлмаса, пешиндан кейин у йўлга тушди ва унинг қаерда тунашини ҳеч ким билмаслиги учун ярим кечагача йўл босди. Бу одамлар ана шундай эҳтиёткор бўлишади.

Шундай қилиб, хон туш оғишини кутиб, атрофни кузатиб ўтирди. Бироздан сўнг ўзи бу томонга келган йўлда қора нарса кўзга чалинди. У қўрқув ичиде: «Наҳотки анави одамлар хонни қўйиб юборишганига пушаймон бўлишган бўлса?» деб ўйлади. Қора нарса яқинлашиб келаверди ва у бир киши бўлиб чиқди. Хон йўлни қанча кузатмасин, унинг ортидан бошқа одам кўринмади. Хон одатига кўра пистирмага бекинди ва ҳалиги одам кимнидир чақираётгандек тинмай қичқираётганини кўрди. У овозини фарқлаб бўладиган даражада яқинлашгач, хон Хожа Али баҳодирнинг овозини таниди ва унинг олдига сакраб чиқди. У ҳам хонни таниб, йиғлаб юборди ва отдан сакраб тушди. Хон ҳам йиғлаб уни қучоқлаб олди. Шундай мушкул вазиятларда бундай учрашув қанчалик кўнгилга хуш ёқишини тасаввур қилса бўлади! «Қаерда эдинг, нималар бўлди?» сўради хон йиғлашдан тўхтаб. «Отимни яшириб қўйиб, ўзимни олиб бориб, бир танишимнинг уйида ушлаб туришди. Бир мунча вақт ўтгач, менинг ёнимга менга қариндошчилиги бор бир кампир яширинча келиб, мени койиди. «Мард одамлар умид чироғи бўлган хонга онасининг қорнида эканида ҳам, гўдаклигида беланчақда ётганида ҳам хизмат қилишади, шу билан юксак мақсадларга эришишади, сен эса, калтабин кимса, тахту тожга лойиқ бўлган шундай хонни ёлғиз қолдирдинг. Тур ўрниндан! Мабодо отинг бўлмаса, мен ўз отимни фалон жойда қолдирганман, унга мин-да, кет» деди. Қалбим тубида ётган олдинги ниятларим қайта ўйғонди. У кўрсатган отга миндим-да, дарҳол жўнадим ва бу ерга келдим» дея ҳикоя қилди у. Хон унга миннатдорчилик билдирди ва яқин ўзи қолганида қилмоқчи бўлган иши ҳақида айтиб берди. Хожа Али баҳодир хитоб қилди: «Матонатли инсонни Аллоҳнинг ўзи қўлласин, бундай вазиятларда шундай қилиш энг тўғри йўлдир. Сиз яхши ўйлабсиз, ҳозир айна шундай қилмоқ керак. Ҳозирги пайтда буни жуда осон ва яхши ташкил қилиш мумкин. Биз бир неча йил шундай яшаймиз. Вақти-вақти билан дунё воқеаларидан хабардор бўлиб тураемиз. Фалак ҳеч қачон бир хил айланмайди, биз қулай пайтни топиб, сўзсиз ўз ишимизга қайтаемиз». Мана шундай руҳан чўкмай икковлашиб мағрур йўлга тушиш учун одам ўта иродали бўлмоғи керак.

Эртаси куни йўлда кетишаётганда узоқдан бир неча қора нуқта кўринди. Улар одатга кўра эҳтиёткорликни кўздан чиқаришмади. Нуқталар яқинлашганда қарашса, бу келаётганлар Хожа Алининг икки акаси Така билан Али Мирак, Асил Пўлод ва Бузана исмли икки куёви ва битта хизматкори экан. Бу мулозимларнинг

келиши билан подшоликка тагин асос қўйилди. Улар келганлардан уларнинг ишларини суриштиришди. Улар ғулом айтган гапларни қандай бўлса, шундайлигича такрорлашди ва қўшиб қўйишдики, Кошғарга кетмоқчи бўлган Хушкелди билан Азизберди кеча улардан айрилиб қолишганмиш. Улар билан бир суқор ва қалучи қавмидан бир нечта одам бирга эди, уларнинг хон Мўғулистондаги тартибсизликлар пайтида никоҳига олган Махтум исми аёлга қариндошчилиги бор экан, шунингдек, улар хон отларидан бир нечтасини олиб кетишипти.

Бу хабарни эшитиб, ҳаммалари уларнинг ортидан жўнашди. Ярим кечада улар етиб олишди. От туёқларининг товушини эшитган заҳоти анавиларни ҳаяжон ва қўрқув қамраб олди. Хон ва унинг ёнидаги одамлар уларнинг ҳар бирини исми билан чақира бошлашди. Улар хоннинг ва ёнидаги одамларнинг овозларини таниб, қувона-қувона югуриб хон ҳазратларининг узангиси ёнига келиб, унинг оёғини ўпишди ва қисматга шукроналар айтишди.

Бу дунё ғалати-да, кажрафтор фалак кишини ҳар қўйга солади, гоҳида у бирор нарсага умид боғлаган одамни нима биландир бир зумга суюнтирса, ҳаял ўтмай умидлари оғзига бедодлик захрини қуяди.

Назм:

Бузғунчи фалакнинг дастидан фарёд!

Бир қисмат тугунин ечмади, ҳайҳот!

Ҳар қайда кўрса бир шўрлик бағри доғ,

Қақшатиб юклайди ғам-алам тоғ-тоғ.

Бу сатрларнинг ҳақиқатлиги қуйидаги ҳикоя билан тасдиқланади. Хожа Али қайтиб келганидан кейин хон ёлғизлик ваҳимасидан бирмунча халос бўлди, ундан сўнг буларга бир гуруҳ одамлар билан Така келиб қўшилди. Дастлабки аҳволига қиёслаганда, бу энди шоҳона ҳолат эди. Булар ёрдамида улар қочоқлар тўдаси билан бирлашишди, энди хонда анча-мунча қурол-аслаҳа, хотини билан келган хизматкорлар пайдо бўлди. Султон Саидхон руҳий хотиржамлик топди. Ҳаммалари учрашувдан хурсанд бўлиб, кечаси хотиржам ухлашга умид боғлашди. Шу умид билан хон этиги ва кийимини ечган эди, Азизберди Оға келиб этиги ва кийимини кийиб олишини сўради. Бундай қилиш оғир бўлса-да, эҳтиёткорлик юзасидан хон рози бўлди. Битта этигини киймади, одамлар ташвишланмасинлар деб уни хотинининг ёнига яшириб қўйди-да, хотиржам уйқуга кетди. У кеча-кундуз дам олмаган, қийин йўл, уйқусиз зимистон тунлар уни қаттиқ чарчатган эди. Аммо у ҳали уйқуга тўйиб улгурмаган ҳам эди, ҳужум ва олишув қичқириқлари эшитилиб қолди. Хон ўзига келиб қараса, душманлар тикилган чодирлар оралаб, ёп-ёруғ жойларда одамларни уриб, талаб юришипти. Хон белига ўқдонини боғлашга зўрға улгурди. Шу пайт Хожа Али етиб келди, улар чодир ва ёруғликдан қоронғи жойга ўтиб, ўз иши билан машғул бўлаётган душманни ўққа тутта бошлашди.

Чодирлардан югуриб чиққан одамлар ўзларини қоронғиликка уриб, душманга ўқ уза бошлашди.

Душманлар ҳам ёруғ жойдан нари кетишди. Улар отларга миниб олишди, бу томондаги пиёдалар пана жойлардан уларга ўқ узишарди. Қоронғи бўлганлигидан ҳар икки тарафнинг ҳам одамлари сонини аниқлаб бўлмасди.

Хон билан бирга бир неча киши ўқ отиб туришди, бошқалари отларни олиб келишга кетишди. Гап мана бундоқ эди: бу бир тўда душманлар Абобакр мирзонинг одамлари бўлиб, у буларни Мўғулистонга юборган ва булар Мўғулистон чўлларида кимни учратишмасин, ҳаммани тутиб олишлари, хавфлироқ кўринганларини ўлдиришлари керак эди. Абобакр мирзонинг мана шу одамлари Мўғулистонни мудом безовта қилар эди; кенг Мўғулистондаги мўғул борми, қирғиз борми, ҳаммасига дунёни тор қилишарди. Бу тўда ҳам ана шу бузғунчилар сирасига кирарди. Намозгар пайти янги лашкар келиб, бу ерга жойлашганини кўришди. Улар ўша жойда бекиниб олишиб, ярим кеча бўлганда ўтлоққа қўйилган отларни олиб кетишди, тонгга яқин ҳужум бошлашди. Хонда совутишга қўйилган бир нечта семиз отлардан бошқа биттаям от қолмади. Булар шу отларни эгарлашди, уларга эркаклар минишди, аёллардан фақат хоннинг хотинини ва эрлари от топиб келган икки-учта аёлни отга миндиришди-да, жўнатишди. Хоннинг отини ҳам эгарлаб келтиришди. Шу орада тонг отди. Бу маҳкумларнинг аҳволлари беҳад оғирлашди. Айтиб ўтилган бир нечта аёллардан бошқа барча аёлу болалар душман қўлига тушди. Бирор одамда хайр-хўш қилишга имкон ҳам йўқ эди. Бахтсизлик тамғаси уларнинг шўрпешаналарида бир умрга муҳрланиб қолди, улар қайтиб ҳеч қачон кўришишмади.

Қочиб муваффақ бўлганлар нимжон аёлларни, эркаклар ва отларни олдинга ўтказишди, хон ҳамда кучи ва жасорати бор одамлар уларнинг ортидан юришди. Манфур душманлар уларнинг ортидан кўринди.

Қўшимча оти борлари шиддат билан ҳаракат қилиб, қочоқлар изидан тушишди. Ҳар гал, улар яқинлашишганда, хон бир неча одамлари билан тўхтаб, ўқ отиб, орқада қолган ўз одамлари етиб келишгунча уларни тўхтатиб туришар, кейин хон тагин жиловини бўшатиб қочиб тушар ва илгарилаб кетган ўзиникиларга етиб оларди. Улар шу тахлит, қоча-қоча жанг қилишди. Улар юзларини дўстларга, орқаларини душманга қаратиб камондан ўқ узишарди. То хуфтон намозигача шу аҳвол давом этди.

Ўтмуқ Анғун ва Арча сайхонлиги деган жойда тунги босқин бўлди. Хуфтонгача улар Кумала Қочур деган ерга етиб келишди. Унинг масофаси ўртача юрилса беш кунлик йўл. Нимжон аёлларни ҳам, эркакларни ҳам қочиб кетишаётганда иложсизликдан йўлдаги ҳар хил пана жой ва чангалзорларда қолдиришарди.

Улар иложи борича ўзларини пана жойларга олишарди.

Хоннинг хотини, икки-учта бошқа аёллар ва бир нечта эркаклардан бошқа йўлда қолдирилганларнинг кўпчилиги душман қўлига тушди, жуда кам одам қутулди.

Хуфтон намози вақти бўлганда улар душмандан кўрқиб бир жойга йиғилишмади. Ҳаммалари тарқалиб, Кумала Қочур чангалзорларига бекинишди. Баъзиларининг отлари ҳориб қолган эди, кўркувдан отларини ҳам ташлаб, бутазорлар ичига яширинишди. Тонг отгач, улар бутазор ичидаги тепаликка чиқиб, эҳтиёткорлик билан атрофни кўздан кечиришди. Душман асари кўринмади, тушгача кутиб туришди.

Шундан сўнг улар бир-бирларини чақириб, овоздан бир-бирларини топиб олишди. Қочаётган пайтда пана жойларда қолдириб кетган одамлардан ҳеч бир хабар бўлмади, улар ёв қўлига тушишганми-йўқми, билишолмади. Улар орқага қайтиб, ўшаларни излашга тушишди, кўришдики, хоннинг хотини, тагин икки-учта аёлдан бошқа ҳаммаларини душманлар топиб олиб, асир қилиб олиб кетишпти. Ўша кунни улар шу жойнинг ўзида ўтказишди, чунки юришга мадорлари қолмаган, бунинг устига қаёққа қараб юришни ҳам билишмасди. Узоқ ўйга толишди, ҳар бири ўзича бир фикрни айтар, бирор маслаҳат берар, аммо буларнинг ҳар биридан бир мушкулот чиқарди-да, уни ҳал этишга ақл ожизлик қиларди.

Улардаги режаларнинг энг биринчиси чангалзорларда яшаб қолиш ва обод жойларга қайтишни миядан чиқариб ташлаш эди. Бироқ бунинг учун энг муҳим нарсаси ўқидир, уларни қанча қидиришмасин, хоннинг ўқдонидан қолган битта ўқдан бошқа ҳеч нарсаси топишолмади, бошқа ўқдонларда эса газ ўқидан бўлак ҳеч нарсаси йўқ эди. Камон ўқларисиз у қарорни амалга ошириб бўлмасди. Ўша пайтда мўғул хонлари учун жон сақлайдиган жой Дашти Қипчоққа ҳам ўқсиз бориш мумкин эмас. Кошғарга бориш худди тирик одамнинг ўз оёғи билан гўрга боришидек гап. Мансурхон билан кечагина жанг қилишган, барча қийинчиликларнинг сабабчиси ҳам Мансурхон эди. Охири, эҳтимол, Шоҳибекхон Султон Маҳмудхонга ҳомийлик қилгандир, деган умидда Андижонга кетишга қарор қилишди. Булар ҳақида хон менга жуда кўп гапириб берган, фақир бандога айтган эди: «Шоҳибекхоннинг табиатини билмаган одамгина унинг марҳаматига кўз тутиши мумкин, буни биладиган одамлар бу режани қанчалик рад қилишмасин, ўз мияларига сингдирган пуч тахминлар туфайли ундан воз кечишмади. Менда ҳам уларга қарши юзлаб эътирозлар бор эди, чунки мен Шоҳибекхон ёнида ўтказган бир йил давомида унинг бутун хусусиятларини, султонларнинг ва амирларининг феъл-атвору ниятларини яхшигина ўрганиб олган эдим. Унинг нималар қилгани ва нималар қилиши мумкинлиги менга аён эди. Шуларни мана бу одамларга қанча тушунтирмайин, улар бунга рози бўлишмади ва: «Бошқа нима ҳам қила оламиз? Ҳар қандай таклиф – бемаънилик. Бунда яхши нарсаларга умид боғлаш мумкин. Агар муборак миянгизда бошқа бирор фикр туғилса, айтинг, чунки барча ишларда сизга жон-жон деб итоат қиламиз» дейишди. Мен ҳам, қанча ўйламайин, шундан бўлак чора тополмадим. Эй, қодир Аллоҳ! Ҳамма нарсани кўриб, билиб туриб, шу учун одамларга танбеҳ берардим, ўзим ўша хатога йўл қўйдим, бошқа илож ҳам йўқ эди-да ахир.

Байт:

Кўриб эдим юзингни, феълингни билиб эдим,

Кўриб-билиб ўзимни балоларга ташладим.

Эртасига ўзимни ўлимга, жонимни азоб-уқубатга тайёрлаб, Жонибек султон ёнига жўнадим. Бу Шоҳибекхонга хизмат қилишнинг биринчи босқичи эди, бу босқич билан қабр ўртасида фарқ йўқ эди». Бу воқеа 914 (1508-1509) йилда, Султон Маҳмудхон шаҳид бўлгандан кейин икки ой ўтгач содир бўлди, ундан бир ой олдин хоннинг туғишган укаси Султон Халил султон сувга чўктирилиб, Аллоҳ раҳматига борган эди, буларнинг барчаси ҳақида тўхталган эдик.

Ўша йили Кобулда Бобур Подшоҳ ўрнашиб, мустақил бўлиб олганди. Энди, хон ҳақидаги ҳикоямиз шу ерга етган экан, агар отам ва Бобур Подшоҳ ҳақидаги баёнимизга қайтмасак, сўз мароми бузилади.

---

### **Тўққизинчи фасл. Отам Муҳаммад Ҳусайн кўрагон (Аллоҳ юзини иймон нури билан ёритсин)нинг Шоҳибекхон ҳузуридан қочиб, Хуросонга кетиши ва унга тааллуқли айрим воқеалар баёни.**

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, Маҳмуд султоннинг ғолиб лашкари келиши билан Қундуз қаршиликсиз эгаллангач, Хисравшоҳ қўлида бир йил асирликда ўтирган бизлар озод бўлиб, отам билан топишиб, Шоҳибекхон отамга иқта қилиб берган Шаҳрисабзга кўчиб кетдик.

Қавс ойининг бошида Шоҳибекхон Хоразмга юриш қилди. Тобелари билан ўзбеклар орасида юрган мўғул сардорлари, султонлару амирлари мудом кўркув ва хавфдан юракларини ҳовучлаб туришарди. Барча жабҳаларда мўғулларнинг ҳимоячиси Маҳмуд султон шу пайтда Қундузда вафот этди. Барча мўғуллар, айниқса, отам бундан қаттиқ қайғуга тушишди.

Чунки Маҳмуд султон отамга жуда кўп меҳрибончиликлар қилган эди, борди-ю Шоҳибекхон салтанати доирасидаги амалдорлардан бирортасининг хаёли лавҳида отамга жабр ўтказиш белгисини сезиб қолса, Маҳмуд султон буни ўз меҳрибончилиги ва садоқати қалами билан ўчириб ташлар ёки ўша ярамаснинг ҳасад тўла юраги лавҳидан бу белгиларни жазо пичоғи билан қириб ташлар эди ва отамни ҳар бир ишда қўллаб-қувватлашни ўзи учун зарур вазифа деб ҳисобларди. Унинг ўлимидан барча мўғуллар, айниқса, отам катта ташвишда қолишди.

Шоҳибекхон отамнинг яқин дўстларидан бири Жонвафога хуфёна айтган эмишки, Хоразмни эгалламагунча зинҳор орқасига қайтмасмиш, қамалнинг узоқ давом этиши аниқ: “Бугунги кунда ўзбеклар орасида ўттиз минга яқин мўғул бор. Мўғулларнинг сардорлари мавжуд экан, улар бизга астойдил хизмат қилишмайди, – депти у, – Қулай вазият туғилса, биз уларга нима қилган бўлсак, улар ҳам бизга шундай қилишади. Улардан биринчиси – Муҳаммад Хусайн кўрагон. У ҳақда мен неча кундан бери ўйлайман, уни ўлдириш хонлардан бирини ўлдириш билан тенг. Бундай қилсам менинг хонларга қилган мурувватларим йўққа чиқади. Хуллас, яхшиси сен бориб бу гапларни унга етказ. Муҳаммад Хусайнга айтки, тезроқ лашлушини йиғиштириб, оёғи етганча қочиб кетсин. Ўлим билан ўйнашмасин. Чунки у кетгач, қонсираган қиличим бошқа мўғул амирларини йўқ қилишга киришади”.

Амир Жонвафо дарҳол шоша-пиша отамга одам юборди, у пешин намози пайтида етиб келди. Аср намози пайтида отам болалари орасидан мени танлаб олиб, тагин хизматкор ва тобеъларидан ўн олти кишини ҳамроҳ қилиб, Хуросонга қочди.

Бу воқеаларни худди тушимдаги алаҳсирашдек эслайман.

Ўша кунлари Султон Саидхон ҳам Самарқандда эди. Биз борганимиздан уч кун кейин у Мўғулистонга қочиб кетди, булар юқорида зикр этилди.

Отамнинг Шаҳрисабзда қолган фарзандларидан тўнғичи Ҳабиба Султон Хониш эди. Шоҳибекхон уни Султон Маҳмудхоннинг қизи – Тошкандда уйланган хотини Ойша Султон хоним (ҳозир Мўғул хоним номи билан машҳурдир) билан бирга сақларди. Кейинчалик Шоҳибекхон Ҳабибани дабада билан Маҳмуд султоннинг ўғли Убайдуллоҳхонга никоҳлаб беради. Ундан кейингиси – Гавҳаршод бегим. Амир Жонвафо отамнинг қочиб кетишига ёрдам бергани учун Шоҳибекхон уни Жонвафонинг ўғли, ўзбеклар орасидаги ўз тенглари ичида ажралиб турувчи амир Ёрга олиб берди. Улардан кичикроғи отамга ҳамроҳлик қилаётган – мен. Яна биттаси Муҳаммад Шоҳ – уни қариндошларимиздан бири орқамиздан Хуросонга олиб келди. Энг кенжа йўлдошимиз – аввал айтиб ўтилган, онаси Султон бегимнинг ёнидаги Абдуллоҳ мирзо эди, – унинг ҳаёти ҳали баён қилинади.

Шундай қилиб, Шаҳрисабздан чиқиб, тун бўйи йўл босдик ва эртасига кечкурун Аму дарёси соҳилига етдик. Ҳаво жуда совуқ эди. Қийнала-қийнала дарёдан ўтиб олдик ва Балхга етмай Хуросонга кетдик.

Султон Хусайн мирзо ҳаёти ва ҳукмронлигининг охириги кунлари эди. Султон Хусайн мирзо – Амир Темурнинг ўғли Жаҳонгир мирзонинг набираларидан бири бўлиб, Амир Темурдан кейин унинг авлодидан ҳеч кимга салтанат насиб этмаган эди. Султон Хусайн мирзо қиличининг зарби ва узоқ йиллик қатъиятли кураши билан ўттиз етти йил Ҳирот тахтида бутун Хуросонга мустақил подшоҳлик қилди. У фазилат эгаларини, ҳунар, санъат аҳлини тарбиялашга шу даражада ҳаракат қилди, замонида ҳар бир қавмдан бир нечталаб жаҳонга машҳур улуғ арбоблар етишиб чиқдики, бунақалари унгача ҳам, ундан кейин ҳам бўлмаган эди.

Модомики ҳикоя шу жойга етган экан, шуни айтишим жоизки, мен шу муборак замонда кўзга кўринган ва шуҳрат қозонган зотларнинг ҳаётини баён қилишни кўнглимга тугган бўлсам-да, лекин истеъдодимнинг камлиги, қулай фурсатнинг йўқлиги туфайли бу ишга қадам қўёлмаган эдим. Уларнинг пок исмларини бу ерда эсламай ўтишга кўнглим изн бермайди, нима бўлса ҳам мен улар ҳақида қалам тебратиш бахтига муяссар бўларканман, агар бу арзимас ёзувларимда хато ва камчиликларга йўл қўйсам, буни зукко ўқувчилар хайрихоҳлик билан қабул қилишларига умид кўзини тикаман. Ана шу мутлақ улуғ Аллоҳ Таолонинг назари тушган буюк зотларнинг аҳволини баён қилиш туфайли бу хокисорнинг илҳами устига уларнинг шарофатидан бир нур тушиб, амал, мансаб арбобларининг тарихини ёзиш учун зоеъ қилган вақтимнинг ўрнини босолса ажаб эмас.

Байт:

Шакар йўқ, тилимда унинг номи бор,

Шукрим оғзимда захр эмас зинҳор.

Шунингдек,

Байт:

Ҳирот пири, ансорийлар сараси,

Аллоҳ назар этган, қудсий нафаси.

Ҳиротнинг пири муршиди, ансорларнинг улуғи, юксак мартабаларнинг эгаси, Аллоҳ Таолога мақбул бўлган Ҳазрат Хожа Абдуллоҳ Ансорий (уларнинг сирлари муқаддас бўлсин), шундай марҳамат қилган экан: “Сен Аллоҳнинг дўстларидан бири бўлишга ҳаракат қил, агар шундай бўлолмасанг, унинг дўстларининг дўсти бўлишга ҳаракат қил. Буни ҳам қилолмасанг, агар шу тоифа одамларнинг сўзларини эшитсанг, гарчи улар сенга ҳеч бир таъсир ўтказмаса ҳам, сен уларга бошингни қимирлатиб қўй. Борди-ю шу ҳам қўлингдан келмаса, унга душман сифатида яқинлаш. Негаки кўплар Унга душман либосида яқинлашдилар, унга яқин келишган пайтда эса, устларидаги либослари дўстлик сифатига алмашинди. Демак, қандай йўл билан бўлмасин, Унга яқин бўлишга урин. Масалан, Ҳазрат пайғамбаримизнинг кўплаб ҳурматли саҳобалари мусулмон бўлганларигача Унинг ҳузурига душман сифатида келишган эди, Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) самимий суҳбатлари туфайли душманлик дўстлик билан, жоҳиллик ислом билан, зулмат ёруғлик билан

алмашди. Худди шунингдек, кўпгина Унга шак келтирадиган одамлар ўз эътиқодсизликларини билдириш учун буюк одамлар олдига келишганда, ишончсизликлари худди шундай Аллоҳга иймон келтириш билан алмашди. Бу тоифа одамлари ҳақидаги китобларда шу фикрни тасдиқловчи кўплаб ҳикоя ва ривоятлар келтирилган. Демак, агар биз ўша одамлар тоифасидан бўлолмасак ҳам, ҳеч бўлмаса уларни мақтовчи ва мадҳ этиб зикр қилувчи бўлайлик. Бу чиндан-да улуғ иш, унга ҳар қандай истеъдодсиз одам ҳам бундай бахтга муяссар бўлавермайди. Бу тоифа вакилларининг ҳаёт йўлларини баён қилиш ҳақида ўйлаш, мулоҳаза юритиш бошқа ишлардан кўра яхшироқдир.

Байт:

Фикринг азиз ўзгаларнинг жамолидан,

Хаёлинг ҳам менга ширин висолидан.

Бу тоифадагиларнинг тўлиқ зикрини қоғоз юзига туширишга мен фақир банданинг ҳаддим сиғмайди.

Шундай экан, бу мухтасар тарихда улар ҳақида Аллоҳ иродаси билан бир неча сатр умумий тарзда битишга уриндик, ҳарқалай бу яхши вақтда кишига хотиржамлик ва кўнгилга тасалли беради.

Рубоий:

Жоним, лабим номинг айтиб толмагай,

Сенинг ёдинг эсдан чиқиб қолмагай.

Ой юзингдан ҳар қаерда сўз кетса,

Ундан ўзга сўзни қулоқ олмагай.

### **Мусулмон дунёсининг нури ва шайхулисломии Ҳазрат Мавлоно Абдураҳмон Жомий (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) зикрида**

Султон Ҳусайн мирзо замонида яшаган авлиёи бузруквор, муршиди олий зотлар орасида ҳаммадан улуғи, ислом дунёсининг нури шайхулислом Мавлоно Абдураҳмон Жомийдир (Аллоҳ ул зотнинг қабрларини нурафшон қилсин).

Унинг улуғлиги шу даражадаки, мен фақир бандага ўхшаш кишининг таъриф қилмоғига муҳтож эмасдир.

Гарчи, у таъриф-тавсифдан юқори турса-да, бу ерда унинг айрим ҳолат ва силсилалари баён қилинади. У

Мавлоно Саъиддин Кошғарийнинг муриди, бу – Мавлоно Низомиддин Хомушнинг муриди, бу эса – Хожа

Алоуддин Атторнинг муриди, буни эса – муршидлар пешвоси, сўфийлар сарвари, Аллоҳга яқинлашиш

занжирининг бош ҳалқаси, ҳақ йўлни танлаган бандаларнинг қиблаготи Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (унга

Аллоҳнинг раҳмати ёғилсин)нинг муриди эди.

### **Мавлоно Саъиддин Кошғарий (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) зикрида**

У Кошғардаги улуғ инсонлар авлодидан эди. Уларнинг авлодида олимлар, тақводор уламолар, солиҳлар ва авлиёлар бўлган. Шулар жумласига Шайх Саид Кордгарнинг муриди Шайх Ҳабиб, Шайх Саид Мужтабо Мужаррад, фақир банданинг тўртинчи бобоси амир Саид Аҳмадлар киради. У кичик ўғли амир Саид Алини Шайх Ҳабиб ҳузурига олиб боради, мулоқот пайтида бола инжиқлик қилиб, ниманидир талаб қила бошлайди. Отаси қанча юпатишга уринмасин, унамайди. «У нима деяпти?» деб сўрайди шайх. «У, оч қолдим, деяпти» деб жавоб беришади. Сухбат тут дарахти остида бўлиб ўтади, ўша тут дарахти ҳозир ҳам бор, мен фақир ўша маълум ва машҳур дарахтни зиёрат қилганман. Шайх Ҳабиб қабрини зиёрат қилишга келган ҳар бир одамга шу воқеани айтиб беришади ва дарахтни кўрсатишади.

Шайх хаёлга чўмади, шу пайт дарахтдан иссиққина юм-юмалоқ нон тушади. Шайх уни олиб, амир Саид Алига беради ва бу сенинг насибанг, буни ҳеч ким билан бўлишмайсан, дейди. Шубҳасиз, амир Саид Алининг бахтли ҳаётида юз берган барча хайрли ишлар Шайхнинг ўша марҳамати туфайлидир. Қиссадан ҳисса шуки, Мавлоно Саъиддин наслида Кошғарда қандай улуғ одамлар бўлганлигини таъкидламоқчи эдик.

Мавлоно Саъиддин ҳазратлари йигитлигида Кошғардан четга чиқиб турган. Улуғбек атрофидаги обрўли олимлардан бири, асли кошғарлик Муҳаммад Аттор ҳазратлари айтган эдилар: «Биз Мавлоно билан Самарқандда кўп бирга бўлардик, чунки икковимиз ҳамшаҳар эдик. Илм ўрганиш билан шуғулланардик, кўплаб кундалик ишларимизни бирга қилардик. Бир куни талабаларимиз, фалон маҳаллада Шайх Сирож исмли бир шайх пайдо бўлипти, деб қолишди. Одамлар тез-тез унинг ёнига келиб туришаркан, у одамларни нима топса шу билан, нон, тоза узум шинниси билан сийларкан. Биз ҳам Мавлоно иккимиз шайх ёнига нон билан шиннидан татиб кўриш учун бордик.

Байт:

Ҳаммамизни кўз-қошимиздан ўпиб,

Иззат-ла ўтқизди, эҳтиром этиб.

Егуликдан борини келтиришди, бу – ўша мақташган, беҳад ширин шинни билан нон эди. Мен оч эдим, зўр иштаҳа билан нон ейишга тутиндим, Шайх билан Мавлоно Саъиддин сухбатга берилишди. Нон ва шиннининг лаззати мени уларнинг сухбатидан ғофил қолдирди. Бир вақт ҳушимга келиб қарасам, Мавлоно йўғлапти, сухбатга берилган шайх қўлини кигизнинг қаерига қўйса, ўша ердан тутун чиқиб, ўша ер куярди. Буни кўргач, мени кўрқув ва ваҳима қамраб олди-да, ўтиролмай кетиб қолдим. Мавлоно

Саъдиддин ортиқ кўринмади. Хужрасининг эшиги узоқ вақт қулфлоглиқ турарди. Шундан кейин бир неча йил ўтгач, унинг шуҳрати Хуросонда ёйилди.

### **Мавлоно Низомиддин Хомуш (Аллоҳ унинг сирларини муқаддас қилсин) зикрида**

Камина бир ишончли улуғ одамдан эшитган эдимки, Мавлоно Низомиддин Хомуш Хожа Алоуддин Атторнинг муридига айланиш бахтига муяссар бўлгунга қадар беҳад тақводор покдомон бўлган ва мудом Чокардиздаги фақиҳлар масжиди остонасида ўтириб, шайх Абул Мансур Мотурудий руҳига сиғинар экан. Унинг тасаввурида Шайхнинг руҳи одам қиёфасида панжара ортида бошига рўмол ёпилган ҳолда пайдо бўларкан-да, унга таълим бера бошлар экан. Мавлоно ҳазратлари Хожа Алоуддин суҳбатига ноил бўлгач, у: «Агар мен, Худо кўрсатмасин, ўша машғулотга берилмаганимда, чинакам эътиқодни сақлаш менга қийин бўларди» деган экан. Ниҳоят бизга маълум бўлдики, у жуда кўплаб кароматлар кўрсатган ва ғаройиб ишлар содир қилган, булар Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» асарида битилган. Мавлоно Низомиддин ҳақидаги бошқа ҳикоятлар Хожа Алоуддин ҳазратлари ҳаётининг зикрида келтирилади.

### **Хожа Алоуддин Аттор (Аллоҳ унинг гўрини ҳушбўй ҳидларга тўлдирсин) зикрида**

У Бухорои Шарифнинг бадавлат одамлари наслдан бўлиб, либосини покиза тутишга ҳаракат қиларди. Камина унинг ўғилларидан биридан эшитган эдимки, Хожа Алоуддин улуғ хожа Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (Аллоҳ унинг пок руҳини муқаддас қилсин) ҳузурига келганида, унинг кўнглида улуғ ниятлар ва ниҳоясиз талаблар бор эди. У қабул қилишларини сўраганда Хожа: «Агар бизнинг қабул қилишимизни истасанг, кушонага бориб, молнинг қорнини тескари қилиб, бошинга кўйиб, бу ерга олиб келишинг керак» деди. Хожа Алоуддин, азбаройи истаги кучлилигидан шундай қилди – молнинг қорнини дўпписи ва салласи устига кўйиб келди. Қорин ичидаги нарсалар йўл бўйи ҳар томонидан тўкилиб томчилаб борди, шу аҳволда у бозор ичидан ўтди. Одамлар унга таъна қилиб, масхаралаб устидан кулишарди. У Хожа ҳузурига шу аҳволда келди. Хожа уни кўриб аҳволига раҳми келди-да, қабул қилди. Охири шу даражага етдики, Хожа ҳазратлари ўз толиб муридларининг барчасини Хожа Алоуддин суҳбатига боришга буюрадиган бўлди ва Хожа Алоуддин менинг кўп юкимни енгил қилди, деди. Бу ҳикоят «Нафаҳот ул-унс» (Дўстлик эпкинлари)дан олинди. «Силсилат ул-орифин» асарида ва Мир Абдол Аввалнинг «Жамъ» (Тўплам)ида кўрсатилишича, Хожа Нақшбанддан кейин унинг барча издошлари Хожа Алоуддинни токи Хожа Муҳаммад Порсо алайҳи раҳматгача пир сифатида эътироф этишди. Хожа Нақшбанд ҳазратлари ва унинг шайхлари ҳаётига тегишли айрим маълумотлар у ҳақда сўз борган пайтда кейинроқ зикр этилади, иншооллоҳ. Ҳазрат Мавлоно Абдурахмон Жомий Мавлоно Саъдиддиндан кейин Хожа Убайдуллоҳ ҳазратларига қўл берган экан, бу унинг кўплаб асарларида айтилган. Фақир банда ҳазрати маҳдуми Нуро Хожа Шаҳобиддин Маҳмуддан эшитган эдимки, у Хожа Хованд Маҳмуд номи билан танилган, бу мухтасар тарихнинг қаерида ҳазрат ҳақида гап кетса, у оддий қилиб Маҳдуми Нуро деб аталади, у айтган эдики, ҳазрат Мавлоно Абдурахмон Жомий ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ ҳузурларига қўл бериш учун келганда, унга ғазал ўқиган экан, унинг матлаъи мана бундай экан: Кексайган юзларимни итинг изига сурай, Оппоқ сочларим билан бўсағангни супурай.

«Нафаҳот ул-унс»нинг бир ерида Жомий ёзган эди: «Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ (Аллоҳ унинг пок руҳини муқаддас қилсин) каминага ўзининг Хуросондан Ҳисорга келгани ҳақида ҳикоя қилатуриб шундай деган эди: «Ҳисорга қарашли Халфатудаги Мавлоно Яъқуб билан учрашувимизда у менга қаттиққўл, менинг унга интилишимни кесиб ташламоқчи бўлгандек туюлган эди. Ўзимча фикрлаб, айтдимки, узоқ жойдан мислсиз қийинчиликлар билан мана шу буюк одам суҳбатига ноил бўлиш учун келдим, бу қаттиққўлликнинг, эҳтимол, сабаби бордир. Бунинг сабаби, эшитишимга қараганда, Чағониёнда айрим мутаассиб кишилар у ҳақда нолайиқ сўзларни айтишгани ва бу сўзларга тоқат қилгани бўлса керак. Шуларни ўйлаб ўтирганимда ҳазрати Мавлоно рўпарамда гўзал, жозибали қиёфада пайдо бўлдики, уни беихтиёр кучоқлаб олишни хоҳладим». Гап шу ерга етганда ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ тасаввуримдаги пирим Мавлоно Саъдиддин қиёфасида кўрингандек бўлди, унинг бу ёруғ оламдан кўз юмганига қанча вақт ўтган эди. Уни бундай қиёфада кўриб ҳайратда қолдим. Ишончим комилки, у: «Иккинчи марта у менга беҳад жозибали кўринди» деган сўзларининг исботи учун атайлаб ўз қиёфасини ўзгартирди. Ҳазрат Эшон Убайдуллоҳ ҳам Ҳазрат Мавлоно Жомийни қадрлар эди. Ҳазрат Мавлоно ёшлик пайтида илм эгаллашга роса ружу кўйган ва шу даражага эришган эдики, Шоҳрух мирзо замонасида, Мовароуннаҳр ва Хуросонда бешта энг улуғ уламо бор эди, уларни «Хамсаи мустажир» (беш бузруквор) деб аташарди. Булардан биринчиси – ҳазрати Мавлоно Абдурахмон Жомий; иккинчиси – Мавлоно Довуд Ҳисорий; учинчиси – Мавлоно Шайх Ҳусайн муҳтасиб; тўртинчиси – Мавлоно Шамсиддин Баҳрободий; бешинчиси – Мавлоно Бурҳониддин эди.

Ўша кунларда ҳазрати Мавлоно Жомий мажозий ишқ – муҳаббатга мубтало эди ва бу ҳолат уни ҳеч қачон тарк этмади. Унинг биринчи девонига кирган шеърлари ўша пайтда яратилган эди. Дарҳақиқат, унинг биринчи девонида бу ўзига хосликни ҳайрат билан кузатиш мумкин.

Ҳазрат Мавлоно Саъдиддин мудом Маликон масжиди ёнида жойлашган Бодғиз гузарида ўтирарди. Ушбу масжидда ўша гузар номи билан Бодғизак деб аталувчи эшик бор.

Ана шу эшик олдида ўтирарди. Ҳазрат Мавлоно Жомий бу гузардан тез-тез ўтиб турарди. Мавлоно Саъдиддин бир куни айрим издошларига: «Бир лочин бор, шу ердан тез-тез ўтиб туради – у қанақа бахт-иқбол соҳибининг тузоғига илинаркин?» деган ва Мавлоно Абдураҳмон Жомийга ишорат қилган. Охири ҳазрати Мавлоно Жомий унинг издошлари қаторидан жой олди. У ҳамма нарсадан воз кечиб, бутун фикри-зикри билан Мавлоно Саъдиддин Кошғарий хизматларига берилди ва олти ой муддат ичида бошқа одамлар билан мулоқотни батамом унутди. Шундан сўнг у пирининг рухсати билан муқаддас сафарга йўл олди ва иккита табаррук шаҳар – Маккаю Мадинани зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлди. Унинг ўша ёқда битган беҳад гўзал қасидалари ва шеърлари бор, айниқса, Мадинага яқинлашаётганда ёзган қасидаси ўта нафис. Мана унинг биринчи байти:

Бу замин манзили жононим эрур,  
Йўлида сарви хиромоним юрур.

Абдураҳмон Жомий икки марта Ҳазрат Эшон – Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорни зиёрат қилмоқ учун Мовароуннаҳрга келди.

Ҳазрат Маҳдуми Нуро айтган эди: «Ҳазрат Эшон Убайдуллоҳ ҳали тирик пайтларда бир куни Самарқандда бетоб бўлиб қолдим. Даволаниш учун Хуросонга кетдим, ўшанда Ҳазрат Мавлоно Жомийнинг уйларида бўлдим ва ундан сабоқ олдим. Ўша кунлари менда қизамиқ бошланди. Ўша пайтда табибларнинг устози Қутб Адам мени даволаш билан машғул бўлди. Қизамиқ беҳад зўрайиб, бир куни тонг маҳали ўлишимга оз қолди. Менинг аҳволим ҳақида Мавлоно Жомийга хабар қилишди. Мавлоно ҳаммомда экан. У шу қадар кўрқиб кетгандан кўйлагини ҳам киймасдан, бошига сочиқни ёпиб, унинг устидан салласини ўраб, яланғоч баданига пўстинини илиб югуриб келди. У бош томонимга ўтириб мендан: «Нима бўлди, Маҳдумзода?» деб сўради. Мен у билан ўлим олдидан видолашдим ва ундан розилик сўрадим.

Ҳазрат эса: «Эй Маҳдумзода, ташвиш чекманг, ҳечқиси йўқ» дея бошини куйи солди ва шу ҳолатда узоқ ўтирди. Бу орада мен ўзимга разм солиб, ташвишга арзийдиган ҳеч нарса сезмадим, ўрнимдан туриб ўтирдим. Ҳазрат Мавлоно бошини кўтариб, кулимсиради-да: «Маҳдумзода, ҳечқиси йўқ, деб айтмовдимми, деди. – Аллоҳга шукр, мана, соппа-соғсиз, мени кўрқитиб юбордингиз. Мен бундан ғоятда ҳаяжонландим». Кейин у ўрnidан турди-да, кетди. Мен эса батамом соғайдим, Мавлоно Қутб Адамга муҳтожлигим қолмади».

Ҳазрат Мавлоно Жомий ғоятда камгап одам эди, борди-ю бир-икки жумла айтса ҳам, унда бирорта қочирим ёки ҳазил бўларди. Ҳазрат Маҳдуми Нуро айтиб берган эдиларки, бир куни ҳазрати Мавлоно Жомий Самарқандга, ҳазрати Эшон Убайдуллоҳ ҳузурига келганларида, Эшон ҳазратлари Мавлонони Мотуридга олиб борган ва Самарқанд узумининг навлари машҳурдир, деганлар. У боғбони Мавлоно Ҳожи Қосимга: «Мавлоно учун соҳиби, ҳусайни ва фахри узумларидан келтиринг» деганлар. Узумни олиб келишганда ҳусайни ва соҳиби навларини жуда яхши, деб топишди. Эшон Убайдуллоҳ айтдиларки: «Мен Хуросонда еган фахри узуми жуда ширин эди, шунинг учун Хуросондан фахри қаламчасини келтириб, шу ерда ўстирдим, аммо у бу ерда унча яхши бўлмади – бўлгани мана шу кўриб турганингиз». Ҳазрат Мавлоно Жомий Ҳожи Қосим тарафга бурилиб: «Самарқанд замини – меҳмондўст эмас» деди. Жомий биринчи бор Самарқандга оддий одам сифатида келганида, аллақандай самарқандлик унга ҳаммомда: «Эй хуросонлик, ҳаммомга пўстинда кирадими одам?» депти. Ҳазрат Мавлононинг муборак бадани мўйдор экан. Мавлоно унга қараб: «Самарқандликларнинг совуқлигидан ҳатто ҳаммомда ҳам пўстинни ечиб бўлмайди», деган экан. Унинг бундай киноя-қочирмалари бутун оламга машҳурдир.

Бу мухтасар тарихда бундан ортиғини сиғдириб бўлмайди. Хожагон вакиллари одатига кўра, Мавлоно ўз сулуқларини ниҳоятда махфий тутар эдики, шу жиҳатдан мурид олмоқни истамаган. Умрининг охирида у: «Улуғларнинг нисбатлари бизга омонат эди, пинҳон сақламоқ учун бу ишни қилмадим. Аммо охири маълум бўлдики, яхши иш қилмаган эканман. Сўфийлар силсиласини узмай давом эттириш лозим экан», деган.

Ўз даврининг улуғ олими Мавлоно Абдулғафур Лорий ҳазрати Мавлоно Жомийнинг шогирди эди. Ҳазрат Мавлоно уни қабул қилгани маълум. Мавлоно Лорий «Нафаҳот ул-унс» асарига «Шарҳ» битган. Бундан ташқари у «Тазкирайи Мавлоно Жомий», яъни «Шарҳ»га кўшимча ёзган, у ерда унга қўл берганини ва бунинг Мавлоно томонидан қабул қилинганини баён қилган. Мана ўша ёзувлардан бир парча: «Бир куни мен Мавлоно билан ёлғиз қолишга муяссар бўлдим ва унга, одамларнинг келди-кетдисидан, уларнинг дарс, тушунтириш талаб қилишларидан толиқдим. Бутун вақтимни шулар банд қилганидан сиз буюрган хайрли вазифани бажаришга вақт тополмайман. Нима қилсам бўлади?» деб сўрадим. Мавлоно: «Фақат ўзингизни деб олам элини Аллоҳ оламидан чиқариб ташлаб бўлмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам одам ўз иши билан шуғулланиши керак. Мана бугун мен ҳаммомга бориб келиб, «Юсуф ва Зулайхо» достонидан икки юз байт назм қилдим. Уйга келиб ўтилиши лозим дарсни ўтдим. Ундан кейин назм қилган байтларни қоғозга туширдим, «Нафаҳот ул-унс»дан бир фаслни ёздим, аммо миямдаги фикр мени бир лаҳза ҳам

тарк этмади, қаламим одат бўйича ҳаракат қилаверди. Сиз ўз ишингиз билан ҳам шуғулланинг, одамларни ҳам ўзингиздан четлаштирманг» деди.

Ҳазрат Мавлоно Жомий 898 (1492) йилда бу фоний дунёдан абадиятга риҳлат қилди (Аллоҳ уни ўз раҳматига олсин). Олимлар унинг вафоти санасини «Ашъори дилфиреб» («Жозибали шеърлар») сўзларида топишди, яъни шу сўзлардаги ҳарфлар йиғиндиси 898 санасини беради. Унинг асарларидан энг машҳурлари қуйидагилар: «Шавоҳид ан-нубувват», «Нафаҳот ул-унс», «Ҳафт авранг» («Етти тахт»), – етти китобдан иборат шеърий асар; «Шарҳи кофия», «Шарҳи Мулло» номи билан машҳур, қирқ ҳадиснинг назмий шарҳи – «Арбаъин», «Лавойиҳ», «Шарҳи ламаъот», «Шарҳи Фусус ал ҳикам», «Шарҳи мимийаи ҳамарийаи ибн Фариз» («Ибн ал Фаризнинг «мим» қофияли «Май қасидаси шарҳи»), «Шарҳи рубоийот», укта девон, «Рисолаи муаммо ва иншо» ва бошқалар бўлиб, уларни Мавлоно Абдулғафур Лорий «Нафаҳот ул-унс» шарҳига кўшимча»да келтирган ва булар одамлар орасида машҳур асарлардир. Мавлононинг вафотидан кейин бир нечта қоралама қоғозлар ёстиғи остидан топилган бўлиб, бунгача уларни ҳеч ким кўрмаган, улар орасида икки парча битик ҳам бор экан. Айтишларича, ҳазрати Маҳдуми Нуро уларни камина учун ёзган экан, улар Султон Саидхон ҳаётининг сўнги кунларидаги воқеалар баёнида келтирилади.

#### **Мавлоно Алоуддин мактабдор (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) зикрида.**

Ўшандай одамлардан бири ҳазрати Мавлоно Алоуддин мактабдордир. У ҳам Мавлоно Саъдиддин Кошғарийнинг муридларидан ҳисобланади. Бутун Хуросон халқи унинг буюклигини тан олади. Бугунги кунда Бухорода машҳур, олам аҳли буюклигини тан олган Мавлоно Али Бовардий ҳам Мавлоно Алоуддиннинг муриди. У киши хожাগон силсиласининг ҳаёт кечинмаларини Хожаи Жаҳон Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийдан тортиб то ўзининг пиригача ёзган ва у ерга Мавлоно Алоуддин томонидан қилинган ажойиб-ғаройиб ишлар, кароматларни киритган. Унда ёзилишича, у Ҳижозга сафар қилган ва Шайх Абдулкабир Яманий билан суҳбатлашган.

#### **Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Завжий зикрида.**

Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Завжий (Румий) ҳам шулар жумласига киради. У ҳам Мавлоно Саъдиддин Кошғарийнинг муриди. Ушбу силсилаи алайҳининг аҳлларида маълумки, бир куни ҳазрати Мавлоно Саъдиддин Шайх Баҳоуддин Умар ҳузурларига боришти. Унга Мавлоно Муҳаммад Завжий ҳам ҳамроҳ бўлган. Суҳбат асносида Мавлоно Муҳаммад Завжий (Румий)нинг хаёлидан кечибдики, бизнинг ибодат пайтидаги Унга илтижоларимиз – бу Мислсиз Аллоҳга илтижоларимиз экан, бу нарсага биз қандай қилиб «қачон», «қай тахлит» деган саволларсиз эришамиз? Бу фикр Мавлонога анчадан бери тинчлик бермасди, ҳозир эса, у бу ҳақда ўйлагани заҳоти Шайх Баҳоваддин Умар айтдики, Унинг Мислсизлиги ва Ўхшаши йўқлигига сиғинмоқ керак, ана шу сиғиниш, илтижодан сўнг кишида бир ҳузур, хотиржамлик пайдо бўлса, бундан сўнг нима қилиш кераклигини Ўзи кўрсатади. Мавлоно хурсанд бўлиб, кўнгли жойига тушди. Унинг ҳузуридан чиққанларидан кейин Ҳазрат Мавлоно Саъдиддин: «Шайх ҳозир жазава ҳолатида, у камолотга етишиш босқичларини билмайди. Бу сўзларингиз менга аввалдан маълум эди, аммо мен саволингизга жавоб бермаган эдим, чунки бу ўй-фикрларингиз Аллоҳга яқинлашувингизда кўмак берган бўларди. Бу камолотга етишнинг омилдир, шу сабабли индамаган эдим. Бу фикр хаёлингизга келиб қолди-ю Шайх дарҳол бунга жавоб қайтарди, ана энди сиз бу ишга тиришиб интильмайсиз. Масала ойдинлашган бўлса-да, аммо сизнинг камолотга интилишингиз зарар кўрди» деди.

#### **Хожа Абдулазиз Жомий (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) зикрида.**

Хожа Абдулазиз Жомий ҳам ўша инсонлар жумласига киради. У ҳаж сафарига отланганда, кўплаб олимун фозил одамлар унга ҳамроҳ бўлишган, ана шу сафарлари машҳурдир.

#### **Шайх Пурон (Аллоҳ раҳматига олсин) зикрида.**

Шайх Пурон ҳам ўша улуғлар тоифасидан, у Жалолиддин Боязид Пуроннинг ўғли, у ҳақда «Нафаҳот ул-унс»да шундай ёзилган: «Мавлоно Жалолиддин айтиб берган эдики, илгари шаҳардан биз томонга ким йўлга тушса, менга олдиндан маълум бўлар, унинг кўнглидаги фикрларини ҳам олдиндан билиб олардим. Уни кутиб олишга керакли ҳамма нарсани тайёрлаб, уни кутиб турардим. У келгач, уни куттирмасдан керакли нарсаларни олдига қўярдим. Бир куни аллақандай турк бир нечта пишлоқ келтирди ва булар ҳалол, есангиз бўлади, деб мени ишонтиришга уринди, ҳар қанча узр айтсам ҳам, у мени зўрлайверди. Уни хотиржам қилиш учун битта пишлоқни иккига бўлдим-да, уни ҳам икки бўлиб, уни ҳам икки бўлиб, ярмининг ярмини едим. Ўшандан бери ҳалиги қобилиятим йўқолди. Энди мен уйимга ким келади, кўнглида нима ўй-фикр бор, билмайман, у келиб, нима тайёрлаш кераклигини сўраб билганимдан кейингина тайёргарлик бошланади. Шу сабабдан одамларни куттириб қўйишга тўғри келяпти».

Унинг одати шундай эдики, уйига келган кишини бор нарса билан меҳмон қиларди, шундан сўнг нима тайёрлаш кераклигини сўрарди, албатта нимадир буюртма бериш лозим эди. У ҳаммасини ғоятда тез тайёрлар, буюрилгандан кўп нарсани олиб келар, егуликларни нозик такаллуфлар билан қўяр эди. Кўпинча дастурхонни ўзи ёзиб, егуликларни қўярди. Отам Хуросонга борган пайтида у бир неча бор Шайх



хизматига мушарраф бўлган, мени ҳам кўпинча бирга олиб бориб, дуо қилиб қўйишини сўрарди. Шоҳибекхон Хуросонни олганда, юқорида зикр этилган Султон Аҳмад мирзонинг амирзодаларидан Мир Мўғул деган хийла танилган шоир туркий шеър битипти:

Олма оламники оламда баса ғамлар бор,

Ол кўнгул мамлакатин, кўрки не оламлар бор.

Ушбу шеърни Шоҳибекхонга ўқиб берганида, у шеърни жуда мақтабди ва: «Фирдавсий Султон Маҳмуд Ғозий Ғазнавийга олтмиш минг байтдан иборат «Шоҳнома»ни айтган, Султон Маҳмуд бунинг учун ўттиз минг динор берган. Сен бир байт айтдинг, мен сенга олтмиш минг шоҳрухий бераман» депти. Ўшанда Шоҳибекхон ана шундай улуғ Шайх Пурондан олтмиш минг шоҳрухийни мусодара қилишга қарор қилган эди, аммо ҳали у пулларни олиш учун одам бормаган эди. Мир Мўғул тиз чўкиб: «Агар ўша пулларни олиш учун фармони олий берсангиз, менга тортиқ қилинган миқдордаги Шайхнинг пулларини мен тухфа сифатида қабул қилиб, ўз ҳожатимга сарфласам» деди. «Мен сенга ўша пулларни хазинадан нақд бермоқчи эдим, модомики ўзинг шу қарорга келган экансан, майли, шундай бўлақолсин» деди хон. Мир Мўғул мусодара учун фармон ёрлиғини олди ва ушбу мусодара тафсилотини ҳам, пул олиш учун берилган фармонни ҳам ҳеч кимга айтмади. Аммо анча муддат ўтгач Мир Мўғулнинг қанчалик олийжаноблик ва одамохунлик қилгани ҳаммага машҳур бўлди.

#### **Мавлоно Абу Саид Убаҳий зикрида.**

Мавлоно Абу Саид Убаҳий ҳам шу инсонлар жумласидан бўлиб, у ҳазрати Эшон Убайдуллоҳнинг муридларидан эди, ўша даврда Хуросон эли ўртасида машҳур эди. Мен бир неча марталаб отам билан остоналарини ўпиш бахтига муяссар бўлган эдим, у киши эса фақир бандани ўз дуолари билан сарафроз қилган эди.

Мен ҳазрати Маҳдуми Нуро (Ҳожа Шаҳобиддин Маҳмуд)дан эшитган эдим. У менга мана бу воқеани айтиб берган эди: «Бир куни бир гуруҳ одамлар ҳамроҳлигида бир тоғнинг этагида эдик, мен ялангоёқ эдим ва ўша ерга ўтирдим. Ҳазрат Мавлоно Абу Саид тоғ тепасига чиқиб айланиб юрди. Унинг гапни ўйламай гапирадиган ҳамроҳларидан айримлари: «Мавлоно худди тоғ эчкисидек юрипти» дейишди. Мавлоно пастга тушгач, у ўша одамга қараб кулимсиради-да: «Биз тоғ тепасида худди тоғ такасидек юрдик, эҳтимол, Сиз ҳам кўргандирсиз?» деди.

#### **Мавлоно Муъин Воиз зикрида.**

Мавлоно Муъин Воиз ҳам ўша одамлар жумласидан бўлиб, у Мавлонозода Фароҳий номи билан машҳурдир. Унинг муридлари ва дўстлари кўп. Бутун Хуросон халқи унинг буюклиги ва пешволигига қойил қолган.

#### **Мавлоно Ҳожа Кўҳий зикрида.**

Мавлоно Ҳожа Кўҳий ҳам шулар жумласидан. Эсимда бор, бир куни Маликон жоме масжидида намоздан сўнг таҳорат сочиғини елкасига ташлаб, икки учини олд томонидан тугиб, қиблага юзланганча муроқабага кетди. Юзида ҳайрат ва ҳузур нишонаси зоҳир бўлди. Отам ўша ерда ўтирганлардан унинг кимлигини сўради. «Бу Мавлоно Ҳожа Кўҳий», деб жавоб беришди. Отам (Аллоҳ унинг мартабасини улуғ қилсин), Мавлоно ташқарига чиқмоқ учун ўрнидан тургунча сабр-тоқат билан кутиб турди. Кейин унга яқинлашиб, ҳурмат-эҳтиром билан эгилди ва унинг эътиборига сазовор бўлди. Камина ҳам отам шарофати билан унинг қўлини ўпишга мушарраф бўлдим, отам у кишидан мени дуо қилишини илтимос қилди, дуо қилиб, кейин Мавлоно кетди. Шундан сўнг бир неча марта унинг мулозаматида бўлди.

#### **Ҳазрат Ҳофиз Маҳмуд Зиёратгоҳий зикрида.**

Ҳофиз Маҳмуд Зиёратгоҳий ҳам шулар жумласидандир. У шайх Зайниддин Хавофийнинг халифаси, шайх Зайниддин эса шайх Нуриддин Абдурахмон Мисрийнинг муриди, бу эса бир нечта восита орқали шайх Шаҳобиддин Сухравардийнинг муриди ҳисобланади. Шоҳибекхон истилоси пайтида у ҳали тирик эди, отам мулозаматларига борганда бу фақир бандани уни кўришга мушарраф бўлган эдим, муборак юзларини элас-элас эслайман.

Султон Ҳусайн мирзо даврида улуғ ва табаррук инсонлар кўп эди. Мен уларнинг ҳаммалари билан ҳам учрашиш бахтига муяссар бўлмаганман, шунинг учун уларнинг қилган ишларини керагича билмайман. Лекин уларнинг таъриф-тавсифларини ишончли одамлардан эшитганман, чунончи, Мавлоно Абдурахмон Кордгар, Бобо Алишоҳ, Шайх Ҳожи Муҳаммад Қучоний, Мавлоно Шамс Муҳаммад Марғоний, Дарвиш Пир Имом ва бошқалар ҳақида. (Аллоҳ уларнинг руҳларини муқаддас қилсин).

Шулар сирасига кирувчи олимлар.

Султон Ҳусайн мирзо замонида яшаган бошқа олимларга келсак, улар жуда кўп, ҳаммасининг шарҳи бу мухтасар тарихга сиғмайди, шундай бўлса-да, табаррукка уларнинг айримлари ҳақида бироз тўхталамиз. Улардан энг улуғи ва алломаси – шайхулисом, Мавлоно Саъдиддин Тафтозонийнинг набираси Мавлоно Саъдиддин Амир Темур даврида яшаган ва уламоларнинг пешвоси бўлган. Ундан сўнг Мир Саид Шариф Журжонийдан бошқа унга ўхшаш олим дунёга келмади. Мир Саид Шариф ҳали ёш эди. Мавлоно

Саъдиддин вафотидан ўн кунлар олдин Амир Темур мажлисида бир қанча баҳслар бўлган, ўша баҳсларда кўпинча Мир Саид Шарифнинг кўли баланд келган. Бундан сиқилиб Мавлоно касал бўлиб қолган. Мир Саид Шариф уни кўргани борган. Бир мушук келиб Мир Саид Шарифга суйкалиб, эркалана бошлаган. Мир Саид Шариф уни олдидан ҳайдаган. Мавлоно Саъдиддин Мирга: Пайғамбаримизнинг «Мушукни дўст тутмоқлик – иймон нишонаси» деган ҳадисларини эшитмаганмисиз, нега мушукни ҳайдайсиз?» деган. Шунда ҳазрати Мир Саид Шариф: «Нега сиз ҳадисни тўғри ўқимайсиз, яъни мана бундай қилиб: «Мушукнинг меҳри – инсон иймонидандир».

Бу жавобдан Мавлоно ўта хижолат бўлган ва шу нарса дардининг оғирлашувига сабаб бўлиб, шу билан оламдан ўтган.

Шайхулислом (Сайфуддин Аҳмад) Султон Ҳусайн мирзо ҳукмронлиги давридан бошлаб то Шоҳ Исмоилнинг Шоҳибекхон устидан ғалаба қилгунига қадар шайхулислом эди. Шоҳ Исмоил истилоси вақтида шаҳид бўлди. Бунинг баёни мавриди билан келади. Шу муддат ичида у шунчалик тақво, диёнат ва авлиёлик кўрсатдики, Шайхнинг сўзларига эътироз билдиргулик зот топилмас эди. Ўша даврнинг кўплаб уламолари унинг шогирдлари эди, улар унинг шогирди бўлганликларидан ғурурланиб юришарди. Камина уламолардан эшитган эдимки, Шайхнинг беҳад машҳурлиги боис, у мудом турли тоифадаги кишиларни қабул қилиш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш билан машғул бўлган, шу сабабли, у баъзан дарсларни ҳам ўтолмас экан. Масалан, Мавлоно Асомиддин Иброҳим, Мир Муҳаммад, Мир Юсуф, Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Баҳрободий сингари йигирма бешга яқин таниқли донишманд уламолар шайхулислом ҳузурига келиб, илм ўрганиб китоблар битишган.

Шайхнинг мажлисларида баҳс-мунозаралар қилишиб, баъзан икки гуруҳга ажралиб, бир-бирларига эътирозлар қилишарди. Кўпинча шундай бўлардики, шайхулислом у фикрниям, бунисиниям рад қилиб, учинчи хулосани айтарди ва ҳамманинг шу хулосани қабул қилмоқдан ўзга чоралари қолмасди. Гарчи улар мунозарада уста бўлишса-да, гоҳида бирорта масала юзасидан ҳаммалари фақат битта хулоса чиқаришарди. Шайх эса бошқа ечимни таклиф этар ва ҳаммани ўз фикридан қайтишга мажбур қиларди. Шайхулислом ҳузуридан кетаётганда уламолар: «Инсоннинг ҳаётда шунчалик кўп билимни тўплаганига ҳайрон қоласан киши!» дея ҳайрат изҳор қилишарди. Шайхнинг дарслари йигирма тўрт йил давомида шу тариқа кечди ва бу олимлар ҳамиша Шайхга муҳтожлик сезишди.

Отам Хуросонга келганидан кейин бир неча кун ўтгач, бола тўрт ёшда тўрт кунлик бўлганда мактабга бериш оdatига кўра мени мактабга бермоқчи бўлди ва оқ фотиҳа олиш учун аввал шайхулислом олдига олиб борди ва у кишидан менга сабоқ беришни сўради. Шайх: «Аллоҳ енгиллик беради» деб ёзди ва ғоятда мулоимлик ҳамда меҳрибончилик билан мени тиззасига ўтқазиб, ширин сўзлар билан менга сабоқ бердики, ўша пайдан бери ўттиз саккиз йил ўтган бўлса-да, Шайхнинг муборак юзи, унинг сабоқлари ва меҳрибончилиги нақши худди тошга ўйилгандек хотирамда қолган. Ишончим комилки, ўша сабоқларнинг шу кунларгача етиб келган шарофати бу дунёда ҳам, охирада ҳам етиб туради, иншоллоҳ. Беназир олим Мир Муртоз ҳам бўлган эди. Яна бири – Хожа Мавлоно Исфаҳоний ҳадис билимдони ва уламолар пешвоси бўлган. У Ироқдан қочиб келган, бунинг сабаби мана бундай эди: Илгари айтиб ўтганимиз, мухтасар баёни ҳали яна келадиган бадбахт Шоҳ Исмоил беҳад қаҳри қаттиқ одам эди. У суннийми, жамоатданми, султонлар ёки амирларданми, уламоми ёки деҳқонми, ё оддий фуқароми – ким бўлмасин, кўлига тушган одамни ўлдирарди. Хожа Мавлоно у қатлдан қочиб, Хуросонга келган, кейин Мовароуннаҳрга ўтиб, ўша ерда қолиб кетган эди.

Тағин жуда кўплаб уламолар ўтган, шулар жумласидан: Мир Абдулқодир Машҳадий, Мир Жамолиддин муҳаддис, Мир Атоуллоҳ, Мир Иброҳим Машҳадий, Мавлоно Мақсуд Ширвоний, Мавлоно Ҳамид Ширвоний, Мавлоно Асомиддин Иброҳим, Мир Муҳаммад, Мир Юсуф, Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Баҳрободий, Мавлоно Ғиёсиддин Баҳрободий, Мавлоно Ҳанафий, Мавлоно Иброҳим Ширвоний, Мавлоно Шоҳ Саид Ошиқ, Мавлоно Аҳмад Румий, Мавлоно Муҳаммад Ганжи, Мавлоно Аҳмад Жандий, Мавлоно Мир Калон Табиб, Мавлоно Ҳожи Табризий, Мавлоно Муин Табризий, Мавлоно Садриддин Муҳаммад Қандаҳорий ва ҳазрати Мир Абул Бақоки, унинг вужуди шарифидан ҳозир ҳам бутун олам мунаввардир, Ҳиндистондаги воқеалар баёнида ҳали у зот ҳақида тўхталамиз. Ўша даврда у Ҳиротдаги буюк инсонлардан бўлганликлари боис отам у кишининг падари бузрукворлари Абдулбоситнинг зиёратига бир неча марта борган эди.

Мавлоно Абдулғафур Лорий исми таниқли олим ҳам бўлиб, Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий зикрида у ҳақда гапирган эдик. Мавлоно Лорий беҳад бетакаллуф, оддий, кўнгли очиқ одам бўлган. У кишининг муборак хотирига донишмандлик кибри ғубори кўнмаган эди. Дунёнинг турли бурчакларидан Ҳиротга қандай олим келса, ҳатто у Мавлонога шогирдликка лойиқ бўлмаса ҳам, унинг ишларининг ривожини учун Мавлоно унга таълим берар, неча кунгача китобларини қўлтиқлаб, кўча ва бозорларда бирга олиб юрар эди.

Хуросонда олимлар кўп эди, уларнинг номлари ва ҳаётларини муфассал баён қиладиган бўлсак, ҳикоямиз чўзилиб кетади. Тағин кўплаб олимлар бўлганки, фақир банда уларни билмайман, шу боисдан юқорида тилга олинганлари билан чекланамиз.

Улардан – шоирлар. Ўша жаннатмисол замонда яшаган буюк шоирлардан юқорида масалан: Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг номини олимлар ва авлиёлар сафида тилга олиб ўтдик. Агар такрорга эътироз бўлмаса эди, олимлар ва шоирлар ҳақидаги фаслни Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомийнинг муборак номи билан бошлаш ўринли бўларди, шунингдек, Хуросон авлиёлари, олимлари, шоирларининг сардафтари ҳам Мавлоно Жомийдир. Ҳақиқат шуки, қаерда олимлар ва етук инсонлар ҳақида гап кетса, унинг номини қайта-қайта тилга олиш, сўзни ундан бошлаб, у билан тугатиш ҳамisha кўнгилларга хуш ёқади.

Мавлоно Абдулғафур Лорий «Нафаҳот ул-унс»га битган «Шарҳ»ида шундай деб ёзган: «Ҳазрат Мавлоно Жомий бутун умрлари давомида мажозий тимсоллар таъсири остида бўлдилар ва муҳаббат куйи уларнинг кўнгил мулкларида салтанат дабдабаси ноғорасини чалар эди. Умрларининг сўнгги кунларида, бир куни келсам, ёлғиз ўзлари эканлар. Таҳорат олдилар, илгари мўй билан, чандиқлари доғлар билан қопланган муборак билаклари шундай тоза, ялтироқ эдики, бунақасини кўрмаган эдим. Мавлононинг қўллари мени ҳайратга солди. Мавлоно бошини кўтариб, менга қараб дедилар: «Анчадан бери мен ўз ошиқлигимни ўзим учун шундай намоён қиламан, ўз хаёлимда кўнглим истаган тимсолни тасаввур қиламан-да, унга маҳлиё бўламан. Анчадан буён битта тимсолни тасаввуримда яратиб, унга ўз муҳаббатимни изҳор қилипман. Мана бугун меҳрибон Раббим қўлларимни ўша хаёлимдаги тимсолнинг қўлларига ўхшатиб қўйди, ҳозир ўз қўлларимга маҳлиё бўлиб ўтирибман. Сиз айни шу лаҳзада келдингиз». Кейин тагин қарасам, Мавлононинг қўллари қайта аввалги ҳолига қайтиб қолипти». Ҳазрат Мавлоно Жомийнинг шеърлари шу даражада машҳурки, бу мухтасар тасвирда уларни сўзимнинг исботи сифатида келтириб ўтиришга ҳожат йўқ. Аммо унинг битта машҳур бўлмаган ғазали бор, уни ёзишда шундай шарт қўйганки, биринчи байтдаги ҳамма сўзлар алоҳида ҳарфлардан иборат бўлиши, яъни, ҳеч бир ҳарф бошқалари билан бирикмаслиги, иккинчи байтдаги сўзлар икки ҳарфдан, учинчи байтдаги сўзлар учта ҳарфдан иборат бўлиб, бошқа сўзлар билан уланмаслиги лозим, ҳуллас, шу тариқа беш байтдан иборат ғазал шу тартибда ёзилган.

Руҳи зард дорам зи даври он дар,

Зада доғи дардам даруни дил озар.

Чу тан кост ғўи шаби фурқати ту,

Чу маҳи нав ки бошад бадингуна лоғар.

Хатат Хизру жаъди кажат мушки Тибат.

Танат симу лаъли лабат тунги шаккар.

Ба жаннат наими, шаҳди муҳаббат,

Беҳишти муҳаллад насиби муҳаққар.

Ба лабҳо малиҳи, ба талъат сабиҳи

Ба гуфтан фасиҳи, ба гису муанбар.

Таржимаси:

Эшигига боқиб юзим сарғаяр,

Дардим доғи дилга лахча ўт қалар.

Айрилиқда танам шундай оздики

Мени кўрган янги ойга ўхшатар.

Мийиқ Хизру сочинг Тибат мушкидир,

Танинг кумуш, лабдан сочилар шакар.

Сен жаннат неъматини, муҳаббат боли

Хулд номли жаннат ҳам сендан уялар.

Лабларинг малиҳу, юзларинг сулув

Нутқинг кўп фасиҳу, сочларинг анбар.

«Нафаҳот ул-унс»га ёзилган «Шарҳ» ўттиз фаслдан иборат. Мавлоно Абдулғафур Лорий узр сўраб

ёзадики: «Баён чўзилиб кетишидан хавотир олмаганимда эди, Ҳазрат Жомий кўрсатган кўпгина

кароматларни келтирган бўлардим, лекин биз шу айтиб ўтилганлар билан чегараланамиз. Чунки

китобнинг мақсади бошқа, агар гапни чўзсак, мақсадга путур етади».

### **Мир Алишер зикрида.**

Унинг таҳаллуси – Навоийдир. Унгача ҳам, ундан кейин ҳам туркий тилда ҳеч ким унчалик кўп шеър битган эмас. У шеър илмининг устаси, унинг туркийча шеърларининг шуҳрати Мулло Жомийнинг форсча шеърлари шуҳрати билан тенг. У форс тилида ҳам кўп шеърлар ёзган. Форсча шеърларини Фоний таҳаллуси билан битган. У Хожа Ҳофиз Шерозий девонига назира тарзида девон тузган. Хожа Хисрав Деҳлавийдан кейин «Яхшилар дарёси» («Дарёи аброр») қасидасига ҳеч ким Мир Алишер Навоийчалик жавоб ёзолмаган. Мана ундан бир байт:

Оташин лаълеки тожи хисравонро зевар аст

Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.

Мазмуни:

Шоҳлар тожидаги оловранг лаъл тош,  
Чўғдирки пиширар хом хаёлин бош.  
Ҳазрат Маҳдум – инсониятнинг ифтихори Мавлоно Абдурахмон Жомий ҳаж сафаридан қайтганларида  
Алишер Навоий уларга мана бундай рубоий ёзиб жўнатган:

Инсоф бидеҳ, эй фалаки минофом,  
То з-ин ду кадом хубтар кард хиром:  
Хуршеди жаҳонтоби ту аз матлаъи субҳ  
Ё моҳи жаҳонгарди ман аз жониби Шом?

Мазмуни:

Инсоф билан айтгил, ложувард фалак,  
Қай бири хушхиром мисли капалак:  
Қуёшингми ҳар тонг сафарга чиқар,  
Шомдан қайтаётган моҳимми малак?

Унинг учта туркий-ўзбекча, битта форсча девони бор, у «Тазкират ул-авлиё» ни туркийча битган,  
«Хамса»ни туркийча назм қилган. Булардан ташқари, унинг жуда кўп асарлари мавжуд, битта девондан  
ташқари барчаси туркий тилда ёзилган.

Унинг келиб чиқиши бахшиларга бориб тақалади. Отасини «Кичкина бахши» дейишган, у саройда  
амалдор бўлган. Мир Алишер болалиқдан Султон Ҳусайн мирзо билан дўстлашган. Султон Ҳусайн мирзо  
подшоҳ бўлгач, Алишер Навоий унинг хизматига келган, мирзо уни беҳад қадрлаб, ғамхўрликлар  
кўрсатган, Мир Алишер эса халққа худди шундай ғамхўрлик қилган.

Шундай қилиб, ўша замонда халқнинг турли тоифалари ичидан фозил, беназир инсонлар чиққани унинг  
саъй-ҳаракатлари туфайлидир. У Мир сифатида шундай жидду жаҳд кўрсатдики, натижада катта бойлик  
тўпланди, деҳқончиликдан ва бошқа тарафлардан тушган кунлик даромад ўн саккиз минг шоҳрухийни  
ташқил этган. Ўз амирлик мансабининг барча жиҳатларини – хизматкорларни, мулозимларни, хазинани,  
сайисхонани, подшоҳлик иморатларини у Султон Ҳусайн мирзонинг ноиб амир Бобо Алига топширган, бу  
ўша даврнинг энг буюк сипоҳларидан эди. Мир Алишер амалдорлик ишларини йиғиштириб қўйиб, бошқа  
амалдорлар ва мулозимлар билан бир қаторда ўзини Султон Ҳусайн мирзо хизматига бағишлади. У  
қудрати етганча унга ёрдам сўраб мурожаат қилган муҳтожларга, олиму фозилларга ҳомийлик қилди. Ўз  
мулкидан тушган барча даромадни эл-юрт фаровонлиги учун хайрия ишларига сарфлади. У хонақолар,  
масжидлар ва бошқа иморатлар қурдирдики, уларнинг кўпчилиги то ҳозирги кунгача Хуросонда сақланган.  
Эҳтимол, шунча кўп қурилишларни амалга ошириш бошқа бировнинг қўлидан келмаган бўларди. Ўша  
пайтда Мир Алишер ҳомийлик қилмаган бирорта олиму фозил киши йўқ эди. У беҳад зукко ва заковатли  
киши эди. У бошқаларда ҳам худди шундай фазилатлар бўлишини хоҳлар, бунга эришиш қийин бўлар,  
шундан одамларда гинахонликлар содир бўларди. Унинг нозиктаъблиги ва тез ранжиб қолиш  
хусусиятидан бошқа камчиликларини топишолмаган. Гарчи у фозил ва беҳад давлатманд киши бўлса-да,  
бутун қимматли ҳаётини нафсини тийиш ва хайрли ишлар билан ўтказди.

Байт:

Теран денгизлардан гавҳар-дур унар,  
Инсонга кераги –яхши бир ҳунар.

Демак, Мир Алишернинг битта камчилиги, яъни нозикмижозлигидан ўзгаси бутунлай фазилат эди.

**Шайхим Аҳмад зикри.** Тахаллуси Суҳайлий бўлиб, у ҳам Султон Ҳусайн мирзонинг амирларидан эди,  
яхши шеърлар ёзган, «Хамса»га назира битган.

Ҳусайн Али Жалойир зикри. Тахаллуси Туфайлий бўлиб, Султон Ҳусайн мирзонинг ноибларидан бири,  
бир муддат парвоначи бўлган. Қасида битишда мислсиз эди, истеъдодда у Салмон Соважий ва Заҳир  
Кирмонийдан ўзиб кетди. Унинг «шикаст» (синди) радифли қасидаси бор, эҳтимол, ҳеч бир шоир шу  
радиф билан бундай ҳажмдаги қасидани ёзмаган бўлса керак. Қуйида шу қасидадан бир неча байт  
келтирамиз:

Нахли қаддат жилва кард қадри санубар шикаст,  
Лаъли лабат ханда зад қимати гавҳар шикаст.

Пистаи ту ғунчаро хун ба дарун зад гиреҳ,  
Ғунчаи ту пистаро ханда ба лаб даршикаст.

Навҳаи қумри чарост гар на зи ёди қадат?  
Сарсари оҳам ба боғ қомати ар-ар шикаст.

Ҳомии амну амон шоҳ Бадеуззамон  
Онки ба бозум адл пушти ситамгар шикаст.

Таржимаси:

Ниҳол қаддинг жилва қилиб қадри синди санавбарнинг,  
Лаъли лабинг ханда қилиб қиммати синди гавҳарнинг.

Сенинг пистанг тўлғонтирар ғунчани ичма-ич эзиб,

Сенинг ғунчанг писталардан махв этгуси кулгиларнинг.  
Кўзларингнинг қорачиғи бузди эл хонумонини,  
Даф бўлди яъжуж фитнаси, садди синди Искандарнинг.  
Қумрининг оху воҳи ҳам сенинг қадинг туфайлидир,  
Кучли оҳим қюнидан шохлари синди аръарнинг.  
Доруломонлик ҳомийси шоҳи Бадиуззамон,  
Унинг адли қудратидан қўли синди ситамгарнинг.  
Ҳусайн Али Жалойир ушбу қасидани бошдан оёқ шу тарзда ёзган.  
Осафий – вазирнинг ўғли бўлиб, яхши шеърлари бор, бу матлаъ унинг иқтидорининг мевасидир:  
Рақиблар куйида ойимни мен қандай сўроглайман?  
Кириб у кофиристонга ўзим бағримни доғлайман.  
Оҳий – унинг шеърлари ниҳоятда чиройли ва силлиқдир. Айтишларича, улар услубан Мир Шоҳий шеърларини эслатади. У жуда яхши девон тартиб берган. Шеърларидан намуна байт:  
Фаҳр этарман кўзларим-ла: у юзинг кўрган сени,  
Оёғимдан айланай ёнинга етказган мени.  
Ҳилолий. Шеър фанида устоздир. Унинг яхши шеърлари бор. «Шоҳу дарвеш» достони унга тегишли.  
Унинг девони ҳам машҳурдир. Жумладан ушбу матлаъни қайд этамиз:  
Ой фалак зулмидан букилганми ё?  
Ойдан бирор парча юлинганми ё?  
**Биной – у олим ва етук шоир бўлган.** У ва Мир Алишер ўрталарида мудом баҳс, келишмовчиликлар бўлиб турарди, улар ўртасидаги мутоибалар, фикрий жанглар жуда машҳурдир. Мана улардан айримлари:  
Мир Алишер Мавлоно Соҳибнинг бир матлаъсини сотиб олиб, уни ниҳоясига етказган. Мана ўша матлаъ:  
Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин чокрок  
Кирпигим шабнам тўкулган сабзадин намнокрок  
Яна бир матлаъ Мавлоно Лутфийникидир. Мир Алишергача бирорта шоирда шеърни давом эттириб ниҳоясига етказиш қобилияти бўлмаган. Мир Алишерга бу матлаъ хуш ёқиб, уни охирига етказган. Мана ўша матлаъ:  
Бошимиздин сояси сарви қадинг кам бўлмасун,  
Зоти покинг бўлмаса, оламу одам бўлмасун.  
Биной Мир Алишерга нисбатан ўткир ҳазил, киноялар қиларди. Шунда Навоий ҳам унга ҳазил тариқасида: «Мавлоно Биной жинни бўлиб қолган, уни «Доруш-шифо» сихатхонасига ётқизиб, калтаклаш ва нўхат шўрва бериш керак» деган. Шу сабаб бўлиб Биной Ироққа қочиб кетган. У Ироқда Султон Яъқуб ҳомийлигида бўлди, аммо бироз вақт ўтгач, у яна Ҳиротга қайтиб келди.  
Мир Алишер одам юбориб, уни олиб келтиради, мулойим, дўстона муомала қилади, уни иззат-икрому совғалар билан кутиб олади, ўтган гаплар учун узр сўрайди. Биной ҳам ўз киноялари учун узр сўрайди, шу билан уларнинг муносабатлари яхшиланади.  
Дўстона суҳбатлашиб ўтиришганда Навоий «Ироқ қандай жой экан?» деб сўрайди, шунда Биной: «Ироқликларнинг бир иши менга маъқул бўлди – улар умуман туркийча шеър айтишмас экан» деб жавоб беради. Мир Алишер: «Ҳалиям хушёр тортмабсан! Дўстлик ва ҳамжиҳатлик ҳурмати бундай тиканакли сўзларингни бас қил-да, ҳақиқат юзасидан айт-чи, девонимдаги ғазалларда энг яхши матлаъ қайси?» деб сўраган. Биной жавоб берган: «Мана бу матлаъ халққа ҳаммадан кўра мақбулдир» деб:  
Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин чокрок  
Кирпигим шабнам тўкулган сабзадин намнокрок –  
байтини айтган. Мир Алишер: «Сен ажаб тили аччиқ одамсан, ўзинг биласанки, мен бу матлаъни Мавлоно Соҳибдан сотиб олиб, давом эттирганман, сен шунинг учун атайлаб киноя қилиб шу матлаъни мақтаяпсан» деган. Биной эса:  
– Сизга киноя қилишга менинг ҳаддим сиғадими? Бу матлаъ сизники эмаслигини билмаган эдим. Сизнинг яхши шеърларингиз кўп, мана масалан, мана бу матлаъ унисидан ҳам яхши:  
Бошимиздин сояси сарви қадинг кам бўлмасун,  
Зоти покинг бўлмаса оламу одам бўлмасун.  
Мир Алишер: «Ҳа, бу матлаъ Мавлоно Лутфийники бўлганидан ундан яхшироқдир. Сен ҳеч қачон кинояни бас қилмас экансан» деб, улар яна аразлашиб ажрашишди.  
Сайфий масалчиликда машҳурдир, бу соҳада Тусийга тақлид қилган, лекин ундан кўра яхшироқ ёзган. У олим ва фозил киши бўлган, унинг девони халқ орасида шуҳрат топган. Унинг шеърларидан намуналар:  
Эй туро чун дили ушшоқи паришон кокул,  
Қоматат фитнау сарфитнаи даврон кокул.  
Ҳамчу дудестки бар гирди сари шамъ бувад.  
Ҳалқа-ҳалқа ба сари он моҳи тобон кокул.

Таржимаси:

Мафтунларинг кўнгли каби кўп паришон кокилинг,  
Фитна-қаддинг, фитнабоши ушбу даврон кокилинг.

Шам бошини қоплагандай қоп-қора дуди унинг  
Балқиган ойдай юзингда зулматистон кокилинг.

У ҳунармандлар ҳақида шеърлар ёзган ва уларга «Бадойи» («Нодир шеърлар») деб ном берган. Мана улардан намуналар:

Чу ишқи каллапаз дар гардан афтод,

Дило, хуш бош нон дар равған афтод.

Бути пардозгарам кў ба касон менозад,

Ҳеч ба ҳоли мани хаста наменпардозад.

Таржимаси:

Каллапаз ишқи тушди бўйингинам – бошвоққа,

Яйрагил, кўнглим, тушди ахир нонгинанг ёққа.

Пардозчи санам доим ўзгалар хизматида,

Мен шўрликни безамас бўлсам эл иззатида...

Булардан ташқари яна кўплаб девонлар қолдирган ва халқ орасида машҳур шоирлар ҳам бор. Улар жумласига Аҳлий, Наргисий, Ҳажрий, Мир Муҳаммад Солиҳ, Шаҳидий, Шухудий, Гулханий, Гулшаний, Паёмий, Хожа Абул Барака, тахаллуси Фироқий, Ҳайдар Калича ва бошқалар кирди.

Улардан муаммо ёзувчилар. Тилга олинган улуғ олиму фозиллардан кўплари яхши муаммолар битишган. Биз бу ерда фақат муаммогўй сифатида шухрат қозонганлари ҳақидагина тўхталамиз, гарчи улар бошқа фазилатларга ҳам эга бўлишса-да, муаммо ёзиш қобилиятлари ҳаммасидан ошиб тушган. Амир Ҳусайн Муаммоий муаммогўйликда мислсиздир. У муаммога бағишлаб ажойиб рисола яратган. Мана бу Сухроб номига битилган рисоладан олинган муаммо:

Ёфтам аз дари майхонаи тарсо шарафе,

Ҳосило, мадраса акнун тарафе, мо тарафе.

Мазмуни:

Мен мажусий майхонаси эшигида топдим шараф,

Энди мадраса бир тараф, мен толиби илм бир тараф.

Мавлоно Муҳаммад Бадахший Муаммоий, Мавлоно Камол Муаммоий, Мавлоно Шайхоб Муаммоий, булардан ташқари яна кўплаб бу санъат намояндалари машҳурки, уларнинг барчаси ҳақида тўхташ мақсадимизга кирмайди.

Улардан хаттотлар. Ўша замонда кенг тарқалган настаълик хати унганча ишлатилмаган. Унинг ихтирочиси Мир Али Табризий Амир Темур замонида яшаган. Унинг шогирди – Мавлоно Жаъфар. Гарчи Мавлоно Жаъфар барча хат турларида яхши ёза олган ва ҳамма хат турлари бўйича устоз бўлса-да, унинг шогирдлари орасида фарқ бор. Масалан, сулс, насх, риқоъ, муҳаққақ ва райҳоний хатлари бўйича унинг шогирди Мавлоно Абдуллоҳ ошпаздир. Ҳофиз Фўта, Мавлоно Маҳмуд Котиби Самарқандий ва бошқалар эса Мавлоно Абдуллоҳнинг шогирдларидир, барча кейинги хаттотлар шу гуруҳнинг шогирдларидир. Худди шунингдек, Мир Абдулхай насхталикда – Мавлоно Жаъфарнинг шогирди, кўплаб настаъликда ёзган хаттотлар Абдулхайнинг шогирдларидир. Бироқ Мавлоно Азҳар, Мавлоно Шайх Абдуллоҳ Хоразмий ва Мавлоно Шайх Муҳаммад хафинавис – булар ҳаммалари настаъликда Жаъфарнинг шогирдларидир. Мавлоно Жаъфар настаълик хатида унинг ихтирочиси Мир Али Табризийдан кўра яхшироқ ёзар, шунингдек, Мавлоно Азҳар Мавлоно Жаъфардан кўра яхшироқ ёзарди. Мавлоно Жаъфар пухта, ёқимли ёзарди-ю, аммо хати нотекисроқ чиқарди.

Мавлоно Азҳар эса ҳам нозик, ҳам аниқ, аммо бироз нотекис ёзарди.

Мавлоно Жаъфар Шоҳрух мирзо замонида яшаган, Шоҳрух мирзонинг ўғли Мирзо Бобур Қаландарнинг отаси Бойсунғур мирзо кутубхонасида ишлаган одамлардан бири эди.

Мавлоно Азҳар Султон Абусаид мирзо кўрагоннинг мулозимларидан эди. Мавлоно Азҳарнинг шогирдлари – Мавлоно Султон Али Машҳадий, Шайх Пуроннинг набираларидан бири Шайх Боязид Пуроний, Мавлоно Султон Али Қойинийдир. Мир Али Табризий ва Мавлоно Жаъфар ораларидаги нисбат ҳамда Мавлоно Азҳар билан Мавлоно Жаъфар ўртасидаги нисбат ҳатто Мавлоно Азҳар билан Мавлоно Султон Али Машҳадийлар орасида ҳам сезиларли даражада мавжуд эди. Қитъа ёзишда, майда ва йирик хатларда китоб кўчиришда, ҳатто настаъликда ҳам Мавлоно Султон Али Машҳадий, шубҳасиз, шундай истеъдодга эга эдики, унганча ҳам, ундан кейин ҳам, унга яқин қилиб ҳеч ким ёзолмаган. Барча турдаги хатларни сифатли ва нафис битишда беназир эди. У хаттотлик санъатини нозик дид ва нафосат билан эгаллаган эдики, бунақаси ҳеч кимга насиб этмаган. У хаттотлик илми ҳақида рисола ёзиб, унда қуйидаги фикрларни айтган эди: «Хаттотлик бўйича машқларимнинг дастлабки даврида мен Тусдаги ҳазрати Имом Али Мусо Ризо (Тангри ундан рози бўлсин)нинг муқаддас зиёратгоҳларида яшардим, бир куни туш кўрсам, тақводорлар пешвоси, икки олам сарвари расулининг халифаси, Аллоҳнинг шери Ҳазрат Али ибн Абу

Толиб (Аллоҳ унинг юзини мунаввар қилсин) қўлимга бир қалам тутқазди, уйғониб кетдим ва шу билан пешонамга хаттотлик қисмати ёзилди».

Мавлоно хаттотликни эндигина машқ қила бошлаганда у хатга ўзига хос шакл берарди, бу халққа ёқарди-ю, аммо котиблар уни писанд қилишмасди. Мавлоно Жаъфар «Хамса»ни кўчиришни бошлади-ю, бироқ охирига етказолмади. Султон Абусаид мирзо: «Шу ишни ниҳоясига етказадиган бирор кимса борми?» деб сўради. Мавлоно Султон Али халқ орасида машҳур бўлгани сабабли Абусаид мирзога, ҳозир бир ёш хаттот пайдо бўлган, ўша бу улкан ишни охирига етказиши мумкин, дейишди. Мавлоно Султон Алини бошлаб келиб, Мавлоно Жаъфар ёзган қисмни кўрсатишди, Мавлоно Султон Али бу ишга дарҳол рози бўлди. Бир қисмини кўчириб олиб келди. Мавлоно Азҳар уйида эди, аввал унинг олдига бошлаб боришди. Унинг аччиғи келди: «Сен Мавлоно Жаъфарнинг «Хамса»сини шу тахлит охирига етказдингми?» деб Мавлоно Султон Алини уйига олиб кириб, товонига хипчин билан уриб, икки кунгача қамаб қўйди. Шундан сўнг қамоқдан чиқариб унга: «Эй ўғлим, сенинг қобилиятинг зўр экану, аммо услубинг қўлбола – бу настаълиқ услуби эмас» деди. У Мулло Султон Али Машҳадийга бир қитъа бериб, худди шу услубда ёзгин, деди.

Мулло Султон Али айтган эди: «Мен қитъани олиб кетдим ва шунга қараб машқ қила бошладим. Кўп машқлардан кейин, настаълиқ услуби қандай бўлишини билиб олдим, шу пайтгача менинг хатимда услуб деган нарса бўлмаган экан, услубсиз хатни, гапнинг рости, хат деб бўлмайди, энди эса ўз хатимнинг гўзаллиги, нафислиги, пухталиги ва тозалигидан фахрланаман». Ҳозирги пайтда Мулло Султон Али Машҳадийдан шунчалик кўп мерос қолганки, бунга ишонмасликнинг иложи йўқ. Дунёнинг кўп мамлакатларида қалам аҳлларида у кўчирган қитъа ва китоблардан бирортасини билмайдигани кам топилади, агар дунёдаги сарой кутубхоналарида Мулло Султон Али Машҳадий кўчирган икки-учта китоб бўлмаса, уни кутубхона ҳисоблашмайди. Бу хайратга муносиб ҳолатдир!

Мулло Султон Али Машҳадийнинг шогирдлари кўп бўлган, улардан бири Мавлоно Алоуддиндир. Мулло Алоуддиндан ўзга ҳеч ким айнан Мулло Султон Алидек ёзолмаган, айниқса, ўшандай, китоб кўчиролмаган. Яна султон Муҳаммад Хандон ҳам бағоят малоҳатли қилиб ёзган. Мавлоно Муҳаммад Абришимий жуда нафис, аммо бироз синиқроқ ёзган. Мулло Зайниддин Маҳмуд, яъни Мулло Султон Алининг куёви ҳам шогирди бўлган. У китобларни жуда тез, дид билан кўчирган. Султон Муҳаммад Нур, тез ёзса-да, сўзлар бўштоброқ чиқарди. Яна бир шогирди Қаландар котиб эди. Мулло Султон Али Машҳадий унга алоҳида эътибор кўрсатарди, чунки унинг ҳаёт тарзи устозга ёқарди. Унинг аниқ бир бошпанаси йўқ эди, у на либос ҳақида, на пойафзал ҳақида қайғурмади, бутун ҳаётини дарвешона узлатда, хуш ахлоқлик ва покликда кечирди.

Унинг хати Султон Али Машҳадийнинг тилга олинган шогирдлариникидан ночорроқ эди.

Тағин бир гуруҳ хаттотлар борки, улар ҳам шу жамоанинг шогирдларидир. Чунончи, Мавлоно Қосим Али – Мавлоно Муҳаммад Абришимийнинг шогирди. Унинг қалами ўткир, дид, нафислик ва пухталиқда хати шу жамоага мансуб хаттотларникидан ажралиб турарди, у буларнинг кўпчилигидан яхшироқ ёзарди. Камина ҳам унинг шогирди, бу ҳақда кейинроқ баён қилинади. Яна бири Қосим Шодишоҳ – Султон Муҳаммад Хандоннинг шогирди, чиройли ёзади. Зайниддин Маҳмуднинг шогирди Мавлоно Мир Али тоза ва пухта ёзади. Унинг майда хати йирик хатидан кўра яхшироқ, қитъа ёзишдан кўра китоб кўчириши яхшироқ. Йирик хат билан ёзганда ёзуви бир текис, гўзал чиқмайди, майда хатида ҳам, йиригида ҳам хаттотларга хос нафосат сезилмайди, лекин хатининг пухталиги билан у ҳаммадан ўзиб кетиши аниқ.

Тилга олинган хаттотлар жамоаси шундай истеъдод эгаларики, бундайлари уларгача ҳам, улардан кейин ҳам бўлмаган.

Рассомлар ҳақида. Шоҳ Музаффар – устод Мансурнинг ўғли. Султон Абусаид мирзо замонида устод Мансурдан зўр рассом бўлмаган. У мусаввирлар устози бўлган. Устод Мансурнинг мўйқалами нафис ва гўзал бўлган, Шоҳ Музаффардан бошқа ҳеч кимда бундай нафис, ингичкароқ қалам бўлмаган. Бироқ ишлари бироз қуруқроқ.

Жанг-жадал саҳналарини у ўта ишонарли тасвирлар, бироқ Шоҳ Музаффар бундан-да ўзиб кетди. Унинг қалами тасвири ғоятда нафис, тоза, чиройли ва дадил эдики, кўз қамашарди. У йигирма тўрт ёшида оламдан ўтди, умри давомида еттита ёки саккизта тўпламга расм чизган. Унинг қоралама суратлари одамлар қўлида сақланган. Шу соҳа устодлари уларни беҳад қадрлашади.

Беҳзод – тасвирий санъатда устод эди. Гарчи мўйқаламининг нозиклиги Шоҳ Музаффарникичалик нафосатли бўлмаса-да, Беҳзоднинг мўйқалами ўткирроқ, режа ва тарҳи яхшироқ эди.

Ўтмишда Ҳалоқу хоқонлари сулоласи (Ироқ ҳукмдорлари даврида) Хожа Абдулҳай деган мусаввир ўтган. Шу санъат соҳибларининг фикрларига кўра, авлиё одам бўлган. Умрининг охирида у тавба қилиб, ўз ишларини қаерда кўрса, ҳамма жойда ё ювиб ташлаган ёки ёқиб юборган, шунинг учун асарлари кам қолган. Ишининг тозаллиги, нафислиги, пухталиги, шунингдек тасвирий санъат нозикликлари бўйича унга тенг келадиган бўлмаган. Хожа Абдулҳайдан кейин Шоҳ Музаффар ва Беҳзод келади, улардан сўнг бундай мусаввирлар ортиқ чиқмади. Кейинги иккитасини Мир Алишер тарбият қилган.

Қосим Али Чехракушой – Беҳзоднинг шогирди. Унинг чизган асарлари Беҳзодникига яқин, ўша услубда

яратилган. Катта тажрибага эга одам Қосим Алининг ишлари Беҳзодникига нисбатан яхшироқ эканлигини сезади, бироқ унинг тарҳ-аслиятлари Беҳзодникига нисбатан пастроқдир.

Мақсуд – уни иккинчи Қосим Али деса бўлади. У ҳам Беҳзоднинг шогирдларидандир. Унинг қалами Қосим Алиникидан ҳеч кам эмас. Бироқ тарҳ аслиятини яратиш ва расмлар миқдорида у Қосим Алидан кейин туради.

Мавлоно Мирак Наққош. У ўз замонасининг ажиб нодир сиймоларидан бўлиб, Беҳзоднинг устозидир. Унинг аслу тарҳлари Беҳзодникидан пишиқроқдир. Тарҳни жонлантириш сифати ва расмлар миқдорида кўра у Беҳзодча эмас. Лекин у расм чизишда Беҳзод каби ҳужра, дастгоҳ, қоғозга боғланиб қолмас, балки аксари ташқарида очиқ ҳавода, сафарларда, Хусайн мирзонинг ҳовлисида, дуч келган жойда расмларни қойилмақом чизаверар эди. Яна ажабланарли хусусиятларидан иккитаси: кураш тушувчи полвон ва асбоб-ускуна ясайдиган темирчи ҳам эди. Ушбу ишлар билан наққошлик ва рассомлик ҳунарини бирга олиб бора олгани янада ғаройибдир.

Устод Бобо Ҳожи – у моҳир расмқалам соҳиби, аммо суратларининг асоси мутаносиб эмас. Бутун Хуросонда меъморчиликда, расм чизиш, бурчаклар ўлчовини олишда у ягона бўлган. Айтишларича, бир куни у бир йиғинда намуна учун элликта айлана чизган, паргар (циркул) билан текшириб кўришган, фарқ бўлмаган. Бирорта айлана бошқасига нисбатан катта ҳам, кичик ҳам бўлмаган.

Устод Шайх Аҳмад – Бобо ҳожининг иниси. Мавлоно Жунайд, устод Ҳисомиддин – қилич ясовчилар бўлишган, Мавлоно Вали – ҳаммалари моҳир усталар бўлишган, бир-биридан ҳеч қолишмаган.

Мулло Юсуф – Беҳзоднинг шогирди, қўли чаққон бўлган, бошқалар бир ойда бажарган ишни ўн кунда бажарган, бироқ нафисликда унинг чизган суратлари бошқаларники билан беллаша олмайди. Китобларни зарҳаллашда у расм чизишга нисбатан моҳирроқ.

Мавлоно Дарвеш Муҳаммад – мен фақир банданинг устози, Шоҳ Музаффарнинг шогирди. Ишларининг нафислиги билан унга тенг келадигани йўқ. Бу соҳада ҳатто Шоҳ Музаффардан ҳам ўзиб кетган, аммо унда у даражадаги мутаносиблик, маҳорат ва гўзаллик йўқ. Жанг-жадал саҳналари тасвири унда пишиқ-пухта эмас. У найзаси учида шерни тутиб турган отлични шундай кичкина қилиб чизганки, шунинг ҳаммасини битта гуруч билан бекитиб қўйса бўлади.

Тасвирий санъат намояндалари кўп, аммо бу ерда шу гуруҳнинг устозлари ва мумтозларини тилга олдик, холос.

Музаҳҳиблар - китобга нақш солувчилар ва зарҳал берувчилар. Мулло Ёрий – зарҳалчи уста, аммо хати зарҳалидан кўра яхшироқ. У Мулло Валининг шогирди, аммо ундан илгарилаб кетди. Мавлоно Маҳмуд Ёрийга нисбатан яхшироқ зарҳал берар, бу ишни у маҳорат билан бажарарди. У Султон Хусайн учун китобининг дебочаси – зарварағини безатишни бошлади-ю аммо бу иш тугамай қолди. Бу асар устида етти йил ишлади, шу даражада моҳирлик билан бажардики, яримта нўхат ҳажмича келадиган румий ҳалқаларнинг улашган жойларига олтин рангидаги янги ой шакллари кўйиб чиқди, улар ислимий услубдаги элликта варақ эди, буларнинг барчасини у шустмон бўёғида бажарди. Ўша даврда музаҳҳиблар кўп эди, аммо тилга олинган мана шу икки киши энг моҳирлари эди.

Фазл ва ҳунар аҳллларини Хуросон бўйлаб аниқлаш, топиш ва ишга жалб этиб тарбиялашда Мир Алишернинг саъй-ҳаракатлари мислсиздир.

Ашулчилар ҳақида. Ҳофиз Басир. Унгача бунақа машҳур қўшиқчи бўлмаган, бу фикрга ҳамма қўшилади. Айтишларича, бир куни баҳор фаслида у боғда қўшиқ айтганда, булбулу қумрилар, каптар, саъва ва бошқа ҳар хил қўшлар ром бўлиб унинг атрофига йиғилиб, бошига ва кифтига қўниб олишган экан. Ҳофиз Ҳасан Али – унинг шогирди, овози баланд эди, у шаклан мураккаб ҳамда чуқур мазмунли ашулаларни беҳад майин куйларди.

Ҳофиз Жомий – яхши оҳангда, паст овозда, Ҳофиз Алига нисбатан жўнроқ куйларди.

Хожа Абдуллоҳ Марворид – табаррук наслига кўра у «Тазкираи маволи» («Буюк олимлар тазкираси»)да тилга олинган; шеърларига кўра Ҳилолий, Аҳлий билан бир қаторда турса, таълиқ хати бўйича Мир Ҳаё ва Мулло Дарвешдан олдинда туради, насхтаълиқ бўйича эса Султон Муҳаммад Нурдан кейин туради – ушбу санъат турларида у беҳад моҳир бўлмаса-да, аммо қонун чалишда тенгсиз эди. У кичикроқ сурнайни ихтиро қилганди. Илгари бошқа мусиқа асбоблари бўлганда қонунга унчалик эътибор қилишмаган, негаки қонун у қадар хушоҳанг соз бўлмаган. Хожа Абдуллоҳ шу даражада қайта созладикки, Хожа Абдуллоҳнинг қонунини чалишганда, одамлар бошқа мусиқа асбобларини хоҳламай қолишди. Бу санъат турида у моҳир бўлганлиги боис фазилатлари ичида бу асосийси эди, демак шубҳасиз, у шу гуруҳ ичида биринчиси эди. Устод Саид Аҳмад Ғижжакий ва Мазҳари Удий – ғижжак ва уд чалишнинг мислсиз усталари эди. Аммо Устод Қулмуҳаммад ўша мусиқа асбобларининг ҳар бирини чалишда икковидан ҳам ўзиб кетди. Унинг жозибали мусиқий пешравлари бор.

Устод Ҳайдаршоҳ Балабоний – ўз касбида тенгсиздир, балабон (арфа) чалишда унга тенг келадиган киши бўлмаган.

Яна бири – Устод Шайх Нойи – ҳамма мусиқа асбобларини ҳамма устозлардан ҳам яхшироқ чаларди, аммо най чалиш асосий машғулотни бўлганлигидан у шу соҳада шуҳрат қозонди.



Ўша даврдаги илм, санъат, хунар аҳли орасида буюклари, мислсиз вакиллари кўп эди, аммо ҳаммаси ҳақида ҳикоя қилиш қийин. Ўша пайтда Хуросонда етишиб чиққан, илм-фан, санъат намояндаларининг барчаси Мир Алишер Навоий ғамхўрлиги ва тарбияси туфайли камолотга эришганлар. Ҳикоянинг хотимасига қайтиш.

Бу муқаддимадан мақсад ва ушбу ёзувлардан ният – отам (Аллоҳ унинг юзини ёритсин) Хуросонга борган пайтда умуман Хуросоннинг буюклиги, ободонлиги ва гўзаллиги, хусусан Ҳирот ва аҳолисининг шухрати шу даражада эдики, булар ҳақида қисқача тўхталиб ўтдик, шуларни таъкидлашдир. Султон Ҳусайн мирзонинг илгари улўғ, қудратли оталарига тобе бўлишни истамай оқ ва осий бўлган ўғиллари, бу пайтга келиб, тавба қилишиб, унинг пойини ўпишга муяссар бўлиб, ҳар бирлари Султон Ҳусайн мирзо тахтиравонини итоат елкаларига қўйиб, эҳтиром қўли билан кўтаришди ва улар ўртасида батамом иттифоқлик юзага келди.

Отам Ҳиротга етиб келганда, истиқболига одамлар чиқиб, уни иззат-икром билан кутиб олишди, муносиб ердан жой бериб, барча зарур нарсаларни муҳайё қилишди. Шоҳрух мирзонинг амирларидан бўлмиш Муҳаммад Бурундуқ барлос бор эди. Ўша пайтда мўғул ва чиғатой улусида машҳурлиги, ёши, унвони, аслзодалиги, фикрлаш тарзи, зийраклиги, эгаллаган мансаби жиҳатидан ундан обрўлироқ киши йўқ эди. Ана шу амир Муҳаммад Бурундуқ барлос тўра таомилига кўра отамга илтифот ва тақаллуфлар кўрсатиб, Султон Ҳусайн мирзо қошига олиб кирди. Отам ҳам унга кутганидек жавоб қилди. Султон Ҳусайн мирзо ҳам отамга эътибор кўрсатди. Унга ўз ўғилларидан, ҳатто энг ҳурматли, энг азиз тўнғич ўғли Бадиуззамондан ҳам ортиқроқ эътибор қилиб, улардан юқорига ўтқазди. Отам жаннатни эслатувчи бу шаҳарда иззат-икром қуршовида роҳат-фароғатда яшади. Султон Ҳусайн мирзо гўё отамни шу ерда қолишини хоҳлаб, уни невараларидан бирига унаштириб қўйди. Султон Ҳусайн қариб, ёши бир жойга бориб қолган, фалаж ва бўғимлар оғриғидан азоб чекар, унинг ўғилларида отасининг ўрнини эгаллаб, Шоҳибекхонга қарши кураша оладиган журъат етишмасди. Отамнинг бу ерда қолиш режаси бўлмаса-да, Мирзо таклиф қилган никоҳга рози бўлди.

Бу орада, юқорида эслатилганидек, Мўғулистондан Самарқандга Шоҳибекхон ҳузурига илтимос билан Шоҳбегим келди. Шоҳибекхон Султон Ҳусайн мирзога тобе Хоразмни эгаллаш учун қўшин тортишга қатъий қарор қилди. Шоҳибекхоннинг ишораси билан отам Хуросонга қочиб келди. Султон Саидхон – Мўғулистонга қочиб кетди, Шоҳибекхон қолган кўпчилик мўғул улуғларини абадиятга жўнатди. Баъзиларини қоронғу зиндонга ташлади, баъзиларини қишанлади, Шоҳбегимни Мовароуннаҳрдан Хуросонга сургун қилди. Қолган мўғулларни ўзи билан бирга Хоразмга олиб кетди.

Юнусхоннинг фарзандлари саноғи ҳақида гапирилганда, тўнғич фарзанди Меҳр Нигор хоним эканлигини, уни Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад мирзога никоҳлаб берилганини айтиб ўтган эдик. Шоҳибекхон Султон Али мирзони тутиб ўлдириб, Самарқандни қўлга олгач, ўша ғалабага эришган кунларда Меҳр Нигор хонимни ўз никоҳига олган эди. У охири марта Самарқандга ҳужум қилганда Бобур Подшоҳ билан сулҳ тузишди, у Хонзода бегимни ўзига талаб қилади. Бобур Подшоҳ ўз ҳаёти эвазига опаси Хонзода бегимни Шоҳибекхонга бериб, соғ-саломат чиқиб кетди, бу ҳақда юқорида ёзган эдик. Меҳр Нигор хоним Хонзода бегимнинг холаси бўлганлиги учун бир вақтда иккови билан яшаш ноқулай бўлганлигидан Шоҳибекхон Меҳр Нигор хонимни талоқ қилиб, Хонзода бегимни никоҳига олди. Шоҳбегимни Хуросонга жўнатишаётганда Меҳр Нигор хоним Самарқандда эди, у ҳам ўғай онаси ёнига йўлдош бўлиб қўшилди. Отам Шаҳрисабздан қочганда бир холаси бошқа оила аъзолари билан Шаҳрисабзда қолган эди. У укам Муҳаммад Шоҳни ўзи билан олиб, Шоҳбегим ва Меҳр Нигор хоним ҳамроҳлигида Хуросонга келди. Отам буларнинг келишларидан олдин муборак Ҳижоз (муқаддас ҳаж) сафарини кўнглига тугиб ўтирган эди, аммо булар келишгач, бағрикенглик қондасига мувофиқ, уларни мусофир юртда ёлғиз ташлаб кетолмади. Уларни Кобулга олиб боришга қарор қилади, чунки Кобулда Бобур Подшоҳ бор эди, бу ҳақда тўхталиб ўтдик. Шоҳбегим Бобур Подшоҳнинг онасига ўғай она эди. Холаси Меҳр Нигор хоним эди. Шу ният билан отам Султон Ҳусайн мирзодан рухсат олиб, Кобулга жўнади. Кобулга етиб бормасимиздан бир неча кун олдин Бобур Подшоҳнинг онаси Қўтлуғ Нигор хоним вафот этган эди.

Бобур Подшоҳ буларни мотам либосида кутиб олди. Буларга иззат-икром, катта ҳурмат-эътибор кўрсатди, иложи борича хотиржамлигини сақлашга ҳаракат қилди. Анча муддат уларнинг ҳаётлари тинчлик, осойишталикда кечди. Орадан кўп вақт ўтмасдан Султон Ҳусайн мирзо оламдан ўтди, деган хабар келди. Хуросондаги вазият мана бундай эди: Бадиуззамон мирзо тўра таомилига кўра отасининг тахтига ўтириши керак эди. Султон Ҳусайн мирзонинг суюкли хотини Хадича бегим фитна-фасодчиларнинг сардафари бўлиб, ўғли Музаффар мирзонинг салтанат ишида Бадиуззамон мирзога шерик бўлиши учун ҳаракат қилди. Гарчи ўша пайтда доно одамлар ҳам мавжуд бўлишса-да, улар Қуръони каримнинг: «Ягона Аллоҳдан ташқари яна Худолар бўлганда эди, улар сўзсиз ҳалок бўлишарди» (21.22) ояти мазмунини унутиб, Хадича бегим фикрига рози бўлишди, шубҳасиз, бу билан иш ўнганмади.

Бу пайтда Жаҳонгир мирзо Ғазнида эди. Ўз вилоятининг танглигидан Хуросонга жўнади ва Бобур Подшоҳга хат ёзди: «Шу кунларда Султон Ҳусайн мирзо дорулфанодан дорулбақога риҳлат қилди. Ўйлашимча, шундай пайтда Султон Ҳусайн мирзонинг ўғилларига ёрдам бериш учун улар билан

бирлашмоқ керак, эҳтимол, ўшанда барча ишлар изга тушган бўларди». Ушбу мактуб Бобур Подшоҳ қўлига етиб боргач, у ўша заҳотиёқ йўлга тушишга қарор қилди, ўйладики, агар у Жаҳонгир мирзога йўлдаёқ етиб олса, уни орқага қайтаради, борди-ю, етолмаса, укасининг изидан Хуросонга йўл олади. Жаҳонгир мирзо кўнглида туғилган фикр ҳақиқатга яқиндир. Бобур Подшоҳнинг жўнаши аниқ бўлгач, у отамнинг уйига келиб, Кобулдаги ҳукумат ишларига бош-қош бўлиб, оиласига ҳам қараб туришини илтимос қилди. Лекин отам бунга рози бўлмади, узр сўраб: «Мен ҳажга боришга аҳд қилган эдим. Агар бу ишни бўйнимга олсам, ўша аҳдим бузилади. Амирлар орасида мўътабар зотлар кўп. Бу ишни ўшалар ўз бўйинларига олишса бўлади. Агар менга бирор иш юклашса, ҳеч бир бўйин товламай имконим борича бажаришга ҳаракат қиламан», деди.

Бобур Подшоҳ Низомиддин Али Халифани, Мавлоно Бобои Пашоғарийни, амир Аҳмад Қосим кўхбурни ва бир неча бошқа етакчи мулозимларини чақириб: «Мен сизларга ишониб кетяпман, мана амирлар барча ишларни бажаришади», деди-да, шунга ўхшаш бир қанча бошқа топшириқларни бериб, Хуросонга кетди.